

# Жаҳон АДАБИЁТИ

Адабий-бадиий, ижтимоий-публицистик журнал

Alisher Navoiy Anna Axmatova Jeyms Joys  
Xose Ortega-i-Gasset Janni Rodari Jonatan Swift Jorj Bayron  
Fransua Rable Edgar Allan Po Ryunoske Akutagava Frans  
Tomas Eliot Vilyam Shekspir Kafka  
Martti Larni Artur Rembo Gi de Mopassan  
Ivan Bunin Aflotun Dante Aligeri Chan Chhol  
Roa Bastos Mario Vargas Losa Isay Kalashnikov  
Anton Chexov Taduesh Dolenga Mostovich  
Andreys Pumpurs Fridrix Nitshe Fyodor Dostoyevskiy  
Viktor Gyugo Ivo Andrich Ann Filip Marsel Prust Mo Yan  
Aleksandr Veselovskiy Andres Mata Abdulla Qodiriy  
Roxelio Sinan Hermann Hesse Oktavio Pas  
Moris Meterlink Migel Otero Silva Arastu  
Onora de Balzak Tomas Mann G'afur G'ulom Gabriela Mistral  
Ernest Heminguey Zahiriddin Muhammad Bobur  
Tetsuo Miura Erkin Vohidov Aleksandr Pushkin  
Boris Pasternak Premchand Uolter de la Mer Toni Morrison  
Migel de Servantes Emil Zolya  
Muxtor Avezov Abdulla Oripov Iohann Gyote  
Mark Toutant Yan Parandovskiy Nelli Zaks Bernard Shou  
Chingiz Aytmatov Oskar Uayld Li Munyol Xose  
Semben Usmon Homer Jaloliddin Rumiy Marti  
Grem Grin Emili Dikinson Oybek Lev Tolstoy  
Avetik Herta Myuller Jan-Mari Leklezio Gabriel Garsia Markes  
Isaakyan Sharlotta Bronte Grant Motevosyan Lesya Ukrainka  
Rabindranat Tagor Sofokl Aka-uka Grimmlar

## Жамоатчилик кенгаши:

Муҳаммад АЛИ  
Наим КАРИМОВ  
Иброҳим ҒАҒУРОВ  
Низом КОМИЛОВ  
Шуҳрат СИРОЖИДДИНОВ  
Абдухалил МАВРУЛОВ  
Муҳаммадҷон ХОЛБЕКОВ  
Хуршид ДҶУСТМУҲАММАД  
Абдураҳим МАННОНОВ  
Муҳаммадҷон ҚУРОНОВ  
Муҳаббат ТҶЛАХҶАЕВА  
Баҳодир КАРИМОВ  
Муҳиддин ОМОН

## МУАССИСЛАР: РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ КЕНГАШИ

ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТ  
ВА АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР  
УЮШМАСИ

## Бош муҳаррир Шуҳрат РИЗАЕВ

Таҳрир ҳайъати:  
Жалолiddин САҒОЕВ  
Амир ФАЙЗУЛЛА  
Назира ЖҶРАЕВА  
Отабек САҒАРОВ  
Дилдорхон АЛИЕВА  
Алимурод ТОЖИЕВ  
Алишер ОТАБОЕВ  
Жамила АСҚАРОВА  
Даврон РАЖАБОВ  
Шаҳноза НАЗАРОВА  
Шоҳрух АБДУРАСУЛОВ

## МУНДАРИЖА

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҚАРОРИ

- 3** Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи худудида Адиблар хиёбонини барпо этиш тўғрисида.

### “ЖАҲОН АДАБИЁТИ” ЖУРНАЛИ 20 ЁШДА

- 5** Қўшалок янгиликлар.

### НАВОИЙ САБОҚЛАРИ

- 9** Алишер НАВОИЙ. Тун оқшом бўлди-ю... (Рус ва инглиз тилларига Т.Боровкова, А.Обид тарж.)

### ЖАҲОН АДАБИЁТИ ДУРДОНАЛАРИ

- 13** В.ГЮГО. Париж Биби Марям ибодатхонаси. (Рус тилидан Б.Зокир тарж.)

### НАСР

- 73** И.КАЛАШНИКОВ. Қаттол аср. Тарихий роман. (Рус тилидан М.Йўлдошев тарж.)

- 137** Т.ИНОУЭ. Самимий истак. (Рус тилидан Д.Алиева тарж.)

### ШЕЪРИЯТ МИНТАҚАЛАРИ

- 66** И.ГЁТЕ. “Охирги ижод” туркуми. (Рус тилидан С.Оллоёр тарж.)  
**151** Р.АЛЬБЕРТИ. Шеърий тавсиялар. (Рус тилидан Я.Тога тарж.)  
**159** Е.ЕВТУШЕНКО. Шеърлар. (Рус тилидан Н.Жонузоқ тарж.)  
**165** Т.СНЕЖИНА. Олис-олисларга қарар икки кўз. (Рус тилидан Х.Рустамова тарж.)

### ЭССЕ

- 113** И.ФАФУРОВ. Ҳажр вақти.  
**157** Қ.НОРҚОБИЛ. У Ер шарини кўтариб яшади.  
**170** А.МЕЛИБОЕВ. Чеховни англаш.

### ЖАРАЁН

- 122** Ҳ.КОМАТЦУ: “Ўзбек тилини мустақил ўргандим”. (Сухбатдош – Б.Каримов)  
**125** Ҳ.КОМАТЦУ. Уч жадидчи ва ўзгарган дунё. (Турк тилидан Б.Нурмуҳаммад тарж.)

### АДАБИЁТШУНОСЛИК. ФАЛСАФА

- 182** Р.ҲАМЗАТОВ: “Биз ҳақиқатдан юз бурмаслигимиз керак”. (Рус тилидан А.Мўмин тарж.)

### ЖАҲОН МАДАНИЯТИ ВА САНЪАТИ

- 188** А.ТАРКОВСКИЙ: “Соғлом тафаккурга ишонамиз” (Рус тилидан Ш.Абдурашулов тарж.)  
**195** М.АҲМАДЖОНОВА. “Мария Стюарт” – мозийдан сўзловчи фожиа.

- 201** Муковамизда.  
**203** Таквим.  
**206** Журналнинг русча ва инглизча мухтасар мазмуни.

---

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

## АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ БОҒИ ХУДУДИДА АДИБЛАР ХИЁБОНИНИ БАРПО ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи мустақиллик йилларида халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти билан тобора чирой очиб бормоқда.

Қайд этиш лозимки, 1991 йили Миллий боғ худудида буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоийнинг муаззам ҳайкали барпо этилиб, ўтган давр мобайнида улуғ аждодимиз тараннум этган юксак гуманистик ғояларга ҳамоҳанг равишда, аниқ меъморий режа асосида кенг кўламли қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди.

Ушбу худудда 2007 йили Ўзбекистон халқ ёзувчиси Абдулла Қаҳҳор, 2010 йили Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ойбек, 2013 йили Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмад ва таниқли шоира Саида Зуннунова хотираларига бағишлаб ёдгорлик мажмуалари ўрнатилди.

Миллий боғни халқимиз, авваламбор, ёшларимизнинг маданий-маърифий савиясини юксалтиришга хизмат қиладиган, нафақат юртимиз, балки жаҳоннинг турли мамлакатларидан меҳмонлар ва сайёҳлар ташриф буюрадиган ҳар томонлама гўзал ва бетакрор масканга айлантириш, маънавий ҳаётимизда ўчмас из қолдирган атоқли сўз санъаткорларининг тарихий хотирасини абадийлаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Бадиий академияси, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Фанлар академияси, Республика Маънавият тарғибот маркази, “Нуроний” жамғармаси, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва кенг жамоатчилик вакилларининг Ўзбекистон Миллий боғи худудида Адиблар хиёбонини барпо этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Ўзбекистон Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Молия вазирлиги, Маданият вазирлиги, Ўзбекистон Бадиий академияси, Ёзувчилар уюшмаси билан биргаликда бир ой муддатда Ўзбекистон Миллий боғи худудида боғнинг умумий кўриниши ва Алишер Навоий ҳайкали билан уйғун равишда Адиблар хиёбонининг яхлит меъморий ансамбль шаклидаги лойиҳасини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун киритсин.

3. Адиблар хиёбонининг меъморий лойиҳасини ишлаб чиқишда ушбу манзилда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси учун замонавий янги бино қуриш назарда тутилсин.



4. Мазкур худудда жойлашган Ўзбекистон маданияти ва санъати кўрғазмаси биноти Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси тасарруфига ўтказилсин ва бу ерда доимий равишда китоблар кўрғазмалари ва тақдимотлари, турли адабий-маърифий тадбирлар ўтказиладиган адабий марказ ташкил этилсин.

5. Ўзбекистон Бадий академияси тегишли ташкилот ва идоралар билан биргаликда миллий адабиётимизнинг улкан намояндalари:

Ўзбекистон Қаҳрамони, атоқли олим ва жамоат арбоби Озод Шарафиддинов;

Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов;

Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов;

Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф хотирасига бағишланган ёдгорлик мажмуаларини барпо этиш бўйича бир ой муддатда ижодий танлов эълон қилсин ва уни белгиланган тартибда ўтказсин.

6. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Маданият вазирлиги, Ўзбекистон Бадий академияси, Республика Маънавият тарғибот маркази:

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг пойтахтимиздаги Мирзо Улуғбек туманида жойлашган Ҳамид Олимжон ҳайкалини;

Ғафур Ғулom номидаги маданият ва истироҳат боғида ўрнатилган Ўзбекистон халқ шоири Ғафур Ғулom ҳайкалини;

Ўзбекистон давлат санъат музейи ёнидаги хиёбонда ўрнатилган Ўзбекистон халқ шоири Зулфия ҳайкалини Адиблар хиёбонига кўчириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

7. Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси Адиблар хиёбонининг яхлит меъморий ансамблини барпо этиш бўйича, Ўзбекистон Бадий академияси мазкур қарорнинг 5-бандида кўрсатилган адибларнинг ҳайкалларини яратиш бўйича буюртмачи этиб, шунингдек, “ТошкентбошпланЛИТИ” ДУК лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун бош лойиҳачи этиб белгилансин.

8. Ўзбекистон Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси лойиҳа-смета ҳужжатларини белгиланган тартибда давлат экспертизасидан ўтказсин ва бажарилаётган қурилиш-монтаж ишлари юзасидан давлат архитектура-қурилиш назоратини амалга оширсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда тасдиқланган лойиҳа ҳамда ушбу қарорнинг 5-бандида кўрсатилган ижодий танлов натижалари асосида Адиблар хиёбонининг яхлит меъморий ансамблини барпо этиш билан боғлиқ ташкилий масалаларни, шунингдек, молиялаштириш манбаларини белгилаган ҳолда қарор қабул қилсин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2017 йил 18 апрель,  
ПҚ-2894-сон

## ҚЎШАЛОҚ ЯНГИЛИКЛАР

Жорий йил бошқа соҳаларда бўлгани сингари адабиёт, маърифат жабҳасида ҳам бир қатор янгиликлар, ўзгаришлар юз бермоқда. Даставвал Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 12 январдаги “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида”ги фармойишини алоҳида таъкидлаш жоиз. Зеро, бугунги кунда маърифат зиёсининг, содда қилиб айтганда, ўқимишлиликка бўлган эҳтиёж жудаям ортди. Кўраётганимиз, эшитаётганимиз жуда кўп дилхираликлар аслида маърифатсизликдан сув ичади, десак ҳақиқатга хилоф бўлмайди. Президентимизнинг юқорида зикр этилган фармойиши китобхонликни кенг тарғиб этиш, сифатли ва юксак савиядаги асарлар нашрини кенгайтириш, китоб савдосини қўллаб-қувватлаш, кутубхоналар фондини бойитиш ва фаолиятини кучайтиришга қаратилганлиги билан катта аҳамият касб этади. Шубҳасиз, ушбу ҳужжат ва унинг ижроси мамлакатимизда маърифий соҳадаги ислохотларни янги босқичга кўтаради.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев жорий йилнинг 3 февраль куни Тошкент шаҳри бўйлаб қилган сафари давомида Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида бир гуруҳ адиблар билан учрашган эди. Ўша учрашувда давлатимиз раҳбари боғни янада обод қилиш, ёшларни китобга ошно қилиш, машҳур адиблар ҳаёти ва ижоди билан яқиндан таништириш чораларини кўриш бобида зарур кўрсатмалар берди. Ана шу саъй-ҳаракатларнинг мантиқий давоми ўлароқ 18 апрель куни Президентимизнинг “Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи ҳудудида Адиблар хиёбонини барпо этиш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Унда Миллий боғ ҳудудида Адиблар хиёбонини ташкил этиш, Ёзувчилар уюшмаси учун янги бино қуриш, адабий марказ ташкил этиш каби вазифалар белгиланган. Ушбу қарор адабиётга эътибор ўлароқ бизни бир қувонтирган бўлса, унда журналимизнинг биринчи бош муҳаррири Озод Шарафиддинов номи ҳам эъзозланган ижодкорларимиз қаторида тургани боз хушнуд этди. Зеро, Ўзбекистон Қаҳрамони, атоқли олим ва жамоат арбоби Озод Шарафиддинов миллий маънавиятимиз, адабиётимиз, хусусан, таржима ва танқидчилигимиз ривожига салмоқли ҳисса қўшди.

Дарвоқе, 2017 йил журналимиз тарихидаги алоҳида сана сифатида ҳам биз учун қадрлидир. Боиси йигирма йил аввал, аниқроғи, 1997 йил 27 февралда биринчи Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан “Жаҳон адабиёти” журнали ташкил этилган эди. Дунёнинг барча давлатида ҳам учрайвермайдиган бу янгилик зиёлиларимизнинг кўнглини осмон қадар кўтаргани ҳеч кимга сир эмас. Айни пайтда ҳар қандай иш изчил давом эттирилсагина, мева беради. Озод Шарафиддинов жасора-





ти ва жонкуярлиги, таниқли таржимонлар, адиблар, мунаққидлар қўллаб-қувватлови натижасида “Жаҳон адабиёти” журнали нуфузли нашрга айланди. Бугун журналнинг йигирма йиллик хирмонига баҳо берсангиз, унинг мазмун-моҳияти бўлик, шаклу шамойили турфа эканлигига амин бўласиз. Журнал мамлакатимиз маънавий ва адабий ҳаётидан муносиб жой олди.

1997–2016 йиллар мобайнида журналнинг 235 та сони нашр этилди. Уларда 100 дан ортиқ роман, 200 дан зиёд қисса, 1000 дан ортиқ ҳикоя ва новелла, 500 га яқин фалсафий-публицистик, илмий-назарий мақола эълон қилинди.


Қувонарлиси шундаки, “Жаҳон адабиёти” журнали бугун ҳам давлатимизнинг юксак эътиборида. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 7 мартда Бош вазир Абдулла Арипов раислигида бўлиб ўтган йиғилишида “Жаҳон адабиёти” журналининг йигирма йиллигини муносиб нишонлашга тайёргарлик кўриш ва ўтказишга қаратилган бир қатор вазифалар, жумладан, таҳририят аъзолари, таниқли ижодкорлар, таржимон ва мунаққидлар иштирокида талаба-ёшлар ва кенг жамоатчилик билан учрашиш, “Мустақиллик даври маънавияти ривожидида “Жаҳон адабиёти” журналининг ўрни ва аҳамияти” мавзусидаги илмий-амалий конференция ўтказиш, “Жаҳон адабиёти” журнали кутубхонасидан” сериясида 30 жилдли китоблар нашрини бошлаш, “Жаҳон адабиёти” журнали библиографиясини чоп этиш ва бошқа чора-тадбирлар белгиланган.

2017 йил 5 апрель. Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетидида “Жаҳон адабиёти” журнали ижодий жамоаси ва муаллифлари билан учрашув бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққан университет ректори, филология фанлари доктори Шухрат Сирожиддинов, филология фанлари доктори, профессор Умарали Норматов, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Эркин Аъзам ва бошқалар “Жаҳон адабиёти” журналининг ташкил этилиши адабий-маданий ҳаётимизда улкан воқеа бўлганини, ўтган вақт давомида ушбу нашр халқимизни жаҳон адабиётининг энг нодир асарлари билан таништириб келаётганини таъкидладилар. Учрашувда таҳририятнинг келгусидаги режалари билан танишган таниқли ижодкорлар, таржимон ва мунаққидлар журнални янада такомиллаштириш юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.



Тошкент давлат шарқшунослик институтидида жорий йилнинг 7 апрель кунини бўлган учрашув ҳам мазмунли ўтди. Институт ректори, профессор Абдурахим Маннонов бошқарган адабий тадбирда “Жаҳон адабиёти” журналининг

маънавий ҳаётимиздаги ўрни яна бир карра юксак эътироф этилди. Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййид, филология фанлари доктори Наим Каримов, филология фанлари номзоди, таржимон Ортиқбой Абдуллаев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, таржимон Амир Файзуллаев, филология фанлари номзодлари Эргаш Очиллов, Адҳам Алимбеков ва бошқалар сўзга чиқиб, мамлакатимизда маънавиятга, китобхонликка алоҳида эътибор қаратилаётган бугунги кунда журналда эълон қилинаётган бадий баркамол асарлар аҳамияти янада ортишини қайд этди.



Журнал таҳририяти аъзолари ва муаллифларининг Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети талабалари, профессор-ўқитувчилари билан учрашуви ҳам мазмунли маърузаларга, қизгин савол-жавобларга бой бўлди. Жорий йилнинг 13 апрель куни бўлиб ўтган ушбу адабий анжуманда таниқли таржимон ва мунаққид Иброҳим Ғафуров, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети профессори, сиёсий фанлар доктори Нарзулла Жўраев, ёзувчи, филология фанлари доктори Хуршид Дўстмуҳаммад, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Тоҳир Қаҳҳор, филология фанлари номзоди, профессор Шавкат Каримов, ёзувчи ва таржимон Олим Отахонов ва бошқалар иштирок этди. Учрашувда университет талабаларининг аслиятдан амалга ошираётган таржимонлик фаолиятини янада кучайтириш зарур эканлиги, хусусан, бадий асарларни ўзбек тилига ўгиришда устоз таржимонлардан сабоқ олиш лозимлиги алоҳида таъкидланди.

2017 йил 17 апрель куни “Жаҳон адабиёти” журнали ташкил этилганлигининг 20 йиллигига бағишланган навбатдаги адабий анжуман Олий ҳарбий божхона институтида бўлиб ўтди. Олий ҳарбий божхона институти бошлиғи, полковник Соҳибжон Абдухалилов, филология фанлари номзоди, ички ишлар идоралари фахрийси Тўлқин Сайдалиев, филология фанлари доктори Ҳамидулла Болтабоев, шоир ва таржимонлар Турсун Али, Рустам Мусурмон, журнал таҳририяти ходимлари, институт курсантлари иштирок этган тадбирда “Жаҳон адабиёти” журналида ўқувчининг ватанпарварлик руҳини кучайтиришга хизмат қилувчи асарлар ҳам эълон қилинаётгани таъкидланди.



“Жаҳон адабиёти” журналининг 20 йиллиги билан боғлиқ ижодий учрашувлар шу йилнинг 20–22 апрель кунлари Қорақалпоғистон Республикаси Эллиқалъа туманида, Хоразм вилоятининг Урганч, Хива шаҳарларида бўлиб ўтди. Учрашувларда сўзга чиққан Эллиқалъа тумани ҳокими Неъматилла Худойбергенов, Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси,

Қорақалпоғистон Республикаси Ёзувчилар уюшмаси раиси Кенесбой Каримов, Қорақалпоғистон Республикаси “Нуроний” жамғармасининг раиси, ёзувчи Шароф Уснаддинов, Қорақалпоғистон Республикаси Маънавият тарғибот марказининг раҳбари, шоир Шарафиддин Аяпов



икки қардош халқнинг нафақат тили, балки қалблари ҳам бир-бирига ҳамоҳанг эканини эътироф этишди. Шунингдек, Хоразм вилоятида бўлиб ўтган адабий анжуманларда вилоят ҳокими Пўлат Бобожонов, вилоят Халқ қабулхонаси раҳбари Илгизар Собиров ва бошқалар иштирок этди. Ижодий мулоқотлар давомида аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида китобхонлик маданиятини юксалтиришнинг долзарб масалалари иштирокчилар диққат марказида бўлди. Хоразм

Маъмун академиясида бўлиб ўтган учрашувларда устоз таржимон, таниқли олим Иброҳим Ғафуров, таниқли адиб Хуршид Дўстмуҳаммад, Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир, филология фанлари доктори Баҳодир Карим, адиб ва драматург Қўчқор Норқобил, ёзувчи Шухрат Маткаримов сўзга чиқиб, “Жаҳон адабиёти” журналининг халқимиз маънавий ҳаётидаги ўрнини янада кучайтириш юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдиришди.



“Жаҳон адабиёти” журналининг 20 йиллиги тантаналари давом этмоқда.

*Таҳририятдан*



# NAVOIY SABOQLARI



*Алишер НАВОИЙ*

(1441–1501)

## ТУН ОҚШОМ БЎЛДИ-Ю...

*Тун оқшом бўлди-ю келмас менинг шамъи шабистоним,  
Бу андуҳ ўтидин ҳар дам куяр парвонадек жоним.*

*Не гам кўргузса кўксум порасин чоки гирибоним,  
Кўрунмас бўлса кўксум ёрасидин доғи пинҳоним.*

*Ғамидин дурри макнундек, сиришким оқти Жайхундек,  
Музайян қилди гардундек жаҳонни ашки ғалтоним.*

*Фалак ҳам тўлди кавкабдин, қуёш ҳам тушти ашҳабдин,  
Келиб тушмас бу маркабдин менинг хуришиди рахшоним.*

*Жаҳонни зулмат этти чаҳ, бу зулмат ичра ўлгум, ваҳ,  
Манга бўлсанг не Хизри раҳ, етиб, эй оби ҳайвоним.*

*Дема кўктин қуёш кетмиш, фалакка тийралик етмиш,  
Ул ой ҳажрида тор этмиш фалакни дуди афғоним.*

*Навоий киби ҳижрондин, бу оқшом ўлдум афғондин,  
Ғамим йўқ буйла юз жондин, етиб гар келса жононим.*

*“Ғаройиб ус сизар”, 403-газал*

### ЛУҒАТ

**Чоки гирибон** – ёқанинг чоки

**Дурри макнун** – яширин гавҳар

**Сиришк** – кўз ёши

**Музайян** – безатилган

**Ашки ғалтон** – дона-дона кўз ёши

**Кавкаб** – юлдуз

**Ашҳаб** – қулранг от



**Маркаб** – от, улов  
**Оби ҳайвон** – тириклик суви  
**Тийралик** – қоронғилик  
**Дуд** – тутун

## Ғазалнинг насрий баёни

*Дилнавоз ЮСУПОВА шарҳи*

1. Оқшом бўлди, лекин менинг шамъи шабистоним – тунни ёритувчи шамим келмади. Бу ғамнинг оташидан жоним ҳар нафасда парвона каби куяди.

2. Агар кўксимнинг ярасидан яширин ғамим кўринмаса, не ғам?! Чунки кўксимнинг пора бўлганлигини либосим ёқасидаги чок кўрсатиб турибди.

3. Ёримнинг ғамидан яширин дурдек кўз ёшим Жайхун дарёси каби оқди, бу кўз ёшимнинг дона-дона томчилари жаҳонни худди юлдузли осмондек беади.

4. Осмон юлдузлар билан тўлди, куёш ҳам ўз отидан тушди, яъни ботди, лекин менинг куёшим, яъни ёрим Рахш отидан тушиб, ҳузуримга келмайдими?

5. Зулмат жаҳонни қудуққа айлантирди, энди бу зулмат ичида ўлмоғим тайиндир. Эй менинг оби ҳайвон (тириклик суви)дек ёрим, қанийди етиб келиб, Хизр каби йўлбошчи бўлиб, мени қутқарсанг.

6. Осмондан куёш кетиб, атроф қоронғиликка чўмди деб ўйлама. Аслида бу менинг ойдек ёрим ҳажридан чеккан фиғонларим тутундир.

7. Айрилиқ изтироблари ичида Навоий каби бу оқшом фиғон чекиб ўлмоқдаман, лекин менга жон қайғуси бегона (унинг йўлида юзта жонимни ҳам фидо қилишга тайёрман), фақат жононим етиб келса бўлгани.

## Ғазалнинг умумий мазмун-маъноси

Ҳазрат Алишер Навоийнинг ушбу ғазали ишқий мавзуда бўлиб, унда лирик қаҳрамоннинг ёрдан жудолик дамларидаги қайғу ва изтироблари қаламга олинган. Ғазал қофияланиш тизимида кўра кўш матлаъли, яъни ғазали зеби матлаъ ҳисобланади (унда ҳар икки байт ўзаро қофияланганлигини кузатиш мумкин). Шунингдек, ғазалнинг ритмик таъсирчанлигини оширадиган яна бир ҳодиса унинг мусажжаъ (ички қофия) асосида яратилганлигидир. Бу ҳодисага кўра, матлаъдан кейинги байтлар тўрт бўлакка ажратилиб, дастлабки уч бўлак ўзаро мустақил тарзда қофияланади, тўртинчи бўлак эса асосий қофияга оҳангдош бўлади.

Ғазални ўқир эканмиз, унда ошиқнинг ҳижрон дамларида чеккан соғинчу изтироблари табиат ҳодисалари билан уйғун тарзда тасвирланганлигига гувоҳ бўламиз. Ғазал тун – оқшом бошланса ҳам, ёр, яъни ушбу тунни ёритувчи шамъ келмаганлиги, бу қайғу оташидан ошиқнинг жони парвонадай куйиши тасвири билан бошланади. Байт учун танланган тимсоллар шунчаки ошиқнинг руҳий ҳолатини тасвирлаш учунгина хизмат қилмасдан, кучли мантиқ асосига қурилганлиги билан эътиборни торта-

ди. Байт мазмунига кўра, ошиқ ўз ёрини кун давомида кутади, тун кириб оқшом бошланса ҳам, ундан дарак бўлмайди. Ошиқ учун энди тун зулматга айланади, бу зулматни ёритувчи шамъ керак, чунки ошиқ парвона каби унинг атрофида айланмоқчи, лекин бу “шамъ” келгани йўқ. Шунга қарамай, ошиқнинг жони бир нафас ҳам куйишдан тўхтамайди ва бу куйиш ёр келмагани учун вужудга келган ғаму андуҳнинг оташи туфайли содир бўлади. Байтда қўлланилган таносуб (тун, оқшом, шабистон, шамъ, парвона), тавзеъ (оқшом, шамъ, шабистон) ташбеҳ, муболаға каби санъатлар матлаъдаёқ ғазалнинг таъсирчан чиқишига замин ҳозирлаган.

Кейинги байтлардан тасвир янада кучайиб боради. Ошиқ ўз ёқасининг чоклигини пора-пора бўлган кўкси остидаги яширин ғамининг намойиши сифатида изоҳлар экан, байтда ҳусни таълил (чиройли далиллаш) санъатининг бетакрор намунасига гувоҳ бўламиз. Учинчи байтдан бошлаб, ғазалда мусажжаъ санъати (бу ўринда: макнундек, Жайхундек, гардундек) етакчилик қила бошлайди ва бу санъат билан боғлиқ ритмик оҳангдорлик ғазал охиригача давом этади. Байтда ошиқ ёрининг ғамида шундай кўйга тушадими, кўз ёшлари Жайхун (Сирдарё) бўлиб оқади, кўз ёшидан тушган донадона томчилар жаҳонни худди юлдузли осмондек безайди. Ошиқ ҳолатини табиат ҳодисаларига уйғун тарзда тасвирлаш кейинги байтларда ҳам давом этади: куёш отидан тушиб, ўз маконига кирган, фалак юлдузларга тўлган, лекин лирик қаҳрамоннинг “куёш”идан ҳануз дарак йўқ.

Ҳижрон туфайли жаҳон шундай коронгу зулматга айланадики, энди ошиқ учун ягона чора оби ҳайвон (тириклик суви)дек ёрининг келиб, Хизр каби унга йўлбошчи бўлишидир. Қадимий ривоятларга кўра, ер остида зулмат дунёси бўлиб, унинг тубида оби ҳаёт булоғи (тириклик суви) мавжуд экан. Ушбу булоқдан ичган одам абадий ҳаётга муяссар бўларкан. Хизр ер остига тушиб, ушбу булоқ сувидан ичганлиги учун абадий ҳаётга мушарраф бўлган экан. Навоий бу ўринда ана шу ривоятга ишора қилар экан, ёрини тириклик сувига нисбат бериш орқали Хизр (пири комил) ёрдамида абадий илоҳий файздан баҳраманд бўлмоқликни умид қилади. Шеърда шу тарика навоийёна усталик билан ошиқона ғазал таркибига орифона маъно юкланади.

Ёр висолига илинж ва умидворлик туйғулари мактаъда ҳам давом этади: ошиқ айрилиқ изтироблари ичида бу оқшом фиғон чекиб ўлмоқлик даражасига етди, лекин унга жон қайғуси бегона (унинг йўлида юзга жонини ҳам фидо қилишга тайёр), фақат жонони етиб келса бўлгани. Байтда “жон” ва “жонон” сўзлари воситасида вужудга келтирилган иштиқоқ санъати байтнинг лисоний жозибасини оширган.

Умуман олганда, Алишер Навоийнинг ушбу ғазали юксак бадий маҳорат билан яратилган бўлиб, ундан ҳам дунёвий, ҳам мажозий маъно қатламларига доир фикрларни топиш мумкин.

Ғазалнинг русча таржимаси Татъяна Боровкова томонидан муваффақият билан амалга оширилган. Таржимон ғазалнинг тўлиқ ҳажмини сақлаб қолиб, уни аслият каби байт тарзида рус тилига ўгирган. Дикқатга сазавор томони: баъзи ўринларда шоир ғазал ритминини мос ҳолатда, баъзи ўринларда ички кофияни (масалан, разорван – надорван, колесницы – девицу) сақлаб қолишга ҳаракат қилган, натижада рус китобхонларининг аслиятга хос оҳангни ҳис қилишларига ва шу орқали ғазал жозибаси ва мазмунини муайян тарзда англашларига имкон яратган.



## Ғазалнинг русча таржимаси

Таржимон – Татьяна БОРОВКОВА

*Темная ночь наступила – где же ты, мой огонёк?  
В пламени скорби сгорает жизнь моя, как мотылек.*

*Что ж, что мой ворот разорван? Что ж, что видна моя грудь?  
Я своим горем надорван, стон исторгает злой рок.*

*Слезы, как крупные перлы, бурным Джейхуном текли.  
Мир в мои перлы украшен – слез океан я исторг.*

*Солнце сошло с колесницы, в россыпи звезд небеса,  
Ждал свое солнце-девицу, но не пришла она в срок.*

*Мир превратился в темницу. Гибель мне тьма принесет.  
Хызр бы живящей водою вряд ли спасти меня смог!*

*Нет, то не солнце исчезло! Нет, то не тьма в небесах!–  
Я без нее выси неба в дымные вздохи облек.*

*Если б красавицу видеть! Умер в ту ночь Навои,  
Даже сто жизней имея, он бы себя не сберег!*

## Ғазалнинг инглизча таржимаси

Таржимон – Аъзам ОБИД

*Despite night fell, to light darkness, my sweetheart is out of sight,  
Because of fire of this torment in each breath my heart would ignite.*

*What if my hidden suffering is not seen through my chest hole?  
The seam in my collar reveals my chest is indeed wounded tonight.*

*My eye drops like a margarite are flowing like Jayhun overnight,  
The eye water prettified quite making the universe so bright.*

*To the sky the stars were thrown and the sun was off its throne,  
But my precious one alone from the horse did not alight.*

*Blackness turned the world into well, a dead man, in mirk I can't dwell,  
Come, save me like Hizr, my belle, with living water give delight.*

*Do not say the heaven sunless, empyrean is in dourness,  
This is soot in good sooth, you guess, from my mistress' slight to my plight.*

*In the hands of separation, Navoi died of frustration,  
I need not a hundred salvation, just let her come and I'll be alright.*

**Виктор ГЮГО**

(1802–1885)

**ПАРИЖ БИБИ МАРЯМ  
ИБОДАТХОНАСИ**

Роман<sup>1</sup>

*Рус тилидан  
Баҳодир ЗОКИР  
таржимаси*

ТЎҚҚИЗИНЧИ КИТОБ

**I. Алахсираш**

Клод лўли қизга кўйган ва ўзи унга тушиб қолган машъум тузукни асранди ўғли иккиланмай парчалаб ташлаганда у ибодатхонада йўқ эди. Сал олдинроқ ризахонага<sup>2</sup> кириб, устидаги либосини руҳонийнинг вазоҳатидан ажабланган ёрдамчисига улоқтирди-да, ибодатхонанинг махфий эшиги орқали ташқарига чиқиб кетди. Сенанинг ўнг соҳилида мижоз кутиб турган қайиқчига нариги соҳилга ўтказиб қўйишни буюриб, қаёққа йўл олаётганини англамасдан, ҳар қадамда жодугарни қатл этиш томошасига вақтида етиб бориш учун Сен-Мишель кўприги томон шошаётган эркак ва аёлларга дуч келиб, Университет мавзесининг паст-баланд кўчаларига шўнғиб кетди. Ранги ўчган, эсанкираган, ларзага тушган, бир гала болакайлар таъқибидан қочишга уринаётган тунги куш сингари талмовсираб қолган руҳоний қаерга келиб қолгани, нималар юз бераётгани, воқеалар тушида ёки ўнгида бўлаётганини англашга қодир эмасди. У миёсига ўрнашиб олган ўша даҳшатли Грев майдони ҳақидаги мудҳиш хаёллар оғушида гоҳ қадам ташлаб, гоҳ югуриб, бир кўчага, сўнг бошқасига таваккал бурилиб кетарди.

Шу тариқа, Клод авлиё Женевьева тепалиги ёнидан чопқиллаб ўтди-да, Сен-Виктор дарвозаси орқали шаҳар ташқарисига чиқиб кетди. У Университет деворлари миноралари ҳамда шаҳар атрофидаги уйлар ортда қолгунча тўхтамасдан югурди; кичкина тепалик уни жирканч Париждан тўсганда, ундан юз лье узоқлашиб, дала ва чўлга сингиб кетдим, деган ўй билан у, ниҳоят, тўхтади; энди бу ерда эркин нафас олиши мумкиндек туюлди.

<sup>1</sup> Охири. Бошланиши ўтган сонларда.

<sup>2</sup> Ризахона – руҳонийлар кийинадиган хона.



Ўша онларда бутун вужудини қуршаб олган даҳшатли хаёллардан ларзага тушди. Уни хароб қилган ва унинг ўзи ҳалокат йўлига етаклаган бахтиқаро лўли қизни эслади. Тақдиру азал уларнинг чалкашиб кетган машаққатли ҳаёт йўлини шафқатсизларча тўкнаштириб, бир-бирига уриштириб, яксон этганига хаёлан назар солди. У қасамнинг бемаънилиги, бокиралик, илм, имон-этикод, эзгу ишларнинг бефойдалиги, худонинг кераксизлиги ҳақида ўй сурарди. Ана шундай бемаъни хаёлларга берилган руҳоний кўкрагини иблисона кулги тилка-пора қилаётганини ҳис этди.

У қалбига кулоқ солиб, табиат эҳтирослар учун кенг макон ҳозирлаб қўйганини тушуниб, аччиқ надомат чекди. Хастага холисона назар солаётган шифокор сингари қалбининг туб-тубидаги нафрат ва адоват туйғусини ағдар-тўнтар қилиб ташлаган Клод буларнинг бари инсонга хос жамики эзгуликлар манбаи – муҳаббат белгиси эканини, айнан муҳаббат руҳоний қалбида ўта ваҳшиёна ҳисга эврилишини, унга ўхшаган одам руҳоний мартабасига эришгач, иблисга айланиб қолишини англаб етди.

Архидьякон улкан миноралари зулматга чўмган уйлар томлари устида бўй чўзиб турган ибодатхона томон югуриб кетди.

Ибодатхона дарвозалари аллақачон ёпиб қўйилган бўлса ҳам, архидьякон ҳужраси жойлашган минора эшигининг калитини доимо чўнтагида олиб юрарди. Ибодатхонага кириш учун ундан фойдаланди.

Минора зиналаридан аста-секин кўтарилиб бораётган, юрагини ваҳима босган руҳонийнинг қўлидаги шамдан таралган ёруғлик – кеч бўлишига қарамасдан, бир шинакдан иккинчисига, сўнг қўнғироқхонанинг тепасига кўтарилаётган сирли шуълани кўрган яккам-дуккам йўловчилар кўнглига ҳам ғулғула солган бўлса ажаб эмас.

Шу пайт минора соатларининг баланд бўғиқ овози эшитилди. Тун ярмига етган эди. Руҳоний туш вақтини эслади. Ўшанда ҳам соат ўн иккени кўрсатиб турганди.

– Эй худойим, унинг танаси аллақачон совиб қолган бўлса керак! – дея шивирлади у.

Бирдан эсган шамол шамчирокни ўчириб қўйган онда миноранинг қарама-қарши бурчагида қандайдир соя, оппоқ доғ, шарпа, аёлни кўриб, сесканиб кетди. Аёлнинг ёнида соатлар бонги билан бир вақтда маъраб турган эчкича ҳам бор эди.

Руҳоний унга қараш учун ўзида куч топа олди. Бу ўша – лўли қиз эди.

Унинг юзлари сўлгин ва ғамгин, сочлари эрталабгидек елкаларига тушиб турарди. Аммо бўйнида сиртмоқ йўк, қўллари ҳам боғланмаган. У эркин, озод ва шу билан бирга, ҳолсиз эди.

Эгнида оқ либос, оппоқ ёпинчиқ бошидан тушиб турарди.

У осмонга термилиб, руҳоний томон оҳиста қадам ташлаб келарди. Жодугар-эчки ортидан эргашган. Клоднинг юришга, югуришга ҳоли қолмаган, бамисоли тошга айланганди. Шарпа бир қадам олдинга юрганда, у бир қадам орқага тисариларди, холос. Шу тариқа, у зим-зиё зина-поя гумбази тагига келиб қолди. Шарпа ҳам шу томонга йўл олса борми, даҳшатдан Клод юраги ёрилиб, жон таслим қилган бўларди.

Лўли қиз зинага олиб борадиган эшик ёнига яқинлашиб, бир неча сония қимирламасдан зулматга тикилиб турди-да, руҳонийни пайқамасдан ўтиб кетди.

## II. Букри, кийшиқ, чўлоқ

Қадимдан ўрта асрларгача, жумладан, Людовик Ўн Иккинчи ҳукмронлиги давригача Франциядаги ҳар бир шаҳар ўз бошпанасига эга бўлган. Шаҳарликларни таҳликага солган жазо чоралари ва шафқатсиз суд ҳукмлари орасида бу бошпаналар жазо тизими кўли етмайдиган ўзига хос хавфсиз оролчалар саналган. Нажот излаб келган ҳар бир одам, ҳатто жиноятчилар ҳам бу ердан паноҳ топган.

Биби Марям ибодатхонасидаги хужра ёнлама бўлмалардан бирининг устида, ташқи тиргак арканинг тагида, ҳозирги вақтда минора қоровулининг аёли саъй-ҳаракати билан бунёд бўлган кичкина боғ рўпарасидаги черков қаршисида жойлашган.

Квазимодо минора ва галереялар бўйлаб ғолибона югуришидан кейин Эсмеральдани худди шу ерга, ана шу хужрага олиб келган эди. Югуриш давомида лўли қиз деярли ҳеч нимани сезмас, гоҳ хушига келиб, гоҳ яна хушини йўқотиб, ҳавога кўтарилаётгани, учаётгани, қандайдир куч ўзини олиб кетаётганини ҳис этарди, холос. Лўли қиз қаршилик кўрсатишга ҳам, Квазимодонинг юзига қарашга ҳам жазм этолмасди.

Бироқ сочлари хурпайган ва оғир нафас олаётган кўнғироқчи уни хужрага олиб келгач, қўлларини қийиб юборган арқонни авайлаб ечаётганини ҳис этган лўли қиз, тун қоронғисида соҳилга етиб келган ва ҳозиргина уйқудан кўзини очган сайёҳ сингари сесканиб тушди. Хотиралари жонланиб, бўлиб ўтган воқеалар бирин-кетин хаёлидан ўта бошлади. У Биби Марям ибодатхонасига келиб қолгани, жаллоднинг кўлидан юлиб олингани, тирик қолган Феб ўзидан юз ўгирганини эслади. Ана шу икки фикр бир вақтда хаёлига келганида шўрлик қиз Квазимододан сўради:

– Нима учун мени қутқардингиз?

Квазимодо бу сўзларнинг маъносини тушунишга уриниб, бақрайиб унга қараб турарди. Лўли қиз саволини яна қайтарди. Букри чексиз ғамандух билан лўли қизга разм солиб турди-да, сўнг бир зумда кўздан ғойиб бўлди.

Ажабланган лўли қиз унинг ортидан қараб қолди.

Бир неча сониядан кейин қайтиб келган Квазимодо қандайдир тугунчани қизнинг оёқлари пойига келтириб қўйди. Унинг ичига художўй аёллар томонидан лўли қиз учун ибодатхона остонасига ташлаб кетилган кийим-кечак солиб қўйилган экан. Шундагина қиз уст-боши юпун, кийимлари йиртилиб кетганига эътибор қилиб, хижолатдан қизариб кетди. Бу ҳол унинг ҳаётга қайтаётганидан далолат берар эди.

Квазимодо ҳам қизнинг уялганини пайқганидан бўлса керак, кенг қафтлари билан юзини беркитиб, бу гал шошмасдан чиқиб кетди.

Лўли қиз шоша-пиша кийинишга тутинди. Эғнидаги оқ кўйлак ва оппоқ ёпинчиқ Отель-Дье черкови роҳибалари киядиган либос эди.

Кийиниб бўлиши билан хужрага бир кўлида саватча, иккинчисида тўшак кўтариб олган Квазимодо кириб келди. Саватчада шиша идиш, нон ва ул-бул егулик бор эди. У саватчани ерга қўйди:

– Бу сизга, олинг.

Сўнг тош полга тўшакни ёйди:

– Ётиб дам олинг.

Бу аслида унинг ўзига тегишли егулик ва тўшак эди.



Лўли қиз унга миннатдорчилик билдирмоқчи бўлиб бошини кўтарди, аммо бир оғиз ҳам гапира олмади. Шўрлик чиндан ҳам ўта жирканч эди. Қўрқувдан сесканиб кетган лўли қиз яна бошини ҳам қилди.

Шу пайт Квазимодо гап бошлаб қолди:

– Сизни қўрқитиб юборяпман-а? Жуда бадбашараман, шундайми? Менга қараманг, фақат сўзларимга қулоқ солсангиз, бас. Кундузи шу ерда қолишингиз, тунлари ибодатхона бўйлаб сайр қилишингиз мумкин. Аммо на кундузи, на кечаси ибодатхонани асло тарк этманг. Акс ҳолда, ҳалок бўласиз. Сизни ўлдиришса, мен ҳам ўламан!

Лол қолган лўли қиз жавоб бермоқчи бўлиб бошини кўтарганда, букри аллақачон кетиб бўлганди. Ёлғиз қолган қиз жирканч махлукнинг ғалати гап-сўзлари, дағал ва шу билан бирга майин овозидан ҳайратга тушиб, хаёларга берилди.

Қош қорайиб, мафтункор тун гўзаллиги, ойнинг майин шуъласига махлиё бўлган лўли қиз ибодатхонани ўраб турган юқори галереяга чиқиб келганини ҳам сезмай қолди. Пастда осуда уйқуга кетган шаҳарни кўриб турган Эсмеральданинг қалбини аллақандай сокинлик қуршаб олди.

### III. Кар

Эрталаб кўзини очиб, уйқуга тўйганини ҳис этди. Бу ҳол уйқусизликка ўрганиб қолган лўли қизни ажаблантирди. Кўтарилаётган куёш нурлари деразачадан мўралаб, кўзларини қамаштириб юборди. Офтоб билан бир вақтда деразачада уни қўрқитиб юборган яна бир нарса пайдо бўлди: бу шўрлик Квазимодо эди. Лўли қиз яна кўзларини беркитиб олди. Барибир фойдаси бўлмади. Ҳатто қисилган мижжалари орасидан бир кўзли ва сўйлоқ тишли бадбашара ниқобни яққол кўриб тургандек эди. Шу пайт қандайдир майин оҳангда гапиришга уринаётган дағал овоз қулоғига чалинди:

– Қўрқманг, мен дўстингизман. Ухлаётганингизни томоша қилиш учун келдим. Бундай пайтларда келиб турсам, сизга малол келмайди-ми? Кўзингиз юмуқ бўлганда, ёнингиздаманми-йўқми, нима фарқи бор? Қўрқманг, қўрқманг, кетяпман. Мана, деворнинг орқасига ўтиб кетдим. Кўзингизни очаверсангиз бўлади.

Илтижоли оҳангда айtilган бу сўзлардан ҳайратланган лўли қиз кўзларини очиб, туйнукчага яқинлашди-да, ташқарига разм солди. Деворнинг бўртиб турган жойида шўрлик букри қандайдир ночор аҳволда итоткорона букчайиб турар эди. Лўли қиз ичидаги нафратни енгилла уришиб, паст овозда деди:

– Ёнимга келинг.

Лабининг ҳаракатига сер солган Квазимодо, ҳойнаҳой, мени ҳайдаяпти, деган хаёлга борди; ўрнидан кўзгалди-да, лўли қизнинг юзига қарашга ботинолмай, бошини қуйи солиб, оқсоқлашиб кета бошлади.

– Шошмасангиз-чи! – дея бақирди лўли қиз унинг ортидан.

Бироқ у тўхтамасдан кетиб борарди. Шунда лўли қиз хужрадан югуриб чикди-да, унга етиб олиб, қўлидан тутди. Қизнинг тафтини ҳис этган Квазимодони титроқ босди. Биргина кўзи билан лўли қизнинг юзига тикилди-да, у қўлини қўйиб юбормаётганини кўриб, қувонч ва меҳрдан юзи ёришиб кетди. Лўли қиз уни хужрага киришга ҳарчанд мажбурламасин, букри бўсағага оёғини тираб, ичкарига киришга ботинолмай турарди.



– Йўқ-йўқ, – деди у ғўлдираб, – тўрғай инида уккига жой йўқ.

Шунда лўли қиз ўзигагина хос назокат билан жойига бориб ўтирди, эчкича эса унинг оёқлари пойида ухлаб қолди. Иккиси ҳам бир муддат сукут сақлаб турди: букри лўли қизнинг гўзаллигига махлиё бўлса, лўли қиз унинг бадбашаралигидан лол қолиб, янги-янги қирраларини кашф этарди. У Квазимодонинг қийшиқ тиззаларидан букри белига, сўнг кўзига разм солди. Бундай бадбашара мавжудот қандай қилиб яшаши мумкинлигига сира ақли етмасди. Аммо ана шу бадбашара қиёфада чексиз қайғу ва аллақандай меҳр акс этгани учун қиз секин-аста унга кўника бошлади.

Букри биринчи бўлиб сукунатни бузди:

– Қайтиб кел, деб буюрдингизми?

– Ҳа, – деди лўли қиз бошини қимирлатиб.

Букри лўли қизнинг ишорасини тушунди.

– Афсуски! – деди у журъатсизлик билан. – Ахир, мен... карман.

– Эҳ, бечора! – деди лўли қиз ачиниб.

Букри маъносиз жилмайди.

– Сенга фақат шу етмай тургани деб ўйлаётган бўлсангиз керак? Ҳа, мен карман. Мен шундайман. Бу жуда даҳшатли, шундай эмасми? Сиз... сиз эса ғоятда гўзалсиз!

Шўрликнинг овозидан бахтиқаролиги шунчалик билиниб турардики, бир нима деб жавоб беришга лўли қиз сўз топа олмади. Букри унинг гапларини эшита олармиди? Квазимодо гапида давом этди:

– Кар бўлсам ҳам, мен билан имо-ишора орқали гаплашсангиз бўлади. Хўжайиним доимо шундай қилади. Қолаверса, лабларингиз ҳаракати, нигоҳларингизга қараб нима демокчисиз, тушунишга ҳаракат қиламан.

– Айтинг-чи, – деди лўли қиз илжайиб, – мени нима учун қутқардингиз?

Қиз гапираётганда букри унинг юзига тикилиб турарди.

– Гапингизни тушундим, – дея жавоб қилди у. – Нима учун сизни қутқарганимни билмоқчисиз, шундайми? Бир гал тунда сизни олиб қочмоқчи бўлган, эртаси куни шармандалик устунни ёнида турган бахтиқарога ёрдам қўлини чўзганингизни унутган кўринасиз. Сиз узатган ўша бир қултум сув учун, менга ачинганингиз учун жонимни ҳам беришга тайёрман. Ўша шўрлик хотирангиздан кўтарилган бўлса ҳам у сизни ҳеч қачон унутмайди!

Кўнгиракчининг якка-ю ягона кўзида ёш қалқди.

– Қулоқ солинг, – дея давом этди у ҳаяжонини босишга уриниб, – ибодатхона миноралари баланд; уларнинг биридан йиқилган одам ерга бориб тушгунча жон таслим қилади. Ўзимни минорадан ташлашимни истасангиз гапириб ўтириш шарт эмас, биргина нигоҳингиз кифоя.

У ўрнидан турди. Лўли қиз қанчалик ғам-ғуссага ботган бўлмасин, унинг қалбида бу ғаройиб махлуққа нисбатан аллақандай илиқлик, меҳр ҳисси пайдо бўлган эди. Қиз букрига қол дея ишора қилди.

– Йўқ, йўқ, – деди Квазимодо шоша-пиша, – бу ерда узоқ вақт қолишим мумкин эмас. Менга қараб турсангиз ғалати бўлиб кетаман. Ачинганингиздан кўзларингизни юммасликка ҳаракат қилаётганингизни кўриб турирман. Яхшиси, мен сизни кўришим мумкин бўлган, сиз эса мени кўра олмайдиган бирон-бир жой топаман. Шундай қилганимиз маъқул.

У чўнтагидан темир хуштакни чиқарди.



– Мана буни олинг, – деди у. – Сизга керак бўлиб қолганимда уни чалсангиз, шу заҳоти етиб келаман.

У хуштакни ерга қўйиб, ғойиб бўлди.

#### IV. Қизил эшик калити

Бу пайтга келиб лўли қизнинг мўъжизавий кутқарилиши ҳақидаги миш-мишлар архидьяконнинг қулоғига етиб борди.

Бу янгиликдан хабар топган руҳоний ибодатхонадаги хужрасига қамалиб олди. У капитул йиғилишларида ҳам, ибодат пайтида ҳам кўринмади. Унинг эшиги ҳамма учун, ҳатто епископ учун ҳам ёпиқ эди. Бир неча ҳафтани у ана шундай ихтиёрий қамоқ ҳолатида ўтказди. Бетоб бўлса керак, деган тахминга боришди. У чиндан ҳам бетоб эди.

Эшикни кулфлаб, ичкарида нима билан машғул бўлди? Бу бахтиқаро қандай ўй-хаёллар билан курашга киришди? Ё уни ҳалокат сари етаклаган эҳтироси билан сўнгги жангга отландимикан? Ёхуд лўли қиз ва ўзи учун ўлим режасини тузаяптими?

Ҳатто иниси, эркатой тойчоғи Жеан хужра эшигини қоқиб, қанча илтижолар қилмасин, фойдаси бўлмади: Клод уни ҳам ичкарига киритмади.

У дераза ойнасидан кўз узмасдан кун ўтказарди. Деразадан Эсмеральданинг хужраси кўриниб турар, уни кўпинча эчкичаси ҳамроҳлигида кўрар, онда-сонда Квазимодо билан учрашганига гувоҳ бўларди. Шўрпешона карнинг лўли қизга чексиз меҳр билан илтифот кўрсатаётгани, унга итоаткорлиги яққол сезилиб турарди. Маълумки, хотира – рашкчининг қотили. Клоднинг хотираси эса ҳеч қачон панд бермаган: бир гал кечки пайт қўнғироқчининг раққосага термилиб тургани эсига тушди. Лўли қизни кутқаришга Квазимодони нима мажбур қилиши мумкин, деган савол унга тинчлик бермасди. Лўли қиз ва карнинг учрашувлари кўз ўнгида жонланди: унинг эҳтиросли талқинига кўра, узоқдан уларнинг хатти-ҳаракати жуда назокатли, меҳр-муҳаббатга тўладек туюларди. У аёлларнинг ўзгарувчан феъл-атвориغا ишонмас эди. Руҳоний ўзини уят ва хўрликдан қизариб-бўзаришга мажбур этадиган рашкка кодир эмас деб ҳисобласа ҳам, аслида юраги рашк ўтида ёнаётганини ҳис этарди. “Капитанни-ку тушуниш мумкин, аммо букрини нима бало урди!..” Клод хаёлига келган бу фикрдан ларзага тушди.

#### VI. Қизил эшик калити ҳақидаги ҳикоянинг давоми

Бу кечаси ўтмишни унутган, қалбини ширин орзу-умидлар қуршаб олган Эсмеральда хужрасида ухлаб қолди. Ҳар галгидек Феб ҳақида хаёл суриб ётган пайтда қандайдир шовқин қулоғига чалинди. Уйқуси қушникидек сергак, ҳатто эшитилар-эшитилмас шовқиндан уйғониб кетарди. Лўли қиз кўзини очди. Ҳаммаёқ зулматга чўмган бўлса ҳам, туйнукдан кимдир ўзига қараб турганини кўрди. Шамчироқ шуъласида бегонанинг қиёфаси ёришиб турарди. Эсмеральданинг тикилиб турганини кўриши билан ўша кимса пуфлаб шамчироқни ўчирди. Аммо унинг қиёфасини кўришга улгурган лўли қиз беихтиёр кўзларини юмиб олди.

– О! – деди у инграб. – Яна ўша руҳоний!

Чакмоқ учкунидек бир лаҳзада бахтсизлик онлари қайтган лўли қиз, иситмаси кўтарилган одамдек жунжикиб, тўшакка ағанаб тушди.

Дақиқа ўтмасдан кимдир баданини сийпалаётганини ҳис этиб, сесканиб кетди. Ўрнидан турмоқчи бўлганда руҳоний уни қаттиқ кучоқлаб олди.

Лўли қиз бақиришга ўзида куч тополмади.

– Даф бўл, жирканч махлук! Йўқол, қотил! – деди у ғазаб ва нафратдан титраб.

– Раҳминг келсин! – дея шивирлади руҳоний лўли қизнинг елкаларидан бўса олиб.

Шўрлик қиз икки қўли билан унинг тепакал бошидаги бир тутам сочи-дан тортиб, захар сочаётган бўсаларга чап беришга уринарди.

– Раҳм қил! – такрорлади руҳоний. – Сени қанчалик севишимни билсанг эди! Бу олов, эритилган қўрғошин, юракка санчилган минг пичоқ!

У ғайритабиий куч билан лўли қизнинг қўлларини сиқди.

– Қўйиб юбор! – дея бақирди эси оғаёзган лўли қиз. – Юзингга тупуриб юбораман!

Руҳоний уни қўйиб юборди.

– Камситсанг ҳам, урсанг ҳам, жонимни олсанг ҳам розиман! Нима қилсанг қилавер! Фақат раҳм қилсанг, мени севсанг бўлгани!

Жазавага тушган лўли қиз уни дўппослай кетди. Бор кучини ишга солиб, муштлари билан бошини мажақлаб ташлашга ҳам тайёр эди.

– Йўқол, иблис!

– Мени сев! Раҳм қил! – деб бақирарди қизнинг зарбаларига илтижолар билан жавоб қайтараётган руҳоний.

Бирдан лўли қиз ҳолсизланиб бораётганини, руҳоний устун келаётганини ҳис этди.

Бор кучини тўплаб бақирди:

– Ёрдам беринг! Бу ёққа! Қонхўр! Қонхўр!

Улкан ибодатхонада, тагин, тун маҳали ким ҳам бу нидони эшитарди. Фақат Жали бир чеккада маъраб турар эди.

– Овозингни ўчир! – дея шивирлади ҳаллослаб зўрға нафас олаётган руҳоний.

Ўзини ҳимоя қилишга уринаётган лўли қиз қўллари билан ерда ётган темирдан ясалган совуқ бир нимани пайпаслади. Бу Квазимодонинг хуштаги эди. Лўли қиз аллақандай умид билан хуштакни оғзига яқинлаштириб, бор кучи билан пуфлади. Ундан чиққан тиниқ, баланд ва кескин товуш кулоқларни қоматга келтирди.

– Бу нима? – деб сўради руҳоний.

Бир неча сония ўтар-ўтмас аллақандай қудратли қўл архидьяконни даст кўтариб олди. Хужранинг ичи қоронғи бўлгани боис бу кимнинг қўли эканини илғаб бўлмасди – руҳоний тишларнинг ваҳимали ғижирлаши ва боши узра ялтираб турган ханжарнинг кенг тиғини илғай олди, холос.

Руҳоний уни Квазимодога ўхшатди. Унинг тахминича, бу фақат Квазимодо бўлиши мумкин. Бу ерга келаётиб хужра эшиги олдида узала тушиб ётган бир нимага тўқнашиб кетгани эсига тушди. Бироқ у миқ этмагани учун Клоднинг кўнглидан нималар ўтмади дейсиз. У ханжар кўтариб турган қўлни ушлаб олди-да, “Квазимодо, сенмисан!” деб бақирди. Аммо даҳшатга тушган руҳоний кўнгироқчининг карлигини унутиб қўйган эди.

Сония ўтмасдан рухоний ерга гурсиллаб тушди ва кўксига босилган оғир тиззани ҳис этди. Ана шу тиззадан у Квазимодони таниди. Бирок Квазимодо ўзини таниши учун нима қилиши керак? Чунки зулмат карни сўқирга айлантирган эди.

Рухоний ўлим ёқасига келиб қолган эди. Шафқатсиз она арслондек ғазабланган лўли қиз ҳам уни қутқариб қололмайди. Ханжар боши узра осилиб турарди. Бу жуда хатарли лаҳзалар эди. Бирдан рақиб иккиланиб қолди.

– Қон қизга сачрамаслиги керак, – деди у ғўлдираб.

Чиндан ҳам бу Квазимодонинг овози эди.

Рухонийнинг оёғидан ушлаб олган баҳайбат қўл уни хужрадан судраб чиқди. Нахотки, у шу ерда ўлим топса! Унинг бахтига ой чиқиб, теварак-атрофни ёритди.

Улар хужра бўсағасидан чиқиши билан ойнинг хира шуъласида рухонийнинг юзи ёришди. Клод отани таниб эсанкираб қолган Квазимодо уни кўйиб юборди ва ортига тисарилди.

Хужра бўсағасига келган лўли қиз рақиблар ўрин алмашганини кўриб, ҳайратга тушди. Энди рухоний дўқ-пўписа, Квазимодо эса илтижо қилиб турарди.

Имо-ишора билан ғазаб ва таъна тошларини отаётган рухоний Квазимодога кет, деб буйруқ берди.

Кар бошини эгиб, хужра бўсағаси олдида тиззалаб ўтирди.

– Хўжайин! – деди у итоаткорона, шу билан бирга, жиддий оҳангда. – Аввал мени ўлдилинг, кейин билганингизни қилаверинг.

Шундай деб, кўлидаги ханжарни рухонийга узатди. Эси оғиб қолган рухоний ханжарни тортиб олмоқчи бўлди, аммо лўли қиз эпчиллик қилди. У Квазимодонинг кўлидан ханжарни юлиб олди-да, захарханда илжайди.

– Қани, яқинлашиб кўр-чи! – деди у рухонийга.

Лўли қиз ханжар билан ҳамла қилди. Рухоний нима қиларини билмай, эсанкираб қолди. Лўли қиз заррача иккиланмасдан ханжарни ўзининг кўксига санчишига у шубҳа қилмасди.

– Яқинлашишга ҳадинг сиғмайди, кўрқоқ! – дея бақирди лўли қиз. – Биламан, Феб ўлмаган! – Бу гап рухоний қалбига минглаб қизитилган игнадек санчилишини қиз яхши биларди.

Рухоний оёғи билан Квазимодони тегиб юборди-да, ғазабдан титраб, зинапоя гумбази тагига ўтди ва кўздан ғойиб бўлди.

Бу даҳшатли воқелардан ларзага тушган лўли қиз, ҳолсизланиб тўшакка йиқилди-да, хўнграб йиғлаб юборди. Уфқни яна қора булутлар қуршаб олди.

## ЎНИНЧИ КИТОБ

### І. Яшасин шоду хуррамлик!

Мўъжизалар ҳовлисининг бир қисми шаҳарни айланасига ўраб олган ва минораларининг аксарияти деярли нураб битган кўҳна девор билан тўсилганини китобхон унутмаган бўлса керак. Дайдилар ана шу минораларнинг бирини ўйин-кулги ва айш-ишрат учун мослаштириб олган эди.

Қуйи қаватда майхона, қолган бари юқори қаватларда жойлашганди. Мазкур минора дайдилар подшолигининг энг гавжум ва жирканч бурчаги эди. Жуда даҳшатли, худди кеча-ю кундуз гувиллаб турадиган ари уясининг ўзгинаси.

Бироқ бу ерда ҳукм сураётган тартибсизликка қарамай, оломон орасида китобхонга таниш бўлган зотлар олдида давра тортиб турган дайдиларнинг уч асосий гуруҳи ажралиб турар эди. Улардан бири – ғаройиб шарқона либос кийиб олган Миср ва лўлилар герцоги Матиас Хунгади Спикали эди. Курсида чордана куриб ўтирган бу қаллоб бир панжасини кўтариб, ўзига ҳайрат билан кулоқ тутаётган кўплаб тингловчиларни сеҳр-жоду сир-синоатларидан баҳраманд этарди.

Дайдиларнинг яна бир тўдаси эски танишимиз, тиш-тирноғигача қуролланган шавкатли қирол Арго атрофида жам бўлган. Қиёфаси жиддий Клопен Труйльфу паст овозда худди осмондан тушаётган жаннат меваларидек болталар, қиличлар, совутлар, зирхларнинг айрим қисмлари, найза ва ёй ўқлари, оддий ва безакли ўк-ёйлар тўкилаётган қопқоғи уриб чиқарилган бочкани бўшатиш ишига бош-қош бўлиб турарди. Ҳар бир дайди кўнгли тусаган қурол: бири – дубулға, бошқаси – қилич, учинчиси – дастаси хочсимон ханжар билан қуролланган. Айш-ишрат қилаётганлар, оёқ остида ўраллашиб юрган болалар, ҳатто майиб-мажруҳлар ҳам зирхланган кийимларга бурканиб, қуролланар эди.

Курси ва столлар атрофини тўлдириб турган одамлар галаси ичида оғир ҳарбий аслаҳали сўкиниб гапираётган одам шовқин солиб турарди. Бошдан-оёқ рицарлар либосига бурганкан бу кимсанинг қизарган пучук бурни, сарғимтир сочлари, пуштиранг лаблари ва ўйноқи кўзларигина кўриниб турар эди. Белбоғига бир неча пичоқ ва ханжар, ўнг биқинига баҳайбат қилич осиб қўйилган, чап томонда занглаб кетган кўндоқли камон, олдида вино солинган каттагина идиш турар, ўнг тарафида палапартиш кийинган семиз жувон ўтирарди. Атрофдагиларнинг бари тинимсиз кулар, сўкинар, майга зўр берар эди.

Тағин, буларга майда-чуйда гуруҳларни, бошида кўза билан югуриб ўтаётган хизматкорларни, киморга муккасидан кетган ўйинчиларни, бир бурчакда ғижиллашаётган, бошқа бурчакда бир-биридан бўса олаётганларни қўшсангиз, майхона деворларида кўплаб улкан кўланкаларни рақсга тушираётган аланга шуъласи билан ёритилган манзара ҳақида умумий тасаввур ҳосил қилишингиз мумкин бўлади.

Ҳаммаёқни байрам пайтидаги кўнғироқ ичидан келаётган бонг сингари шовқин-сурон, гумбурлаган овоз босиб кетганди.

– Қани, бўлинглар! Қўзғалинлар! Қуролланинлар! Бир соатдан кейин йўлга тушамиз! – деди Клопен Труйльфу арготинликларга.

– Бечора Эсмеральда, – деди лўлилардан бири. – Ахир, у синглимизку! Уни кутқармасак бўлмайди.

– У ҳали ҳам Биби Марям ибодатхонасидами? – деб сўради, афтидан, риёкорлиги шундоқ кўриниб турган яна бир лўли.

– Ҳа, жин урсин!

– Унда, дўстларим! – хитоб қилди ўша риёкор. – Биби Марям ибодатхонасига жангга отланайлик! Қолаверса, авлиё Фереоль ва Ферюсьон бутхоналарининг бирида Иоанн Чўқинтирувчи<sup>1</sup>, иккинчисида – авлиё Ан-

<sup>1</sup> Иоанн Чўқинтирувчи – Инжилга кўра, Исо пайғамбардан олдин чўлу биёбонларда якка-ёлғиз яшаган ва охирзамонни башорат қилган авлиё.

тоний<sup>1</sup> акс эттирилган оғирлиги етти олтин марка ўн беш эстерлин<sup>2</sup> келадиган соф олтиндан ясалган ҳайкаллар бор, уларнинг пойи эса оғирлиги ўн етти марка ва беш унций келадиган олтин суви юритилган кумушдан ясалган. Мендек зўр уста заргарнинг гапига ишонаверинг.

Клопен Миср герцогининг ёнига келди.

– Дўстим Матиас! Биз ноқулай вақт танлаган кўринамиз. Айтишлари-ча, Людовик Ўн Биринчи Парижда эмиш.

– Жуда соз! Унинг чангалидан синглизмизни кутқариб олиш учун яна бир далил, – деб жавоб қилди лўли қария.

Шу пайт Клопен бор овози билан бақирди:

– Тун ярмидан оғди!

Бу гап оломонга дам олиб ўтирган полк аскарларига “Отланинг!” деган-дек таъсир қилди: дайдилар – эркаклар, аёллар ва болалар қурол-яроғ ва занглаган темир-терсақларни тарақлатиб, майхонадан чиқишди.

Бир неча дақиқа ўтгач, қирол Аргонинг овози янгради:

– Париж кўчалари бўйлаб юраётганда миқ этган овоз чиқмасин. Пароль “Жарангласин калта ханжарлар!” Машъалалар ибодатхона олдидагина ёқилсин! Қани, олға!

## II. Қош кўяман деб кўз чиқариш

Зулмат қоплаган уфққа диққат билан тикилиб турган Квазимодо қалбини қандайдир тушунарсиз хавотир қуршаб олган эди. Бир неча кундан буён ҳушёр-сергак. Ибодатхона атрофида лўли қизнинг бошпанасидан кўз узмасдан изғиб юрган жирканч одамларга кўзи тушган эди. Шўрлик лўли қизга қарши қандайдир ёвузлик режалаштирилмаганмикан деган хаёлга ҳам борди. Авом лўли қиздан ҳам, ўзидан ҳам нафратланишини билгани учун яқин кунларда қандайдир нохуш воқеалар юз бериши мумкин деган тўхтама келди. Шунинг учун гоҳ шаҳарга, гоҳ хужрага шубҳали қараб кўяр, кўнғирокхонани тарк этмасдан, садоқатли ит сингари кеча-ю кундуз қоровуллик қиларди.

Бошқа барча нуқсонларининг ўрнини босадиган табиат инъоми – бениҳоя ўткир биргина кўзи билан шаҳарга тикилиб турган Квазимодо Эски Кўнчилар соҳилбўйидаги аллақандай ҳаракатни илғади: сув аксида қорайиб турган парапет чизиги бошқа соҳилбўйи жойларидагидек тик ва ҳаракатсиз эмасди. У мавжланаётган сув ёки ҳаракатланаётган одамлар бошларидек у ёқ-бу ёққа қалқиб, чайқалиб турарди.

Бу ҳол унга ғалати туюлди. У диққат билан теварак-атрофни кузата бошлади. Дастлаб ҳаракат Сите томонга йўналтирилгандек кўринди. Теварак-атроф зим-зиё. Бир муддат соҳилбўйида кўзга ташланган ҳаракат оролнинг ичкарасига йўналгандек бўлиб, сўнг буткул тўхтаб қолганда, соҳилбўйи чизиги яна тик ва ҳаракатсиз бўлиб кўринди.

Квазимодонинг боши қотди; бирдан Биби Марям ибодатхонасига ён-лама келиб туташган Дарвоза кўчасида яна қандайдир ҳаракат бошлангандек туюлди. Чиндан ҳам, ҳаммаёқ зимистон бўлишига қарамасдан, ана шу кўчадан чиқиб келаётган одамлар оқими бир зумда бутун майдонни эгаллаб олганини кўришга муваффақ бўлди.

<sup>1</sup> Авлиё Антоний – (тахм. 251–356) – илк христиан тарғиботчиларидан бири, таркидунёчилик анъанасига асос солган авлиё.

<sup>2</sup> Эстерлин – қадимда французлар тилла ва кумуш вазнини ўлчашда қўллаган бирлик. 28,5 грамма тенг.

Квазимодонинг кўз ўнгида даҳшатли манзара намоён бўлди. Зулматда писиб келаётган оломон миқ этган товуш чиқармасди. Шундай бўлса ҳам, аллақандай шовқин, оёқларнинг дупур-дупури кулоққа чалиниб турарди. Бироқ бечора кўнғироқчи бу шовқинни эшитмас ва шундоққина ёнгинасида тўлғаниб ҳаракатланаётган оломонни зўрға илғаётган Квазимодо назарида, улар зулмат ичидаги тилсиз-забонсиз шарпалар, жонсиз одамлар тўдасидек туюларди. Унинг тасавурида одамларни ютиб юборган, ичида аллақандай шарпалар ғимирлаб турган туман устига бостириб келаётгандек бўлди.

Шу онда унинг миясида лўли қизга ҳужум қилишлари мумкинлиги ҳақидаги шубҳа қайтадан жонланди. У қандайдир ички туйғу билан хавф-хатар бостириб келаётганини ҳис этди. Аммо ана шундай кескин вазиятда мияси заиф бу телба дадил ҳаракат қилишга кодирмикан? У нима қилиши керак? Лўли қизни уйғотсинми? Уни хавфсиз жойга қочириб юборсинми? Шундай жой бормикан ўзи? Оломон барча кўчаларни эгаллаб олган, ибодатхонанинг орқа девори эса дарёга тутшиб кетган бўлса. На қайик бор, на бошқа нажот чораси. Биргина йўл қолади: Эсмеральдани уйғотмасдан, қаршилиқ кўрсатиш, керак бўлса, Биби Марям ибодатхонаси бўсағасида жон беришдан ўзга чора йўқ.

Оломон дақиқа сайин кўпайиб борар эди. Кўча ва майдонга қараган деразалар ёпиқ бўлгани учун шовқин-сурон деярли эшитилмасди. Бирдан пайдо бўлган шуъла ортидан оломоннинг боши узра зулматда титраб турган машғалалар тебраниб-чайқалиб теварак-атрофни ёритиб юборди. Шундагина Квазимодонинг кўз ўнгида учларида олов ярқираб турган чалғилар, найзалар, ханжарлар билан қуролланган ялангоёқ эркаклар ва аёллардан иборат ваҳимали тўданинг майдонда қалқиб тургани яққол намоён бўлди.

Ибодатхонанинг бош пештоқи ёнига етиб келган Клопен Труйльфу кўшинни жанговар ҳолатга келтирди. У кимдир қаршилиқ кўрсатишига кўзи етмаган бўлса ҳам, эҳтиёткорликни унутмаган лашкарбоши сифатида кўшин сафларида тартиб сақланишини хоҳлар эди. У жанговар бўлинмаларини шундай тартибда жойлаштирдик, тепадан қараб, уни Экном жангидаги<sup>1</sup> римликларнинг учбурчаги, Александр Македонскийнинг “чўчка”си ёки Густаф-Адольфнинг<sup>2</sup> машҳур исканжасига ўхшатган бўлардингиз. Бу учбурчакнинг думи Дарвозалар кўчасини тўсиб, майдоннинг ичкарасигача кириб кетган; бир тарафи Отель-Дьёга, иккинчиси – Сен-Пьер-о-Беф кўчасига қараб турарди. Клопен Труйльфу эса Миср герцоги, дўстимиз Жеан ва энг жасур йигитлар билан учбурчакнинг бошида эди.

Сўнг дайдилар қироли майдонга бурилиб, кўшинини кўздан кечирди – жирканч кишилар тўдасининг нигоҳлари худди найзалардек ярқираб турарди. Бироз давом этган сукунатдан кейин у бор овози билан бақирди:

– Қани йигитлар, олға! Ишга киришинг!

Болға, искана, мисранг кўтариб олган бақувват елкадор ўттиз йигит ялангоёқлар кўшини сафидан чиқиб келди. Улар ибодатхона бош пештоқи томон юриб, эшик олдидаги зиналардан кўтарилди; ёйсимон гумбаз остида пайдо бўлиб, искана ва пишанлар ёрдамида эшикни бузишга киришди. Дайдилар уларга кўмаклашиш ёки томоша қилиш учун эшик томон ёпирилди. Ўн бир зинанинг бари одамга тўла эди.

<sup>1</sup> Экном жанги – милoddан аввалги 256 йилда Акрагант (Сицилия жанубидаги шаҳар) яқинида Рим ва Карфаген денгиз кўшинлари ўртасида бўлиб ўтган жанг.

<sup>2</sup> Густаф-Адольф (1594–1632) – Швеция қироли (1611–1632).

Аммо эшик қилт этмай турарди.

– Жин урсин! Эшик ҳам шунчалик мустаҳкам ва ўжар бўладими! – деди дайдилардан бири.

– Узоқ вақт турганидан тошга айланган бўлса керак, – деди бошқаси.

– Дадил бўлинг, оғайнилар! – деди Клопен уларни рағбатлантиришга уриниб. – Бошимни кундага қўйиб айтаманки, бирорта руҳоний уйғонгунча эшикни бузиб киришга, қизни ўғирлаб чиқишга, бош меҳробни талон-торож этишга улгурасиз! Тўхтанг-чи! Зулфин ва тиргаклар ғижирлай бошлади-ёв!

Аммо Клопеннинг ортида эшитилган гумбурлаган даҳшатли шовкин унинг гапини бўлиб юборди. У эшик томонга қайрилиб, хангу манг бўлиб қолди. Тепадан ёпирилиб келган улкан тўсин зиналарда турган дайдиларни мажақлаб, йўл-йўлакай тўрт томонга қочган ялангоёқларни уриб йиқитиб, замбарак ўқидек гумбурлаб тош йўлакка бориб тушди. Бир зумда майдоннинг зиналарга туташган қисми бўшаб қолди. Эшикни бузаётган дайдилар пештоқ гумбазининг остида турган бўлсалар ҳам, эшикдан узоқлашишга, ҳатто Клопен ҳам ибодатхонадан сал нарироқ чекинишга мажбур бўлди.

– Бахтим бор экан! – деди Жеан. – Жин ургур, бошим билан қасам ичиб айтаманки, шундоқ ёнгинамдан шувиллаб ўтиб кетганини ўз қулоғим билан эшитдим! Бироқ Пьер Одамхўрнинг жонини олиб кетгани чакки бўлди-да!

Бу тўсин дайдиларни қанчалик ҳайратлантиргани ва кўнглига қандай даҳшат солганини ифодалаш амри маҳол. Қиролнинг йигирма минг аскарларидан кўра мана шу биргина ёғоч тўсиндан гангиб, саросимага тушиб қолган дайдилар анча вақт қимир этмай, осмонга тикилиб туришди.

Ниҳоят, қўрқув-ҳаяжон бироз босилгач, Клопен Труйльфу дўстларига маъкул келган изоҳ топишга муваффақ бўлди:

– Жин урсин! Наҳотки, руҳонийлар қаршилиқ кўрсатишга жазм этган бўлса? У ҳолда таланг уларни! Ибодатхонанинг кулини кўкка совуринг!

– Талаймиз! Талаймиз! – дея ҳайқираётган арготинликларнинг бирортаси ҳам ибодатхонага яқинлашишга юраги дов бермасди. Улар бир ибодатхонага, бир эман тўсинга қараб-қараб қўярди. Тўсин қимир этмасдан ётар, ибодатхона хотиржам ва кимсасиздек кўринса ҳам, нимадир дайдиларни кишанлаб қўйгандек эди.

– Қани, қулфбузарлар, ишга киришинг! – дея бақирди Труйльфу. – Эшикни бузинг!

Ҳеч ким қимирламади.

– Соқолли ва мечкай иблислар! – деди Клопен норози оҳангда. – Эркак ҳам шундай бўладими! Наҳотки, аллақандай тўсиндан кўрқсангиз!

Ёши улўғроқ қулфбузар унга мурожаат этди:

– Сардор! Бизни тўсин эмас, темир билан қопланган эшик ўйлантираяпти. Исканалар билан уни бузиб бўлмайди.

– Хўш, уни бузиш учун сизларга нима керак? – деб сўради Клопен.

– Таран топсак яхши бўларди.

Сардор бояги даҳшатли тўсин ёнига югуриб келди ва оёғини унинг устига қўйди.

– Мана сизга таран! – деди у. – Уни сизга руҳонийларнинг ўзи етказди! – Кейин ибодатхона томон бурилиб, истехзоли тиржайди: – Раҳмат сизга, отахонлар!



Сардорнинг бу қилиғи дайдиларнинг руҳини кўтариб юборди. Эман тўсинининг сеҳр-жодуси фoш этилган эди. Икки юз бакуват қўл даст кўтарган оғир тўсин важоҳат билан ибодатхона эшиги томон ташланди.

Тўсиннинг зарбидан ярми металдан ясалган дарвоза улкан ноғорадек гумбураб кетган, бутун ибодатхона титраб, унинг қаъридан гумбура-гумбура овоз эшитилган бўлса ҳам, у зарбага дош берди.

Шу пайтда кутилмаганда қамалчиларнинг бошига тош ёмғири ёғилди.

– Жин урсин! – деди Жеан ижирғаниб. – Наҳотки, миноралар жамики безакларини бошимизга улоқтираётган бўлса?

Ёғилиб тушаётган тошларнинг деярли бари мўлжалга бориб тегар, майдонда тобора сийраклашиб бораётган сафларини тўхтовсиз тўлдиришга уриниб, важоҳат билан хужумга ташланган одамлар оёғининг таги ўлган, яраланиб қонга ботган, жон таслим қилаётганларга тўлиб кетган эди.

Дайдиларнинг ғазабини келтирган бундай кутилмаган қаршилик Квазимодонинг иши эканини китобхон, шубҳасиз, англаган бўлса керак.

Аммо букри асосий дарвоза узоқ вақт дош беролмаслигини тушунарди. У эшитиш қобилиятидан маҳрум бўлса-да, тўсиннинг ҳар бир зарбаси ибодатхонанинг ичида ҳам, унинг ўзида ҳам акс садо берар эди.

Ташвиш ва изтиробга тушган Квазимодо ҳозиргина дайдиларнинг бошига тош улоқтирган балюстрадаининг тагидан катта дарвоза устигача чўзилган бир жуфт узун тош қувурга кўзи тушиб қолди. Бу қувурларнинг тепа туйнуклари майдончага туташган эди. Бирдан миясига ажойиб фикр келди. У хужрасидан бир кучоқ қуруқ шох-шабба олиб келди-да, унинг устига имкон борича кўпроқ тахтача, кипик ва қўрғошинни бостирди, сўнг уларни бояғи қувурлар туйнукларининг оғзига тўғрилаб, шамчирок ёрдамида ёндириб юборди.

Бу пайтда тош ёмғир тўхтагани учун дайдилар тепага қарамай кўйган эди. Тўнғизни уясига ҳайдаб келган бир гала ит сингари ҳаллослаб қолган босқинчилар тўсин зарбидан мажакланган бўлса ҳам, бироқ ҳамон илиниб турган дарвоза олдида тиқилиб олганди. Улар дарвозани бузиб ташлайдиган сўнгги зарбани ҳаяжон билан кутиб турарди. Ҳар бири бу ҳашамдор ибодатхона, уч асрлик бойликлар сақланаётган маконга биринчи бўлиб кириш учун имкон борича дарвозага яқинроқ туришга уринарди. Албатта, бундай нутилмас дақиқаларда мана шу ўғри, каззоб, майиб-мажруҳ ва товламачиларнинг бари лўли қизни кутқаришни эмас, Биби Марям ибодатхонасини талашни кўзлаган бўлса ажаб эмас. Уларнинг аксарияти учун Эсмеральда шунчаки баҳона бўлди, десалар, ишонаверинг.

Дайдилар бор кучини жамлаб ва нафасини ичига ютиб, сўнгги зарба бериш учун таранга ёпишган лаҳзада кутилмаганда бир муддат олдин тўсин тепадан келиб тушган лаҳзадагидан-да даҳшатлироқ қичқирик эшитилди. Бақаришга ҳоли қолмаган, лекин ҳали тирик ялангоёқлар бошини тепага кўтарди. Бинонинг юқори қисмидаги тош қувурлардан эритилган қўрғошин уларнинг устига оқиб тушарди. Тепадан оқиб тушаётган қайноқ металл худди қорға иссиқ сув тўккандагидек қорайиб турган иккита тешик ҳосил қилган эди. Ибодатхона бўсағасида жони узилаётган, оғриқдан инграётган, куйиб жизғанақ бўлган дайдиларнинг дод-войи майдонни тутиб кетди. Икки тош қувурдан оқиб, тўрт тарафга сочилиб кетаётган бу даҳшатли ёмғир қиздирилган игналардек дайдиларнинг бошига бориб санчилар, минглаб ана шундай қайноқ дўллар шўрликларни илма-тешик қилиб юборган эди.



Ҳаммаёқдан юракларни эзадиган инграш овозлари эшитиларди. Жасурлар ҳам, кўрқоқлар ҳам тўсинни жасадлар устига ташлаб қочганда дарвоза олдидаги зиналар иккинчи бор бўшаб қолди.

Бу орада дайдиларнинг етакчилари маслаҳатлашиб олиш учун Гондёлорьелар уйи пештоқининг тагига боришди. Тумбада ўтирган Миср герцоги икки юз фут<sup>1</sup> баландликда ёниб турган гулханга ваҳима билан тикилиб қолганди. Ғазабланган Клопен Труйльфу эса муштларини тишлар эди.

– У ерга киришнинг имкони йўқ! – деди у тишларини ғижирлатиб.

– Гулхан олдида лип-лип этиб турган иблисни кўрдингизми? – деб сўради Миср герцоги.

– Жин урсин! – деб бақирди Клопен. – Ахир, бу ярамас қўнғироқчи-ку! Бу – Квазимодо!

– Ҳеч нарсага эриша олмасдан қайтиб кетаверамизми? – деди Клопен. – Синглимизни ёлғиз қолдириб, кулоҳ кийган айғирлар эртага уни осишларига индамасдан қараб тураверамизми?

– Яна бир бор уриниб кўрсакмикан? – деди дайдилардан бири.

Матиас Хунгади бош чайқади.

– Дарвоза орқали кира олмаймиз. Қари жодугар зирҳининг заиф жойини топишимиз лозим. Бирон-бир тешиқ, яширин эшиқ ёки туйнукни.

– Ким бу таклифни маъқуллайди? – деди Клопен. – Мен у ерга қайтаман. Дарвоқе, анови шумтақа Жеан қани?

– У ҳам ўлган бўлса керак, – деб жавоб берди кимдир. – Ҳар ҳолда овози чиқмаяпти.

– Капитан Клопен! – дея бақирди Дарвозалар кўчасига қараб турган Андри Малла. – Кичкина шумтақа ана!

– Плутонга шарафлар бўлсин! – деди Клопен қувониб. – Қизик, у судраб келаётган нарса нима?

Бу чиндан ҳам устидаги қурол-аслаҳасининг оғирлигига қарамасдан, ўзидан йигирма марта узун нарвонни чумолига ўхшаб тошқўчадан судраб келаётган Жеан эди.

– Ғалаба! Те Деум!<sup>2</sup> – дея бақирди келарди шумтақа. – Мана бу Сен-Ландри пристанидаги юк ташувчилар нарвони.

Клопен унинг ёнига келди.

– Нима қилмоқчисан, болакай? Нарвонни бошингга урасанми?

– Нима қилмоқчисан дедингизми, марҳаматли зот? Уч пештоқ устидаги қиёфаси беўхшов ҳайкалларни кўряпсизми?

– Кўряпман. Хўш, нима бўпти?

– Билсангиз, бу француз қироллари галереяси.

– Улар билан нима ишим бор? – деди Клопен бетоқат бўлиб.

– Шошманг! Ўша галереянинг охирида зулфини суриб қўйилган эшиқ бор. Мана шу нарвон ёрдамида тепага чиқсам, қарабсизки, ибодатхонанинг ичига кириб оламан.

– Биринчи бўлиб мен чиқаман, болакай!

– Э йўқ, биродар, ахир, нарвонни мен топдим-ку! Истасангиз юринг, сиз иккинчи бўлиб чиқасиз.

– Вельзевул бўғиб ўлдирсин сени! – дея тўнғиллади Клопен норози бўлиб. – Иккинчи бўлишни сира хоҳламайман.

– У ҳолда, Клопен, бошқа нарвон қидириб топишингга тўғри келади!

<sup>1</sup> Икки юз фут – 69 м.га яқин.

<sup>2</sup> Те Деум! (лот.) – Худога шуқур!

Жеан шундай деди-да, “Ортимдан, йигитлар!” дея бақириб ўлжасини судраб, ибодатхона пештоки томон югурди.

Бирпасда нарвонни кўтариб, ёнлама пештоқларнинг биридаги қуйи галерея балюстрадага тақаб қўйишди. Нарвон пойида уйилиб, бақир-чақир қилаётган дайдилар тепага чиқишга уринарди. Аммо Жеан ўз ҳуқуқини ҳимоя қилиб, биринчи бўлиб нарвонга кўтарилди. Кўтарилгунча анча вақт кетди. Ҳозирда француз қироллари галереяси тошкўчадан қарийб олтмиш фут<sup>1</sup> баландликда жойлашган. Ўша замонлар эса ибодатхонага киравериш зиналари туфайли бу галерея яна ҳам баландроқда эди. Устига оғир совут кийиб олган Жеан бир қўли билан нарвон тахтасини тутиб, иккинчи қўлида камонни ушлаб, секин-аста чиқиб борарди. Нарвоннинг ярмига етиб боргач, нафас ростлаб олиш учун бир муддат тўхтаб, пастда зиналар устида ётган бечора арготинликлар жасадига разм солди.

– Начора! – деди у. – Бу жасадлар уюми Илиаданинг бешинчи қўшиғига муносиб манзара.

Шундай дея тепага чиқа бошлади. Дайдилар унинг ортидан эргашди. Зулмат ичида чайқалиб бир чизик бўйлаб ҳаракатланаётган бу совутлар ибодатхона деворидан ўрмалаб кетаётган пўсти пўлат илонга ўхшаб кетарди.

Нихоят, галереянинг бўртиб турган жойигача етиб борган талаба бир сакраб айвонга чиқиб олди. Шу тариқа қалъани ишғол этган Жеан хурсандлигидан бақираман деб турганда бирдан тошқотгандек жимиб қолди. У қайсидир қирол ҳайкалининг орқасидаги нимқоронғи жойда писиб, кўзидан ўт чақнаб турган Квазимодони кўриб қолган эди.

Иккинчи дайди галереяга чиқиб олишга улгурмасиданоқ, нарвон томон сакраган букри, қўли билан уни учидан ушлаб, девордан сурди-да, осилиб турган дайдиларнинг даҳшатли қийқириғига қарамай, ҳавода муаллақ қолган нарвонни у ёқ бу ёққа тебратиб, бор кучи билан майдонга итариб юборди. Бу ҳатто энг жасур ва кўркмас дайдиларнинг юраги дукурлаб кетган лахзалар эди. Нарвон дастлаб бироз тебраниб, тик турди-да, кейин тўсатдан занжирлари узилиб кетган кўтарма кўприқдан ҳам тезроқ, радиуси камида саксон фут<sup>2</sup> келадиган ярим айлана ҳосил қилиб, бор юки билан тошкўчага гурсиллаб қулади. Ақл бовар қилмайдиган бақир-чақир, оҳ-воҳлардан кейин бирдан сукунат чўмганда ўлганлар уюми тагидан бир неча майиб-мажруҳ дайди аранг судралиб чиқди.

Ҳозиргина янграган ғолибона наъра ўрнига майдон яна қайғу-алам ва ғазабга тўлди. Квазимодо тирсақлари билан балюстрадага суяниб, пастга жимгина қараб турарди. Шу тобда у деразадан ташқарига разм солиб турган қадимий меровинглар<sup>3</sup> қиролига ўхшаб кетарди.

Мушкул аҳволга тушган Жеан даҳшатли кўнғироқчи билан юзма-юз келиб қолган эди. Квазимодонинг нарвон билан банд бўлганидан фойдаланиб, у яширин йўл эшиги олдига югуриб келди. Надоматлар бўлсинки, галереяга чиққан кар уни кулфлаб қўйишни унутмаган эди.

Дастлабки дақиқаларда букри унга эътибор бергани йўқ; ниҳоят, у бошини кўтарганда бирдан гавдаси тик бўлди. У талабани кўриб қолган эди.

Жеан шафқатсиз ҳужумга ҳозирланди, аммо букри унинг юзига тикилиб, ҳамон кимир этмасдан турарди.

<sup>1</sup> Олтмиш фут – тахминан 18 м.

<sup>2</sup> Саксон фут – тахминан 24 м.

<sup>3</sup> Меровинглар – Франция тарихида франклар қиролларининг биринчи сулоласи вакиллари. Улар V аср охири ва VIII аср ўрталаригача бугунги Франция ва Бельгия ҳудудларида ҳукмронлик қилган.

– Эҳ-хе! Биргина қийшиқ кўзингни лўқ қилганинг нимаси? – деди Жан ўзини хотиржам тутишга уриниб.

Шумтака сездирмасдан камонни отишга тайёрлади.

– Квазимодо! – дея бақирди у. – Бугундан бошлаб лақабингни ўзгартирмоқчиман. Бундан буён сени “сўқир” дейман!

Шундай дея камондан ўқ узди. Ҳавода шувиллаб учган ўқ букрининг чап кўлига бориб санчилди. Квазимодо ўқ гўё уни эмас, қирол Фарамонд ҳайкалини тирнаб ўтганидек, унга заррача эътибор қилгани йўқ. У пайконни чиқариб, тиззасига кўйиб майдалаб ташлади-да, қолдиқларини ерга отиб юборди. Жан иккинчи бор отишга улгурмади. Оғир хўрсинган Квазимодо чигирткадек сакраб, талабага ташланганда унинг деворга бориб урилган совутлари пачоқланиб кетди.

Ўшанда нимқоронғида, машъалаларнинг тебраниб турган шуъласида даҳшатли воқеа юз берди.

Квазимодо чап кўли билан унга қаршилиқ кўрсатмаётган, куни битганини сезаётган Жаннинг икки кўлини маҳкам ушлаб олди-да, ўнг кўли билан ёнғоқнинг пўстини ажратаётган маймун сингари шошмасдан шумтаканинг қурол-аслаҳалари – қилич, ханжарлар, дубулға, совут, кишанларни бирин-кетин олиб, оёғининг остига ташлади.

Галерея панжарасига чиқиб олган Квазимодо бир кўли билан талабанинг икки оёғидан ушлаб, палахмон тошидек чоҳ устида айлантира бошлади. Бироздан кейин деворга урилиб синган суяк товуши эшитилди; юқоридан пастга шиддат билан тушаётган бир нима, бинонинг бўртиб чиққан жойига илиниб, тўхтаб қолди. Бу умуртқаси синган, бош чаноғи мажақланган, икки букилиб осилиб қолган жасад эди.

Бу фожиани кузатиб турган дайдилар ғазаб отига минди.

– Қасос оламиз! – деб бўқирди Клопен.

– Талаймиз! – дея ҳайқирди оломон. – Хужумга! Хужумга!

Бир неча дақиқа ўтгач, саросимага тушиб қолган Квазимодо кутуриб кетган дайдиларнинг янги нарвон ва машъалалар топиб келгани, сонсаноксиз чумолилардек Биби Марям ибодатхонасига хужум бошлаганини кузатиб турди. Тобора кўпайиб бораётган бундай жирканч қиёфалар оқимига дош бериш имконсиз эди. Уларнинг юзи оловдек ёниб турар, пешоналарини тер босган, кўзлари порлаб турарди. Ана шу бадбашара, жирканч қиёфалар ҳар тарафдан Квазимодони қуршаб олди; улар ибодатхона фасадидаги тош мавжудотлар устидан тирмашиб бораётган тирик махлуқлар қатламига ўхшаб кетар эди.

Дайдилар бўкириб, ҳаллослаб, худога шак келтириб, ибодатхона тепасига тирмашиб борар, бундай катта кучга қарши ожиз бўлган ва лўли қизнинг ҳаёти учун хавфсираётган Квазимодо уларнинг галереяга тобора яқинлашиб келаётган дарғазаб башарасини кўриб, умидсизликдан қўлларини қайирар, мўъжиза содир бўлишини тилаб, Яратганга илтижо қиларди.

## Ҳ. Людовик Ўн Биринчи оятлар китобини ўқийдиган хужра

Қиролнинг Парижга ташриф буюрганига икки кун бўлди. Бир кундан кейин у ўзининг яхши мустаҳкамланган Монтиль-ле-Тур қалъасига кетишни мўлжалланганди. Парижда яширин йўллар, дор ва шотландиялик

ўқчилар етарли эмас деган тўхтамга келган қирол бу шаҳарга онда-сонда ва жуда қисқа муддатга келиб турар эди.

Бугунги тунни у Бастилияда ўтказишга қарор қилди. У Луврдаги беш квадрат туаз<sup>1</sup> келадиган, ўн икки баҳайбат жонивор ва ўн уч буюк пайғамбар суратлари билан безатилган катта каминни, эни ўн бир<sup>2</sup>, бўйи ўн икки фут<sup>3</sup>ни ташкил этган кенгу мўл тўшаги бўлган улкан қирол қошонасини унчалик ёқтирмасди. Бундай баҳайбат қошонада у ўзини йўқотиб кўярди. Шунинг учун шаҳарлик фуқаролар сингари камтар қиролга Бастилиядаги торгина тўшаги бўлган хужра афзал кўринарди. Бундан ташқари, Бастилия Луврга қараганда яхшироқ ҳимояланганди.

Бу хонада ўша замонга хос жиҳозлардан – на юмшоқ ўриндиқли узун курсилар, на сандиқ шаклидаги ўриндиқлар, на уч оёкли ёғоч табуреткалар, на таглари ўйма ва ҳар бири тўрт су турадиган чиройли скамейкаларни топа оласиз. Бу ерда ёғоч қисмларига атиргуллар акси туширилган, қизил кордова териси қопланган, ўриндиғи эса узунчоқ ипак шокилалар ва тилларанг чиннигуллар билан безатилган жуда дабдабали йиғма кресло бор эди, холос. Ягона креслонинг бу ерда тургани ушбу хонада биргина зот ўтиришга ҳақли эканига ишора эди. Креслонинг ёнида, деразининг шундоқ тагида устига қушлар акс эттирилган гиламча ташлаб қўйилган стол жойлаштирилган. Столнинг устида сиёҳ доғлари тушган ёзув қуроллари, пергамент ўрами, патлар ва сирти пардозланган кумуш қадаҳ турарди. Сал нарироқда кўчма печка, тўқ қизил бахмал қопланган ва тилларанг сўталар билан безатилган қия стол ўрнатилган. Ниҳоят, хонанинг тўрида безакларсиз, оддий шокилали сариқ-қизил рангли газламадан тикилган чойшаб ташлаб қўйилган оддийгина каравот турарди.

“Людовик Ўн Биринчи оятлар китобини ўқийдиган хужра”нинг манзараси шундай эди.

Биз китобхонни бу ерга таклиф этган паллада унинг ичи қоп-қоронғи эди. Бир соат олдин чироқларни ўчиришга бонг берилган, ҳаммаёқни зулмат қуршаб олган, ана шу хонада тўпланган беш кишини ёритиб турган хира мум шамгина пириллаб ёниб турарди.

Улардан бири кенг калта иштон, кумушранг ип билан тикилган пуштиранг камзул, енглари кенг парча ёпинчиқли жуда дабдабали либос кийиб олган амалдор эди. Ўта жаҳлдор қиёфаси ёқимсиз, ғўддайиб турган бу кишининг юзида кибр-ҳаво ва маккорлик яққол намоён бўлиб турарди.

Узун қоғоз ўрамини ушлаган, бош кийимсиз бу амалдор букчайганча столга суяниб оёғини чалиштириб курсида ўтирган, камтарона кийинган бир кишининг ортида тик турарди. Чарм билан қопланган ана шу ҳашамдор креслода суяги бўртган тиззаларни, қора жундан тикилган эски трико ичидаги ориқ сонларни, эскириб жунлари титилиб кетган юпқа матодан тикилган чакмон ичидаги гавдани ҳамда энг сифатсиз қора матодан тикилган ва алмисоқдан қолган гардиши кўрғошин безакчали ёғ босган шляпани кўз олдингизга келтириб кўринг. Тагин, бунга сочларни деярли ёпиб турган сип-силлиқ такяни кўшсангиз, ўтирган кимсанинг қиёфаси кўз ўнгингизда намоён бўлади. Унинг боши кўкрагига осилиб қолган, нур зарраси тушиб турган узун бурнининг учигина кўриниб турарди. Қуруқшаб тиришган қўлларига қараб, крес-

<sup>1</sup> Беш квадрат туаз – тахминан 100 кв. м.

<sup>2</sup> Ўн бир фут – тахминан 3 м.

<sup>3</sup> Ўн икки фут – тахминан 3,5 м.

лода чол ўтирганини англаб олиш қийин эмасди. Людовик Ўн Биринчи деганлари шу киши эди.

Сал нарироқда фландрияча либос кийган икки киши шивирлашиб гаплашарди. Афт-ангори яхши ёритилган бу зотлар тимсолида Гренгуарнинг мистериясида иштирок этган Фландриянинг икки бош элчиси: Гент шахридан ташриф буюрган зехни ўткир Гильом Рим ва халқнинг хурматини қозонган пайпоқдўз Жак Копенolni таниб олиш мумкин эди.

Ниҳоят, эшик ёнидаги нимқоронғи жойда герблар билан безатилган либосда қурол-аслаҳали, гавдали бир киши ҳайкалдай қотиб турарди. Унинг тор пешонаси, чакчайган кўзлари, бадбашара юзи, ўпқондек оғзи, кулоқларини ёпиб турган силлиқ таралган сочларини кўрган одам бу кимсани ҳам итга, ҳам йўлбарсга ўхшатган бўларди.

Қиролдан бошқаларнинг бош кийими йўқ эди.

Қирол ёнида турган амалдор узун қоғоз ўрамига ёзилган маълумотномани ўқиётган, ҳукмдор эса диққат билан кулоқ тутаётгандек эди. Фландрияликлар шивирлаб гаплашарди.

– Эй худо, бу қандай гап! – дея тўнғиллади Копеноль. – Тик туриб чарчаб кетдим. Наҳотки, бу ерда бирорта ҳам курси бўлмаса?

Гильом Рим кулимсираб, “йўқ” дегандай ишора қилди.

– Эй худо, бу қандай гап! – такрорлади Копеноль овозини пасайтиришга уриниб. – Ижозат бўлса, ўзимнинг дўконимдагидек, ерда чордона куриб ўтириб олган бўлардим.

Қирол овозини кўтариб гапира бошлаганда, мулозимлар жим бўлиб қолишди.

– Хизматкорларимизнинг кийим-кечаги ва қирол мулозимларининг ёпинчиқлари учун эллик су денг! Олтинни бочкалаб тўкиб-сочинг бўлмаса! Ақлдан озибсиз, Оливье!

Чол бошини кўтарди. Бўйнида Михаил Архангел<sup>1</sup> орденининг олтин занжирлари ярқираб, қиролнинг туссиз ва тунд башараси ёришиб кетди. У жаҳл билан Оливьенинг қўлидан қоғозни юлиб олди.

– Бизни хонавайрон қилмоқчисиз, шекилли! – ўшқирди у ботиб кетган кўзлари билан қоғозни ўқиб. – Бу нима ўзи? Шунча сарой хизматкорига эҳтиёж борми? Хизматкорларимиз таъминоти бутун Францияни хонавайрон қилаётир! Ахир, бундай хотамтойлик гулханида Луврнинг бор бойлиги куйиб кул бўлмайдими!? Эртага идишларимизни ҳам сотишимизга тўғри келмасмикан деб қўрқаман! Келаси йили Яратган эгам ва Биби Марям (бу сўзлардан кейин қирол шляпасини ечди) умр берса, малҳамни қалай идишда ичишимизга тўғри келадими дейман!

Қирол стол устида ярқираб турган кумуш жомга кўз қирини ташлади.

– Мэтр Оливье! – деди у йўталиб олгач. – Харажатларимиз йил сайин ошиб бормоқда. Бу бизга маъкул эмас. Бу қанақаси? Етмиш тўққизинчи йилгача харажатларимиз ўттиз олти минг ливрдан ошмаган. Саксонинчи йилда харажатларимиз қирқ уч мингга етган. Бари эсимда! Саксон биринчи йили харажатларимиз олтмиш уч минг олти юз ливрни ташкил этган бўлса, худо ҳақи, бу йили саксон мингга бориб қолса кераг-ов! Тўрт йилда харажатларимиз икки баробар ошса-я! Ақл бовар қилмайди!

У оғир нафас олиб, жиғибийрон бўлиб гапида давом этди:

<sup>1</sup> Михаил Архангел – Инжилда тилган олинган пайғамбар. У нафақат христиан динида, балки яҳудий ва ислом динларида ҳам эътироф этилади.

– Атрофимда ориқлигим эвазига тобора тўлишиб бораётган одамларнигина кўриб турибман! Барингиз теримнинг ҳар бир қатидаги экюларни сўриб олишдан бошқа нарсани билмайсиз!

Албатта, қиролга эътироз билдиришга кимнинг ҳам ҳадди сиғарди? Ул зоти олийлари ғазаб отига минган бундай кезларда сукут сақлаш – ягона нажот чораси. Бироздан кейин қирол гапини давом эттирди:

– Эҳ-ҳе! Мактуб ҳам шунақа узун бўладими! Биздан нима истар экан император биродаримиз? – У мактубга кўз югуртирди. – Бунга шубҳа йўқ! Немислар кўпчилик ва қудратли! Аммо “Дунёда Фландриядан гўзалроқ графлик, Миландан гўзалроқ герцоглик, Франциядан гўзалроқ мамлакат йўқ!” деган кўҳна мақолни ёдимиздан чиқармаймиз. Шундай эмасми, фландриялик жаноблар?

Бу гал ватанпарварлик туйғуси жўш уриб кетган Копеноль Гильом Рим билан бир вақтда таъзим бажо келтирди.

Навбатдаги мактуб Людовик Ўн Биринчининг ғашини келтирди.

– Бу нимаси? Пикардиядаги гарнизонларимиз устидан шикоят тушиб-дими? Оливье! Зудлик билан маршал Руога жавоб ёзинг. Интизом издан чиқиб кетгани, қуролли кучларимизга чақирилган зодагонлар, мустақил ёлланганлар ва швейцарияликлар кишлоқ аҳлига азият етказиб, унинг норозилигига сабаб бўлаётганини... аскарларимиз деҳқонларнинг уйлари-ни талаётгани етмаганидек, уларни калтаклаб ёки найза ўқталиб, шароб, балиқ, ширинликлар ва ҳоказолар олиб келиш учун мажбурлаб шаҳарга жўнатаётгани чидаб бўлмас номаъқуллик эканини маълум қилинг. Яна кўшиб кўйинг... Дўстимиз, жаноб Руога... Жуда соз!

Бу номани у баланд овоз ва қатъий оҳангда, сўзларни дона-дона айтиб ёздирди. Хатга нуқта қўйилаётган пайтда эшик очилиб, хонага кимдир бақриб югуриб кирди:

– Ҳукмдор! Ҳукмдор! Париж қаланғи-қасанғилари исён кўтарибди!

Людовик Ўн Биринчининг жиддий киёфаси бужмайиб кетди. Юзида аллақандай ҳаяжон кўзга ташланган бўлса ҳам, у ўзини босиб, хотиржам оҳангда гапирди:

– Азизим Жак! Бундай бетакаллуфлик билан бостириб киришингизни қандай тушунмоқ керак?

– Ҳукмдор! Ҳукмдор! Исён! – дея такрорлади нафаси бўғзига келган Жак.

Қирол ўрнидан турди-да, қўполлик билан унинг елкасидан кескин тортди. Сўнг ғазабини босишга уринаётган ҳукмдор онда-сонда фландрияликларга кўз қирини ташлаб, Жакнинг қулоғига шивирлади:

– Овозингни ўчир ё секинроқ гапир!

Янги келган одам тушунди шекилли, овозини пасайтириб, узук-юлук гапира бошлади. Қирол хотиржам эшитди. Гильом Рим Копенолнинг эътиборини кириб келган кимсанинг киёфаси ва либосига жалб этди: мўйнали телпак, калта ёпинчик, қора бахмалдан тикилган узун ички кўйлак унинг ҳисоб палатаси раиси эканидан далолат берарди.

У шивирлаб гапира бошлаши билан Людовик Ўн Биринчи хохолаб кулиб юборди:

– Наҳотки? Овозингни кўтариб гапир, азизим Куактье! Нима деб шивирляпсан? Биби Марям ҳақи, фландриялик дўстларимиздан яширадиган сиримиз йўқ.

– Бирок, ҳукмдор...



– Овозингни кўтариб гапир!

“Азизим” Куактье эса оғзига мум солиб олгандек, жимиб қолди.

– Шундай қилиб, – яна гап бошлади қирол, – кани, сўзланг, тақсир. Бизнинг шавкатли шахримиз Парижда авом исён кўтарибдими?

– Шундай, ҳукмдор.

– Исён Одил судлов саройи бош судьяси жанобларига қарши эканми?

– Шундай бўлса керак, – деб минғирлади қиролнинг фикр йўналишини тушунарсиз тарзда кескин ўзгаришидан ҳамон ўзига келолмаётган Куактье.

Людовик Ўн Биринчи уни саволга тутди:

– Тунги қоровуллар оломонга қаерда дуч келибди?

– Катта Дайдилар кўчасидан Саррофлар кўпригига ўтиш жойида. Фармони олийни олиш учун бу ерга келаётганимда ўзим ҳам уларни ўша ерда учратдим. Оломоннинг “Йўқолсин саройнинг бош судьяси!” деб бақирганини ўз қулоғим билан эшитдим.

– Улар кўпчиликми? – деб сўради у бехосдан.

– Оз эмас, ҳукмдор, – дея жавоб қилди Жак.

– Қанча?

– Камида олти минг.

– Жуда соз! Хўш, улар қуролланганми?

– Ўроқ, найза, тошотар ва сўқалар билан қуролланган. Жуда кўп хатарли қуроллари бор.

Аммо санаб ўтилган қуроллар қиролни заррача ташвишга солмади.

“Азизим” Жак қўшиб қўйишга жазм этди:

– Ҳазрати олийлари, хозироқ судьяга ёрдам беришга буйруқ бермасангиз, у ҳалок бўлади.

– Ёрдам юборамиз, – деди қирол сохта хотиржамлик билан. – Жуда соз. Албатта, ёрдам юборамиз. Жаноб судья – дўстимиз. Ҳеч нимадан тап тортмайдиган олти мингта каллакесар! Ақл бовар қилмайдиган бу бебошлик ғазабимизни келтирди. Аммо айни пайтда қўл остимизда одам кам... Саҳарлаб юборсак ҳам улгурамиз.

– Зудлик билан юборинг, ҳукмдор! – дея бақириб юборди Жак. – Акс ҳолда суд биноси йигирма марта вайрон этилади, хожанинг ҳуқуқлари поймол қилинади, судьянинг ўзи эса дорга осилади. Худо ҳақи, ҳукмдор, эртани кутмасдан ёрдам юбормасангиз бўлмайди!

Қирол унга ўқрайиб қаради.

– Эртага эрталаб дедим, тамом-васалом!

Эътирозга ўрин қолмаган эди.

Бироз сукут сақлаб, Людовик Ўн Биринчи яна овозини кўтарди:

– Азизим Жак! Сиз бундан хабардор бўлишингиз керак. Одил судлов саройи судьясига қандай ҳуқуқлар берилган эди?.. – Кейин гапини тўғрилаб деди: – У хозир қандай ҳуқуқларга эга?

– Ҳукмдор! Яшил бозоргача Темирчилар кўчаси, Сен-Мишель майдони ва Нотр-Дам-де-Шан ибодатхонаси яқинидаги ҳамда халқ орасида Қувур деб аталадиган ўн учта иншоот, бундан ташқари, Мўъжизалар ҳовлиси, моховлар касалхонасидан Сен-Жак дарвозасигача чўзилган йўл судьянинг мулки ҳисобланади. Шаҳарнинг ана шу қисмларида у йўл назоратчиси, олий, ўрта ва қуйи суд ҳокимияти тимсоли, тўлақонли ҳукмдордир.



– Шунақа денг! – деди ўнг қўли билан чап кулоғининг орқасини қашиган қирол. – Бу шахримизнинг каттагина қисми-ку! Э-ҳа! Демак, жаноб судья буларнинг барига ҳукмдор эканлар-да?

Хаёлан ўзича мушоҳада юритаётгандай қирол фикрини давом эттирди:

– Жуда соз, жаноб судья! Парижимизнинг каттагина бўлагини ғажиб ётган эканлар-да!

Бирдан ғазаби қўзиб кетди:

– Пасха билан онт ичаман! Йўл назоратчиси, судья, мулк эгаси ҳуқуқларини ўзлаштириб олган жаноблар ким ўзи? Уларнинг ҳар бир далада – қопқаси, ҳар бир чорраҳада – ўз суди ва жаллодлари бор. Жин урсин! Бу жуда зарарли, бундай бебошликка чек қўйиш фурсати етди! Парижда Яратганнинг инон-ихтиёри билан қиролдан бошқа йўл назоратчиси, бизнинг суд палатамиздан ташқари бошқа суд маҳкамаси, мендан ўзга ҳукмдор бўлиши мумкинми, шуни билмоқчиман! Онт ичиб айтаманки, жаннатда фақат битта худо бўлгани каби, Францияда ҳам фақат битта қирол, битта давлатпаноҳ, битта судья ва битта жаллод ҳукмрон бўлади!

У ҳамон ўйчан оҳангда мушоҳада юритиб, шляпасини кўтариб қўйди-да, фикрини давом эттирди.

– Жуда соз, халқим! Жуда соз! Бу сохта ҳукмдорга қирон келтир! Ишингни охирига етказ! Барини қувиб сол! Барини тунаб, дорга ос, яксон қил!.. Сиз ҳали қирол бўлмоқчимисиз, жаноблар? Олавер, халқим, улар сеники!

Кейин ҳозир бўлганларга яна бир бор кўз қирини ташлади-да, инига кириб кетаётган тулки сингари хавотирланиб деди:

– Майли, нима бўлган тақдирда ҳам, жаноб судьяга ёрдам бермасак бўлмайди! Бахтга қарши, қўл остимизда шунча оломонни тартибга солиш учун қўшин етарли эмас. Барибир, эрталабгача кутишга тўғри келади. Ситеда, албатта, тартиб ўрнатилади ва қўлга олинганларнинг бари ўша захоти дорга осилади.

– Айтгандай, ҳукмдор, – деди Жак Куактье бехосдан, – мени касалингиз хуруж қилгани учун чакиртирмаганмидингиз?

– Ҳа-я! – дея ингради қирол. – Чиндан ҳам азобим қаттиқ, азим. Қулоғим шанғиллаб, кўкрагимни қиздирилган тиг тилка-пора қилаётгандек.

Куактье қиролнинг қўлини ушлаб, жиддий қиёфада томирини пайпаслай бошлади.

– Эътибор қилинг, Копеноль, – деди Рим шивирлаб. – Қиролнинг Куактье ва Тристан ўртасида ўтиришига бир қаранг. Мана шулар унинг сарой аъёнлари. Унга – табиб, бошқаларга – жаллод.

Қиролнинг томирини пайпаслаётган Куактье қиёфасида ташвиш аломати кучайиб борарди. Людовик Ўн Биринчи ҳам хавотирланиб, унга қараб қолди. Куактьенинг қиёфаси эса тобора жиддийлашиб борар, чунки шўрлик табибнинг қирол саломатлигига кўз-қулоқ бўлишдан бошқа даромад манбаи йўқ эди. Табиийки, у бундан имкон борича фойдаланишга уринарди.

– Эҳ-хе! – деди у ташвишли оҳангда. – Аҳвол чиндан ҳам чаток-ку!

– Наҳотки? – деди қирол хавотирга тушиб.

– Pulsus creber, anhelans, crepitans, irregularis<sup>1</sup>, – деди табиб.

<sup>1</sup> Pulsus creber, anhelans, crepitans, irregularis – Томирингиз заиф, у бир маромда урмаяпти.



– Пасха билан қасам ичаман!

– Томири бундай ураётган одам уч кун ичида адо бўлиши мумкин.

– Эй, марҳаматли Биби Марям! – дея хитоб қилди қирол. – Бунинг бир чораси бордир, азизим?

– Мен ҳам шуни ўйлаяпман-да, ҳукмдор.

У Людовик Ўн Биринчининг тилини кўрсатишга мажбур қилди, кейин бош чайқаб, афтини буруштирди. Ана шу масхарабозликдан кейин тилёғламачилик билан қиролга кўнглидаги гапни айтишга қарор қилди:

– Дарвоқе, ҳукмдор, епархия ва черковлардан қирол солиғи йиғувчисининг ўрни бўшагани ҳамда жияним борлигини маълум қилишим керак.

– Майли, уни жиянингга берамиз, азизим Жак, – деди қирол, – фақат кўкрагимдаги оловдан халос этсанг бас.

– Марҳаматингизнинг чеки йўқ, ҳукмдор, – деди табиб ялтоқланиб. – Сент-Андре-дез-Арк кўчасидаги уйимнинг қурилишини якунига етказиш учун озгина ёрдам бериб юборсангиз, бошим осмонга етарди.

– Ҳм! – деди қирол.

– Ақчам қолмади ҳисоб, бундай уйнинг томини ёпмасдан қолдириш жуда ҳам ачинарли. Гап уйда ҳам эмас – у шаҳар фуқаросининг камтарона, оддий кулбаси. Ҳамма гап деворларни безаб турган Жеан Фурбо суратларида. Улардан бирида кўкда парвоз қилаётган ғоят гўзал, жозибали, ҳаракатчан, яримой шаклидаги соч турмаги, қордек оппоқ териси билан унга тикилган ҳар қандай одамни йўлдан урадиган Диана акс эттирилган. У ерда яна бир гўзал маъбуда – Цецера ҳам бор. У айиктовон ва бошқа дала гулчечаклари билан безатилган, бошоқлардан иборат жуда чиройли гулчамбар устида ўтирган ҳолда тасвирланган. Дунёда уникадек фусункор кўзлар, келишган оёқчалар, нозик қадди-қомат, жозибали либослар бўлмаса керак. Бу мусаввир мўйқалами билан яратилган энг мукаммал ва маъсума гўзаллардан бири.

– Эй жаллод! – деди Людовик Ўн Биринчи ижирғаниб. – Ҳўш, бу билан нима демоқчисан?

– Ана шу деворий суратларнинг устини ёптиришим керак, ҳукмдор. Бу арзимас бўлиб кўриниши мумкин, аммо бир чақа ҳам пулим қолмаган.

– Томни ёпиш учун қанча керак?

– Тахминимча... турфа нақшлар билан безатилган ва тилла суви юритилган мис томга икки минг ливр кетса кераг-ов.

– Қароқчи! – дея ўдағайлади қирол. – Юлиб олган ҳар бир тиш учун олмос билан тўлашимга тўғри келади.

– Томим ёпиладими? – деб сўради Куактье.

– Ёпилади, жин урсин сени, фақат мени даволасанг бўлгани.

Жак Куактье чуқур таъзим қилиб деди:

– Ҳукмдор! Мана бу сўрувчи восита дардингизга даво бўлади. Белингизга бит малҳами, арман болуси, тухумнинг оқи, зайтун ёғи ва сирка аралашмасини қўямиз. Бундан ташқари, суноқ малҳамни ичишни тўхтатмасангиз, сиз ҳазрати олийларининг соғ-саломат юришига кафолат берамиз.

Ёниб турган шам фақат биттагина ҳашаротни жалб этмайди. Қиролнинг бундай хотамтойлигини кўриб турган ва қулай вазият туғилди, деган фикрга келган мэтр Оливье ҳам унга яқинлашди.

– Ҳукмдор...

– Яна нима гап?

– Ҳукмдор! Ҳазрати олийларининг мэтр Симон Раденнинг вафот этганидан хабари борми?

– Хўш, нима бўпти?

– У ғазначиликнинг суд ишлари бўйича қирол маслаҳатчиси лавозимида хизмат қиларди.

– Нима бўпти, деб сўраяпман?

– Ҳукмдор! Унинг ўрни бўшаб қолган.

Ана шу сўзларни айтаётган онларда Оливьенинг такаббуруна қиёфасида димоғдорлик ўрнига хушомадгўйлик пайдо бўлди. Бу икки ҳолат сарой аъёнларигагина хосдир. Қирол унинг юзига ўқрайиб деди:

– Нима демоқчилигингизни тушундим.

Кейин фикрини давом эттирди:

– Мэтр Оливье! Бир вақтлар маршал Бусико “Тухфа – қиролдан, балиқ – денгиздан” дегани ёдимда қолган. Жаноб Бусиконинг фикри сизга маъқул эканини кўриб турибман. Энди гапимга қулоқ солинг. Хотирам ҳеч қачон панд бермайди. Олтмиш саккизинчи йилда биз сизни тан маҳрамимиз, олтмиш тўққизинчи йили – юз тур ливр маош тўлаб (ўшанда сиз Париж ливри билан тўлашни сўрагансиз) Сен-Клу кўприги ёнидаги қалъа коменданти, етмиш учинчи йилнинг ноябрида Жержолда бўлган чоғимизда асилзода Жильбер Акл ўрнига Венсен ўрмонлари нозири, етмиш бешинчи йили Жак Лемер ўрнига Рувле-ле-Сен-Клуга ўрмон назоратчиси этиб тайинлаган эдик. Етмиш саккизинчи йили яшил рангли мум билан икки марта муҳр босилган фармонимиз ила сизга ва рафиқангизга Сен-Жермен мактаби ёнидаги бозорда савдо қилувчиларнинг ҳар биридан йилига ўн Париж ливри миқдорида солиқ ундириш ҳуқуқини бердик. Етмиш тўққизинчи йили биз сизни шўрлик Жеан Дэза ўрнига Сенар ўрмонлари назоратчиси, Лош қалъаси коменданти, Сен-Кентен ҳукмдори, Мелан кўприги коменданти этиб тайинладик, шундан эътиборан сиз меланлик графга айландингиз. Байрам кунлари соч-соқол оладиган сартарошлар тўлайдиган беш су жаримадан уч су сизнинг улушингизга тўғри келса, хазинага қолган-қутганигина келиб тушади. Аслида башарангизга жуда мос тушадиган аввалги Ле Мове<sup>1</sup> деган фамилиянгизни бошқасига алмаштиришга изн бердик. Етмиш тўртинчи йили, асилзодаларимизнинг норозилигига қарамай, кўкрагингизни товусникига ўхшатиб юборадиган турфаранг герб инъом этдик. Пасха ҳақи, нахот ҳали ҳам тўймаган бўлсангиз? Нахотки, овингиз мўл-кўл бўлмаса? Нахотки, яна бироздан кейин қайиғингиз ағдарилиб кетишидан қўрқмасангиз? Шухратпарастлик бир кун келиб бошингизга етади. Чунки унинг ортидан ҳамиша вайронгарчилик ва шармандалик изма-из юради. Мана шулар ҳақида мушоҳада юритиб, тилингизни тийиб юргангиз маъқул.

Қатъий оҳангда айтилган бу сўзлардан кейин мэтр Оливье қиёфасида яна ўша сурбетлик намоён бўлди.

– Майли, нима ҳам қилардим! – дея минғирлади у. – Қирол бетоб. Бугун ҳаммаси табибга насиб қилган экан.

Людовик Ўн Биринчи унинг бундай бетгачопарлигидан ғазабланиш ўрнига ҳазил аралаш қўшиб қўйди:

<sup>1</sup> Ле Мове – бемаъни.



– Айтгандай! Сизни герцогиня хузурида элчимиз этиб тайинлаганим ёдимдан кўтарилай дебди. Ҳа, жаноблар, – деди қирол фландрияликларга юзланиб, – у элчимиз бўлган. Хўш, азизим, – деди у мэтр Оливьега қараб, – хафа бўлманг, ахир, эски қадрдонлармиз-ку! Энди кеч бўлди. Юмушларимизни адо этдик. Соч-соқолимни олиб қўйсангиз.

“Мэтр Оливье” тимсолида ўқувчи фожиаларнинг буюк ижодкори – Тангри томонидан яратилган ва Людовик Ўн Биринчи сахналаштирган узоқ давом этувчи қонли комедиядаги жирканч Фигаро образини таниган бўлса керак. Бу кимсани тавсифлаб ўтириш ниятидан йироқмиз. Қирол сартарошининг уч исми бор эди. Саройда уни Оливье ле Ден деб аташар, халқ Оливье-Иблис деб юритар, асл исми шарифи эса Оливье ле Мове бўлган.

Шу тобда у қиролдан аразлаб, Жак Куакьтега кўз олайтирганча, серрайиб турарди.

– Ҳа, ха! Бугун ҳаммаси табиб учун! – деб минғирлади у тишларини гижирлатиб.

– Албатта, табиб учун! – дея тасдиқлади истехзоли кулиб турган қирол. – Сенга қараганда табибга ишончимиз кўпроқ. Изоҳлаб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак: унинг қўлида жону танимиз бўлса, сенинг қўлингда иягимиз, холос. Бечорагина сартарошим, ғам ема, сен ҳам қуруқ қолмайсан. Қўли билан соқолини ушлаб туришни одат қилган қирол Хильперик<sup>1</sup>ка ўхшаганимда нима деган, нима қилган бўлардинг? Яхшиси, азизим, бурчингни бажар, соч-соқолимни олиб қўй! Бориб керакли нарсаларни олиб кел.

Қиролнинг ҳамма нарсани ҳазилга йўяётгани ва унинг жаҳлини чиқара олмаслигига ишонч ҳосил қилган Оливье минғирлай-минғирлай, унинг буйруғини бажариш учун чиқиб кетди.

Қирол ўрnidан туриб, деразага яқинлашди ва бирдан уни очиб юбордида, ҳаяжонланиб чапак чалиб юборди:

– Ростдан ҳам Сите устида аланга! Судьянинг уйи ёнмоқда. Бунга шубҳа йўқ. О қалби пок халқим! Ниҳоят сен ҳам асилзодаларнинг танобини тортиб қўйишимга кўмаклашишга қарор қилибсан!

Шу пайт хонага Оливье ле Ден кириб келди. Унинг ортидан қиролнинг кийим-кечагини кўтариб олган икки паж-хизматкор юриб келарди. Аммо булардан ташқари, Оливьега кўринишларидан саросимага тушиб қолган Париж ҳокими ва тунги қоровуллар бошлиғи ҳамроҳлик қилаётгани қиролни ажаблантирди. Машъум сартарошнинг киефасида, бир томондан, саросима аломатлари, бошқа томондан эса, аллақандай ички мамнуният сезилиб турарди.

У биринчи бўлиб сўз бошлади:

– Ҳукмдор! Ҳазрати олийлари, нохуш хабар келтирганим учун афв этишингизни сўрайман.

Қирол кескин бурилганда, креслонинг оёғи полга тўшаб қўйилган похолни йиртиб юборди.

– Қандай хабар, гапиринг?

– Ҳукмдор! – дея давом этди сартарош, шафқатсиз зарба беришдан ҳузур олаётган одамга ўхшаб. – Халқ сарой судьясига қарши қўзғолон кўтармаган экан.

– У ҳолда қўзғолон кимга қарши экан?

<sup>1</sup> Хильперик Биринчи (тахм. 537–584) – Меровинглар сулоласига мансуб франклар қироли (561–584).

– Сизга қарши, ҳукмдор.

Қартайган қирол сакраб ўрнидан турди-да, ёшларга хос эпчиллик билан қаддини ростлади.

– Бу нима деганинг, ярамас! Қани, гапир ва калланг мустаҳкам турганини текшириб кўр! Мабодо алдаётган бўлсанг, билиб қўй: Люксембург герцогининг калласини сапчадек узиб ташлаган қилич ҳали занглагани йўқ! Қиролнинг қасами даҳшатли эди. Умри бино бўлиб, у икки мартагина шундай қасам ичган.

– Ҳукмдор... – дея гап бошлади Оливье.

– Тиз чўк! – дея ўшқирди қирол. – Тристан, буни қаттиқ кўриқла!

Тиз чўккан Оливье эса пинагини бузмай, гапини давом эттирди:

– Ҳукмдор! Қироллик суди аллақандай жодугарни ўлимга ҳукм этган. У Биби Марям ибодатхонасидан паноҳ топибди. Халқ куч ишлатиб, уни ибодатхонадан чиқариб олмоқчи. Гапларим ёлғон бўлса, мана, жаноб прево ва тунги қоровуллар бошлиғи барига гувоҳ. Халқ Биби Марям ибодатхонасини қамал қилган.

– Шунақа денг! – деди қирол овозини пасайтириб. Юзлари оқариб кетган қирол ғазабдан титраб турарди. – Биби Марям ибодатхонасини-я! Менинг пуштипаноҳим – муқаддас Биби Марямни ўз ибодатхонасида қамал қилишга қандай ҳадди сиғди уларнинг! Ўрнингдан тур, Оливье. Сен ҳақсан. Симон Раденнинг ўрни сеники. Мутлақо ҳақсан. Улар менга қарши бош кўтаришга жазм этибди. Жодугар ибодатхона паноҳида бўлса, ибодатхона – менинг ҳимоямда. Улар судьяга қарши исён кўтаришибди, деб юрибман! Ялангоёқлар менга қарши бош кўтарган экан-да!

Ғазабдан тетиклашган қирол қатта-қатта қадам ташлаб хона бўйлаб юра бошлади. У энди кулмас, қиёфаси ваҳимали тус олганди. Шу тобда тулки сиртлонга айланган эди. Лаблари кимирлаб турган бўлса ҳам, бўғриқиб кетган қирол бир оғиз ҳам гапирмади, тиришиб кетган мушталарини сиқди, холос. Бирдан бошини кўтарганда, ичига ботган кўзлари порлаб, овози карнай товушидек гумбурлаб кетди:

– Барини тут, Тристан! Ушла бу ярамасларни! Югур, дўстим Тристан! Жазосини бер! Барини қириб, янчиб ташла!

Ғазаб отига минган қирол бироз ўзига келгач, яна креслога бориб ўтирди-да, диққатини жамлаб, совуқ оҳангда гапирди:

– Ёнимга кел, Тристан! Бастилияда виконт Жифнинг эллик рицари ва уларнинг қуролбардорлари билан жами уч юз отликни ол. Бу ерда жаноб де Шатопер бошчилигидаги қирол ҳимоячилари ротаси бор – уларни ҳам ол. Темирчилар оқсоқоли экансан, уларнинг бари сенинг ихтиёрингда. Шаҳзоданинг Сен-Поль саройидаги янги гвардиясидан қирқ аскарни ҳам ол-да, мана шу кўшинга бош бўлиб, ибодатхонага шошил! Ялангоёқ париждликлар, Франция тож-тахтига, илоҳий Биби Марям ибодатхонасига қарши боришга жазм этибсиз-да, давлатимизнинг тинчлигига раҳна солмоқчи экансиз-да! Барини қириб ташла, Тристан! Бирорта ҳам қолмасин! Битта-яримта тирик қолгани бўлса, Монфокон<sup>1</sup>га олиб бор.

Тристан таъзим қилди.

– Амрингиз вожиб, ҳукмдор!

У шундай деб бироз сукут сақлаб турди-да, кейин қўшиб қўйди:

<sup>1</sup> Монфокон – XIII асрда Парижда тошдан қурилган улкан дор. Бугунги кунгача сақланиб қолмаган.

– Жодугарни нима қилайлик?

Бу савол қиролни ўйлантириб қўйди.

– Жодугарни дейсанми? – деб шахар ҳокимига бурилди. – Жаноб Эстувиль! Халқ уни нима қилмоқчи ўзи?

– Ҳукмдор! Оломон уни Биби Марям ибодатхонасидан чиқариб олишга уринаётган экан, назаримда, жодугарнинг жазосиз қолаётгани уни ғазабини келтирган. Шунинг учун уни осмоқчи бўлса керак.

Қирол чуқур ўйга чўмиб колди, сўнг Тристан-Қаландарга буюрди:

– Нима ҳам қилардик, азизим, вазият шуни тақозо этган экан, оломонни қириб ташла, жодугарни эса дорга ос.

– Хўп бўлади, ҳукмдор, – деди Тристан. – Жодугар ҳамон Биби Марям ибодатхонасида қолаётган бўлса, бошпана ҳуқуқига қарамасдан, уни олиб чиқишга изн берасизми?

– Пасха билан қасам ичаман! Бу чиндан ҳам бошпана! – деди қирол қулоғининг орқасини қашлаб. – Лекин жодугар аёл осилиши шарт.

Шу пайт хаёлига беҳосдан келган фикрдан жунбишга келган қирол креслонинг ёнига тиззалаб чўкди, шляпасини ечиб, ўриндикка қўйди-да, уни безаб турган кўрғошин ҳайкалчага тикилиб, худди ибодат қилаётгандек қўлларини кўксига қўйиб деди:

– Эй Биби Марям! Менинг пуштипаноҳим, ожиз бандангни кечир! Атиги бир мартагина бунга қўл ураман! Бу жинойтчини жазоламаслик мумкин эмас. Эй муқаддас Биби Марям, ишон, бу жодугар сенинг ҳимоянга нолайик. Эй Биби Марям, бир гал гуноҳимдан ўтасан, деган умиддаман! Келгусида яна шундай ишга қўл урмасликка ҳамда ўтган йили Экуидаги Биби Марям ибодатхонасига қилган ҳадямдан қолишмайдиган жуда гўзал кумуш ҳайкални тортиқ этишга ваъда бераман. Омин.

У бут билан чўқиниб, ўрнидан турди-да, шляпасини кийиб, Тристанга буйруқ берди:

– Шошилмасанг бўлмайди, азизим! Жаноб Шатоперни ўзинг билан бирга олиб бор. Бонг уришга буйруқ бер. Ялангоёқларни мажақлаб ташла. Жодугарни дорга ос. Менинг қарорим шу. Қатлни ҳам ўзинг адо этишингни хоҳлайман. Кейин менга ҳисоб берасан... Юр, Оливье, бу тун ухламайман. Соч-соқолимни олиб қўй.

Тристан-Қаландар таъзим қилиб, чиқиб кетди. Сўнг қирол Рим ва Копенолнинг ҳам кетишига изн берди.

– Фландриялик жаноблар, дўстларим, Яратган сизни ўз паноҳида асарин. Бориб бирпас дам олинг. Тун охирига етай деб колди, сахар яқин.

## VII. Шатопер, қутқар!

Квазимодони хатарли аҳволда қолдириб кетганимиз китобхоннинг хотирасидан кўтарилмаган бўлса керак. Ҳар тарафдан ўраб олинган доворак кўнғироқчида нафақат жасорат, ўзини эмас – лўли қизни қутқариб қолишга умид ҳам қолмаган эди. Эсини йўқотиб, доврираб қолган Квазимодо галереянинг у ёғидан бу ёғига бориб келиб турарди. Чиндан ҳам Биби Марям ибодатхонасининг ишғол этилишига бир баҳя қолганди. Аммо кутилмаганда ёнлама кўчалардан отларнинг дупур-ду-

пури кулоққа чалиниб, майдонда машъала ва найза кўтариб олган суворийлар пайдо бўлди. Майдон узра “Франция учун! Франция учун! Ялангоёқларни янчиб ташланг! Шатопер, кутқар! Прево учун!” деган хайқириқлар янгради.

Эсанкираб қолган дайдиларнинг бари юзини душман томон буришга мажбур бўлди.

Кулоғи оғир Квазимодо яланғочланган қиличларни, ёниб турган машъалаларни, учқур найзаларни, Феб бошчилигидаги суворийларни кўриб турарди. Айрим дайдиларнинг эсанкираб қолгани, бошқаларининг даҳшатга тушганига гувоҳ бўлган ва бу кутилмаган мададдан куч олган букри галереяга ошиб туша бошлаган дайдиларни ибодатхонадан улоқтириб ташлади.

Кутилмаган нажоткорлар от чоптириб келган қирол кўшини эди.

Аммо дайдилар ҳам анойи эмас, жон-жаҳди билан химояланарди. Ёндан Сен-Пьер-о-Беф кўчасидан, орқадан эса Дарвозалар кўчасидан ҳамлага учраган ва ҳамон Квазимодо химоялаётган ибодатхонани исканжага олган дайдилар, бир вақтнинг ўзида ҳам қамал қилаётган, ҳам химояланаётганлар ҳолатига тушиб қолган эди.

Қирол чавандозлари, айниқса, улар орасида тенгсиз жасорати билан ажралиб турган Феб де Шатопер ҳеч кимга раҳм қилмади. Ханжарнинг тиғидан қочишга улгурганларнинг кўксига қилич санчилди. Қутуриб кетган ва қуролсиз қолган дайдилар хужум қилаётганларни тишлаб олишга уринарди. Отларнинг сағриси ва бўйнига ташланган эркаклар, аёллар ва болалар, мушукка ўхшаб, тиши ва тирноқлари билан этга ёпишар, бошқалари эса аскарларнинг юзига машъалаларни суқишга уринар, яна бирлари чавандозларнинг бўйнига темир илмоқларини илдириб, отдан судраб туширишарди-да, бурда-бурда қилиб ташларди.

Улар орасида кенг ялтироқ чалғи билан отларнинг оёғини чошиб ташлаётган дайди алоҳида ажралиб турарди. Унинг қиёфаси даҳшатли эди. У қандайдир кўшиқни минғирлаб хиргойи қилиб, чалғини гоҳ кўтариб, гоҳ туширарди. Ҳар бир силташдан кейин теварак-атрофида ярадорларнинг кенг доираси ҳосил бўлар, шу тариқа бошини эгиб, оғир нафас олаётган дайди даладаги ҳосилни ўриб олаётган ўроқчига ўхшаб, хотиржам, шошмасдан отлиқ кўшиннинг марказига кириб боришга ҳаракат қиларди. Бу Клопен Труйльфу эди. Аммо у милтиқдан отилган ўқдан тил тортмай жон берди.

Ниҳоят, дайдилар чекинишга мажбур бўлди. Улар хужум қилаётганлар ҳалқасини узиб, сон-саноксиз жасадларни қолдириб, тўрт тарафга қочиб қолишди.

Бир сонияга бўлса ҳам жанг қилишни тўхтатмаган ва дайдиларнинг қочишини кўриб турган Квазимодо тиззалаб ўтирди-да, қўлларини кўкка чўзди. Кейин аллақандай завқ билан ўзи мардона химоя қилган хужрача томон қушдай елди. Энди унинг хаёлини ҳозиргина иккинчи бор ўзи кутқариб қолган қизнинг оёғига тиз чўкиш фикри қуршаб олган эди.

Квазимодо хужрага қадам босганда у кимсасиз эди.



## ЎН БИРИНЧИ БОБ

## I. Бошмоқча

Дайдилар ибодатхонани қамал қилишга киришганда Эсмеральда ҳали ухлаб ётган эди.

Аммо бироздан кейин ибодатхона атрофида шовқин-сурон ва эчкичанинг маърашини эшитган лўли қиз кўзларини очишга мажбур бўлди. Ўрнидан туриб, теварак-атрофга кулоқ солди, сўнг майдондаги ғала-ғовур ва минглаб машғалалар шуъласидан кўрқиб, юраги дук-дук ураётган лўли қиз нима қор-ҳол юз берганини билиш учун хужрадан югуриб чиқди. Майдондаги кўрқинчли манзара, у ерда тимирскиланиб юрган шарпалар, бетартиб тунги олатасир, зулмат ичида зўрға кўзга ташланаётган ва улкан бақалар ғаласига ўхшаб, бўғриқиб гуриллаётган оломоннинг жирканч қиёфаси унга гўё жинлар базмида иштирок этаётган шарпалар ҳамда ибодатхонанинг тош махлуқлари ўртасида кечаётган сирли муҳорабадай таассурот уйғотди. Ёшлигиданок лўлилар қавми ривоятларини қалбига жо этган Эсмеральда аллақандай сирли мавжудотларнинг сеҳр-жоду билан боғлиқ маросимига тасодифан келиб қолмадиммикан ёки бу тушмикан, деган хаёлга бориб, юраги орқага тортиб кетди. Хужрасига югуриб кирган шўрлик қиз худодан бундай дахшатли тушдан уни халос этишни сўраб, илтижо қилди.

Бироздан кейин кўрқув тарқалгандай бўлди. Воқеликка қайтган лўли қиз ғала-ғовурнинг тобора кучайиб бораётгани ва теварак-атрофдаги бошқа белгилардан уни шарпалар эмас, тирик мавжудотлар ўраб олаётганини кўриб турарди. “Бошпанамдан куч ишлатиб олиб чиқиш учун халқ исён кўтарган бўлса керак”, деган фикр кўнглидан ўтди. Яна юрагини кўрқув босди, аммо бу гал у ўзгача тус олганди. Иккинчи бор ҳаёт билан, орзу-умидлар, ҳаминиша кўз ўнгида гавдаланиб турган Феб билан видолашишга тўғри келиши, ночорлик, қочишнинг имконсизлиги, химоясизлик, ёлғизлик уни адойи тамом қилди. Қалбини ғам-гашвиш ва кўрқув қуршаб олган лўли қиз тиззалаб ўтирди-да, кўллари билан бошини ушлаб, юзини тўшакка босди. Лўли, бутпараст, мажусий бу қиз насронийлар худосидан бўзлаб ёрдам сўради, унга бошпана берган муқаддас Биби Марям ҳақиқа тиловат қилди. Баъзан бирон-бир ибодатхона ёнига келиб қолган дахрийнинг унга эътикод қўйган пайтлари ҳам ҳаётда учраб туради.

Сирасини айтганда, узок вақт шу алпозда ётган лўли қиз ибодат қилишдан кўра, ҳар томондан босиб келаётган жазавога тушган оломоннинг нафасини ҳис этар, теварагида нималар бўлаётганини англамаётган бўлса ҳам, аммо қандайдир ички туйғу билан бу воқеалар фожиали яқун топишини сезиб турарди.

Шу пайт кулоғига қадам товуши эшитилди. Лўли қиз ўша томонга бурилди. Хужрага бири фонус кўтариб олган икки киши кириб келганда у кўрққанидан бақириб юборди.

– Кўрқманг, – деди овози таниш туюлган кишилардан бири, – бу мен.

– Кимсиз? – деб сўради лўли қиз.

– Пьер Гренгуарман.

Шундан кейингина қизнинг кўнгли хотиржам бўлди. У шоирни таниди. Аммо Гренгуарнинг ёнида бошдан-оёқ қоп-қора либосга ўраниб индамай турган одамни кўрган лўли қиз турган жойида қотиб қолди.



– Жали сиздан олдинроқ мени таниди-я! – деди Гренгуар таъна қилгандек бўлиб.

Чиндан ҳам Гренгуар ўзини танитишини Жали кутиб турмади. У кириб келиши билан ёнига бориб, тиззаларига суйкалиб эркаланди ва туллаётгани учун шоирнинг кийимларини оқ жун билан сийлади. Гренгуар ҳам уни меҳр билан силаб-сийпалаб қўйди.

– Сиз билан келган одам ким? – деб шивирлади лўли қиз.

– Хотиржам бўлинг, – деди Гренгуар, – у менинг дўстим.

Сўнг файласуф фонусни ерга қўйиб, тиззалаб ўтирди-да, Жалини кучоклаб, хитоб қилди:

– Нақадар жозибали жонивор! У кичкина бўлса ҳам жуда озода, эпчил, фаросатли ва олимлардек ақлли! Қани, Жали, кўрайлик-чи, мароқли томошаларингдан бирортасини эсингдан чиқариб қўймаганмисан? Жан Шармолюннинг қилиғини кўрсатиб бер-чи?

Аммо қора либосли кимса гапини тугатишга имкон бермади. У Гренгуарга яқинлашиб, қўполлик билан елкасидан туртиб юборди.

Гренгуар ўрнидан сакраб турди.

– Дарҳақиқат, – деди у, – шошилиш кераклигини унутибман. Аммо бу одамлар билан бундай муомала қилишга асос бўла олмайди, устоз! Азиз, жозибали қизалоқ! Сизнинг ва Жалининг ҳаёти хавф остида. Сизни яна осиишмоқчи. Биз – дўстларингиз қутқариш учун келдик. Ортимиздан юринг.

– Наҳотки, бу рост бўлса? – деди лўли қиз даҳшатга тушиб.

– Ҳа, гапимга ишонаверинг. Тезроқ кетмасак бўлмайди!

– Бўпти, – дея гўлдиради лўли қиз. – Дўстингиз гунгми дейман?

– Э, йўқ, ота-онаси ғалати одамлар бўлган ва унга индамай юришни мерос қилиб қолдирган, – деди Гренгуар ҳазиломуз оҳангда.

Эсмеральда шу изоҳ билан кифояланишга мажбур эди. Гренгуар унинг кўлидан тутди, ҳамроҳи эса фонусни кўтариб, олдинга ўтди. Шу тарика кўркувдан дир-дир титраётган лўли қиз уни олиб кетишларига қаршилиқ қилмади. Эчкича ҳам сакраб-сакраб, уларга эргашди; у Гренгуар билан учрашганидан шу қадар хурсанд эдики, ҳар дақиқа шохчалари билан унинг оёғига тикилиб-суйкалиб, мувозанатни йўқотиб қўйишга мажбур қиларди.

– Ҳаёт деганлари шу экан-да! – деди қоқилиб-қоқилиб кетаётган файласуф. – Кўпинча айнан дўстлар оёғимиздан чалиб йикитади.

Улар тезлик билан минора зиналаридан тушишди-да, кимсасиз ва совуқ, аммо жанг садоси ҳамон эшитилиб турган ибодатхона ёнидан ўтиб, Қизил дарвоза орқали черков ҳовлисига чиқиб олишди. Черковда одам зоти кўринмасди. Епископ саройида беркиниб олган роҳиблар ибодат билан машғул, ҳовлининг нимқоронғи бурчакларига яшириниб олган, ўтақаси ёрилиб кетаётган хизматкорлардан бўлак ҳеч ким йўқ эди. Қочқинлар Терренга олиб чиқадиган эшикча томонга юришди. Қора либосли киши калит билан уни очди. Китобхон Сите томондан девор билан ўралган, Биби Марям ибодатхонаси руҳонийлар кенгашига тегишли оролнинг шарқий қисмидаги бурун Тиррен деб юритилишидан бохабар бўлган эди. Бу ерда бир зоғ ҳам кўринмас, масофа олис бўлгани учун қамал шовкин-сурони деярли эшитилмас, хужум қилаётган дайдиларнинг бақир-чақири узокдан келаётган гувиллаётган товушдек элас-элас кулоққа чалинади. Дарёдан эсаётган мусаффо ҳаво таъсирида Тирреннинг бир бурчагида кўкариб



турган ягона дарахт баргларининг шовуллашигина кулоққа яққол чалиниб турарди. Аммо қочқинлар хатардан ҳали қутулмаган, чунончи, епископ саройи ва ибодатхона бинолари ёнма-ён қад ростлаб турарди. Афтидан, епископ саройида қандайдир саросима ҳукм сураётган эди. Бинонинг ним қоронғи фасади бўйлаб бир деразадан бошқасига ёруғлик шуъласи милтиллаб ўтиб турарди: бу – ёниб кул бўлган қоғоз уюмининг учиб кетаётган қийқимлари эди. Биби Марям ибодатхонасидаги бир кўзли махлук ўчоғидаги икки баҳайбат қозонга ўхшаб кетадиган икки маҳобатли минора улкан майдонга қоп-қора кўланка ташлаб турарди.

Фонус кўтариб олган киши Тиррен бурнининг чеккасига йўл олди. Бояги киши Гренгуар ва унинг ҳамроҳига қайиққа чиқишга ишора қилди. Эчкича ҳам уларнинг ортидан сакради. Нотаниш кишининг ўзи охириги бўлиб қайиққа чиқиб олди. Сўнг қайиқ боғлаб қўйилган арконни кесиб, эшакларни олиб тумшук тарафга ўтиб, ўтириб олди-да, бор кучи билан дарёнинг ўртасига қараб эшак эшиб кета бошлади. Бу ерда Сенанинг оқими тез бўлгани сабабли оролдан узоклашиб кетиш унинг учун осон бўлмади.

Гренгуар қайиққа чиқиши билан эчкичани ёнига чақирди. У қайиқнинг қуйруғига жойлашди, нотаниш кишидан ҳадиксираб турган лўли қиз эса шоирнинг елкасига суяниб ўтирди.

Қайиқнинг сузиб кета бошлаганини ҳис этган файласуфимиз чапак чалиб, Жалининг икки шохининг ўртасидан ўпиб олди.

– Оҳ! – дея хитоб қилди у. – Тўрталамиз ҳам қутулдик.

Кейин чуқур ўйга чўмиб қўшиб қўйди:

– Буюк ишларнинг хайрли яқун топиши гоҳ омадга, гоҳ айёрликка боғлиқ бўлади.

Қайиқ секин-аста ўнг соҳил томон сузиб борарди. Лўли қиз кўрқа-писа нотаниш кишини кузатиб борар, у фонусни тўсиб қўйгани учун қайиқнинг тумшуғида ўтириб олган аллақандай шарпани эслатарди. Юзига туширилган ёпинчиқ ниқобга, ҳар сафар эшакларни силтаганда кенг қопқора енгдан осилиб тушган қўллари баҳайбат кўршапалакнинг қанотига ўхшаб кетарди. Шунча вақтдан буён унинг оғзидан биргина сўз, биргина товуш чикмади. Эшакларнинг бир маромда ғижирлаши ва сувнинг шилдираши эшитилиб турарди...

– Рухим билан қасам ичаман! – дея хитоб қилди Гренгуар. – Баримиз япалоққушдек тетик ва шодмиз! Оғзимизга пифагорчилар ёки балиқлардек мум солиб олганмизми дейман! Пасха ҳақи, кимдир гапиришини жуда-жуда хоҳлардим! Инсон овози – одам қулоғи учун мусиқа. Бу ажойиб иборани мен эмас, Александриялик Дидим<sup>1</sup> айтган!.. Унинг даҳо файласуф бўлганига шубҳа йўқ... Қизалоғим, биргина сўз айтинг, ўтинаман, атиги биргина сўз!.. Дарвоқе, бир вақтлар афтингизни жуда кулгили буруштирардингиз-ку! Наҳотки, буни ҳам унутган бўлсангиз? Барча бошпаналар суд палатаси ваколатлари доирасида бўлгани, Биби Марям ибодатхонасидаги хужрачангизда ҳаётингизни хавф-хатарга қўйганингизни билмасмидингиз? Митти қушча тимсоҳ оғзида уя қурган экан-да!.. Устоз! Ана, ой ҳам чиқди... Бизни сезиб қолишмаса эди!.. Қизни қутқаришга жазм этганимиз яхши, аммо бизни тутиб олишса борми, қирол номи билан

<sup>1</sup> Александриялик (Сўқир) Дидим (милодий 313–389) – юнон адиби, Александрия илоҳиёт мактаби вакили.

дорга осишлари муқаррар. Минг афсус! Инсоннинг барча қилмишларига икки хил ёндашиш урф бўлган: бир хил қилмишлар учун кимнидир лаънатлаша, бошқанинг бошидан зар сочишади. Цезар<sup>1</sup>ни иззат-хурмат қилган одам Катилина<sup>2</sup>нинг бошига лаънатлар ёғдиради. Шундай эмасми, устоз? Бундай фалсафа ҳақида қандай фикрдасиз? Асаларилар геометрияни аллақандай ички сезги билан билганидек, мен ҳам фалсафани инстинктив тарзда англайман. Хўш, бунга нима дейсиз? Нима учун миқ этмайсиз? Иккалангизнинг ҳам кайфиятингиз йўқми дейман! Ўзим гап сотишимга тўғри келади чоғи. Трагедияларда буни монолог дейишади. Қора либосли киши эзма шоирнинг вайсашига ҳатто парво ҳам қилмади. У Ситенинг юмалоқ соҳилини оролнинг бугунги кунга келиб Людовик деб юритиладиган бурнидан ажратиб турган дарёнинг торгина ирмоғидаги шиддатли оқим билан курашарди.

– Дарвоқе, устоз! – деди Гренгуар. – Қутурган оломон орасидан ёриб ўтаётганимизда қар хизматкорингиз қироллар галереяси тўсиғига бошини уриб ёрмоқчи бўлган шўрлик болакайни кўрдингизми? Узокни кўра олмаганим учун кўзим уни илғамади. У ким бўлиши мумкин?

Нотаниш киши бир оғиз ҳам гапирмаган бўлса ҳам, аммо беҳосдан эшакларни қўйиб юборган қўллари худди бўлиниб кетгандек осилиб қолди, боши эгилди ва унинг оғир хўрсиниб нафас олганини эшитган Эсмеральдани титроқ босди. У худди шундай хўрсинишни илғари ҳам эшитган эди.

Ўз ҳолича ташлаб қўйилган қайиқ бир неча дақиқа оқим бўйлаб сузиб кетди. Аммо қора либосли кимса қаддини ростлаб яна эшакларни тутиб олди-да, қайиқни оқимга қарши йўналтирди. У Биби Марям ороли бурнини айланиб ўтди-да, Сена бандаргоҳига йўл олди.

– Рўпарамиздаги Барбо саройи-ку! – деди Гренгуар. – Эътибор беринг, устоз! Хув ана у ерда осилиб турган пахмоқ, хира булутлар орасида синган тухумнинг сариғидек ястаниб ётган ой шуъласида ғаройиб бурчаклар ҳосил қилган қоп-қора томларни кўряпсизми? Бу жуда гўзал бино. Эҳ-ҳе! Эшитаяпсизми, шовқин-сурон авжига чиқаяпти-ку!

Чиндан ҳам ибодатхона атрофида тўс-тўполон кучайиб борарди. Қочқинлар диққат билан кулоқ тута бошлади. Ҳар тарафдан ғалаба ҳайқириқлари эшитиларди. Бироздан кейин аскарларнинг дубулғасини ялтиратиб юборган машъалалар бутун ибодатхона бўйлаб, минораларнинг ҳар бир қавати, галереялар, гумбазлар остида хилпирай бошлади. Шубҳасиз, аскарлар кимнидир излаётган эди; чиндан ҳам сал ўтиб, уларнинг узоқдан келаётган “Лўли қиз! Жодугар! Лўли қизга ўлим!” деган ҳайқириқлари эшитилди.

Шўрлик қиз қўллари билан юзини беркитиб олган бўлса, нотаниш кимса жон-жаҳди билан қирғоққа томон томон эшак эша бошлади. Бу пайтда хаёл суриб ўтирган файласуфимиз эчкичани кучоқлаб, ягона ва гўё сўнги мадаккори бўлган шоирга ёпишиб бораётган лўли қиздан сездирмай узоқлашишга ҳаракат қиларди.

Кескин зарбадан қайиқ ниҳоят соҳилга етиб келгани маълум бўлди. Сите томондан ҳамон гувиллаган овоз эшитилиб турарди. Нотаниш киши ўрнидан туриб, лўли қизга яқинлашди-да, қайиқдан чиқиб олишига ёр-

<sup>1</sup> Цезарь Гай Юлий (мил. ав. 100–44) – Қадимги Рим давлат ва сиёсий арбоби, лашкарбоши ва адиб.

<sup>2</sup> Луций Сергий Кателина (мил. ав. 106–62) – Қадимги Рим давлат ва сиёсий арбоби, императорга қарши кўзғолон кўтарган исёнчилар етакчиси.



дам бериш учун унга қўлини узатмоқчи бўлди. Бироқ лўли қиз уни силтаб юборди-да, фикри хаёли эчкичада бўлган Гренгуарнинг енгига ёпишди. Аммо шоир енгини тортиб олди. Лўли қиз уларнинг ёрдамисиз қайикдан сакраб тушди. У жуда ҳаяжонланган, нима қилиш, қаёққа йўл олишни билмасди. Бир дақиқа шарқираб оқаётган сувга термилиб турди-да, бироз ўзига келгач, соҳилда нотаниш кимса билан бир ўзи қолганини тушунди. Афтидан, соҳилга чиқиш пайтидаги саросимадан фойдаланган Гренгуар эчкичани олиб, Омборлар кўчасидаги бир-бирига қапишиб турган уйлар орасига кириб, ғойиб бўлган эди.

Нотаниш кимса билан ёлғиз қолган лўли қизни титроқ босди. У бақирмоқчи, Гренгуарни ёрдамга чақирмоқчи бўлди, аммо тили айланмади, оғзидан биргина сас ҳам чиқмади. Бирдан нотаниш одам кучли ва совуқ қўли билан унинг қўлини ушлаб олганини ҳис этди. Тишлари такиллаб, юзи бегона кимсани ёритиб турган ойдек оқариб кетди. Бир оғиз ҳам гапирмаган нотаниш кимса унинг қўлидан тутиб, катта-катта қадам ташлаб, Грев майдонига йўл олди. Тақдири азалга қарши боришга ожиз эканини тушунган лўли қиз қаршилик қилолмаслигини тушуниб, у билан ёнма-ён югуриб кетди. Соҳил тобора баландлашиб кетаётган бўлса ҳам, у гўё тик қияликка тушиб бораётгандек эди.

Теварак-атрофга разм солди. Биронта ҳам йўловчи кўринмас, соҳилбўйи кимсасиз эди. Фақат уни қизғиш аланга ичида қолган Ситедан ажратиб турган Сена ирмоғи ортидан шовқин-сурон ва оломоннинг ғала-ғовури ҳамон эшитилиб турарди. Ўша томондан уни ўлдириш ҳақидаги ҳайқириклар қулоғига етиб келар, теварагида улкан қоялардек зулматга чўмган Париж ястаниб ётарди.

Нотаниш киши ҳамон чурқ этмасдан, тез-тез қадам ташлаб олдинга бошлаб борарди. Лўли қиз улар ўтган жойларнинг бирортасини танимади. Ёруғ дераза олдидан ўтаётиб, у бор кучини ишга солиб, руҳонийдан узоклашиб бор овози билан қичқирди:

– Ёрдам беринг!

Чироқ кўтариб олган кўйлакчанг бир киши деразани очдию соҳилбўйига бир муддат маънисиз қараб турди-да, бир нималар деб ғўлдираб, деразани ёпиб қўйди. Сўнгги умид учқуни ҳам сўнди.

Сукут сақлаб, лўли қизнинг қўлидан қаттиқ ушлаб олган қора либосли одамнинг қадами яна ҳам тезлашди. Тинкаси қуриган лўли қиз қаршилик кўрсатмас, унинг ортидан итоаткорона югуришдан ўзга иложи йўқ эди.

У вақти-вақти билан охириги кучини тўплаб, ўйдим-чукур тошйўлдан тез юриш оқибатида ҳаллослаб, узук-юлуқ овозда сўрарди:

– Кимсиз? Кимсиз ўзи?

Нотаниш кимса индамасдан кетиб борарди.

Шу тарика соҳил бўйлаб юрган қочқинлар ойнанинг хира шуъласида ёришиб турган каттагина майдонга келиб қолишди. Бу Грев майдони эди. Майдоннинг ўртасида қоп-қора хочга ўхшаб кетадиган қандайдир супа кўзга ташланди. Бу ўша машҳур ва машъум дор эди. Лўли қиз бу жойни таниб, қаерга келиб қолганини ниҳоят англади.

Нотаниш киши тўхтаб, унга бурилди-да, ёпинчикни кўтарди.

– Эй худо! – дея шивирлади тошқотган лўли қиз. – Бу ўша эканини билардим.

Бу чиндан ҳам руҳоний эди. Ой нурида у ўзининг соясига ўхшарди.

– Гапимни эшит! – деди у анчадан буён бу машъум овозни эшитмаган ва дир-дир титраётган лўли кизга қараб. – Гапимга қулоқ сол! Биз етиб келдик. Яъни айтмоқчиманки... Бу Грев майдони. У ёғига йўл йўқ. Тақдир иккаламизни бирлаштирди. Ҳаётинг менинг қўлимда, сенинг қўлингда эса – менинг қалбим. Мана тун, мана майдон, уларнинг ортида эса бўшлиқ. Гапимни бўлмасдан эшит! Мен айтмоқчиманки... Йўқ, илтижо қиламан, фақат Фебни тилга олма! Уни эслатма! Унинг исмини тилга олсанг, нима қилишимни билмайман, аммо бу даҳшатли иш бўлади!

Шу гапларни айтган руҳоний, таянч марказини топган жисм сингари ҳаракатсиз бўлиб қолган бўлса ҳам, гапларидан ва овози тобора бўғиқ чиқаётганидан вужудини қаттиқ ҳаяжон босгани сезилиб турарди:

– Юзингни бурма. Қулоқ сол! Бу жуда муҳим. Биринчидан, рўй берган ҳолат... Онт ичаман, бу шунчаки ҳазил эмас... Нима ҳақда гапираётгандим? Эслатсанг-чи! Ҳа-ҳа, эсладим! Олий суд палатаси сени дорга осиш ҳақида яна бир қарор чиқарган. Мен сени уларнинг чангалидан юлиб олдим. Аммо улар сени таъқиб этмоқда. Ишонмасанг, ана у ёққа қара!

У бош бармоғини Сите томон узатди. Чиндан ҳам, у ерда кидирув ишлари давом этар, шовқин тобора яқинлашиб келарди. Грев майдони қаршисида жойлашган олий судья ўринбосари уйининг минораси ёп-ёруғ эди. Соҳилнинг қарама-қарши тарафида “Лўли киз! Лўли киз қани? Лўли кизга ўлим!” деб ҳайқираётган, машъала кўтариб, изғиб юрган аскарлар кўриниб турарди.

– Улар сени излашаётганига, рост гапираётганимга ишонч ҳосил қилгандирсан? Мен сени севаман. Гапирма! Сендан нафратланаман демокчи бўлсанг, яхшиси, индамаганинг маъқул. Ортиқ бу гапга тобим йўқ!.. Мен ҳозиргина сени қутқардим... Шошма, гапимни бўлма... Мен сени қутқариб қолишим мумкин. Ҳаммасини ҳозирлаб қўйганман. Сен рози бўлсанг бас. Агар истасанг, мен...

Бирдан гапи бўлиниб қолди:

– Йўқ, йўқ, бари бемаъни гаплар!..

У лўли кизнинг қўлини қўйвормай катта-катта қадам ташлаб, дорнинг тагига борди-да, уни кўрсатиб, совуқ оҳангда деди:

– Иккаламиздан биримизни танла.

Лўли киз қўлини тортиб олди-да, ана шу жирканч дорнинг пойига йиқилди. Сўнг жозибали бошчасини руҳонийга бурди. Шу тобда у хоч пойида ётган она маъбудага ўхшаб кетганди. Қўли билан дорни кўрсатиб турган руҳоний эса ҳайкалдек қотиб турарди.

Ниҳоят лўли киз тилга кирди:

– Ундан кўра кўпроқ сиздан кўрқаман!

Шу сўзлардан кейин қўллари шалвираб тушган руҳоний йўлдаги тошларга ноумид тикилиб, шивирлади:

– Агар мана шу тошларнинг тили бўлганда, улар “бу чиндан ҳам бахтиқаро одам экан”, деган бўларди.

Шундай дея у яна лўли кизга мурожаат қилди. Узун сочлари гавдасини ёпиб турган, дор остида тиз чўккан лўли киз унинг гапини бўлмади. Энди унинг овозида такаббуруна қиёфасига тамоман зид ғамгин ва нозик оҳанглар жарангларди.

– Мен сени севаман! Гапимга ишон! Наҳотки, қалбимни тилка-пора қилаётган оловдан биргина учкун ҳам ташқарига отилиб чиқмаётган



бўлса? Лекин, у туну кун ёниб тургани рост! Наҳотки, менга раҳминг келмаса? Ахир, туну кун ёниб турган муҳаббат олови бу – азоб эмасми? О, қанчалар изтироб чекаётганимни билсанг эди, жонгинам! Ишон, мен меҳр-шафқатга нолайиқ эмасман. Сен билан хотиржам гаплашаётганимни кўрмайсанми? Мендан нафратланмаслигини қанчалар хоҳлашимни билсанг эди! Наҳотки, аёлни севган эркак айбдор бўлса? Эй Яратган эгам! Наҳотки! Демак, мени ҳеч қачон кечирмайсан? Умрбод мендан нафратланасан? Демак, ҳаммаси тамом? Наҳотки, шунчалик ёвуз ва жирканч бўлсам? Наҳотки, менга қиё боқишни ҳам истамайсан? Эвоҳ! Наҳотки, қалбингни менга нисбатан шафқатсизлик ҳисси қуршаб олган бўлса!? Эй Парвардигор, бу қандай қисмат бўлди!

Рухонийнинг қиёфаси эси оғиб қолган одамникидек бужмайиб кетди. У бирпас жим туриб, ўзига ўзи мурожаат этаётгандек, баланд овозда яна гапирди:

– Нималар қилиб кўйдим, эй худо? Жеанни ўз паноҳимга олдим, бошпана бердим, бокдим, ўзимдан ортиқ кўрдим ва ўзим жонини олдим! Эй Яратган эгам, ҳозиргина кўз ўнгимда менинг ва мана бу аёлнинг айби билан унинг бошини мажақлаб ташлашди... ҳа-ҳа, унинг айби билан...

Рухонийнинг кўзлари бежо, овози тобора сўниб борарди. У сўнгги бор жаранглаётган кўнғироқ сингари узоқ сукут сақлаб яна бир неча марта қайтарди:

– Унинг айби билан... Унинг айби билан...

Лаблари қимирлаб турган бўлса ҳам у бирорта ҳам сўзни аниқ ифода этишга қодир эмасди. Ҳолдан тойган рухоний, оёқлари чалишиб, ерга қулаб тушди ва бошини тиззаларига эгиб, қимирламай қолди.

У гавдасининг остидан оёғини тортиб олган қизнинг ҳаракатидан ўзига келди ва кўли билан ичига ботиб кетган юзини секин силади-да, анча вақт нам панжаларига ҳайрат билан тикилиб турди.

– Нима бўлди? – дея шивирлади рухоний. – Йиғладимми?

Бирдан қизга бурилиб, чексиз изтироб билан деди:

– Кўзёшларимга парво ҳам қилмадинг-а! Эй, қизалок, билсанг бу кўзёшлар – қайнаб турган чўғ! Демак, кимдан нафратлансак, унга меҳр-мурувват кўрсатмаслигимиз рост экан-да! Кўз ўнгингда жоним узилса – куласан. Йўқ-йўқ! Ўлишингни асло истамайман! Фақат биргина сўз! Кечирдим, деб айтсанг бас! Севаман дема, розиман десанг бўлгани. Мен сени кутқараман. Мабодо, йўқ десанг... Эвоҳ! Вақтни тўхтатиб бўлмайди. Азиз-авлиёлар ҳақи – сени ўзига чорлаётган мана шу дор сингари яна тошга айланиб қолишимни кутиб ўтирма! Иккимизнинг тақдиримиз менинг қўлимда эканини ўйлаб кўр. Ақлдан озганман, ҳаммасини барбод қилишим мумкин! Сени абадулабад таъқиб этиш учун ортингдан қулайдиган жар ёқасидамиз! Биргина, биргина эзгу сўз! Биргина сўз айтсанг бас!

Лўли қиз жавоб беришга чоғланди. Ниҳоят рухоний унинг оғзидан меҳр-мурувватга йўғрилган сўзларни жон-дили билан тинглаш учун тиззалаб ўтириб олди.

– Сиз қотилсиз! – деди лўли қиз.

Рухоний уни кучоқлаб олди-да, жиннилардек хоҳолаб кулиб юборди.

– Майли, айтганингдек бўлақолсин! Мен қотилман! – деди у. – Лекин, барибир, меники бўласан. Қулинг бўлишимни истамас экансан, у ҳолда хожанг бўламан. Сен меники бўласан! Мен сени уямга судраб олиб бора-

ман. Ортимдан борасан! Боришга мажбурсан, акс ҳолда, сени тутиб берман! Ё ўлишинг, ё меники бўлишинг керак, гўзалим! Руҳоний, муртад, қотилники бўлишинг керак, эшитдингми? Қани, кетдик! Тезроқ юр! Мени ўп, жонгинам! Хуллас, ё қабр, ё менинг тўшагим!

У шахват ва ғазаб ўтида ёнарди. Лаблари лўли қизнинг бўйнига ёпишган. Лўли қиз типирчилаб, ҳар ёкка ўзини урарди.

– Тишлама, махлуқ! – қичқирди у. – Жирканч, ифлос роҳиб! Қўйвор! Сочингни битталаб юлиб, башарангга отаман.

Руҳоний аввал қизарди, кейин оқариб кетди, ниҳоят қизни қўйиб юборди-да, хўмрайиб унинг юзига тикилди. Устун келдим, деб ўйлаган лўли қиз гапини давом эттирди:

– Мен Фебникиман, Фебни севаман, у келишган! Сен эса қартайган, бадбашарасан! Кўзимдан йўқол!

Руҳоний кўксига қизиган темир босилган жинойтчиға ўхшаб ҳайқирди:

– Ундай бўлса, ўлақол!

Унинг жирканч башарасини кўрган лўли қиз югуриб кетди. У лўли қизни тутиб олди ва елкасидан силтаб, ерга ағдарди-да, тош йўлдан судраб Роланд минорасига йўл олди. Минорага етгач, унга қайрилди:

– Сўнгги бор сўраяпман: меники бўласанми-йўқми?

Қиз қатъий оҳангда жавоб қайтарди:

– Йўқ.

Бирдан руҳоний бор овози билан бақирди:

– Гудула! Гудула! Лўли қиз шу ерда! Ундан қастингни ол!

Лўли қиз кимдир тирсагидан ушлаб олганини ҳис этди. Орқасига қайрилиб, девордаги туйнукчадан чиқиб турган қоқ суяк кўлга кўзи тушди; бу кўл омбирдек тирсагига ёпишган эди.

– Уни қўйиб юборма! – деди руҳоний. – Бу қочқин лўли қиз. Мен соқчиларни чақириб келаман. Уни осишганларини ўз кўзинг билан кўрасан.

Лўли қиз руҳонийнинг Биби Марям кўприги томон югуриб кетганини кўрди. Айнан шу тарафдан чопиб келаётган отларнинг дупур-дупури қулокка чалинди.

Лўли қиз унинг бошига қанча-қанча лаънатлар ёғдирган роҳиба аёлни таниди. Қўркувдан юраги қинидан чиқаёзган шўрлик қиз унинг чангалдан кутулишга уриниб, умидсизлик ва ўлим таҳликасида типирчилаб, роҳиба аёл кўлидан юлқиниб чиқишга ҳарчанд уринмасин, бунинг уддасидан чиқа олмади. Озғин, қоқсуяк бармоқлар лўли қизнинг кўлига ёпишиб қолган, гўё роҳибанинг кўллари унинг тирсагига пайванд қилингандек туюларди. Бу занжир, темир бўйинбоғ ва ҳалқадан ҳам қаттиқроқ, бу – тош ичидан чиқиб турган тирик, фикрлайдиган омбир эди.

Юзи оқариб кетган лўли қиз деразага бурилиб, панжара ортида роҳиба аёлнинг ваҳший қиёфасини кўриб қолди.

– Сизга нима ёмонлик қилдим?

Роҳиба аёл жавоб бермади, у истехзоли оҳангда минғирлади:

– Лўли қиз, лўли қиз, лўли қиз!

Инсоний қиёфасидан айрилаёзган мавжудот билан юзма-юз келганини тушунган шўрлик Эсмеральда бошини куйи солди.

Лўли қизнинг саволини гўё ҳозиргина англаб етган роҳиба аёл бирдан гапира кетди:

– Менга нима ёмонлик қилганингни билмоқчимисан? Эй лўли қиз! Менга нима ёмонлик қилганингни билмоқчимисан деяпман? Бўлмаса, эшит! Менинг болам бор эди! Тушунаяпсанми? Болам бор эди! Болам, деяпман сенга!.. Жозибали қизалоқ! Агнессам, – деди у зулмат қуршаб олган хонада аллақандай нарсани лабига босиб. Билмоқчи бўлсанг, лўли қиз, мени боламдан айиришди, уни ўғирлаб кетишди. Болагинамни ямлаб ютишди! Сен қилган ёмонлик шу.

Лўли қиз ҳадиксираб, эътироз билдирди:

– Балки ўша пайтларда мен ҳали дунёга ҳам келмагандирман!

– Э, йўк! – эътироз билдирди роҳиба аёл. – Ўшанда сен бўлгансан. У тенгдошинг бўлиши мумкин эди! Ўн беш йилдан буён шу ерданман, ўн беш йилдан буён азоб чекаман, ўн беш йилдан буён Яратганга илтижо қиламан, ўн беш йилдан буён бошимни деворга ураман... Айтдим-ку сенга: боламни лўлилар ўғирлашган, эшитдингми? Уни ғажиб ташлашган... Сенда юрак борми ўзи? Бўлса ўйнаётган, эмаётган, ухлаётган болани кўз олдинга келтириб кўр. У бегуноҳ гўдак эди-ку! Ҳа, бегуноҳ чақалоқ! Уни мендан тортиб олишди ва ўлдиришди! Бу худога ҳам аён!.. Ниҳоят бугун менинг галим келди: лўли қизни ғажийман, ютиб юбораман! Панжара бўлмаганда тишлаб, бурдалаб ташлардим! Афсуски, бошимни чиқара олмайман... Шўрлик болагинам! Ухлаб ётганида уни ўғирлаб кетишди! Мабодо, уйғотиб, ушлаб олишган тақдирда ҳам, бақириб йиғлаганларини ҳеч ким эшитмаган: бахтга қарши, мен йўк эдим!.. Ҳа, болагинамни лўлилар ғажиб еган! Мана энди, лўлилар, сизнинг болангиз қандай ўлим топишини келиб кўринг!

– Хоним! – дея илтижо қилди кўллари шалвираган, тиззалаб ўтириб олган, даҳшатдан сочлари тўзғиган, умидсизланган, эси оғаёзган лўли қиз. – Хоним, менга раҳмингиз келсин! Улар бостириб келаяпти! Сизга ёмонлик қилмаганман! Наҳотки, кўз ўнгингизда даҳшатли ўлим топишимни истасангиз? Қалбингизда озгина бўлса ҳам раҳм-шафқат борлигига ишончим комил! Кўрқиб кетаяпман! Қочишимга имкон беринг! Қўйворинг! Раҳм қилинг! Мен ўлишни истамайман!

– Боламни қайтиб бер! – деди роҳиба аёл важоҳат билан.

– Раҳм қилинг! Раҳм қилинг!

– Боламни қайтар!

– Худо ҳақи, қўйворинг!

– Боламни қайтариб бер!

Ҳолдан тойган, руҳи чўккан лўли қиз яна ерга ағанаб тушди; кўзлари ўликниқидек нурсиз бўлиб қолди.

– Эвоҳ! – дея шивирлади у. – Сиз қизингизни, мен эса – ота-онамни излаб юрибман.

– Қизалоғим Агнессани қайтариб бер! – қайтарди Гудула. – Эҳтимол, унинг қаердалигини биларсан? Яқинроқ кел, бир нарса кўрсатаман. Мана, қизалоғим бошмоқчасининг бир пойи – ундан қолган ягона ёдгорлик шу. Иккинчиси қаерда, билмайсанми? Билсанг айт, дунёнинг нариги томонида бўлса ҳам, у ерга эмаклаб бораман.

Шу гапларни айтаётган роҳиба аёл панжара ичидан иккинчи қўли билан қўлда тикилган кичкина бошмоқчани лўли қизга кўрсатди. Кун анча ёришиб қолгани учун унинг шакли ва рангини илғаб олиш мумкин эди.

– Бошмоқчани менга кўрсатинг! – деди вужудини титроқ босган лўли қиз. – Эй худойим!



У бўйнида осилиб турган ва яшил мунчоқлар билан безатилган кичкина туморни бўш кўли билан олиб очди.

– Бўпти! Бўпти! – дея ўзича минғирлади Гудула. – Кўрамиз, иблисона туморинг қандай каромат кўрсатар экан!

Бирдан овози бўғилиб, бутун вужуди титраб кетган роҳиба аёл лўли қизнинг юзига тикилиб, йиғлаб юборди:

– Қизалоғим менинг!

Лўли қиз туморчанинг ичидан роҳиба аёлнинг кўлидаги бошмоқчанинг иккинчи пойини чиқарган эди. Туморчага боғлаб кўйилган бир парча қоғозга шундай сўзлар битилган эди:

Топсанг агар яна бирини,

Онанг бағрига босади сени.

Бир зумда бошмоқчаларни солиштириб, қоғозда битилган ёзувни ўқиган, кутилмаган бахтдан юзлари порлаб кетган роҳиба аёл дераза панжарасига ёпишди.

– Қизалоғим! Қизалоғим!

– Ойижон!

Бу ҳаяжонли лаҳзаларни ифода этишга қалам ожиз.

Девор ва темир панжара уларни бир-биридан ажратиб турарди.

– Қуриб кетсин бу девор! – деди хуноби чиққан роҳиба. – Бу қандай кўргилик: сени кўриб турсам-у, бағримга босам олмасам! Кўлингни бер! Кўлингни бер!

Лўли қизнинг деразачадан узатилган кўлига лабини босган ҳолда қотиб қолган роҳибанинг вақти-вақти билан бутун вужуди билан титратиб-қақшаб турган ҳолатда бўзлашини айтмаса, унинг тирик ёки ўликлигини англаб бўлмасди. Сукунат ва зулмат ичида унинг кўз ёшлари тунги ёмғир сингари шашқатор оқарди. Шўрлик она ўн беш йил мобайнида қалбида томчима-томчи йиғилиб қолган чексиз дард-алам ва ғам-андухни мана шу кадрдон кўлчага тўкиб соларди.

Кейин беҳосдан ўрнидан сапчиб турди-да, бир оғиз ҳам гапирмасдан, пешонасига тушиб турган оппоқ сочларини орқага ташлаб, она шердан ҳам кучлироқ важоҳат билан уясининг панжарасини тебрата бошлади. Темир чивиклар кимир этмади. Ўшанда у хужрасининг бурчагига ташланиб, ёстиқ бўлиб хизмат қилган оғир тошни олди-да, бор кучи билан панжарага уриб юборганида унинг бир чивиғи учкун сачратиб синди. Иккинчи зарба деразани тўсиб турган хочсимон яккачўпни ўпириб юборди. Кампир қўллари билан қолган чивикларни синдириб, уларнинг занглаган тағқисмини букиб ташлади. Айрим ҳолларда аёлнинг қўллари ғайриинсоний кучга эга бўлади.

Шу тарика атиги бир дақиқа мобайнида хужрага йўл очган аёл қизининг белидан ушлаб, ичкарига тортиб олди.

– Бу ёққа кел! Мен сени ўлимдан кутқараман! – дея ғўлдиарди у.

Қизини оҳиста ерга кўйган кампир уни опичлаб олди-да, гўё кичкинтойлигида кўтаргандек кўтариб юрди. Сархуш, эси оққан, ўзича тантана қилаётган она торгина хужрада орқа-олдинга бориб келар, жунбишга келиб, бакирар, қўшиқ айтар, қизини ўпиб, қулоғига бир нималар деб шивирлар, хохолаб кулар, тинимсиз кўзёш тўқар эди.

– Қизалоғим менинг! Қизалоғим менинг! – дерди у. – Ниҳоят қизимни топдим! Мана у! Яратган илтижоларимни ижобат қилди. Эй одамлар! Ба-



рингиз келинг! Ким бор? Қизим билан ўтирганимни келиб кўринг! Эй худойим, у нақадар гўзал! Эй мурруватли Эгам, уни менга гўзал қилиб қайтариш учун ўн беш йил кутишга мажбур этдинг. Демак, лўлилар уни ғажиб ташламаган экан-да! Ким ўйлабди дейсиз! Қизалоғим! Қизалоғим, мени бир ўп! Эй, меҳр-мурруватли лўлилар! Мен сизларни севаман... Ҳа-ҳа, севаман. Наҳотки, бу сен бўлсанг! Шунинг учун хужра ёнидан ўтаётганингда юрагимни титроқ босар экан-да! Мен у нафратдан титрайди, деб юрибман-а! Мени кечир, қизалоғим Агнесса, мени кечир! Кўзингга ёвуз ялмоғиздай кўринган бўлсам керак, шундай эмасми? Мен сени жонимдан ортиқ кўраман... Бўйнингдаги кичкина холинг қани? Кўрсат-чи! Ҳа, мана у! О, нақадар гўзалсан! Хоним, бу чарос кўзлар мендан сизга ҳады. Мени ўп. Сени жонимдам ортиқ кўраман! Энди менга барибир, бошқа оналарнинг боласи бор-йўқлиги билан нима ишим бор. Бари шу ерга келсин, қизимни кўрсин. Мана унинг бўйинчаси, кўзлари, сочлари, қўлчалари. Ундан гўзалроқ хилқатни кўрганмисиз? Бошқаларни билмадим-у, унинг ошиқлари кўп бўлади! Ўн беш йил кўз ёш тўқдим. Сўлиб адо бўлдим, аммо сенинг тимсолингда қайтадан яшнадим. Мени ўп, қизалоғим!

Она қизининг қулоғига телбанамо сўзларни шивирлаб айтарди. У кийимларини ғижимлаб, қизини қизариб кетишга мажбур этар, майин сочларини сийпалар, оёқлари, тиззалари, пешонаси ва кўзларидан бўса олиб, ҳайратга тушарди. Лўли қиз қаршилиқ қилишга уринмас, фақат аллақандай меҳр билан “Ойижон!” деб кўярди, холос.

– Биласанми, қизалоғим, – деди роҳиба, – бундан буён мен сени асраб-авайлайман. Биз бу ердан кетамиз. Бахтли бўламиз! Ватанимиз – Реймсда менга унча-мунча мерос қолган. Реймс эсингдами? Йўқ, эслолмасанг керак, чунки ўшанда ҳали гўдак эдинг-да! Тўрт ойлигингда қанчалар ёкимтой бўлганингни билсанг эди! Оёқчаларинг шу қадар кичкина эдики, ҳатто Реймсдан етти лье наридаги Эпернедан уларни кўриш учун келишганичи! Бизнинг ўз ховлимиз, уйчамиз бўлади. Сен мен билан бирга ётасан. Эй худойим-ей! Ким ҳам бундай бахтга ишонади! Қизалоғим мен билан!

– Ойижон! – деди лўли қиз ҳаяжони биров босилгач. – Бир лўли аёл буни башорат қилган эди. Ўтган йили вафот этган ва менга энагадек қараган меҳр-муруватли бир лўли аёл бўларди. Бўйнимга туморни тақиб кўйган ҳам ўша. У ҳамиша “Қизалок! Уни асраб-авайлаб юр. Бебаҳо бойлигинг бу. У онангни топишга ёрдам беради. Онангни кўкрагингда осиб юрганингни унутма”, дея уқтирарди. Унга ҳаммаси аён бўлган экан!

Роҳиба аёл қизини яна бағрига босди.

– Кел, сени бир ўпай! Гапиришинг нақадар ёқимли! Ватанимизга борганимиздан кейин черковга бориб, мана шу бошмоқчаларни гўдак Исо ҳайкали пойига кийгизиб кўямиз. Меҳр-муруватли Биби Марям ҳақи шундай қилишимиз керак. Эй, худойим-ей! Овозинг бунча ёқимли бўлмаса! Мен билан гаплашганингда у мусикадек жаранглайди! Эй, қудратли Танграм! Болагинамни топдим! Ақл бовар қилмайди! Шундай бахтдан жоним узилмаган бўлса, у ҳолда нимадан ўлиш мумкин ўзи?

У яна чапак чалиб, кулиб гапирди:

– Биз бахтли бўламиз!

Шу пайт Биби Марям кўприги томонидан қурол-яроқнинг жаранг-журонги ва тобора яқинлашиб келаётган отларнинг дупур-дупури эшитилди. Кўрқиб кетган лўли қиз роҳиба аёлнинг бағрига отилди:

– Ойижон! Мени кутқаринг! Улар яқинлашиб келаяпти!

Аёлнинг юзлари докадек оқариб кетди.

– Эй Тангрим! Нималар деясан? Буткул хаёлимдан кўтарилибди. Сени таъқиб этишаётган эди-ку! Қандай қилмишинг учун?

– Билмайман, – деди шўрлик лўли қиз, – аммо мени ўлимга ҳукм қилишган.

– Ўлимга! – деди чақмоқ ургандек титраб кетган Гудула. – Ўлимга! – дея такрорлади у қизининг кўзларига тикилиб.

– Ҳа, ойижон, – деди лўли қиз. – Улар мени ўлдиришмоқчи. Мана, измаиз таъқиб этиб келишяпти. Мана шу дор – мен учун! Қутқаринг мени! Қутқаринг! Улар яқинлашиб қолди! Қутқаринг мени, ойижон!

Роҳиба аёл бир неча дақиқа ҳайкалдек қотиб турди-да, сўнг бошини чайқаб, эси паст одамдек хохолай бошлади:

– Йўқ! Йўқ! Алахсираяпсан! Бундай бўлиши мумкин эмас! Ўн беш йил уни излаб юрсаму, кейин атиги бир дақиқага топсам-а! Наҳотки, уни менадан тортиб олишса! Айни гўзаллик палласида, вояга етиб, мен билан гаплашиб турган, мени бағрига босган чоғида тортиб олишмоқчимми? Улар менинг, онанинг кўз ўнгида уни ямлаб-ютмоқчимми! Йўқ! Асло мумкин эмас! Яратган эгам бунга йўл қўймайди.

Афтидан, хужрага яқинлашиб қолган отлиқлар тўхтаб қолган бўлса керак, узоқдан кимнингдир овози эшитилди:

– Бу ёққа келинг, жаноб Тристан! Рухоний уни Каламуш уяси ёнидан топасизлар деган эди.

Яна от туёқларининг дупурлаши кулоққа чалинди.

Роҳиба аёл ўрнидан туриб бақирди.

– Қоч! Болажон, қоч! Ҳаммасини эсладим! Сен ҳақсан. Сени таъқиб этиб келаётган – Азроил! Дахшат! Лаънатлар бўлсин! Қоч!

У бошини деразадан чиқарди-да ўша заҳоти ортга тисарилди.

– Тўхта! – деди у дахшатдан юзи оқариб кетган лўли қизнинг қўлини сиқиб. – Жойингдан қимирлама! Нафас олма! Ҳаммаёқда аскарлар. Қочиб кета олмайсан. Кун ҳам ёришиб қолди.

Унинг қуруқшаб кетган кўзлари ёниб турарди. У жим бўлиб қолди. Хужранинг ичида у ёқ бу ёққа бориб келар, вақти-вақти билан оқариб кетган сочларидан бир тутам юлиб, тиши билан узиб-узиб ташлар эди.

Бирдан тилга кирди:

– Улар яқинлашиб келаяпти. Мен улар билан гаплашиб кўраман. Мана бу бурчакка яшириниб ол. Улар сени пайқамайди. Мен худони ўртага қўйиб онт ичаман ва ушлаб туролмадим, қочиб кетди, дейман.

У қизини хужранинг ташқаридан кўриб бўлмайдиган бурчагига олиб борди. Уни ерга ўтқизиб, қўли, оёқлари ва оппоқ қўйлаги кўриниб қолмаслиги учун сочларини ёйди-да, олдига идиши ва ягона мулки – тошни қўйди. У мана шу идиш ва тош қизини кутқариб қолишга ёрдам беради, деб умид қилган эди. Бироз тинчланиб, у тиз чўқиб ибодат қила бошлади. Кун эндигина ёришиб келаётгани учун Каламуш уяси ҳамон зулматга чўмганди.

Худди шу пайтда хужра ёнида рухонийнинг жирканч овози эшитилди.

– Бу ёққа! – деб бақирди у. – Капитан Феб де Шатопер, бу ёққа!

Бу таниш овозни эшитгач, хужра бурчагида яшириниб ўтирган Эсмеральда сесканиб кетди.



– Қимирлама! – дея шивирлади Гудула.

Худди шу пайтда хужра ёнида ғала-говур, туёқларнинг дупур-дупури ва курол-яроғнинг жаранги эшитилди. Она ўрнидан сапчиб турди-да, деразани гавдаси билан тўсди. У Грев майдонида сафлашиб турган пидедалар ва отлик аскарларнинг куролланган бўлинмасини кўрди. Уларнинг бошлиғи отдан сакраб тушди-да, унга яқинлашди.

– Эй кампир! – деди роҳиба аёлга қиёфаси жуда важоҳатли кўринган одам. – Биз дорга осишга маҳкум этилган жодугарни излаб юрибмиз. Бизга уни сен билан бирга деб айтишди.

Шўрлик она ўзини имкон бориचा бепарво кўрсатишга уринди.

– Нимани сўраётганингизни тушунмаяпман, – деб жавоб берди у.

Важоҳатли киши гапини давом эттирди:

– Жин урсин! Нима деб ғулдираганди анови эсипаст рухоний? Қани ўзи?

– У ғойиб бўлган, жаноб, – деди аскарлардан бири.

– Эй кампир, – дея ўдағайлади бошлиқ, – ёлғон гапира кўрма! Сенга уни кўриқлаб туришни тайинлашган экан. Уни қаерга яширдинг?

Гап қайтаришга ҳадиксираб турган роҳиба аёл шубҳа уйғотмаслик мақсадида қовоғини уйиб, сохта соддадиллик билан жавоб берди:

– Бир соат олдин ташлаб кетишган баланд бўйли дардисар қизни айтаётган бўлсангиз, мени тишлаб олгани учун кўйиб юборишга мажбур бўлдим. Бор гап шу! Энди мени тинч қўйинг.

Бошлиқ норози оҳангда афтини буруштирди.

– Ёлғон гапирган бўлсанг, шум кампир, ўзингдан кўр! – деди у. – Мени Тристан-Қаландар дейишади, қирол мулозимиман. Тристан-Қаландар, билдингми? – Кейин Грев майдонига кўз қирини ташлаб, кўшиб қўйди: – Бу ерда исмим акс садодек жаранглайди.

– Иблис-Қаландар бўлсанг нима қипти, бошқа айтадиган гапим ҳам, сендан кўрқадиган жойим ҳам йўқ, – деди Гудула умид учқунлари пайдо бўлганидан руҳланиб.

– Жин урсин уни! – деди Тристан норози оҳангда. – Демак, ярамас қиз қочиб кетибди-да! Хўш, у қай томонга қочди?

Гудула бепарволик билан жавоб берди:

– Адашмасам, Қўйлар кўчаси бўйлаб кетди.

Тристан бурилиб, аскарларга йўлга тушишга буйруқ берди. Роҳиба аёл енгил нафас олди.

– Жаноб! – деди кутилмаганда аскарлардан бири. – Анови ялмоғиздан дераза панжалари нима учун синдирилганини сўрасангиз бўлармиди?

Бу савол бахтиқаро она қалбини ларзага солган бўлса ҳам, умид учқунлари ҳали сўнмаган эди.

– Панжаралар аввалдан шунақа бўлган, – деди у тутулиб.

– Наҳотки! – эътироз билдирди аскар. – Кечагина хочга ўхшаб кетадиган ва одамларни эзуликка чорлаб турган панжара бус-бутун эди-ку!

Тристан хўмрайиб роҳибага тикилди.

– Эй кампир, бизни лақиллатмоқчи бўлаяпсанми?

Шўрлик она айни сонияларда қизининг тақдири унинг матонатига боғлиқ бўлиб қолганини тушунарди; даҳшатдан юраги ёрилай деб турган бўлса ҳам, у кулиб юборди. Онагина ўзини шундай тутишга қодир.

– Қўйсангиз-чи! – деди у. – Бу аскарнинг кайфи борми дейман? Ахир, бир йил олдин тош юкланган арава дераза панжарасига урилиб, чивикларини эгиб ташлаганди! Аравакашни дуоибад қилганимни эшитмагансиз-да!

– Гапи тўғри, – деди яна бир аскар, – ўз кўзим билан кўрганман.

Ҳамма жойда ҳамма нарсани кўрган одамлар доим топилади. Кутилмаган бу тасдиқ жарлик устидан ўтаётган одамнинг кўнглидаги ҳистуйғуларни бошдан кечирган роҳиба аёлни руҳлантириб юборди.

– Панжарани арава синдирса, чивиклари ичкарига эгилган бўлади, уларнинг ташқарига эгилгани кўриниб турибди, – дея изоҳ берди биринчи аскар.

– Қойил! – деди Тристан унга қараб. – Сезгирилигинг Шатле терговчисидан қолишмас экан. Хўш, бунга нима дейсан, кампир?

– Эй худойим-ей! – деди титроқ овозда мушкул аҳволга тушиб қолган Гудула. – Онт ичаман, жаноб: чивикларни арава узган. Мана бу аскарнинг гапини ўз қулоғингиз билан эшитдингиз-ку! Қолаверса, бунинг лўли қизга нима дахли бор?

– Ҳм!.. – деб тўнғиллади Тристан.

– Жин урсин! – деди бошлиғининг мақтовига сазовор бўлган аскар. – Эътибор беринг, чивиклар яқиндагина синдирилган.

Тристан бош чайқаб қўйди. Гудуланинг юзи докадек оқариб кетди.

– Арава қачон ўтди дединг?

– Адашмасам, монсьенор, бир ой, эҳтимол, икки ҳафта олдин бўлса керак. Аниқ эслай олмайман.

– У боя бир йил олдин деганди, – қўшиб қўйди аскар.

– Жуда шубҳали! – деди Тристан.

– Монсьенор! – дея бақирди ҳамон деразага ёпишиб олган ва шубҳаланган аскарларнинг хужрага бошини тикишидан кўрқиб кетган Гудула. – Жаноб! Панжарани арава синдирганига онт ичаман. Барча самовий фаришталар ҳақи онт ичаман. Ёлғон гапираётган бўлсам, абадулабад лаънатга дучор бўлай, муртадга айланай!

– Онт ичишинг ҳаддан ташқари оташин-ку! – деди ўсмоқчилаб унга разм солган Тристан.

Дахшатдан дир-дир титраётган бечора роҳиба аёл ўзини йўқотиб, хатога йўл қўяётгани, кераксиз гапларни гапираётганини тушунди.

Айни шу дақиқада хужрага яқинлашган яна бир аскар овозини кўтариб деди:

– Жаноб! Бу ялмоғиз бизни лақиллатаяпти. Жодугар қиз Қўйлар кўчасидан қочиши асло мумкин эмас. Кўча туни билан назорат қилинган ва қоровулнинг айтишича, у ердан ҳеч ким ўтмаган.

Дақиқа сайин Тристаннинг қовоғи уйилиб борарди.

– Хўш, бунга нима дейсан? – деди у роҳиба аёлга.

Роҳиба бу мушкул вазиятдан ҳам чиқиб кетишга уриниб кўрди.

– Билолмадим, жаноб, эҳтимол, янглишгандирман. У, ҳойнаҳой, дарёдан кечиб ўтган бўлса керак.

– Ахир, бу яна ортга қайтиш дегани-ку! – деди Тристан. – Жодугарни излаб юришган жойга – Ситега қайтиб кетишига ишониш қийин. Гапларинг ёлғон, кампир!

– Бундан ташқари, – қўшиб қўйди биринчи аскар, – бу соҳилда ҳам, нариги соҳилда ҳам бирорта қайиқ кўринмайди.

– У дарёдан сузиб ўтган бўлиши керак, – ўз гапида қаттиқ туриб олди роҳиба аёл.

– Аёллар сузишни биладими? – деб сўради аскар.

– Жин урсин! Кампир, ёлғон гапираяпсан! Ёлғон! – дея бақирди Тристан. – Ўша жодугарни тинч қўйиб, унинг ўрнига сени ҳибсга олсаммикан? Ҳибсхонада чорак соат ичида ҳақиқатни оғзингдан юлиб олишади! Қани, оптимиздан юр.

Роҳиба жон-жаҳди билан шу гапларга ёпишди.

– Ихтиёрингиз, жаноб. Майли, сиз айтганча бўлақолсин! Қийноққа солмоқчимисиз? Мен тайёрман! Олиб боринг мени. Тезроқ, тезроқ! Қани, кетдик!

“Бу пайтда, – деб ўйларди у, – қизим яширинишга улгуради”.

– Жин урсин! – деди ҳайрон бўлган Тристан. – Унинг ўзи бошини исканжага тикмоқчи-ку! Бу эсипастни тушуниб бўлмайди!

Аскарлар орасидан кексароқ сержант олдинга чиқиб, унга қарата деди:

– Жаноб, чиндан ҳам унинг эси оғиб қолган. Агар лўли қиз қочган бўлса, бунда унинг айби йўқ. Чунки у лўлилардан нафратланади. Ўн беш йилдан буён ҳар куни унинг лўлиларни лаънатлаётганини эшитаман. Биз излаётган аёл эчкичали кичкина раққоса бўлса, роҳиба ундан ҳаммадан ҳам кўпроқ нафратланади.

Гудула бор кучини тўплаб деди:

– Ҳа, айниқса, ўша лўли қизни кўришга кўзим йўқ!

Бошқа аскарлар ҳам кекса сержантнинг гапларини маъқуллашди. Бундай яқдиллик Тристан-Қаландарни ишонтирди. Роҳиба аёлдан бирор нима билиб олишдан умидини узгач, унга орқа ўғирди. Роҳиба аёл эса унинг отининг олдига бораётганини чексиз ҳаяжон билан кузатиб турарди.

– Қани, кетдик! – деди у тишларини ғижирлатиб. – Олға, йигитлар! Қидирувни давом эттиришимиз керак. Лўли қиз дорга осилмагунча кўзимга уйқу келмайди.

Аммо Тристан отга чиқишга шошилмасди. Юраги қинидан чиқиб кетаётган Гудула унинг хўракни сезган ов ити сингари майдонга олазарак кўз югуртириб чиқаётганини кузатиб турарди. Ниҳоят у бошини чайқаб, сакраб эгарга ўтириб олди. Гудуланинг даҳшатдан тўхтаб қолаётган юраги яна бир маромда ура бошлаганда шу чоққача қизига қарашга жазм этмаган онаизор у томонга бурилиб, шивирлади:

– Қутулдинг!

Нафас олиш, қимирлашга кўрқиб ўтирган шўрлик лўли қиз олдинда ўзини ўлим кутиб тургани ҳақида хаёл сурарди. У онасининг Тристан билан савол-жавобини қулоқ қоқмай эшитар, онаизорнинг изтироблари унинг қалбида акс садо берарди. Уни тубсиз жарлик устида ушлаб турган ришта чирсиллаб, узилай-узилай деб қолганини ҳис этиб турган лўли қиз оёғи остидаги ерни пайпаслаб, ниҳоят эркин нафас олди. Айни шу дақиқада Тристан билан гаплашаётган одамнинг овози қулоғига чалинди:

– Жин урсин! Жаноб бошлиқ! Ҳарбий бўлганим учун жодугарларни осий менинг ишим эмас. Оломоннинг жазосини бердик. Қолгани билан ўзингиз шуғулланинг. Ижозатингиз билан бошлиқсиз қолган аскарларимга қайтсам.

Бу Феб де Шатопернинг овози эди. Шу кезларда лўли қизнинг қалбидан нималар кечганини сўз билан ифода этиш мушкул. Демак, дўсти,

ҳимоячиси, суянчи, пуштипаноҳи, унинг Феби шу ерда экан-да. У сакраб ўрнидан турди-да, онаси ушлаб олишига улгурмасидан деразачага отилди.

– Феб! Кел, менинг Фебим! – дея бақирди у.

Аммо Феб кетиб бўлган, отини чоптириб, Пичокчилар кўчасига қайрилиб кетганди. Бироқ Тристан ҳали ҳам шу ерда эди.

Роҳиба йиртқич ҳайвондек ўкириб, қизига ташланди. Бўйнига тирноқларини санчиб, ичкарига судради – бундай кезларда она арслоннинг чангалидан худонинг ўзи асрасин! Бироқ вақт бой берилган, Тристан ҳаммасини кўрган эди.

– Эҳ-ҳе! – деб кулди у тишларини илдизларигача кўрсатиб. Шу тобда унинг қиёфаси бўрининг башарасига ўхшаб кетган эди. – Қопқонга иккита сичқон илинибди-ку!

– Айтганим тўғри чиқди, – деди биринчи аскар.

Тристан унинг елкасига қоқиб қўйди:

– Мушукдай сезгирсан. Хўш, Анриэ тоға қанилар?

На ташқи кўриниши, на кийими билан аскарларга ўхшамайдиган сочлари силлиқ киши ўртага чиқди. Эгнида чарм енгли, ярми малла, ярми кулранг либос кийиб олган силлиқ сочли бу одам бир ўрам арқон ушлаб турарди. Тристан ҳамиша Людовик Ўн Биринчига ҳамроҳлик қилиб юргандек, у ҳам Тристанга соядек эргашиб юрарди.

– Менга қара, биродар, – деди унга Тристан-Қаландар, – адашмасам, биз излаб юрган жодугар мана шу бўлса керак. Қани, сиртмоқни бўйнига ос-чи! Нарвонинг борми?

– Нарвон устунли уй айвони тагида ётибди, – дея жавоб берди силлиқ сочли кимса. – Уни мана шу тўсинга осиб керакми? – деди у қўли билан тош дорни кўрсатиб.

– Худди шунга.

– Ҳа-ҳа! – деб жаллод бошлиғидан ҳам ёқимсизроқ кулди. – Узоққа бориб юрмас эканмиз-да!

– Қани, бўл тезроқ! Кейин мазза қилиб куласан! – деб ўшқирди Тристан.

Роҳиба аёл Тристан қизини сезиб ва қутулишга умид қолмаган дақиқадан эътиборан бир оғиз ҳам гапирмади. У силласи қуриган лўли қизни хужранинг бурчагига итариб, икки қўли билан дераза панжарасига яна ёпишиб олди ва довураклик билан аскарларнинг яқинлашишини кутиб турди. Кўзлари аввалгидек бежо ва маънисиз тусга кирди. Хужрага яқинлашган ва Гудуланинг ваҳший қиёфасини кўрган Анриэ тоға бехосдан ортга тисарилди.

– Жаноб! – деб сўради у Тристаннинг ёнига келиб. – Қай бирини олайлик?

– Ёшроғини.

– Жуда соз! Чунки кампирни эплаш жуда қийин.

– Шўрлик раққоса ва эчкичани! – деди тунги қоровуллар сержанти.

Анриэ яна деразага яқинлашди. Бахтиқаро онанинг нигоҳларини кўриб, кўзини олиб қочишга мажбур бўлди. Ҳадиксираб гапира бошлади:

– Хоним...

Роҳиба аёл важоҳатли шивирлаб, гапини бўлди:

– Сенга ким керак?

– Сиз эмас, – дея жавоб қилди у, – анови қиз керак.



– Анови деганинг ким?  
– Анови ёшроқ қиз.  
Аёл бош чайқади.  
– Бу ерда ҳеч ким йўқ! Ҳеч ким! Ҳеч ким! – дея бақирди у.  
– У шу ерда! – дея эътироз билдирди жаллод. – Буни ўзингиз ҳам биласиз. Қизни олиб кетишимга ижозат беринг. Сизга ёмонлик қилмоқчи эмасман.

Роҳиба аёл ғалати тиржайиб, эътироз билдирди:  
– Шундай денг! Менга ёмонлик қилмоқчи эмасмисан!  
– Хоним, менга анави қизни беринг. Бу бошликнинг буйруғи.  
Она бежо кўзлари билан унга тикилиб жавоб қайтарди:  
– Бу ерда ҳеч ким йўқ.  
– Мен сизга бор деяпман! – деди жаллод важоҳат билан. – Хужрада икки киши борлигини ҳаммамиз кўрдик.  
– Ўзинг кўр, бўлмаса! – деди роҳиба аёл. – Деразадан бошингни сукиб кўр!

Жаллод унинг тирноқларига разм солиб, иккилашиб қолди.  
– Тезроқ бўлсанг-чи! – дея бақирди Тристан. Аскарларни ярим ой шаклида Каламуш уяси рўпарасида саф торттириб, ўзи дорга яқинлашди.  
Нима қилишни билмай, боши қотган Анриэ яна бошлиқ ёнига келди. Кўлидаги арқонни ерга қўйди-да, оёқларини у ёқ-бу ёққа ташлаб, бош кийимини ғижимлай бошлади.

– Жаноб, хужрага қандай қилиб кирамиз?  
– Эшик орқали.  
– Эшик йўқ-ку.  
– Унда дераза орқали.  
– У жуда тор.  
– Тор бўлса, кенгайтир! – дея ўқирди Тристан. – Чўкичинг борми?  
Бутун вужудини хавотир босган она уясидан уларни кузатиб турарди. Умидлари буткул узилган, қандай йўл тутишни билмасди, у энди қизини тортиб олмасликларини хоҳларди, холос.

Анриэ тоға Устунли уй айвонидаги қути ичидаги асбобларни олиб келиш учун кетди. Бирйўла у ердан нарвонни ҳам олиб келди-да, дорга суяб қўйди. Беш-олти аскар чўкич ва мисрангни қўлга олишди. Тристан улар билан бирга деразачага яқинлашди.

– Эй кампир! – деди бошлиқ жиддий оҳангда. – Яхшиликча қизни бизга бер.

Роҳиба аёл ундан нима исташаётганини тушунмагандек Тристаннинг юзига бақрайиб қаради.

– Жин урсин! – деди Тристан. – Нима учун бу қизни осишимизга қаршилиқ қилаяпсан?

Шўрлик она эсипаст одамдек хоҳолаб юборди.

– Нима учун хоҳламайсан, дейсизми? Чунки у менинг қизим!

Бу сўзларнинг қандай оҳангда айтилгани ҳатто кўпни кўрган Анриэ тоғани ҳам ларзага солди.

– Қанчалик ачинарли бўлмасин, – деди Тристан, – бу киролнинг иродаси.

Кўрқинчли овоз билан яна ҳам қаттиқроқ хоҳолаб кулган роҳиба аёл эса бақирди:



– Қиролинг билан нима ишим бор, бу менинг қизим деяпман-ку сенга!

– Деворни бузинглар! – дея буйрук берди Тристан.

Туйнукни кенгайтириш учун деразанинг тагидан бир қатор ғишт олинса кифоя қиларди. Қалъасини бузиб ташлаётган чўкичлар ва мисранглар товушини эшитган она қийқириб, қафасга солинган йиртқич ҳайвон сингари шиддат билан хужра ичида айлана бошлади. У бир оғиз ҳам гапирмас, лекин кўзлари ёниб турарди. Унинг афт-ангорини кўрган аскарларнинг юрагини муз босгандек бўлди.

Бирдан хужрадаги тошни кўлга олди-да, хохолаб аскарларга улоқтирди. Аммо кўллари калтираб тургани учун отилган тош ҳеч кимга тегмай, Тристан ўтирган отнинг ёнига бориб тушди. Роҳиба аёлнинг тишлари ғижирлаб кетди.

Бир нуқтага тикилиб, танаси билан қизини ҳимоя қилиб турган роҳиба аёл, ҳаракатсиз ётган шўрлик қизалоғининг “Феб! Феб!” деб инграётганига кулок солиб турарди.

Деворни шиддат билан бузаётган аскарларни кузатиб турган она беихтиёр ортга тисарилиб, лўли қизни деворга сиқиб борарди. Бирдан у дераза тагидаги тошнинг қимирлаб қолганини пайқаб, аскарларга далда бераётган Тристаннинг овозини эшитди. Бир муддат қотиб қолган роҳиба аёл бехосдан қичқириб юборди. Унинг овози гоҳ арранинг ғижирлашига ўхшаб кулокни қоматга келтирар, гоҳ ташқарига отилиб чиқиш учун гўё тилининг учида тўпланиб қолган қарғишлардек бирдан бўғилиб қоларди.

– О-о-о! Қандай даҳшат! Босқинчилар! Наҳотки, чиндан ҳам қизимни тортиб олмоқчи бўлсангиз? Ахир, бу менинг қизим деяпман-ку сизларга! Ярамас, тубан жаллодлар! Жирканч, ифлос қотиллар! Ёрдам беринг! Ёрдам беринг! Ёнғин! Наҳотки, улар қизалоғимни тортиб олса? У ҳолда меҳр-муруватли худо деб кимни айтишар экан?

Сўнг дарғазаб, кўзлари бежо, тўрт оёқлаб, қоплон сингари хурпайиб турган роҳиба аёл Тристанга қараб деди:

– Қани, кел, қизимни тортиб олишга бир уриниб кўр-чи! Ё гапимга тунунмаяпсанми? Бу қизим, деб сенга она айтаяпти! Фарзанд нималигини биласанми ўзи? Эй кашқир! Сенинг боланг йўқми? Болаларинг бўлса, увиллашаётганда ичинг ағдар-тўнтар бўлиб кетмаганми?

– Тошни олинглар, – дея буюрди Тристан, – у ағанай деб турибди.

Пишанглар оғир плитани ўрндан кўзгатди. Эслатганимиздек, бу бахтиқаро онанинг сўнги суянчиғи эди. У платага отилиб, тирноқлари билан тирнаб, уни ушлаб қолмоқчи бўлди. Аммо олти эркак томонидан жойидан кўзгатилган баҳайбат тош унинг қўлидан сирғалиб, ерга ағанаб тушди.

Кириш жойи очилганини кўрган онаизор туйнукка кўндаланг ётиб олди ва бошини тошга уриб, чарчқдан хириллаб қолган овоз билан “Ёрдам беринг! Ёнғин! Ёнаяпмиз!” дея зўрға шивирлади.

– Энди қизни олиб чиқинглар! – дея буюрди тепса-тебранмас Тристан.

Она аскарларга шу қадар важоҳат билан тикилдики, улар бостириб киришни ҳам, ортга тисарилишни ҳам билмай қолишди.

– Тезроқ бўлинглар, – ўдағайлади Тристан. – Қани, Анриэ тоға, олға!

Ҳеч ким ўрндан қимирламади.

– Исо ҳақи қасам ичаман! – дея сўкинди Тристан. – Бир аёлдан кўрқдингизми! Тағин, аскарлар эмиш!



– Ахир, шу аёлми, жаноб? – деди Анриэ тоға.

– Унинг шерсифат ёлини кўрмаяпсизми! – дея гапга кўшилди яна бир аскар.

– Қани, олға! – дея буюрди бошлиқ. – Туйнук катта, Понтуаз қамали пайтидагидек уч қатор бўлиб кираверинг. Худо ҳақи, тезроқ ишни битиринг! Билиб қўйинглар – кимки орқага қайтса, қиличим билан чопиб ташлайман!

Икки ўт – она ва бошлиқ ўртасида қолган аскарлар, бироз иккиланиб туришди-да, кейин уяга киришга қарор қилишди.

Сочларини орқага ташлаб, тиззалаб ўтирган роҳиба аёлнинг тирналиб, қонталаш бўлиб кетган кўллари жонсиз осилиб тушди. Кўзларида пайдо бўлган қатра-қатра ёш ўзанини топиб олган ирмоқ сингари юзини босиб кетган ажинлардан оқиб тушарди. У шу қадар илтижоли, майин, юракни эзадиган ҳазин овозда гапира бошладики, нафақат кекса аскар, Тристан теварагидаги барча аскарларнинг кўзларига ёш келди.

– Марҳаматли жаноблар! Жаноб қоровуллар! Биргина сўз айтишга ижозат беринг! Сизларга айтадиган гапим бор! Бу менинг қизим, тушунаяпсизми? Бир вақтлар йўқотиб қўйганим – жондан азиз қизалоғим! Лўлилар уни ўғирлаб, ўн беш йил мендан яшириб юрган. Мен уни ўлган деб юрардим. Яратган эгамга илтижоларим етиб борганидан кўнглим тоғдек кутарилди. Бу чиндан ҳам мўъжиза. У ўлмаган экан. Биламан, уни мендан тортиб олмайсиз. Ахир, Биби Марям марҳамати билан қизимни топдим! Сизлар ҳам меҳрли одамларсиз! Ахир, у қизим эканини билмагансиз-да, энди мана билиб олдингиз! О! Уни қанчалар яхши кўришимни билсангиз эди! Жаноб бошлиқ! Унинг қўлчасига биргина зирапчанинг кирганини кўргандан кўра, бағримни тилка-пора қилишим осонроқ! Кўриб турибман, жуда мурувватли инсонсиз, жаноб! Барини сўзлаб берганимдан кейин ҳаммасини тушундингиз, шундайми? Ахир, сизнинг ҳам онангиз бўлган-ку, жаноб! Боламни қайтариб берасизми? Яратганга тиз чўкиб, нола қилганимдек, оёғингизга йиқилиб, илтижо қиламан! Ҳеч кимдан ҳеч нима сўрамайман. Мен реймсликман, у ерда тоғам Майё Прудондан мерос қолган бир парчагина ерим бор. Мен камбағал-қашшоқ эмасман. Менга боламдан бошқа ҳеч ниманинг кераги йўқ! О! Менга фақат қизалоғим керак! Яратган эгам уни бекорга қайтариб бермаган, ахир! Қирол, қирол, дейсиз! Наҳотки, у навқирон кизни ўлдириб, хузур-халоват топса? Қолаверса, қиролимиз ҳам ғоят меҳр-мурувватли. Бу менинг қизим! Қиролники эмас, меники! Сизники ҳам эмас! Мен бу ердан кетмоқчиман! Биз бу ердан кетмоқчимиз! Хув ана, кетиб бораётган икки аёл: бири онаси, иккинчиси – қизи. Кетса-кетавермайдами! Бизнинг ҳам кетишимизга имкон беринг! Иккимиз ҳам Реймсан. О! Нақадар мурувватлисиз, жаноб соқчилар. Барингизни севаман!.. Сиз қизалоғимни тортиб ололмайсиз, бундай бўлиши мумкин эмас! Ахир, шундай эмасми? Қизалоғим! Қизалоғим менинг!

Унинг узуқ-юлуқ, маънисиз, телбаномга гаплари билан айқаш-уйқаш бўлиб кетган имо-ишораларини ҳам, овозини ҳам, шашқатор оқаётган кўз ёшларини ҳам, гоҳ илтижоли қовуштириб, гоҳ қайириб ташлаётган кўллариини ҳам, юракни эзадиган қулишларини ҳам, зорланиб қарашларини ҳам, мунгли инграшларини ҳам ифодалашга қалам ожиз. Ниҳоят, у тинчиб қолгач, Тристан кўзига келган ёшни сездирмаслик учун қовоғини уйишга мажбур бўлди. Бироқ, ўзига келгач, яна ўша гапини қайтарди:

– Қирол иродаси бу!

Сўнг Анриэ тоға томон эгилиб, “Тезроқ бўлақол”, деб шивирлади. Эҳтимол, шафқатсиз Тристан ҳам онаизор илтижоларига ортиқ дош бера олмаслигини ҳис этган бўлса ажаб эмас.

Жаллод ва аскарлар хужрага киришди. Уларга қаршилиқ қилишга ҳоли қолмаган она эмаклаб, қизининг ёнига келди-да, титраб-қалтираётган қўллари билан уни кучоқлаб, бағрига босди.

Лўли қиз ёнига келаётган аскарларни кўриб турарди. Ўлим шарпаси уни яна ҳаётга қайтарди.

– Онажон! – дея қичқирди у чексиз дард-алам билан. – Онажон, улар келишяпти! Қутқаринг мени!

– Ҳа-ҳа, жонгинам, сени ҳимоя қиламан! – деди онаизор ҳазин овозда ва қизалоғини бағрига босиб, юзидан ўпди. Ерда чўзилиб ётган онаболанинг аянчли ҳолати ҳатто юраги тошга айланган одамни ҳам бефарқ қолдира олмасди.

Анриэ тоға қизнинг белидан ушлаб олди. Унинг қўлларини ҳис этган лўли қиз инграб, хушдан кетди. Қатра-қатра кўз ёши тўкилаётган жаллод лўли қизни қўлига кўтариб олмоқчи бўлди. У қўллари билан қизининг белига чирмашиб олган роҳибани итариб юборишга ҳарчанд уринмасин, боласини қаттиқ кучоқлаб олган онанинг қўлларини ажратиб ололмади. Ўшанда Анриэ тоға лўли қиз билан бирга онасини ҳам хужрадан судраб чиқа бошлади. Онанинг кўзи юмилган эди.

Бу пайтга келиб кун ёришган ва тош йўлакдан дор томон ниманидир судраб келишаётганини узокдан кузатиб турган бекорчи томошабинлар галаси майдонда тўпланиб турган эди. Тристан учун бу одатий ҳол эди. У оломоннинг қатл жойига яқин йўлашини хуш кўрмасди.

Деразаларда бир зоғ ҳам кўринмасди. Фақат Биби Марям ибодатхонасининг Грев майдони кўриниб турган минорасининг тепасида, афтидан, пастга – майдонга қараб турган икки эркак шарпаси кўзга ташланиб турарди.

Анриэ тоға қўлидаги юк билан машъум нарвон пойига келиб тўхтади-да, базўр нафас олиб, лўли қизнинг жозибали бўйнига сиртмоқни ташлади. Шўрлик каноптола арконнинг даҳшатли исканжасини ҳис этди. Кўзини очиб, шундоқ бошининг устида тош дорнинг кўндаланг турган “қўли”ни кўрди. У титраб-сесканиб кетди-да, юракни эзадиган баланд овоз билан бақирди:

– Йўқ! Йўқ! Ўлишни истамайман!

Қизининг либосига боши билан ўралиб олган она лом-мим демади; унинг бутун вужуди титраб, шоша-пиша қизининг юз-кўзларидан бўса олаётганинигина кўриш мумкин эди. Жаллод унинг қўлларини ажратиб олиш учун ана шу дақиқадан фойдаланди. Ҳолсизланган, умидлари узилган онанинг қаршилиқ қилишга мажоли йўқ эди. Жаллод лўли қизни елкасига кўтариб олганда Эсмеральданинг икки букилган жозибали танаси унинг баҳайбат боши ёнига осилиб тушди. Сўнг у дорга кўтарилмоқчи бўлиб, нарвонга бир қадам қўйди.

Айни шу дақиқада тош йўлда бужмайиб ётган она кўзларини очди. У ўрнидан турганда қиёфаси даҳшатли эди; она ўлжага ҳамла қилаётган йиртқичдай, овоз чиқармай, жаллодга ташланиб, унинг қўлларига ёпишди. Бу бир зумда рўй берди. Жаллод оғриқдан бўкириб юборди. Унга ёрдам-



га келган аскарлар бир амаллаб қонталаш бўлиб кетган қўлини бўшатиб олишди. Улар ҳамон сукут сақлаб турган онани итариб юборишди. У боши билан тошқўчага гурс этиб йиқилди. Уни кўтаришганда шилқ этиб яна ерга тушди. Роҳибанинг жони узилганди.

Ҳамон лўли қизни кўтариб турган жаллод нарвон зиналаридан кўтарила бошлади.

## II. La creatura bella bianco vestita<sup>1</sup>

Шунча вақт мобайнида лўли қизни ҳимоя қилган Квазимодо уни ўғирлаб кетишганига, хужранинг бўшаб қолганига ишонч ҳосил қилгач, кутилмаган бу фалокатдан буткул эсанкираб қолди. Сўнг йиртқич ҳайвонга ўхшаб ҳайқириб ва сарғимтир сочларини тош плиталарга ирғитиб, бутун ибодатхона бўйлаб лўли қизни қидира бошлади. Бу ҳол шавкатли аскарлар ибодатхона ичига бостириб кириб, улар ҳам айнан лўли қизни излаётган онларда юз берди. Бечора букри аскарларнинг мақсадини англамаган ҳолда уларга ёрдам берди; унинг тасаввурида дайдиларгина лўли қизнинг душмани эди. Ўзи Тристан-Қаландарга ҳамроҳлик қилиб, ибодатхонанинг яширин жойларини кўрсатди, барча махфий эшикларини очиб берди, меҳроб ва рухонийлар кийинадиган хоналарга олиб борди. Шўрлик лўли қиз ибодатхонада қолганда, шубҳасиз, букри уни ўз қўли билан тутиб берган бўларди.

Натижасиз таъқибдан чарчаб-ҳориган Тристан ниҳоят чекинган бўлса, Квазимодо ёлғиз ўзи излашда давом этди. Умидлари пучга чиққан, эси оққан Квазимодо бақириб-чақириб, ҳар бир туйнукка бош суқиб, ҳар бир гумбазни ёритиб, гоҳ зиналардан юқорига, гоҳ пастга югуриб, юз марта ибодатхонани айланиб чиқди. Ҳатто урғочисидан айрилиб қолган йиртқич ҳам бу қадар важоҳат билан ўқирмаган бўларди. Ниҳоят, Эсмеральданинг йўқлигига, умидлари пучга чиққанига, унинг ўғирлаб кетилганига ишонч ҳосил қилгач, бир вақтлар лўли қизни қутқарган уни ғўддайиб югуриб чиққан минора зиналаридан бир-бир босиб чиқа бошлади. У бошини куйи солиб, чурқ этмасдан, деярли нафас олмасдан яна ўша йўлдан кетиб борарди. Ҳувиллаб қолган ибодатхона сукунатга чўмди. Аскарлар Ситезда жодугарга пистирма қўйиш учун ибодатхонани тарк этишди. Атиги бир неча дақиқа олдин қамал шовкин-суронига тўлган улкан ибодатхонада ёлғиз бир ўзи қолган Квазимодо неча тунлар унинг ҳимоясида лўли қиз паноҳ топган хужрага йўл олди.

Хужрага яқинлашар экан, эҳтимол, уни шу ердан топарман деган хаёл кўнглидан ўтди. Ёнлама жойлашган меҳробларнинг томига туташиб кетган галереяни айланиб ўтаётганда шохда осилиб турган куш уясидек асосий гумбаз тагидаги эшиги ва деразаси кичкина хужрачага кўзи тушиб, шўрликнинг юраги тўхтаб қолгандек бўлди. Ерга ағанаб тушмаслик учун устунга суянишга мажбур бўлди. Ўзича хаёл суриб, балки қизнинг ўзи қайтгандир ёки бирон-бир меҳрибон инсон уни бу ерга олиб келгандир, бу жуда тинч, ишончли ва шинам хужра, у шундай бошпанани ташлаб кетиши мумкин эмас эди, деб ўйларди. Квазимодо айнан шундай бўлишини жудажуда истар ва хужрага киришга юраги бетламасди. “Балки, – деди у ўзига ўзи, – у ухлаётган ёки ибодат қилаётгандир. Безовта қилмаганим маъқул”.

<sup>1</sup> La creatura bella bianco vestita (лот.) – Чарх айланар, айланар беомон... (Данте сатрлари).

Бироқ нафасини ростлаб олгач, у хужрага оёқ учида яқинлашиб, ичкарига қадам қўйди. Ҳеч ким йўқ! Хужра кимсасиз эди. Шўрлик гунг хужрани айланиб чиқди, худди лўли қиз тош плита билан тўшак ўртасига яшириб олгандек, тўшакни кўтариб кўрди-да, бош чайқаб, турган жойида серрайиб қолди. Бирдан ғзаби кўзиб, машғалани оёғи билан эзгилаб ташлади, сўнг чурқ этмасдан ва нафас олмасдан югурганча бошини деворга урди-да, хушдан кетиб, гуре этиб ерга ағанаб тушди.

Лўли қизни кутилмаганда ўғирлаб кетган одам ҳақида ўйлаб ўйига етолмаётган Квазимодо охири архидьякондан шубҳаланди. У хужрага олиб борадиган нарвон калити фақат Клодда бўлиши, унинг лўли қизга қилган ва ўзи кўмаклашиб юборган биринчи ҳамда халакит берган иккинчи тунги ҳамласини эслади. Кўплаб майда-чуйда тафсилотларни эслаган Квазимодо айнан архидьякон лўли қизни ундан тортиб олганига ишонч ҳосил қилди. Бироқ унинг руҳонийга хурмат-эҳтироми чексиз, қалбида Клодга нисбатан миннатдорлик, садоқат ва муҳаббат туйғуси шу қадар чуқур илдиз отган эдики, улар ҳатто айна шу кезларда ҳам рашк ва умидсизлик ҳисларига тўсқинлик қиларди.

Бу ишда архидьяконнинг қўли борлигини сезиб турган бўлса ҳам, руҳоний ўрнида бошқа одам бўлганда, шак-шубҳасиз, унга бор қаҳр-ғзаби ва нафратини тўкиб соладиган Квазимодо, Клод Фроллога келганда, қалбини чексиз қайғу-алам қуршаб олган эди.

Фикр-ўйлари руҳонийга қаратилган айна шу дақиқаларда, тонг шафақида ибодатхонанинг асосий гумбазлари ёришиб кетган кезларда, кутилмаганда Биби Марям ибодатхонасининг юқори айвонида, гумбаз устидаги ташқи балюстраданинг айланма йўлагидан унга томон келаётган шарпага кўзи тушди. У шарпани таниди. Бу архидьякон эди.

Руҳонийнинг кутилмаганда пайдо бўлиб қолганидан тошқотган букри унинг шимолий минора эшигидан кириб кетганини кузатиб турди. Айнан шу минорадан шахар маҳкамаси биноси яққол кўриниб турарди. Квазимодо ўрнидан туриб, сездирмасдан архидьяконнинг ортидан борди.

Кўнғироқчи минора зинасидан кўтарилар экан, нима сабабдан руҳоний бу ёққа келганини билмоқчи эди. Шўрлик букри нима қилмоқчилигини ҳам, нима демоқчи бўлганини ҳам, нимани исташини ҳам билмасди. Унинг қалбида архидьякон билан лўли қиз тўқнаш келиб қолган эди.

Миноранинг тепасига кўтарилгач, у зим-зиё зинапоядан ёруғ майдончага чиқишдан олдин руҳонийни излаб топиш мақсадида, секин атрофга аланглади. Руҳоний шундоқ рўпарада унга орқаси билан турарди. Кўнғироқча майдончаси тўрт тарафдан айланасига балюстрада билан ўраб олинган. Унинг Биби Марям кўпригига қараган тарафидаги панжарасига кўкраги билан суяниб олган руҳоний шахарга разм солиб турарди.

Орқадан писиб келган Квазимодо архидьяконнинг нимага бунчалик берилиб қараётганини билмоқчи эди.

Бутун вужуди билан Грев майдонига термилиб турган руҳоний ҳатто Квазимодонинг қадамларини ҳам эшитгани йўқ.

Квазимодо бетоқат бўлиб, лўли қизни не қўйга солганини ундан сўрамоқчи эди, бироқ архидьякон ўзга оламда кезиб юрарди. Унсиз, ҳаракатсиз, бир нуқтага тикилиб турган руҳоний киёфаси шу қадар кўрқинчли эдики, буни кўриб турган ваҳший кўнғироқчи ҳам титраб, би-



рон нима дейишга жазм этолмасдан, бошқа усулни қўллади: у руҳоний нигоҳлари қадалган нуктага қараб, кўзи Грев майдонига тушди.

У архидьякон нимага тикилиб турганини кўрди. Майдондаги дор ёнига нарвон суяб қўйилган, унинг атрофида одамлар ва кўплаб аскарлар кўриниб турарди. Қандайдир кимса тошйўлдан оппоқ ва унинг ортидан илакишиб келаётган қора бир нимани судраб борарди. У дорнинг пойига келиб тўхтади.

Бироздан кейин бояги одам нарвондан кўтарила бошлади. Шундагина Квазимодо уни яққол кўришга муваффақ бўлди. У елкасида оппоқ либосдаги кизни кўтариб чиқарди; кизнинг бўйнига сиртмоқ солинганди. Квазимодо уни таниди.

Бу лўли киз эди.

Нарвоннинг охирига боргач, ўша одам лўли кизнинг бўйнидаги сиртмоқни тортиб қўйди.

Рухоний яхшироқ кўриш учун балюстрадага тиззалаб ўтириб олди.

Бирдан бояги киши кескин ҳаракат билан нарвонни итариб юборганда бир неча сониялардан буён нафасини ичига ютиб турган Квазимодо тошйўлдан икки туа<sup>1</sup> баландликда бахтиқаро лўли киз ва унинг елкасига чиқиб олган киши арқоннинг учида чайқалиб қолганини кўрди. Арқон ҳавода буралиб кетганда Квазимодо лўли киз танасини даҳшатли тиришиб-тортишиб кетганини кўриб турарди. Кўзлари қинидан чиқиб кетаёзган руҳоний ҳам бўйнини чўзиб, ана шу кўрқинчли манзара, эркак ва аёл – пашша ва ўргимчакка термилиб турарди.

Кутилмаганда ана шу даҳшатли онларда янграган ғайриинсоний иблисона кулги докадек оқариб кетган руҳонийнинг башарасини бужмайтириб юборди. Квазимодо эшитмаган бўлса ҳам, кўзи билан кўрган эди.

У орқага бир неча қадам тисарилди-да, сўнг ғазаб оловида бехосдан Клодга ташланиб, қудратли қўллари билан чоҳ устида эгилиб турган руҳонийни итариб юборди.

– Лаънатлар бўлсин! – дея қичқирган руҳоний пастга қулади.

Оёғига илинган тарновгина уни ушлаб қолди. Кўзлари олайиб, икки қўли билан унга тирмашиб олган руҳоний яна бақираман деб оғзини очган маҳал балюстраданинг чеккасида ўч оламан деб ёниб эгилиб турган Квазимодонинг ваҳимали бошини кўриб, тошдай қотиб қолди.

Пастда тубсиз чоҳ қорайиб турар, тош йўлгача баландлик камида икки юз фут<sup>2</sup>ча келарди.

Ана шундай аянчли ҳолатда архидьякон чурқ этгани, ҳатто инграгани ҳам йўқ. У тарнов устидан балюстрадага чиқиб олишга уриниб, буралиб турарди, холос. Аммо қўллари гранит тош устида сирпаниб, қорайиб кетган деворни тирналаётган оёқлари таянч топишга уринишлари бехуда кетди. Биби Марям ибодатхонасига чиқишга уринганлар балюстрада тагидаги тошкарнизни билишади. Бахтиқаро архидьякон ана шу қийшайган карниз биқинида осилиб турарди. Аксига олиб, тагидаги девор ҳам тик эмас, ичкарига қайрилиб кетган эди.

Квазимодо уни муқаррар ўлимдан қутқариб олиши учун қўлини узатса кифоя эди, бироқ букри Клодга ҳатто киё ҳам боқмади. У Грев майдонига, дорга, лўли кизга қараб турарди.

<sup>1</sup> Икки туа<sup>2</sup> – тахминан 4000 м.

<sup>2</sup> Икки юз фут – тахминан 60 м.

Архидьякон ҳолдан тойиб борарди. Туксиз пешонаси терга ботган, тирноқларининг остидан қон сизиб чиқар, деворга урилаверганидан тиззалари чақа бўлиб кетганди.

Ҳар гар қимирлаганда тарновга илиниб қолган устки кийими чирсиллаб-ситилаётганини сезиб турар, бу ҳам етмагандек, учига қўрғошин қувур уланган тарнов ҳам танасининг оғирлиги билан аста-секин эгилиб борарди. Қўлларида жон қолмагач, кийими йиртилиб кетгач, қўрғошин қувур дош беролмагач муқаррар равишда йиқилишини билган шўрлик руҳонийнинг даҳшатдан юраги музлаб кетди. У бир мартагина майдонга, тубсиз жарликка қарашга жазм этди, холос; бошини кўтарганда ковоқлари юмук, сочлари диккайиб турган эди.

Бу икки одамнинг чурқ этмай туришида аллақандай даҳшатли бир нима бор эди. Квазимододан атиги бир неча қадам нарида руҳоний аянчли ўлим қаршисида, букри эса Грев майдонига қараб, кўз ёш тўкиб турарди.

Барча уринишлари сўнгги таянчини йўққа чиқараётганини сезиб турган архидьякон ортик ҳаракат қилмасликка қарор қилди. Тарновни кучоқлаб, нафас олмасдан, осилиб турган руҳоний тушида жарликка тушиб кетаётган одамдек, қорин мушакларининг титраб-қисқараётганинигина ҳис этарди, холос. Унинг бир нуктада қотиб қолган кўзлари кинидан чиқиб кетаёзган эди. Буткул тинка-мадори қуриган руҳоний қўллари бўшашиб, панжалари тарновдан сирпаниб, танаси тобора оғирлашиб бораётганини ҳис этди. Уни кўтариб турган қўрғошин қувур ҳам борган сари пастга эгилиб борарди.

Даҳшатга тушган руҳоний пастда икки букилган қартадек кичкина бўлиб туюлган Сен-Жан-ле-Роннинг томини кўриб қолди. Клод худди ўзидек чоҳ устида осилиб турган минораларнинг бепарво, раҳм-шафқат билмайдиган безакларига разм солди. Атрофидаги ҳамма нарса тошга айланган: шундоқ рўпарасида – оғзини очиб турган баҳайбат тош махлуқлар, тагида – майдон ичкарасида тош кўча, тепада эса – кўзёш тўкаётган Квазимодо.

Бош майдонда тўпланган одамлар бу манзарани томоша қилиб, вақтини бу тарика чоғ қилаётган тентак ким экан, дея бир-бирини муҳокама қиларди. Руҳоний уларнинг гап-сўзларини эшитиб турарди:

– Ахир, бўйни узилиб кетади-ку!

Квазимодо кўз ёш тўкарди.

Нихоят, лаблари кўпириб, даҳшатдан кўзлари олайиб кетган руҳоний барча уринишлари бефойда эканини тушунди. Шунга қарамасдан, сўнгги марта бор кучини тўплади. Тарнов устида тик туришга уриниб, тиззаларини деворга уриб силтанди-да, қўллари билан тош тирқишидан ушлаб олди ва тахминан бир футча тепага кўтарилди; аммо силтанаётганда уни кўтариб турган қўрғошин қувур букилди ва ўша сонияда кийими ҳам йиртилиб кетди. Таянчдан маҳрум бўлганини, заифлашиб, увишиб қолган қўллари ҳамон нимагадир илиниб турганини ҳис этган шўрлик кўзларини юмиб, қувурни қўйиб юборди-да, пастга қулади.

Квазимодо унинг ажал қаърига тушиб кетаётганини кузатиб турди.

Бундай баландликдан камдан-кам ҳоллардагина тик туриш мумкин. Пастга қулаган архидьякон қўлларини чўзиб, ҳавода бир неча бор тўнкарилди-да, кўшни уйлاردан бирининг томига боши билан бориб урилди. Томга келиб урилганда у ҳали тирик эди. Қўнғирокчи унинг йиқилиб



кетмасликка уриниб, томга тирмашаётганини кузатиб турарди. Аммо том юзаси ҳаддан ташқари қия, руҳоний эса буткул ҳолдан тойган эди. Узилиб тушган черепицага ўхшаб, уй тоmidан пастга қараб сирпаниб кетди ва тошқўчага гурсиллаб тушди. Руҳонийнинг жони узилган эди.

Айни шу дақиқаларда Квазимодо дастлаб дорга осилган ва танаси ўлим талвасасида сўнгги бор титраётган лўли қизга, сўнг инсоний қиёфасидан маҳрум бўлган, минора пойида қонга беланиб ётган архидьяконга қаради-да, бўртиб чиққан кўкрагини кериб ўкирди:

– Мен севганлар шулар эди!

### III. Фебнинг никоҳи

Ўша куни кечки пайт суд миршаблари архидьяконнинг майиб-мажруҳ жасадини бош майдондан олиб кетишаётганда Квазимодо Биби Марям ибодатхонасидан ғойиб бўлган эди.

Бу воқеа хусусида турли миш-мишлар тарқалди. Руҳоний билан қўнғироқчи ўртасидаги келишувга биноан Квазимодо, яъни иблис Клод Фролло, яъни жодугарни ўзи билан бирга олиб кетишига фурсат етиб келганига ҳеч ким шубҳа қилгани йўқ. Айтишларича, Квазимодо ичидаги мағзини олиб ейиш учун ёнғоқнинг пўстлоғини уриб майдалаётган маймунга ўхшаб, Фроллонинг жонини олиш мақсадида жисмини майдалаб ташланган эмиш.

Шунинг учун архидьяконнинг жасади муқаддас ерга қўйилмади.

Бир йил ўтгач, 1483 йилнинг августида Людовик Ўн Биринчи ҳам жон таслим қилди.

Пьер Гренгуар эса эчкичани қутқариб, драматург сифатида доврўқ қозонди. 1483 йилга доир епархия солномаларида унинг драматургия соҳасида эришган ютуқлари ҳақида қуйидагилар қайд этилганига ишонч ҳосил қилиш мумкин:

“Папа элчиси ташриф буюрган куни Париж Шатлесида намоёиш этилган мистерияни яратгани ҳамда асар талабига биноан кийинган актёрлар ва сахнани кургани учун дурадгор Жеан Маршанга ва муаллиф Пьер Гренгуарга жами юз ливр тўланди”.

Феб де Шатопернинг ҳаёти ҳам фожиали якун топди. У уйланди.

### IV. Квазимодо никоҳи

Лўли қиз ва архидьякон оламдан ўтган куни Квазимодо Биби Марям ибодатхонасидан ғойиб бўлганини қайд этган эдик. Чиндан ҳам, ўшандан буён уни ҳеч ким кўрмаган, не қуйга тушганини ҳеч ким билмасди.

Эсмеральда қатл этилганидан кейин жаллод ёрдамчилари тунда жасадни дордан тушириб Монфокондаги сағанага олиб бориб қўйишди.

Совалнинг гувоҳлик беришича, Монфокон “қиролликнинг энг кўҳна ва кўркем дор”и ҳисобланарди. Парижнинг қалъа деворидан тахминан уч юз қирқ метр узоқликда, Куртиль қишлоғидан бир неча чақирим масофада қиялама, аммо узоқдан кўзга ташланадиган нисбатан баланд тепаликда кельтларнинг кромлех<sup>1</sup>ини эслатадиган антиқа иншоот ҳам одамларни қурбонлик қилиш учун мўлжалланган эди.

<sup>1</sup> Кромлех – неолит ва бронза даврига оид айлана девор шаклидаги улкан тош плита ва устунлардан иборат иншоот.



Бўр тепалик чўққисида баландлиги ўн беш, эни ўттиз, узунлиги қирқ фут<sup>1</sup> келадиган, эшик, ташқи нарвон ва майдончадан иборат параллеллепидни кўз олдингизга келтиринг. Ана шу майдончада оғир пойдеворнинг уч тарафида коллонада шаклида жойлашган, баландлиги ўттиз фут бўлган, тепаси бир-бири билан бақувват тўсинлар ёрдамида бирлаштирилган, дағал йўнилмаган тошдан ясалган ўн олтига улкан устунлар оралиғида занжирлар, ҳар бир занжирда эса одам жасадининг қолдиқлари осилиб турарди. Унинг ёнидаги текисликда тош чормих ва иккита нисбатан пастроқ дор ўрнатилган. Уларнинг устида кузғунлар галаси тинимсиз учиб юрарди. Монфокон деганлари шундай эди.

Ана шу ваҳимали ва жирканч иншоотга таянч сифатида хизмат қилган тош пойдеворнинг ичи ковак эди. У ерда усти анчайин қийшайиб қолган панжара билан ёпилган жуда катта чуқур ертўла бўлиб, Монфокон занжирларидан узилиб тушаётган жасадлар эмас, балки Парижнинг бошқа жойларида қатл этилган бадбахлар ҳам шу ерга ташланган. Ахлатхонага айланган мана шу ертўлада бегуноҳ қатл этилган илк маҳкум Ангеран де Мариньи<sup>2</sup>дан тортиб, охиргиси – у ҳам айбсиз қатл этилган – адмирал Колиньи<sup>3</sup>гача не-не буюк зотлар, минг-минглаб кишиларнинг жасади кулга айланган, кўплаб жиноятларнинг изи кўмилган эди.

Квазимодонинг сирли равишда ғойиб бўлишига келсак, куйидагиларнигина аниқлай олдик, холос.

Биз ҳиқоя қилган воқеалардан кейин бир ярим ёки икки йил ўтгач, Карл Саккизинчининг марҳамати ила муносиб жойда – Сен-Лоранда дафн қилиш учун икки кун олдин қатл этилган Оливье ле Деннинг жасадини олиб кетиш учун Монфокон сағанасига келганлар жирканч мурдалар орасида бири иккинчисини қучоқлаб олган икки скелетга дуч келишди. Оппок либос қолдиқлари, бўйнида яшил маржонлар билан безатилган кичкина шойи туморча ва дафна уруғидан ясалган мунчоқ осилиб турган скелет аёлга тегишли эди. Бу нарсалар арзимас бўлгани учун ҳатто жаллодни ҳам қизиқтирмаган кўринади. Уни қучоқлаб турган иккинчи скелет эркакники эди. Сағанана кирганлар унинг орқа умуртқасининг қийшиқлиги, боши елкалари орасига кириб кетгани, бир оёғи иккинчисидан калта эканини кўришган. Бироқ бўйин умуртқаларининг бутун қолгани унинг дорга осилмаганидан далолат берарди. Демак, у сағанана ўзи келган ва шу ерда жони узилган. Қучоқлаб турган скелетдан уни ажратиб олмоқчи бўлишганда, жасади сочилиб, кулга айланди.

### Тамом

<sup>1</sup> Ўн беш, ўттиз, қирқ фут – 4,5, 9,1 ва 12,2 м.

<sup>2</sup> Ангеран де Мариньи – Франция қироли Гўзал Филиппнинг вазири. 1315 йили хоинликда айбланиб, Монфоконда қатл этилган.

<sup>3</sup> Гаспар II де Колиньи (1519–1572) – Франция давлат арбоби, адмирал Колиньи сифатида шуҳрат қозонган. Қиролича Екатерина Медичининг буйруғи билан ўлдирилган.

*Иоганн Вольфганг ГЁТЕ*

(1749–1832)

## “ОХИРГИ ИЖОД” ТУРКУМИ

Назмий ҳикматлар ва эпиграммалар

*Рус тилидан  
Сафар ОЛЛОЁР  
таржимаси*

*Иоганн Вольфганг Гёте – немис халқининг буюк шоири ва ажойиб файласуфи. Унинг бадиий битикларидаги ранг-баранглик – ўқувчи ижодкордан кутадиган ва бу борадаги хаёлий жумбоқларига ечим излайдиган ботиний масаланинг бир томони, холос. Бироқ оҳорли ва сипогина (зўракиликдан холи) фалсафий мушоҳадалар ўқувчига кутганидан зиёд қандайдир шуурий, шу билан бирга, маънавий-ҳиссий қаноат бахш этишини талабалик йилларим уларни бир ўқигандаёқ илғаган эдим. Шундан буён бу чин шоирнинг доимий мухлисман ва бетакрор шеърятидан таржима қилишни кўп йиллар дилимга тугиб юрдим, боз устига, бу оташин шоирнинг ўзбекчага ўгирилган шеърятига бот-бот дуч келавардим. Бошқа таржимонлар меҳнатини қадрлаган ҳолда шуни таъкидлагим келадик, таржима жараёни, Гёте ифодаси билан айтганда, сўлиб бораётган гулдастанинг сувга солингач, қайта жонлангани каби эътиборли ва ҳаяжонлидир. Энди... муаллиф билан таржимон ўртасидаги ички масаланинг энг нозик жиҳати шундаки, ҳар қайси ишқибоз ўша гулдаста ўз иш столи устида бўлишини хоҳлайди...*

*Шу маънода, ўзим излаб кўрган манбалар – она тилимизга ўгирилган Гёте шеърятини ичида кўзимга чалинмагани “Охирги ижод” туркуми бўлди. Кўнглимга жуда яқин туюлган – қисқа, лўнда, аммо қайроқи фикрлари фалсафий мушоҳадаларга бой, шоир қалби кечинмаларининг руҳият ва кайфият сарҳадлари ичра гоҳ мамнун, гоҳ маҳзун яшашдек қай бир ҳаётий мураккабликларнинг турли тўсиқ-ғовлару синовларига дуч келган оний лаҳзаларда шу битиклар тарзида оқ қоғозга муҳрланган ғоятда чўнг дардни иштиёқ ила ўзбекчалаштирдим. Уларга баҳо бериш эса сиз, муҳтарам ўқувчилар ҳукмига ҳавола, албатта.*

*Таржимондан*

\* Манба: Гёте И.В. Собрание сочинений в десяти томах. Том 1. –М., “Художественная литература”, 1975. 421–433-бетлар.

## ЛАЙЧАЛАР

Чопамиз у ёқдан буён сарбасар,  
Ҳасадга лойиқдир хонанишин эсон,  
Ва бутун йўл бўйлаб ёвуз ҳуришлар  
Бизнинг изимиздан учар бегумон –  
Ки қандай бўлмасин аямай шартта  
Кимки ит тилида сўкса чидаймиз –  
Улар исботлайди яна бир марта:  
Биз – жим-тек турмаймиз, биз – ирғишлаймиз!  
(1815)<sup>1</sup>

## ТАВОЗЕ

Онгни банд айлашни зўр ижод билди,  
Мен кўрдим, аслида, у нима қилди;  
Юзаки асарга берар эътибор,  
Кўрдим – бисёр саҳву хатолари бор...  
(1815)

## ЙИЛЛАР

Ажойиб таомил ёшлик йиллардан:   Лек ногоҳ алмашар сабот йилларни.  
Нимани сўрасанг – олинар тез тан,   Қарасанг – кўрасан кўп дардисарни:  
Ва аҳил дўстликда ҳадик йўқ бирдай,   Қарзга беришмайди, таъна билишар,  
Яшаш мумкин сеҳрли эртақдагидай.   Берганларин барин талаб қилишар.  
(1814)

## ИҚРОРЛИК

А  
Ҳа, дўстим, чогландинг шўрлик жафога?  
Сен қўлга тушгансан мудҳиш хатода!  
Б  
Уларни тузатдим олдинги каби.  
А  
Қай тарзда?  
Б  
Ҳар кимдай орамиздаги.  
А  
Ўтганга ачиниб, қилдингми тавба?  
Б  
Йўқ, баттарроқ хато қилдим қайтанга.  
Одамлар дарғазаб бўлишиб бундан,  
Тез унутишиди собиқ айбимни чиндан.

<sup>1</sup> Ёзилган вақти номаълум шеърлар ноширлар томонидан илк эълон қилинган сана билан қавсда берилган.



## ҲИКМАТ

Мен ўз тақдиримга  
Лаънат айтардим,  
Қарасам, бир ўзим  
Жаннатда эдим!

У ўлди. Ҳамма тутатар ҳамда чекар фимиам<sup>1</sup>...  
Эҳ, сал илгари шуни қилсалар чекинарди гам!

Ҳа, бизлар биламиз, ёдда сақлайсиз ва шонга йўясиз:  
Ўз-ўзидан равшан, ки, сизлар бизларга ҳайкал қўясиз!

Бу ерга киришга  
Шошиб келасан,  
Эшикнинг ёнидан  
Чопиб ўтасан!

Суллоҳликлар  
Орттирмасми жилвагар гам-ташвишни?  
“Болажонлар!  
Бутун дунё бу уларга тегишли!”

Ваҳима касал  
Ҳеч тузалмас,  
Эпми,  
Вақтида ҳаётдан  
Емай зўр тепки!

Мен шундай севардим! Ўнгимда туш кўрардим!..  
Асл ҳаёт мазмунин у дам яхши билардим...

Раб ҳақида  
Биз ҳаммамиз  
Жуда яхши фикрдамиз:  
У ҳеч кимсанинг йўлига тўсиқ бўлмайди ҳаргиз!

“Ўзлигингни англагил”. – “Изоҳ сўраса экан!”  
“Лутф айланг: бўлиш керак ва бир вақтда – бўлмаслик”.  
“Ҳа, мазкур иборани, шубҳасиз, даҳо айтган:  
Шундай ихчамки, балки бўлар ягона маслак!”

Ўзлигингни англагил..  
Ундан не наф топаман?  
Англайман,  
Кейин қайга қочаман?

Худди карнавалга келгандек етиб,  
Бирдан ниқобимни иргитдим ечиб...

<sup>1</sup> Фимиам – исириксимон хушбўй тутатқи.

Бошқаларни билиш учун –  
Икки усул бор абад:  
Бири – боплаб мазах қилиш,  
Бошқа бири – хушомад.

(1812–1814)

## ТУҒМА ТАЛАНТ

У дер:

“Ҳеч нарсада қарзи йўқ касман  
Замондошлар, қари усталардан ҳам,  
Ҳеч бир мактаб билан боғлиқ эмасман –  
Кимдандир ўрганиш – уят ва алам!”

Барини жойладим битта сатримга:  
“Ҳеч ким айбдор эмас аҳмоқлигимга...”

(1812)

## ЯНГИ ТУХУМ – ЯХШИ ТУХУМ

Дўстлар,  
завқ-шавқ ўҳшар устрицага<sup>1</sup>:  
Чунки бу маҳсулот  
Янги эмас –  
Уни емаганинг афзал эрур, бас!

Шодиёналар –  
Бу тузламамиди,  
Сақлаб қолса йиллар оша таъмини!

(1815)

## ҲАММАГА ВА ҲАР КИМГА

Ахир, сен ҳам – одамсан!  
Назар солгин яқинроқ –  
Дароз эмас ҳаммадан,  
Калта ҳам эмас бироқ!

Кўп бало кўрдинг ноҳос,  
Билардинг омад бисёр...  
Ҳой, ака, ўпкангни бос,  
Бизнинг ҳам ризқимиз бор!

(1815)

## “БЕОЗОР КСЕНИЯ”ДАН

“Сен жудаям чарчадинг!  
Ўзингни тий биз учун!”  
“Сира санаб чиқмадим,  
Тўласам ҳам бисёр хун”.

<sup>1</sup> Устрица – еса бўладиган денгиз жониворчаси.



Йўқ, ҳеч бир уйдирма менга ёқмайди!  
Истайман, тузалар муаллиф, майли.

Ҳар нарса бор ва яратилар,  
Модомики биз англамасак,  
Биз нимага зимдан қизиқсак, –  
Гўё бари текин берилар...

Ўз қулоқларимга ишонгим келмас!  
Киндигим пичирлаб чиқарарди сас:  
“Мўйсафид,  
Бошингда туришига чоғлан!”  
Бу каби ҳазиллар – болаларга тан!  
Биз эса,  
Ёшга хос расо одамлар,  
Бошни баландроқ тутушни истар!

Баайни, ажойиб? Яна тўнтариши?  
Раҳмат! Бу қармоққа илинмаймиз ҳеч,  
Пайпоқни тескари киймасдан тез еч –  
Оёқ артишига ҳам арзимас шўриши...

Тўқ қофия ила ортар баҳоси:  
Бағоят табиий;  
Ҳамма нарсани  
Нимаси биландир билар бамаъни  
Ўз ўрнида ҳар бир фикрат даҳоси!

“Сен хафасан ёки касалсан –  
Негадир ҳеч чиқармайсан сас?..”  
“Йўқ, камина зоят мамнунман,  
Ахир, бу ҳол – машъум шеър эмас”.

Бизни антиқаликка беҳад ундади даҳо!  
Кошкийди замонавий бўла олсак мутлақо!

Мана, офат қандайин:  
Ҳамма бўлди хўжайин,  
Ва қўшимча – ҳеч бир кас  
Ўзига тўра эмас!..

Қийин эмас у қадар  
Бу каслар кўнглин топиш:  
Бурнидан шартдир тортиш –  
Улар сени тушунар!..

Бу ерга шоирларнинг энг ёмони кўмилган,  
Унга қарасанг, яна тирилиб келар чиндан!

“Ишон, шайтонга шон хизматдан ночор –  
У оз ва аянчли!..”  
“Бунда йўқ хатар!  
Кимни ҳамма одам ёмон кўрса гар –  
Унда нимадир бор!”

“Ўйлаш керак! Қироллар дадил эдилар  
Супурги билан, худди бир уюм чангдай!..”  
“Ана-ана! Ҳолбуки, ўша – қироллар,  
Ахир, улар бус-бутун бўлишган ҳар дам”.

(1815–1832)

## БОЗОРДА

Бирон зотни топиши мумкинми  
Шу бугунги, манов артелдан,  
Ким кўрсатар маҳоратини,  
Ўрнак олиб биздаги тердан?

Дейдиларки, айни лаҳза  
Ҳар қандайин этикдўз ҳам,  
Нима тикса, бахяласа –  
Унда рассом меҳнати жам!

Шоша-пиша – мижоз тайёр.  
Юришида бари аён –  
Модага мос этик ҳусндор,  
Фақат пайқаш қийин ҳамон!

Қани, қайда чирик мол бор!  
Ўз-ўзингни хўб алдайсан:  
Кўлдан ўтгач – бу-ку бозор! –  
Уста кўрмай – хор бўласан.

Эҳтиёт бўл, норасида!  
Арзонидан асран, тингла!  
Янги кийим бозорига  
Оёқ яланг кирганинга!

(1814)

## ЛАЙЛАК НИМА БИЛАДИ

Уя учун мўъжаз жой топар  
Бизнинг лайлак!.. Зотан, мазкур қуш –  
Қурбақага ҳавзада хатар –  
Черков томин макон билар хуш.

Қўнғироққа ҳар кун шарт бардош,  
Халқ доимо гувиллар бунда –  
Мана ҳеч ким – на қари, на ёш –  
Тегинмас у қўрган ошёнга!

Сен сўрайсан, бу иззат бежиз  
Қушча учун орттирмас ихлос? –  
Бутхонада у эмас ёлғиз!..  
Мақтовга мос малака, холос!

(1818–1819)

## МУҚОЯСА

Бир гулчамбар тердим даладан,  
Уйда соқол олгандим ўйчан.  
Тафтли эди ҳарчанд бармоқлар,  
Воҳ, сўлибди нозик гулбарглар...

Мен уларни тез сувга солдим –  
Кўзларимга шшонмай қолдим:  
Таранглашди эгик поялар,  
Бошлар кўкка қараб талпинар,  
Соҳиб бўлди собиқ кўркига  
Гўё она-замин кўксида!

Эслаб юриб бу ҳодисанинг  
Ардоқладим мен нимасини,  
Қай бир онда ўз шеърларимнинг  
Тинглаганда таржимасини.

(1828)

## ВАҚТ – САНЪАТ МУНАҚҚИДИ

Дейдиларки, ўз болаларин  
Қари Сатурн ютади барин  
Хомлигича, тузсиз, паққос ё..  
То виждони этар тақозо!..

“Ейиши шарт мен ва Шекспирни! –  
Умумаждод нидоси маҳзун.  
Аммо булар – иккала тирни:  
Асраб қўйдим сўнги дам учун!”

(1820)

\* \* \*

Ашъорлар бутхона деразасидаги  
Турфа ранг шишага ўхшар. Сиртдан горат,  
Ҳеч нарса кўрмаймиз – мавҳум ичидаги.  
“Яхлит хиралиқдир, балки баттар ҳолат!” –  
Дейди маҳаллий шахс. У безовталанар,  
Қай он у бу ерга ташламас бир назар!

Унга хўп.  
Сиз эса – дадил қадам ташланг  
Муқаддас шеърят чегараси сари!  
Қандай яхши! Қандай ёп-ёруғ ва равшан  
Сўниқдир турфа хил шишалар ранглари!  
Ҳа, янги ёруғлик очилар биз учун.  
Ҳамма руҳланади, кўзлар бўлар мафтун,  
Гар сизда қалб бўлса – Сизни лол этгани  
Кўнгил ила келар бу кўнгил маскани!

(1827)





*Исай КАЛАШНИКОВ*

(1931–1980)

## ҚАТТОЛ АСР

Тарихий роман

*Рус тилидан  
Муслимбек ЙЎЛДОШЕВ  
таржимаси*

Иккинчи китоб

## ҚУВҒУВЧИЛАР<sup>1</sup>

9

Намаг устига ҳўл кум тўкишди. Темучин уни кафти билан текислади-да, ҳовучи билан тўплаб тепалик ясади.

– Мухали, ким қаердалигини кўрсат.

Мухали тиз чўкиб, пичоғи билан бир нечта чизиқ тортди.

– Мана бу ерда, ўртада найманлар, чап қанотда меркитлар, ўнг қанотда ойротлар билан Жамуха.

Сал нарирокда гулхан ёниб турар ва унинг атрофида нўёнлар тўпланганди. Уларнинг ёнига товачилар келиб бир нималарни сўрар ва яна қоронғилик кўйнига кириб кетарди. Темучин кўлларини орқага қилиб қум атрофини айланар, худди бир нимани нишонга олаётгандек кўзини қисиб тикиларди.

– Таян-хоннинг устига юрамизми ёки хужумини кутамизми?

– Қутиб нима қиламиз – юриш керак, – деди Мухали.

– Унинг жангчилари бизниқидан кўп...

– Кўплиги тўғри, – маъқуллади Мухали, қийшиқ оёқларини қовуштириб ўтираркан. – Лекин Таян-хон кўркяпти.

– Нега бундай деб ўйляяпсан?

– Жангчиларини жуда зич қилиб жойлаган. Бу қўшин бўштоб дегани, Темучин хон. Бу бизга асқотади.

– Яхши сезибсан, Мухали. Ўткир кўзларингга балли. Тажрибасиз овчининг ўқи ҳам тўда бўлиб турган жайронлар галасида нишонга тегиши аниқ. Лекин хужумни қандай бошлаймиз?

<sup>1</sup> Давоми. Бошланиши ўтган сонларда.

Хасар “тепалик” устига энгашиди. Аслаҳалари ярақлаб жилваланар, тўқ-қизил ёпинчиғининг сояси кум устига тушиб қоронғи қилиб қўйди. “Яна ясаниб олибди, мақтанчоқ ўрдак!” ўйлади Темучин ва ёпинчиқни енгилгина тортди.

– Мана бунингни ечсанг бўлармиди? Найманлар Темучин хоннинг укаси камбағал экан, чодирини елкасида кўтариб юраркан, дейишади.

– Найманлар билан нима ишим бор! Жангчиларим мени ҳамма ерда таниб олиши керак... Ака, фикримча, Таян-хоннинг ўртада турган бош қўшинига яхшилаб зарба бериш керак. Менга топширган асосий кучларингни мана бундай жойлаштирамиз, – у Мухалининг қўлидан пичокни олиб, кум устига кетма-кет чизиклар чизди. – Мен жангчиларим билан найман қўшинини иккига бўлиб юбораман. – У чизиклардан то “тепалик” қача чуқур ариқча очди.

Хасар янги гап айтмади. Темучин Ван-хон томонидан тоғларга сиқиб қўйилганида қандай жанг қилган бўлса, ўша усулни қўлламоқчи. Аммо ҳеч бир олишув олдингисига ўхшамайди. Бири ғалаба келтирган бўлса, иккинчиси мағлубиятли бўлиши мумкин.

Маслаҳатни бир жойга қўйишгунча тун ярмидан оғди. Темучин ўрнидан туриб деди.

– Оҳ-ҳо! Мана, нима қилиш керак бўлса, қилдик. Қолгани мангу осмон иродасига боғлиқ. Ҳамма ухласин!

Эрталаб найманлар қароргоҳи тарафдан карнай овози эшитилди. У тиниб улгурмай, каттақон ноғора унга жавоб қилди: гум, гум, гум. Унинг ортидан кичик довуллар овози янгради. Бу овозни Темучиннинг қароргоҳидаги довулчилар илиб кетди-да, яйловга худди дўл ёғилгандай бўлди.

Қуёш ёмғирга тўла тим қора булутлар ортига яширинди. Жангчилар аллақачон отларига миниб олган, ҳар бир мингталиқ ўз жойини эгаллаб, фармонга мунтазир эди. Темучин унча баланд бўлмаган бир тепалик устига чикди, аммо бу ердан ҳаммаёқ бирдай яхши кўринмасди. Шунинг учун бир неча аравани устма-уст қўйдирди. Кешиктулар бир зумда уч одам бўйи келадиган минора ясаб ташлади, араваларни бир-бирига арқон билан боғлашиб, устига нама тўшашди. Хон қайноқ шулон ҳўплар экан, булутларга қараб-қараб турарди. Булутлар тезлик билан яқинлашиб, тепаликларни оқиш пардага ўрар, шиддатли шамол ўтларни пайҳон қилиб, дерисунларни ерга энгаштириб ташларди. Жалма тоқатсизланганча сўради:

– Қачон бошлаймиз, Темучин хон?

– Сабр қил, Жалма, жойингга бориб тур.

Кешиктулар унинг минора устига чиқишига кўмаклашишди. Орқа тарафида кешиктанлар ва нўён Архай-Хасар бошчилигидаги минг кишилиқ бўлим турар, олдиндаги тепаликлар ортида укаси Хасар раҳбарлигидаги асосий кучлар яширинганди. Душманга кўринадиган жойда Жалма, Субутой-баходир, Жаба ва Хубилай бош бўлган олғинчи мингталиклари турарди. Уларга энг оғир иш – жангни бошлаш юклатилган. Ўнг қанотдан кўз илғамас ерларгача Бовурчининг мингта аскарлари чўзилган, чапда эса Жарчининг уруд ва манғитлари.

Елкасига йирик томчилар туша бошлади. Аста-аста тезлашиб, ёмғир шаррос қуйиб юборди... Ёмғир томчилари Темучиннинг юзига қаттиқ урилди, кийим-боши бир зумда жикқа ҳўл бўлганди. Ёмғир пардаси найман қўшинини ҳам, ўз қўшинини ҳам кўрсатмай қўйди. Кешиктулар, Архай-Ха-

сарнинг жангчилари отларининг тагига кириб олишди. У булутларга қараб, ёмғир тезда тинишини фахмлади: булутлар найманлар устига сузиб кетди.

У ўрnidан туриб, кўлларини боши устида кўтарди.

Жангчилари душман устига ташланди.

Шамол осмондаги булутларни тўзғитиб юборгач, куёш кўринди.

Қатта кўшиндан иборат душман олдида унинг тўрт минг кишилик олғинчилари арзимас тўда бўлиб кўринарди. Темучиннинг юраги зирқираб кетди – адашишган бўлса-чи? Унда энг зўр жангчилари бекорга увол бўлиб кетади...

Жангчилар душман сафларига ёпирилиб, тезда орқага қайтар, янги куч билан яна ёпириларди. Итлар ҳам бесўнақай айиқ билан олишаётганда худди шундай қилади – тишлаб, кейин оғир айиқ панжаси зарбидан қочади-да, айланиб келиб яна ташланади. Тишлаб, яна орқага қочади. Азаматлар! Қани, яна! Яна!

Найманлар сафи бузилиб, Темучин жангчиларига эргашганча бўлина бошлади. Темучинга худди шу керак эди. Қани, Жалма, яна бироз зўр бер!

Хасар ўқдай учиб келиб, дарахтга сакраган қоплонга ўхшаб, шундоқ отининг устидан арава “минора”га отилиб чиқди. Оловли кўзларини олишаётган жангчиларга қаратди.

– Вақт бўлди, Темучин! Вақт бўлди! – Хасарнинг овози сабрсиз титрарди.

– Шошмай тур, янаям яқинроққа олиб келамиз.

Найманларнинг сафлари борган сари кўпроқ бузилиб бориб, узунчоқ шаклда олдинга чиқиб қолди. Таян-хоннинг жангчилари жон талвасасида ақлини йўқотганча Темучиннинг учқур отли олғинчиларини қувар, борган сари ялангликда тош қотиб турган Хасарнинг мингта жангчисига яқинлашиб келарди.

– Бошла! – қичқирди Темучин.

Хасар пастга отилди, эгарга чакқон ўтириб, от кўйиб кетди. Ёпинчиғи бутун кенглиги билан ёйилиб, бамисоли оловли қушдай учаётган Хасар ўз жангчиларига яқинлашар экан, қиличини суғурди:

– Олға, баҳодирлар!

– Хур-ра! – дея хайқирган жангчилар пистирмадан отилиб чиқишди.

Олғинчиларни қувиб келаётган найманлар янчиб ташланди, Хасарнинг жангчилари душман сафини ёриб кирди. Дахшатли қирғинбарот бошланиб, Хасарнинг жангчилари сафига янги-янги кучлар келиб кўшилмоқда эди. Найманлар чекиниб тисарила бошлади-ю, кейин ўзларини ўнглаб, Хасарнинг ўзини сиқиб кела бошлади.

Жалма, Субутой-баҳодир, Жаба ва Хубилай ўз жангчиларини орқароққа олиб, дам берган бўлди-да, Темучиннинг олдида учиб келишди. Хўл кийимларидан ҳовур кўтарилар, отлари пишқириб нафас оларди.

– Хўш, Темучин, нима қиламиз? – сўради Жалма унинг ёнига кўтарилиб.

Темучин ҳеч нарса демади. Найманлар биринчи зарбага дош беришгандан олишув оғир ва узок чўзиладиган кўринади. Захирадаги мингталиқ бўлинмани жангга ташласинми? Йўқ, фақат сўнгги дақиқаларда шундай қилади.

Жалманинг ортидан Субутой-баҳодир, Жаба ва Хубилайлар ҳам унинг ёнига кўтарилди. Улар қилган ишларидан шод эдилар, аммо жангни арава минорадан кўриб, жим қолишди.

– Лаънатилар қаттиқ-ку! – минғирлади Жаба, тўзғиб кетган сочлари ва кокилини текислаб.

Хасар секингина, кўз илғамас даражада чекиниб келарди. Худди қутургандай ўзини гоҳ у, гоҳ бу томонга урар, жангчилари найманларни сиқиштира бошлади. Жанг худди полвонлар беллашувига ўхшарди – бир-бирини қучоқлаганча, на униси, на буниси ҳал қилувчи ҳамлани қилади. Темучин шу ерда туриб, жангнинг шиддатини шунчалик ҳис қилардики, азбаройи муштумини қаттиқ сиққанидан кўллари оғриб кетди.

– Темучин хон, яна битта зарба берсак-чи? – деди Жалма.

– Берасан. Сабр қил, – деди Темучин хиркироқ овозда.

Унинг кўзлари бутун жанг майдони бўйлаб сузарди. Олишувнинг бўш жойини топиш керак эди. Қаерда у?..

Жанг худди ўрмон устидаги момақалдиروقдай гумбурлар, қуроллар жаранги, одамлар қичқириғи, минглаб отлар дупури – ҳаммаси кулоқни қоматга келтирувчи шовқинли овозга айланганди.

Кун пешинга яқинлашган, лекин хон назарида жанг энди бошланганди. Таян-хоннинг ўнг қанотида ўзгариш содир бўлди. Жангчилар – бу ерда Жамуханинг одамлари турибди – тўсатдан орқага чекиниб, четга чиқа бошлади. Қадрдон андаси яна нимани ўйлаб топди экан? Товачилар Жарчи томонга учиб кетди. Жамуханинг жангчилари тобора чекиниб, тез орада тепаликнинг орқасига ўтиб кетди. Ҳозир нимадир юз беради...

– Жалма, отга ўтиринглар!

Жарчининг олдидан келган товачи нўён Жамуха Таян-хоннинг ўзини қолдириб, жангни бутунлай ташлаб кетгани ҳақидаги хабарни келтирди.

– Жалма, тез урутлар ва манғитларга ёрдамга боринглар. Таян-хоннинг ўнг қанотини синдириб ташлаб, эсини йиғиб олишига йўл қўйманглар.

Нўёнлар одамларини олиб, отларини учираб кетди. Темучин захирада турган жангчилар мингбошиси Архай-Хасарни чақирди. Сўнгги зарбани бериш вақти келди.

– Бовурчининг олдига уч. Ўлиб кетсаларинг ҳам найманларнинг чап қанотини синдириб ташланглар!

Бўлди. Темучин оёқларини осилтириб ўтириб олди-да, ўзини бемалол қўйди, қалпоғини ечиб, қайноқ бошини шамолга тутди. Тамом. Энди Таян-хоннинг ҳолига вой. Ўрқачга ўхшаш тепаликдаги отлиқлар худди ини бузилган ариларга ўхшарди. Улар кутилмаганда бир ерга тўпланиб, ўнг қанотлари томон от суриб қолди. Тепалик бўшаб қолди. Таян-хоннинг ўзи жангга кирдимикан? Ҳа, худди шундай. Чавандозлар боши узра оқ ва қора туғлар кўриниб турар, кўринишдан, Таян-хон ҳамма кучларини жангга ташлаган эди. Бироқ унинг ўнг қаноти манғит ва урутлар зарбаларидан пастлик томон суриб ташланди. Асосий кучларига ҳам путур етди. Энди ҳамма гап Бовурчида қолди. У меркитларга рўпара бўлганди.

Темучин пастга тушгач, кешиктанлар унга аслаҳаларини кийиб, отга минишига кўмаклашишди. Темучин бор овозда қичқирганича отини учираб кетди:

– Жангчилар, ғалаба яқин!

Юз эллик чоғли кешиктан уни ўраб олганча жанг суронларини босиб юборар даражада қичқирарди:

– Хур-ра! Хур-ра!

Бу жанговар чақириқни бошқа жангчилар илиб кетди. Бутун ялангликни “Хур-рааа!” садолари босиб кетди.

Аламзада меркитлар чекина бошлади: Таян-хоннинг чап қаноти ҳам худди ўнг қаноти сингари буралиб, кучини йўқотганча тоғ ён-бағрига сиқиб борилди. Бовурчи Архай-Хасарнинг мингталиқ кўшинини найманлар араваларига ташлади-да, уларни кўшиндан ажратиб, ўзи Таян-хоннинг орқа тарафига ўтиб олди. Нариги тарафдан Жарчи манғитлари билан Нагу тоғини ҳар тарафдан қуршаб олди. Найманлар тик қояларга ўрмалар, қулайроқ жойларга ўрнашиб, Темучин жангчилари томон ўқ ва тошлар ёғдирарди. Булар эса орқага чекинмай, борган сари қуршов ҳалқасини кичрайтириб бораверарди. Лекин кун охирида қолгани сабабли жангни тўхтатишга тўғри келди. Аммо ҳеч ким ухлагани йўқ, қисқагина нафас ростланди, холос. Найманлар бироз дам олган бўлди-да, пастга тушиб кела бошлади. Қоронғилиқ ичра отлар ҳам, пиёдалар ҳам пастга думалаб, бир-бирларини босиб, янчиб ташларди. Шунга қарамай, улар икки ерда ҳалқани ёриб ўтди, аммо жуда кам одам қочишга муваффақ бўлди.

Тонг отиши билан Темучиннинг жангчилари яна тепалиқ томон чиқа бошлашди. Ўрқач тепалиқда хон туғлари кўтарилган бўлса-да, Таян-хоннинг ўзи йўқ эди. У кечқурун қаттиқ яраланиб, тонгга яқин узилганди. Хорису-беки бошчилигидаги қолган-қутган кўшинлар жасурлик билан ҳимояланишарди. Темучин хон уларнинг ҳаётини сақлаб қолишга ваъда берганига қарамай, улар сўнгги нафасларигача жанг қилди.

– Темучин хон, қара, мана буни ўтов деса бўлади! – Бовурчи ғилдиракли ўтов олдида отидан сакраб тушди.

– Мен кўрганман. Олтин-хоннинг нўёнлари шунақа ўтовда юрарди.

– Бунисида эса Таян-хон юрган. Энди у сеники. – Бовурчи аравага чиқиб, ичкарига қаради. – Ў, бу ерда анча нарса бор экан. Қара, хон.

Улар ўтовга киришди. Темучин ўтовни иккига ажратиб турган шохи пардани суриб қўйди. Унинг орқа тарафида момик тивит кўрпа ёпилган каттагина ўрин солиғлик эди. Унинг бош тарафида қизил ипак мато ёпилган хонтахтача бўлиб, устида оғир кумуш хоч ётарди.

– Э, у ҳам Ван-хонга ўхшаб хоч-санамга сиғинар экан-ку! – ҳайрон бўлди Бовурчи.

Ўриннинг қарама-қарши томонида яна бир хонтахта бўлиб, унинг устида тўққизта кумуш товоқча ва яна бир каттагина кумуш тоғора турарди. Деворда олтин ва кумушдан ясалган пичоқлар, қиличлар, садоқлар осилган бўлиб, уларнинг бари кизил ва мовий тошлар билан безатилганди.

– Таян-хон росаям бой бўлган экан! – ҳайратини яширмасди Бовурчи.

– Ўзингга бирон нима ол, – деди Темучин.

Бовурчи тилла ғилофли пичоқ ва бир қилич танлади.

Ўтов ташқарисида Жалманинг овози эшитилди:

– Таян-хоннинг нўёнлари, хизматкорлари ва қуллари! Сизларнинг ҳукмдорларингиз манманлиги ва бузғунчилиги учун осмон қаҳрига учради. У ўлгани учун энди унинг бутун улуси Темучин ихтиёрига ўтади. Ўтов олдида ипакликлар, кумуш ва олтинлар, қурол-аслаҳалар, жез ва темир асбоб-анжомларни олиб келиб топширишларингни буюрамиз...

Бовурчи қилич билан пичоқни белига тақиб, ўзига қараб қўйди.

– Сен укам Хасарга ўхшаб кетяпсан, дўстим Бовурчи. У бу ерга кириб қолса, ҳамма қуролни тақиб, мана бу тоғорани ҳам дубулғасининг устидан кийиб олади.

– У бу сафар ўзини яхши кўрсатди. Укангни мукофотлашинг керак, хон.

- Дўстим, Бовурчи, ҳаммани мукофотлайман. Буюк ишни уддаладик...  
– Темучин ўтовдан чиқди-да, арава олдиға ўтирди.
- Найманлар қимматбаҳо нарсаларини топширар, қиличлар, садоқлар, қалқонлар, мис қозонлар, жез, темир узангилар, сувликлар, юганлар, эгарлар тоғ бўлиб уюлиб кетди. Жангчилар Темучиннинг олдиға ипак чопон кийган, белбоғиға чарм халтачалар осилган бир одамни турткилаб олиб келишди.
- Хон, унинг калласини олишни буюр. Унинг кўлида юмалоқ тилла нарса кўргандик. Уни уюмға ташлагандай бўлди-ю, лекин яширгани аниқ.
- Кимсан? – Темучин унинг устиға энгашиди.
- Мен уйғурман. Исми Татунг-а.
- Уйғур? Нимаға бу ердасан? Савдо қилиб юрганмидинг? – қизиқиб сўради Темучин.
- Мен Таян-хоннинг хизматиға эдим.
- Ҳа-а, – Темучиннинг ҳафсаласи пир бўлди. – Қанақа тилла беркитяпсан?
- Мен хоннинг олтин тамғасини сақловчи муҳрдор ва мирзалар бошлиғиман.
- Бу ёққа бер, – кўлини чўзди Темучин.
- Б-беролмайман, – Татунг-а бўзариб орқаға тисарилди. – Тамғани Таян-хоннинг улусини мерос олган одамғина олиши мумкин.
- Сен содиқ хизматкор экансан. Бу мақтовға лойиқ. Аммо эшитмадингми, мен осмоннинг иродаси билан унинг улусини ҳам, олтин ўйинчоғини ҳам, сени ҳам мерос қилиб олдим-ку. Бер буёққа!
- Татунг-а нажот кутгандай ўнгға, чапға қараб, тан берганча хўрсинди-да, кенг енгининг ичидан тамғани чиқариб берди. Темучин уни айлантириб кўрди. Ингичка кумуш дастачаға олтин доирача ўрнатилган бўлиб, унинг текис юзасида қандайдир белгилар бор эди.
- Бу нимаға керак?
- Хон фармонлари битилган қоғозларға босилади.
- Икки жангчи товониғача узун чопон кийган бир аёлни судраб олиб келди. У жангчилар кўлидан чиқишға уринар, бошқа тилда бир нарсалар деб жавварди.
- Буюк хон, бу Гурбесу, Таян-хоннинг хотини, – деди Татунг-а. – Уни ўлдирманглар.
- Темучин аёлға қарамасдан деди:
- Жим бўл, хой хотин, бўлмаса оғзингни ёпиб кўйишади! Демак, буни қоғозларға босилади дединг, шундайми? Таян-хон ўз фармонларини қоғозға ёздирармиди?
- Қарға изларига ўхшаш белгиларни тушуниб бўлмас, шунинг учун уларда кўрқинчли сир бордай туюларди.
- Ҳамма қоғозларни мен ва бошқа мирзалар ёзардик.
- Сен белгилар сиридан хабардормисан? – Темучиннинг борган сари ажабланиши ортарди.
- Нафақат мен, бошқалар ҳам буни билади.
- Бу ерга бир нечта одамни чақир. Кўрамиз, қоғознинг кучини, – Темучин Гурбесуни яқинроқ олиб келишларини ишора қилди. У бошини ҳам қилганча хонға рўпара бўлди. – Кўриниб турибди, сен биз билан кўришганингдан хурсанд эмассан, – аёлнинг даҳанини кўтарди, унинг қоп-

қора кўзлари аламдан ёнарди. – Сен тангутлик Инонча-хоннинг сеvimли ўйнашимидинг? Ёмон эмассан... Таян-хон билан Буюрук сени деб урушиб қолганмиди? Ўтовга кир. Кечқурун олдинга кираман, ака-укаларнинг урушишларига арзийсанми йўқми, ўшанда биламан. Бор!

Гурбесу жойидан қимирламади. Жангчилар уни кўтариб, ўтов ичига киритишди-да, эшик пардасини тушириб кўйишди. Соқолини аста силаркан, Темучин Татунг-ага ёнидан жой кўрсатди.

– Менинг сўзларимни ҳам қоғозга ёзасан. Қолган мирзаларни эса бизни кўролмайдиган ва эшита олмайдиган жойга олиб боринглар. Татунг-а, белгилар сирини биладиган одам қоғозга битилган сўзларимни, ҳеч қачон эшитмаган бўлса ҳам, қайтариб айта оладими?

– Албатта, буюк хон.

– Хўш, унда ёз “Мен – Темучин хон Есугей-баходир ўғли, осмоннинг иродаси билан ўтовларда яшайдиган барча халқларнинг ҳукмдорлик жилловини ўз кўлимга олдим...”

Татунг-а тезлик билан кўлидаги патқаламини қоғоз сиртига теккизар-теккизмас даражада чиройли нақшга ўхшаш белгилар ипини тизиб чиқди. Унинг юзи хотиржам бўлиб, ҳеч қандай сирлилиқ йўқ эди.

– Мирзаларнинг биттаси келсин. Бовурчи, нўёнлар, сизлар менинг гапларимни эслаб қолдингизми? Қара, Татунг-а...

Боши кал, кўзи яхши кўрмайдиган бир мирза келди. Бурни билан қоғозга ёпишиб, титроқ ва юлук овозда ўқий бошлади:

“Мен – Темучин хон...”

Битта ҳам сўзни тушириб қолдирмади. Худди шу ерда бўлган-у ҳаммасини эшитиб, ёдлаб олгандай. Бу инсон ақли етмайдиган мўъжизаку! Нўёнлар ҳам, жангчилар ҳам оғизларини очганча анграйиб қолди, кейин пичир-пичир бошланди: бу одамлар руҳлар билан топишиб олган. Темучин Татунг-ага ҳурмат билан қаради.

– Сен қоғознинг кучини кўрсатдинг. Найман хонининг қандай фармонларини ёзар эдиларинг?

– Ҳар хил. Хазинага ким қанча кумуш, дон ёки жун бериши керак, ким қаерга боради ва ҳоказо...

– Тушунарли. Тамға нима учун?

– Ёзишни биладиган одам истаган нарсасини ёзиб олиши мумкин. Тамға эса фақат хонда бўлади. Тамға босилган қоғозга ишониш мумкин.

– Ҳм... Яхши ўйланган. Ёзувлар сирини ўрганиш учун неча йил ўқиш керак?

– Бу одамнинг ёшига, хотирасига боғлиқ. Ёшлиқда ўқиган яхши, ундан ҳам яхшиси болалиқда ўрганиш керак.

Темучин унга тамғани узатди.

– Ол. Сен ва барча мирзалар менинг хизматимда бўласизлар, фармонларимни қоғозга ёзиб борасизлар. Бундан ташқари, сен менинг болаларимни ҳам ўқитасан, бошқа мирзаларинг менинг нўёнларимнинг болаларини ўқитади. Болаларингни ўқитасанми, дўстим Бовурчи?

– Агар керак бўлса...

– Керак. Биз бугунги қудратимиз билан Олтин-хонга тенглашишимиз мумкин. Тенг бўлганда ҳам барча соҳада баробар бўламиз! – Темучин ҳазиломуз табассум билан гапирарди-ю, аммо ўткир нигоҳи сахро билан осмон туташган ерга, сувсиз сахролар ортида ястаниб ётган Олтин-хон ерларига тикилган эди.

– Сен, чамаси, меркитлар қутилиб қолганини, Буюрук ва Жамуха ҳали тирик эканлигини эсингдан чиқардинг, шекилли, – эслатди Бовурчи.

– Ҳаммасини енгамиз. Энди улар менга тенг келолмайди. Улар кўп нарса йўқотди...

## УЧИНЧИ ҚИСМ

### 1

Найманлар устидан қозонилган ғалабадан сўнг Темучин қабилаларни хотиржам ва ақл билан бошқараман, деб ўйлаганди. Аммо шодлиги узокқа чўзилмади, бир дунё ташвишлар тоғдай босиб қолди. Бундай улкан улусни қўл остида ушлаш Таян-хонни тиз чўктиришдан кўра анча мушкул эди. У қабилаларни худди битта қопга солинган ҳар хил дон каби аралаштириб, ўртадаги адоват оловини ўчиргандай бўлди-ю, аммо илдизи билан суғуриб ташлолмади. Бундан қалби ғулгула эди.

У ҳар тонг улусининг турли бурчакларидан келган хабарчиларни қабул қилар, сўнгра яқин нўёнлари билан бирга турли муаммоларни ҳал қиларди.

Яхши хабарлар йўқ. Бўртанинг акаси нўён Алжунинг гапига қараганда, қўнғиротларнинг асилзода нўёнлари Темучиндан юз ўгириб, Олтин-хонга қарам бўлишни режалаштираётганмиш.

Жийда нўён олдидан келган хабарчининг гапига қараганда, бир юзбоши одамларини олиб, хор-туматлар тарафга кетиб қолибди. Жийда ўша одамларни қидириб, тутиб олгач кириб ташлашга рухсат сўрарди... Жийда нўёндан кетиб қолган жангчилар куздан бери нўён катта ўлпон талаб қилаётганидан шикоят қиларди. Наматлар, чарм, қўй пўстинлари, қўйлар, хўкиз ва отлар сўрармиш. Хотинлар ва болаларга ҳеч нима қолмаётган, улар оч ва юпун бўлиб қолганмиш. Темучин Жийда нўённи чақиртириб, сабабини суриштирди. У минг нафар жангчига нима керак бўлса, шуни олганини тушунтирди.

Темучинни қўнғиротликларнинг шум ниятлари ҳам, қочоқ жангчилар ҳам хавотирга солмас, энг ёмони бу ҳолатлар умумий норозиликни келтириб чиқариши мумкин. Бу кичик алангачаларни ҳозир ўчирмаса, вақт ўтиб сахрога ўт кетиши аниқ. Улус тинчлигини сақлаш учун кўп жангчилар керак. Ҳаммасини кийинтириш, тўйдириш, қуроллантириш, от бериш керак. Буларни бари яна ўша жангчининг оиласидан олинади. Олсанг – болалари оч қолади. Шундан сўнг садоқат ҳақида умид қилиш мумкинми?

Яна бошқа хавотир ҳам бор. Унинг ерлари Олтин-хондан кам бўлмаган тангутлар ери билан туташ эди. Узок иккиланишлардан сўнг йигирма мингта энг яхши жангчини танлаб, уларга энг зўр от ва қурол берди-да, сафарга жўнатди. Токи тангутлар Темучин фақат Буюрук, Кучулук, Нилха-Сангун ва бошқа душманлари билан овора, деб ўйлаб, хотиржам ўтирган пайтда йигирма минг лашкар улар устига қирғийдек ёпирилади. То ўзларига келиб, куч тўплагунча жангчиларим уларни яхшилаб эсларини киритиб қўяди. Шундан сўнг тангутлар Нилха-Сангун ёки Буюрукка ёрдам беришдан аввал яхшилаб ўйлаб кўришади.

Ҳеч ким олдиндан бирор нарса дея олмайди. Оқибат номаълум. У Ван-хоннинг ҳикояларидан билардики, тангутлар давлати улкан, бадавлат, одамлари кўп ва шаҳарлари баланд деворлар билан ўралган... Агар қўшин омадсизликка учраса жуда ёмон бўлади...



Ўтовга Татунг-а кириб, хонтахта олдига ўтирди-да унинг фармонларини ёзишга тайёрланди.

– Ҳозир керагинг йўқ, – деди Темучин. – Ўғилларим ёзувлар сирини қандай эгаллашяпти? Ғайрат қилишяптими?

– Ҳаракатлари яхши, хон.

– Ҳаммасими?

– Шихи-Хутак жуда қобилиятли экан. Зеҳни ўтқир, хотираси яхши.

– Унинг ақллилигини биламан. Мен ўғилларим ҳақида сўраяпман.

– Жўжи жуда ҳам тиришқоқ. Тулуй ҳам. Чигатой зўр бeryапти. Ўғидой эси бутун-у, лекин мени кечир, хон, бироз бетартиброк.

– Тартибсизлиги ва дангасалиги учун қаттиқ жазола. Дарс бераётганинда улар менинг ўғилларим эканини унут.

Нўёнлар тўплана бошлашди. Ҳар ким ўзига белгиланган жойга ўтирди. Ҳаммадан кейин шомон Теб-тангри келиб хоннинг ёнига ўтирди.

– Нўёнлар, муҳим нарсалар ҳақида ўйлашиб олишимиз керак, – деди Темучин. – Улусим шунчалик катталашиб кетдики, унинг энг чекка чегараларини айланиб чиқиш учун баҳордан то кузгача от чоптириш керак. Шунчалик одамлар билан гавжумки, ўтовларни бир ерга йиғса, бир неча кунлик йўл масофасига чўзилади. Бу бамисоли мингта от жиловини битта чавандоз қўлида тутиш билан баробар...

У яхшилаб тушунтириш учун ўйлашиб, жимиб қолди. Шомон ўтирган ерида қимирлаб қўйди-да, хондан ижозат ҳам сўрамай нўёнларга мурожаат қилди:

– Яхшилик руҳлари химоясида бўлган Темучин хон бетиним улуснинг мустаҳкамлиги тўғрисида қайғуради, назарини узоқ келажакка тикканлиги осмонга маъқул. Лекин юлдузлар сўнмай туриб куёш кўринмайди, қорлар эримагунча майсалар бош кўтармайди. Ишларни тартибга келтиришдан аввал у нафақат осмон, балки одамларнинг ҳам розилигини олиши керакмасми?

Темучинни боядан бери ўйлаб ўтирган ҳамма гаплари эсидан чиқиб кетди. Шомон қандай розилик тўғрисида гапиряпти?

– Темучинни фақат қариндошлари хон қилиб кўтарган ва у яқин қабилаларгагина ҳукмдор, – давом этарди Теб-тангри нўёнларнинг кўзларига тикилиб. – Одатларимизга кўра, қурултой томонидан ҳукмдор деб тасдиқланмаган одам, у қанчалик қудратли бўлмасин, одамлар кўз ўнгида ҳамма билан тенг.

Нўёнлар бир-бирларига қарашди. Темучин қўлларини орқага қайириб, бармоқларини бирма-бир бука бошлади. Наҳотки, унинг ишлари шунчалик омонатки, шомон ҳаммага баралла унинг ҳукмдорлигига шубҳа билдираётган бўлса?

– Биз ҳамма нўёнлар учун умум қурултой чақириб, Темучинни барча қабилалар ҳукмдори этиб тасдиқлашимиз керак.

“Шуми? – Темучин енгил тортганини сездирмасликка ҳаракат қилди. – Қиличимгина менга ҳукмдорлик ҳуқуқини берди”. У Теб-тангрини кузатди: унинг юзи ва қўлларида қандайдир кучаниш бор. Йўқ, шомон Темучинни юксалтириш ҳақида қайғурмаяпти, у ҳеч қачон бир ишни бекордан-бекорга қилмайди. Бунинг тагида қандайдир яширин бир мақсад бор.

– Темучин хон фақат қабилалар нўёнларини мағлуб этгани йўқ. У бошқа хонлар, гурхонларни ҳам енгди. Хўш, у ўзи енгган хонлар билан



тенг бўлиб қолавериши керакми? – сўради шомон нўёнлардан. – Сахрода Темучинга тенг келадиган бошқа ҳукмдор йўқ, шунинг учун унинг унвони бошқаларникидан баланд бўлиши керак.

Нўёнлар шомоннинг ушбу сўзларидан сўнг енгил тортиб, хурсанд бўлишди.

– Темучин хоннинг унвони қандай бўлиши керак? – сўради Бовурчи.

– Ҳали билмайман. Аммо менга кулоқ соладиган руҳлар айтишади...

Одамлар шомоннинг гапидан сўнг ғувирлашиб қолди. Темучин шомондан бекорга шубҳаландим, шекилли, деб ўйлади. Аммо у авваллари бирон-бир муҳим гап хусусида юзма-юз гаплашиб оларди-да. Шомоннинг мулоҳазалари тўғри ва ўринли бўлса ҳам, барибир, бу ерда нимадир бор.

Ўтов ташқарисидаги қоровул соқчиларнинг оёқлари остида қор ғичирлайди. Темучин кечки овқатга тегинмади ҳам. Елкасига пўстинини ташлаб, ташқарига чиқди. Тун совуқ эди. У совуқ ҳавони симириб ютди-да, онасининг ўтовига қараб кетди.

Онасиникида Жўжи, Тулуй, Шихи-Хутақлар ўтирган экан. Ўтови остонасида ўғлини кўриб, онаси жуда ҳам кувониб кетди. Сўнгги пайтларда у онасини жуда кам кўрар, кўрганда ҳам, жуда қисқа гаплашарди. Онасининг юзидаги ажинлари борган сари чуқурлашиб, сочлари оқарибди-ю, аммо кўзларидаги самимият ҳамон ўша-ўша. Хасар билан келишолмай юрган пайтларда ҳам онаси жуда кўп қийналган. Найманлар билан бўлган жангда Хасарнинг асосий кучларга бошчилик қилиши ҳам айнан онасининг талаби билан бўлганди...

У хонтахта устига қайнатилган гўшт, иситилган архи қўйди. Темучин шаробдан оловга сачратиб қўйди – оила ўчоғи руҳига қурбонлик учун – олов пишиллаб, бир зум зангори тус олди. Темучин ҳазиллашди:

– Она, сен мени тартибни бузишга мажбур қиялсан.

– Менинг уйимда ичилганини айбга қўшмаса ҳам бўлади, – кулиб жавоб килди она.

– Уйғур сени мактади, Жўжи.

– Сал бемахал мактабди, ота. Тулуй мендан яхши. Кичкина бўлса ҳам катталардан ўтиб кетди.

Жўжи ҳамма мактовларни шундай қабул қилади – ҳар доим ўзидан яхшироқ одамни топади. Нокулай бўлади, шекилли.

– Ёзув сирларини яхшилаб эгалланлар. Сенларни ишга қўйиш вақти етди. Менга ишончли ёрдамчилар керак. Мен сенлардан бошқа яна кимга ишонай?

– Шихи-Хутақ яқинда Татунг-анинг ишини бемалол қила олади, – деди Жўжи. – У ҳамма ўқиётганлар ичида биринчиси.

Бу ерда ҳам ўғлининг феъли яққол кўринди. Отаси Шихи-Хутақни ҳам макташини хоҳлади.

– Нима учун Шихи-Хутақ Татунг-анинг ишини қилиши керак? Ундан ҳам муносиб ишлар бор. Онам катта қилган Шихи-Хутақ менга укамдай гап.

Бу гаплари нафақат Жўжига, балки онасига ҳам ёқди. Шихи-Хутақ онаси учун ўз болаларидай кадрли. У тўғрисўз бола.

Аммо Темучин хотиржам эмасди, тизгинсиз ўй-хаёлларини бир чеккага суриб қўйганди, холос. Қурултой нимага керак?

– Она, яна бир товоқ қуй. Тартибни буза қолай!

– Майли, – онаси архи солинган товоқчани бироз олов устида ушлаб турди-да, тўлдириб қуйди. – Лекин ўрнатилган бошқа тартибларни бузма.

– Қайсиларини, она?

– Сен одамларга осуда ҳаёт беришга қасам ичган эдинг. Аммо минг-бошию юзбошиларинг иссиқда ҳам, совуқда ҳам, кундузию тунда ҳам одамларни уйларидан чиқариб, дам олдирмасдан от чоптиришга мажбур қиялптилар...

– Она, улар жангчилар.

– Эркак зотининг бари – жангчи...

Темучин ҳеч нарса демади. Онаси яқинда қўнғиротлар ерида бўлиб, Жўжигга келин кўриб келганди. Ўша ерда унинг қулоғига шипшиб қўйишган-да, уларга ён босяпти.

Йигитчалар ҳам ўзаро суҳбатлашиб кетди. Тулуй Шихи-Хутакка шилқимлик қила бошлади.

– Менга тулпорингни ҳады қил ё қизғанасанми?

– Отимни қизғанмайман-у, аммо бошингдан хавотирдаман. Мен уни бегоналарни устидан улоқтириб ташлашга ўргатганман. Уни ким минмасин, ерга қулайверади.

– Ҳеч нарса қилмайди, ўзимга ўргатиб оламан!

Бирданига Темучиннинг миясида нимадир ярқ этди. У шомонни ниятини англаб қолди. Темучин хонга ҳукмдорлик ҳуқуқини қурултой берадим, демак, ўша қурултой уни бу ҳуқуқдан маҳрум қилиши ҳам мумкин. Шомон қурултой чақиртириб, хон устидан қурултойни баланд қилиб қўймоқчи. Агар шундай бўлса – нўёнларнинг маслаҳати ва розилигисиз ҳеч нарса қилолмайди. Ёқмай қолсанг – ўрнингга бошқасини қўйишади. Шомон узоқни кўради! Лекин мен ҳам кўр эмасман, ҳозирча...

Ўтовга соқчи кириб келди.

– Темучин хон, ташқарида нўён Хорчи турибди. Унинг сенда гапи бор экан.

У яхши хабар кутмаётганди, лекин ёмонини ҳам эшитгуси йўқ. Шунинг учун киприқларига қиров қўнган соқчининг башараси жуда хунук кўриниб кетди.

– Кирсин, – деди у секингина тўнғиллаб.

Хорчининг пўстини, гутуллари совуқдан буғланиб турарди. У қалпоғини ечиб тепага отди-да, тиз чўкиб қучоғини очганча ҳайқирди:

– Мен сенга қувончли хабар келтирдим, Темучин хон. Ҳузурингга қанот чиқариб, учиб келдим, суяқларим ҳам музлаб қолди...

– Гапир, нима хабар олиб келдинг? – гапини бўлди хон.

– Қўшин тангутлар устига қилинган урушдан қайтпти!

– Бизникиларда талафот кўп эмасми?

– Бизникилар? Талафот? Шундай бўлганда ҳузурингга шунқордек учиб келармидим? Улар тангутларни мағлуб этиб, иккита шаҳарни қўлга олибди! Ўлжаларнинг ҳисобига етиб бўлмайди. Туяларнинг ўзи минг-минг! Ҳаммасининг устида тўртта эркак ҳам кўтаролмайдиган қоплар.

Хон товоқчага шароб қуйиб, ҳурматли меҳмонга узатгандек қўш қўллаб тутди.

– Ич, Хорчи.

– Бош устига, Темучин хон! – Хорчи шаробни бир кўтаришда сипқорди. – Маза!

Темучин шу заҳоти иккинчисини қуйди.

– Нилха-Сангун-чи?

– Тангутлар давлатида у ҳақда ҳеч ким ҳеч нарса эшитмабди. Нилха-Сангун қаерларгадир йўқ бўлган.

– Яна ич, Хорчи.

– Яна ичсам сал исинарман. Совуқдан ичим ҳам музлаб қолди-ёв, – ичиб бўлгач кўрқиб сўради: – Бошимни муз ёриғига тикдирмайсанми?

– Бугун эмас, – деди хон жиддий қиёфада.

У хурсандчилигига эрк бермади. Хурсандчилик ҳам худди ғазабланиш каби тиниқ фикрлашга халақит беради. Бу ғалаба унга нима беради? Кўп нарса. Биринчидан – тангутларни кўрқитиб, натижада ўз улусининг хавфсизлигини таъминлади. Иккинчидан – тангутлар устига юриш қилиш аҳмоқлик, дегувчиларни уялтириб, кучини яна бир бор ҳаммага кўрсатиб қўйди. Учинчидан – ўлжа Хорчи айтганидек катта бўлса, у билан норозиларнинг оғзини ёпиб, қўшин таъминоти учун йиғиладиган ўлпонларни бир муддат тўхтатади. Тўртинчидан – қўшин ўзини-ўзи боқа олади. Энди қурултой чақирса ҳам бўлаверади, майли, шомон истаганча бўла қолсин.

– Хорчи, қачонлардир мен сенга ўттизта қизни хотинликка бермоқчи бўлгандим – уларни олишни хоҳлайсанми?

– Ў-ў буюк хон, бундай марҳаматни ким ҳам рад қиларди?

– Сенга ўттизта қизни ҳадя қиламан.

– Қачон, қаердан олишим мумкин? – Хорчи шу заҳотиёқ қизларнинг олдига учини тайёрдек, қалпоғига қўл чўзди.

– Шошма. Қизлар қўшни ўтовдамас. Уларни олиб келиш учун хор-туматлар ерига бориш керак.

Жўжи билан Шихи-Хутак кулиб юборди.

– Бу гапни кулдириш учун айтаётганим йўқ. Сен, Хорчи, хор-туматлар ерига борасан. Ҳамма қабилалар бизга бўйсунди. Улар ҳам худди шундай қилишсин.

– А-а, у ерга қўшин билан бораманми?

– Ҳа, юз кишини оласан.

– Атиги юз киши биланми? Хор-туматлар менга қизларни бермайди, хон!

– Беришмаса, мен катта қўшин жўнатаман. Хор-туматларга шундай деб айтасан.

## 2

Жангчилар оёқ-қўли боғланган Жамухани нўён Жарчининг қўлига топширишди. У Жамухани бўшатишни буюриб, у билан бирга хоннинг ўрдаси жойлашган Ўнўн дарёсининг бошланишига қараб йўлга тушишди. Қунлар илиқ, ям-яшил, юмшоқ майса, тарбағонларнинг секин хуштак чалишлари, тўрғайлар сайроғи, сокин ўтлаб юрган қўй подаларига қараб Жамухани ўлим ҳақидаги хаёллар кўпам безовта қилмасди. Ўрдага яқинлашган сари тез-тез отличлар учрай бошлади. Кўпчилиги андасининг нўёнлари эди. Гўёки йиртиқ кийимли, бошланг Жамуха шойиларга бурканган бу одамларни Темучин хонга олиб кетаётгандек эди.

– Ҳамроҳларим жуда обрўли одамларми!

– Улар сенинг ҳамроҳинг эмас, – тўнғиллади Жарчи. – Темучин хон қурултой чақирган.

– Э-ҳа... Андамга яхши совға олиб кетаётган экансан-да!

Ўрдага кечкурун етиб келишди. Жамухани тор бир ўтовга қамаб

қўйишди. Эрталаб қимиз билан қурут олиб келишди. У қорнини тўйғазиб, хоннинг хузурига чақиришларини кутди, лекин ҳеч ким келмади. Хом тери ва от абзалининг ҳиди анқиб кетган ўтов қоронғи эди. Жамуха эшик пардасини кўтаргач, кўзига ёрқин тонг куёши нурлари урилди. Ташқарига чикқач кўрдик, уларни биргина соқчи кўриклаётган экан, у ўтов атрофи ўнлаб ёвқур қоровулларга тўла, деб ўйлаганди. Бу нимаси? Андам мени менсимаяптими ёки ҳеч қаерга қочиб кетолмайди, деб ишонаптими?

Кенг тепалик оппоқ ўтовлар, ранг-баранг чодирларга тўла. Хоннинг улкан чодири алоҳида ажралиб турар, унинг атрофи байрамона кийинган одамлар билан гавжум. Темучин хоннинг тўққиз туғи – сулдалар<sup>1</sup> кўкка мағрур талпинар, тўрт тарафда иккитадан, ўртада баланд асосий туғ хилпирарди.

Иккита бақувват кешиктан уни оломон турган жойга олиб келди-да, қорачалар орасида тўхтади.

– Кўриб, эшитиб тур.

– Андам буюрдими?

Буни сўрамаса ҳам бўларди. Бу ерда ҳамма нарса хоннинг иродаси билан қилинади.

Чодир олдида уч зина орқали чиқиладиган супа бўлиб, устига оппоқ намат тўшалган. Унинг орқасида саф-саф бўлиб мингталиқ кўшинлар турарди. Жамуха уларнинг тўқсон бешта туғини санади. Тўқсон беш минг... Андасининг қўл остида исталган душманни топтаб, ер билан яксон қилувчи улкан куч тўпланган эди.

Оломон ғимирлаб қолди, чодирдан нўёнлар чиқа бошлади. Темир шақилдоқларини шақиллатганча зинага биринчи шомон Теб-тангри кўтарилди, У оломонга қараб, қўлларини икки ёнга кўтарди.

– Ҳаётбахш мангу осмон ва замин кучларига, бизларни ҳимоя қилувчи руҳларга ҳамду санолар айтамыз! Бугун мангу осмон иродаси, ўтовларда яшовчи барча халқларнинг розилиги билан буюк улусимизнинг тақдирини осмон марҳаматига сазовор бўлган Темучинга топширамыз. Темучинни мағрур хон ва гурхонларни бўйсундирган – дунё ҳукмдори, буюк хон, ҳукмронлиги ва қудрати чексиз – Чингизхон қилиб кўтарамиз.

Чодирдан Темучин чиқиб келди. Қимматбаҳо кашталар тикилган кундузтелпак уқаси остидан шунчалик таниш, ҳеч кимга ўхшамайдиган кўзлар хотиржам ва жиддий боқарди. Мингталиқ кўшинларнинг туғлари хонга қараб эгилди ва кучли бир овоз эгаси мақтов кўшиғи – мақтални куйлаб кетди. Бутун халқ тиз чўкди. Узун, қордай оппоқ чопон кийган, белини маҳкам сиқиб турган кенг, олтин белбоғини ушлаган Темучин оғир, вазмин қадамлар билан супанинг энг юқори поғонасига кўтарилди. Ёнига Бўрта, пастроққа укалари, онаси, ўғиллари, ундан ҳам пастки қаторга нўёнлари келиб ўтирди. Жамуха икки кешиктан орасида тиз чўкиб, бошини эгганча андасига нафратли қараб турарди.

– Осмон менга куч берди, наслимни мангуга юксалтирди... – андаси Темучин – Чингизхоннинг овози баланд бўлмаса ҳам яхши эшитиларди. Жамуха аввалига ҳеч нарсани англамай турди. Сўзлар гўё қурут ушоқлари сингари тўкилар, бири-бирига боғланмасди. У сал ўтиб ўзига келди-ю, Чингизхон нима деётганини тушунди.

<sup>1</sup> Сулда – руҳ, руҳларнинг бири. Мўғулларнинг қадим ақидаларига кўра, таниқли одамнинг (айни ўринда Темучиннинг) сулдаси туғ – байроққа айланиши, халқнинг ёки кўшиннинг ҳимоячи-дахоси бўлиши мумкин.



– Осмон менга сизларнинг устингиздан ҳукмдорлик қилишимни буюрди. Мен барча ишларим учун фақат унинг олдида жавоб бераман.

“Ўх-хў, қанақа юксакликка кўтарилиб олибди! – ўйлади Жамуха. – Йикилиб кетмагин, тагин!” Бу гаплар нима учун айтилаётганини Жамуха тушунди: андаси мулки ва ҳукмини ҳеч ким билан бўлишмоқчи эмас.

– Буюк улусимни қўшин сафлари сингари уч қисмга бўламан. Ўртасини садоқатли Ная бошқаради, ўнг қанотни дўстим Бовурчига, чапини эса қўрқмас Мухалига топшираман. Ҳар бир қисм – туманларга, туман – мингликларга, мингликлар – юзликларга, юзликлар – ўнликларга бўлинади. Бовурчи, Мухали ва Ная менинг фармонларимни бажаради, туманбоши нўёнлар эса уларнинг буйруқларини бажаради... Бу тартибни ўзгартиришга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

“Яхши ўйлабсан, анда, зўр! Лекин дўстинг Бовурчи фармонларингни бажаришдан бош тортса нима қиласан?” – хаёлан захархандалик билан деди Жамуха. Темучин худди унинг саволига жавоб бергандай деди:

– Ёмғирли, қорли тунларда, хавф-хатарли кунларда кешиктанларим доим ёнимда турди. Улар ҳаётим ва улус осойишталигини кўриқлади, мени бу юксакликка улар олиб чиқди. Бугун ҳам улусимнинг хавфсизлиги йўлида кешиктанларим сонини мингтага етказиш тўғрисида фармойиш бераман. Энг кучли, чаккон, қўрқмас жангчилар ажратишиб, уларга энг яхши от ва қурооллар берилсин. Оддий кешиктаннинг даражаси қўшиндаги мингбошиникидан юқори бўлади. Агар мингбоши мағрурланиб, кешиктан билан баҳслашадиган бўлса, шафқатсиз равишда калтакланади. Кешиктанларимга бошчилик қиладиган нўёнлар уларни менинг ижозатимсиз жазолай олмайди. Ким бу тартибни бузиб, кешиктаннинг мушт билан урса, ўзи мушт ейди, калтакласа – калтакланади. Кешиктанлар ҳар доим менинг ёнимда бўлиши керак. Ўз авлодларимга васият қиламан: кешиктанларни асрасангиз, ўзингизни ҳимоялаган бўласиз...

“Мана шу қабилаларга кийгизилган темир сувлиқлар бўлади”, алам билан ўйлади Жамуха.

– Аҳолини тақсимлаб ёзиб боришни буюраман. Бу ёзувлар битилган қоғозларни мен тасдиқлайман. Шихи-Хутак фармонларни китоб қилади ва у келажак авлодларга мерос бўлиб қолади. Ҳеч ким ўз ўнлигини тарк этиб, бошқа ўнликка кириши мумкин эмас. Юзлик ҳам, минглик ҳам худди шундай. Ҳар ким ўзига буюрилган ишни қилади, белгиланган ерда яшайди. Қочоқ ҳам, уни сақлаган ҳам шафқатсиз жазоланади.

“Бир вақтлар ўзинг ҳам бошқа ерлардан одамларни оғдириб юрардинг-ку!” қасоскорона шодланди Жамуха.

– Шихи-Хутакни ҳақиқатнинг бош назоратчиси қилиб тайинлайман. Сен менинг кўзим ва қулоғим бўл, улусимнинг ҳамма ерида ўғрилиқ ва ёлғоннинг илдизини қурит. Ким ўлимга лойиқ экан, қатл қилдир, кимки айб қилса, жазола.

Жамуханинг нафас олиши қийинлашди. Гўёки андаси унинг бошига ҳам жилов ташлаб, оғзига сувлиқ тиқиб қаттиқ тортгандек бўлди.

Улуснинг мустаҳкамлиги ва тизими тўғрисидаги тартибларни санаб ўтгач, Чингизхон нўёнларни мукофотлаш ва инъомлар беришни бошлади. Бир умрлик эгалик қилиш учун мингликларни улашди, дархонликка кўтарди, тўққиз мартагача номақбул иш қилса кечирилишини ваъда берди.

Қурултойнинг давоми базмга уланди. Чингизхон ҳаммани меҳмон қилди. Оддий одамларга егулик ва ичгулик тарқатилаётган ерга кешиктанлар

Жамухани ҳам олиб борди. Лекин у зиёфатдан бош тортгани, яна ўтовга қамаб қўйишди.

Ярим тунда кешиктанлар уни хон хузурига эмас, ўрамдан нарироққа олиб кетишди. Сахро узра тўлин ой пастлаган, майсалар кумуш рангга киргани. Ўнг тарафдан сувнинг шалдираши ва қирғоққа шалоплаб урилиши эшитиларди. Тол буталар ортида гулхан алангаланди. Буталарга бир нечта эгарланган отлар боғланган, гулхан олдидаги майса устида Чингизхон билан Бовурчи ўтирарди.

– Ўтир, – деди Чингизхон, гўёки кечагина кўришган-у ўрталарида ҳеч қандай душманлик бўлмагандай. – Ўнўннинг шовуллашини эшитяпсанми? Ўша ерда сен билан ака-ука тутинган эдик.

– Ҳа, шу ерга яқин эди...

– Мен сен билан Ўнўн бўйида, дўстлигимизнинг гувоҳи бўлган дарё бўйида гаплашмоқчи бўлдим.

Хон қўллари билан тиззаларини қучди. Аланга шуълаларида унинг оқ оралаган соқоли қизариб, кўзлари муз парчалари сингари ярақларди.

– Нимани ҳам гаплашардик, анда? Ҳаммаси ўша ерда қолиб кетган, – Жамуха қўлини дарё томонга силтади. – Анда, лозим топсанг, мени қўйиб юбор. Уржонамнинг олдида кетаман...

– Йўқ, Жамуха. Сен улусимнинг душмансан. Сени қандай қилиб қўйиб юборишим мумкин? Лекин сен менинг андамсан. Шунинг учун аввалгидай биродарим ва дўстим бўл, аравамнинг иккинчи шотиси бўлгин, сени бутунлай кечираман.

Жамуха бошини чайқади.

– Сен ақлли одамсан-у, бемаъни гапларни айтяпсан-да. Фақат тенг одамларгина дўст бўлишлари мумкин. Сенинг бошингда кундуз телпак, белингда олтин қайиш. Мен бошьялангман, жулдур халатимнинг белбоғи ҳам йўқ. Орқангда одам тўла улусинг, менинг ортимда эса ўтганларнинг сояси...

– Мен сенга қалпоқ ҳам, белбоғ ҳам бераман, номингни яна ҳурматли ва обрўли қиламан.

– Темучин, анда, мен камига қўнмайман, кўп берсанг ўзинг тинчингни йўқотасан. Гутулинг ичидаги ўткир тош, чопонинг ёқасида қўйтикан, тўшагингда зирапча бўлиб юраман – нима қиласан?

– Наҳотки ўлгинг келаётган бўлса? – ҳайронлигини яшириб сўради Чингизхон.

– Наҳотки одам ўзига хиёнат қилиб ҳам яшаши мумкин бўлса? Унинг устига одам мангу яшамайди-ку. Қачондир сен ҳам ўласан, анда.

Чингизхоннинг кўзлари хиралашиб, юз мушаклари тош қотиб, мўйловлари диккайиб кетди – Жамуха уни бу ахволда ҳеч ҳам кўрмаган эди.

– Майли, мен ўлсам ҳам, улусим қолади. Сен, андам Жамуха, нима қолдириб кетяпсан?

– Одамларга васиятим: ҳеч қандай куч олдида бош эгманглар.

– Эгилмаган одам, синади, – Чингизхон ўрнидан турди.

Хон ва Бовурчига от келтиришди ва эгарга ўтиришига ёрдамлашиб юборишди. Чингизхон Жамухадан бир нарса кутгандай, жиловини у ёқдан-бу ёққа тортиб тўғрилаган бўлди. Лекин садо чикмагач:

– Алвидо, – деди.



– Алвидо, анда. Қўлингдан келса, илтимосимни бажар: қонимни тўкмай ўлдиртир.

– Шундай бўла қолсин.

Отлар жойидан қўзғалди. Туёқларнинг бўғиқ овози ойдин тун тинчини бузиб юбориб, сахро узра таралди. Ўнўн сокингина шилдирайди. Олов ўчиб борар, кул орасидан аргалнинг тафти кўтарилиб туради. Жамуха эрталабгача сабр қилинса, яна бир бор мовий осмонга, яшил майсаларга тўйиб боқсам, деб ўйлади. Лекин буни сўрашга кеч бўлган эди. От туёқлари овози эшитилмай қолган, кешиктанлар эса унга қараб келарди...

3

Курултойдан кейин Чингизхон ўз нутуғларини тарк этмади, аммо жангчиларига ҳам тинчлик бермади. Субутой-баҳодирни Буюрукнинг устига жўнатди. У найман хонининг укасини Буюк тоғлар ён-бағрида, Сужа сойи яқинида сикувга олди. Буюрук ўлдирилди-ю, аммо Кучулук бу сафар ҳам қолган-қутган жангчилари билан қочишга муваффақ бўлди. Жаба меркитлар устига юрди. Тиниб-тинчимас Тўхта-беки бошига ҳам Буюрукнинг куни тушди – камон ўқидан ўлди. Шундан сўнг унинг қўшинлари қоча бошлади. Тўхта-бекининг болалари уни на дафн қилолди, на ўзлари билан олиб кетолди. Ноилож оталарининг калласини узиб олиб, қочиб кетаётган қўшин ортидан эргашди. Жаба уларни ҳолдан тойгунларича таъқиб қилиб қувди.

Хорчининг ишлари анча мушкул эди. Хор-туматлар қочоқларни қайтармабди, қизларни ҳам бермай, Хорчининг ўзини ҳам, жангчиларини ҳам тутиб олишибди. Фақат икки нафар навкар қочишга улгурибди. Улар хонга келтирган хабарларга кўра, эри ўлган баҳодир аёл Ботахой-бақалоқ қабила бошлиғи бўлиб, унинг ўнг қўли қачонлардир шу ердан қочиб кетган Чиледу экан... Темучин хор-туматлар устига нўён Борохулни жўнатди. Баджаҳл ва ҳеч нарсадан тоймас жангчи бўлган бу нўён уларга кўрсатиб қўяди.

Улусининг ўнг қаноти қирғизлар, ойротлар ва турли хил ўрмон қабилалари туташ эди. Улар тарафдан хатар йўғ-у, аммо қўл ковуштириб ўтираверса ҳам бўлмас. У бир туман қўшинни тартибга келтириб, унга Жўжини бош қилди-да, бахтингни синаб кўр, дея сафарга жўнатди.

Жўжини улус чегарасигача кузатиб қўйиш Жалмага топширилган эди. У ҳаммасини айтилгандай бажариб, холис суҳбатлашиш учун ижозат сўради. Жалма хон ҳузурида бошини эгиб ўтираркан, бароқ қошлари кўзларини тўсиб қўйганди. Бошланажак суҳбат кўнгилсиз бўлишини хон тушунди ва ҳали гап нимада эканини билмай туриб, Жалмадан ғижиниб қўйди.

– Хон, ўтган йилларни отдан тушмай, қиличимизни қўлдан қўймай ўтказдик, – Жалма гўё фикрини жамлаётгандай салмоқлаб гапирарди. – Энди бу буюк сахро бошидан охиригача сеники. Аввалгидай қаршилик ва зиддиятлар йўқ. Тўғрими, хон?

– Шундай, – Жалма гапни қаёққа бураётганини фаҳмлаган Чингизхон қисқа қилиб тасдиқлади. – Агар отанг тирик бўлганида, бу ишлардан хурсанд бўларди.

– Билмадим... Ер ҳалок бўлганларнинг суякларига тўлиб кетган. Ўрамларда одам кам, чорваларимиз ҳам оз, подачилар чарчаган. Жанговар отларнинг жиловини тортиш вақти бўлмадимикин, хон?



– Агар чарчаган бўлсанг, дам ол.

Жалма бошини кўтариб, паст овозда деди:

– Сен мени тушунишни истамаяпсан, менга эмас, улусингга тинчлик керак. Одамларинг чорвасини кўпайтирсин, янги ўтовлар учун наमतлар яса-син, ўғилларини уйлантириб, қизларини эрга берсин. Бировларнинг ерлари-да изғиб, отларимиз туёқларини қиртишлатиб нима қиламиз? Ўзимизнинг ерлар ҳам кенг, майсалару паррандаларга тўлиб ётибди-ку. Ахир, навкарларимиз мана шу тинч, осуда ҳаётни деб қурбон бўлишмадимиз?

Жалманинг гапидан ғижиниши ортса ҳам, ғазабини босган Чингизхон мулойим гапирди:

– Ўзинг мени тушунишни истамаяпсан. Тинчлик хоҳлаб қолдингми? Тез оқадиган сувларгина тиниқ ва тоза бўлади. Турғун сувда эса моғор ва чиркитлар болалайди, – Чингизхон ғазабини яшириб ўтирмади. – Ўз хонингдан ақлликроқ бўлишга уринма. Бошқа бундай гапларни гапирма. Бор!

Жалма ўрнидан туриб, шошилмай чиқиб кетди.

У биларди: улусда ҳамма ҳам Жалма каби ўйламайди. Тангутлар еридан олиб келинган ўлжа кўпларнинг ҳасадини кўзғаб юборди. Жангчилар қимматбаҳо кийимлар, чиройли қизлар ва учқур отлар умидида дунёнинг нариги бурчига боришга ҳам тайёр. Урамлардаги ҳаёт энди улар учун зерикарли ва оддий.

Хон шу куннинг ўзида Хасар билан ҳам суҳбатлашди. Укаси Нагу тоғидаги жангдан сўнг янаям инжиқ, тили заҳар, бакироқ бўлиб қолган. Чингизхонга етказишларича, шону шарафлардан нари қилиб кўйишгани алам қилиб, ғалати гаплар айтиб юрганмиш. Гўёки, унга қолса, қилич билан мислсиз бойликларни қўлга киритиб, навкарлари олтин товоқларда овқатланиб, шойи чопонлар кийиб, оёқларини кумуш узангиларга тираб юрармиш. Хон бу гапларга ишонмади. Миш-мишларга кулоқ солиш – хотинларнинг иши, деб биларди. Укаси билан очикчасига гаплашмоқчи бўларди-ю, лекин ҳеч имкон топилмасди. Ҳозир укаси ўз оёғи билан келиб турибди. У хонга қуллуқ қилмаёқ сўради:

– Мен бир умр тарбағон овлаб юравераманми?

Унинг бурун катаklarини керилиб кетган, қирғийча кўзларидан олов сачрайди – ичи тўла ғазаб, нафас олиши ҳам қийин.

– Тарбағон овидан уялсанг, жайронлар ёки чўл паррандаларини овла.

– Ҳа, ҳа, шу қолганди, бир қилмаган ишим. Жангчиларни урушга мен эмас, бошқалар етаклайди. Ҳаттоки, қилич ушлашни билмайди ўшаларинг.

– Жўжини айтяпсанми? – тикка сўради Чингизхон.

– Жўжини ҳам... – яшириб ўтирмади укаси.

– Хасар, ёшларни ҳам жангга ўргатиб бориш керак. Уясидан чиқмаган қушнинг парвози баланд ёки паст бўлади, деб олдиндан айтиб бўлмайди. Менинг ишларимга аралашма. Сенга умрбод мулк қилиб тўрт мингта ўтов бердим. Укаларингдан бошқа биронтаси бунча кўп нарса олмаган. Яна нима керак сенга?

– “Умрбод мулк” эмиш. Бу гап, холос. Мен сенинг фармойишларингни бажаришга ҳам улгуролмаяпман-у – юзтасини у ёққа ол, икки юзтасини бу ёққа бер. Илгари кўйларингни санардим, ҳозир жангчиларингнинг ҳисобини оляпман.

– Рашкчи эр ёш хотинини ёнида эргаштириб юрганидек, жангчилар ҳам сен билан бирга юришларини хоҳлайсанми?



– Уларни сафарларга ўзим олиб боришни истайман! – бақирди Хасар. Хон борган сари укаси ҳақидаги миш-мишлар рост эканлигига ишониб борарди.

– Айтишларича, сен ҳар бир навқарингга шойи чопон кийгаза олар-мишсан – шундайми?

– Ҳарқалай қўшинимни ўрмон қабилалари устига олиб бормаган бўлардим. Сенинг Жўжинг нималарни қўлга киритарди – эчки терили пўстину, учи суякли ўқларними?

Хон худди Жалма сингари укаси Хасарни ҳам чодирдан чиқариб юборди. Яна букчайиб ғазабдан бошини эганича, чодир наматыни қадамлай бошлади. Ичида алам қайнарди. Борган сари атрофида унинг сўзига қулоқ тутадиганлар камайиб бораётганди. Нўёнлар ҳақиқат излаб қўпроқ Жалма ёки Хасарнинг олдига борадиган бўлишди. Улар ўзларига яқинларнинг ёнини олиб, фикрларини уқтиришарди.

То янги миш-миш Чингизхоннинг қулоғига етиб келгунча аҳвол шундай давом этди. Нима эмиш: ака-укалар улусни галма-гал бошқаришармиш. Шомонни чақириб келишларини буюрди. Хон уни гапга тортиб, миш-мишлардан хабари бор-йўқлигини билмоқчи бўлди.

– Бу миш-миш эмас, – деди Теб-тангри. – Менга кўринди.

– Ёлғон! – хон ўтирган еридан туриб, шомоннинг ёқасидан олди-да, ўзи томон силтади. – Ёлғон гапиряпсан! Сенга ишонмайман!

Шомоннинг ўткир нигоҳи хонга қадалди. Ана шу қарашнинг ўзиданок хоннинг қўллари ўз-ўзидан бўшашиди. Шомон чопонининг ёқаларини тўғрилади.

– Умрини саҳродаги қудуқ олдида ўтказган одам ер юзида тўлиб оқадиган дарёлар борлигига ишонмайди. Ишонасанми, йўқми, дарё оқаверади, қирғоқларни юваверади... Эҳтиёт бўл, хон, менга келган башоратга кўра, улусни дўсти кўп одам бошқаради.

Хон бир ўзи қолгач, анча вақт ўтов ичида тиним билмай, оёқ остидаги наमतларни, пастак хонтахталарни тепкилади, қўлига тушган нарсани улоқтириб, синдирди, лекин алами тарқамади. Кўкрагини эзгилаб, юрагини сиқа бошлади. Узук-юлуқ хаёллари орасида ваҳималилари ҳам бор: Хасар ўз атрофига ўлжаларга бой урушларни хоҳлаётган нўёнлар ва жасур, кўркмас одамларни тўплаб олса, улар бирлашиб...

Ўзи билан юзта кешиктанни олди-да, Хасарнинг ўрамига қараб от сурди. Ўймакор эшикли катта оқ ўтов олдида худди хонникидай учи жездан ишланган оқ туғ ва унинг тагига локлаб нақшланган ёғоч доирача – ҳукмдорлик рамзи ўрнатилган. Темир совутли икки соқчи қизил бандли найза ушлаб турарди.

Чингизхон шиддат билан эшикни очди. Ўтов хойморид<sup>1</sup> ярим доира бўлиб ўн чоғли одам ўтирар, уларнинг рўпарасида, ипак астарли наमत ўриндиклардан уйилган баланд жойда, шоҳи чопон, кундуз телпак кийган Хасар қўлида коса ушлаб турарди. Хон индамай, бор кучи билан ҳамма нўёнларни тепиб турғазди, кешиктанларига бақирди:

– Ҳар бирига йигирма таёқдан! Шихи-Хутагнинг олдига сўроққа олиб борилсин!

Хасар ҳамон қўлида косасини ушлаганча, акасига ҳўмрайиб қараб турарди. Чингизхон уни наमत ўриндиклар устидан пастга тушириб, юзига ўшқирди:

<sup>1</sup> Хоймор – ўтовнинг тўри.

– Қалпоқ билан белбоғингни еч!

Хасарнинг катталашган бурун катаклари титради. Бошини бир силтаб, қалпоғини ечди.

– Ма! – белбоғининг олтин илғичини юлиб олди – илғич кучли бармоқлар остида синиб кетди. – Ма! – белбоғ қалпоқ устига тушди.

– Нимага одамларни тўплаб ўтирибсан, жавоб бер! Нимани ўйладинг, гапир! Ким сени гижгижляпти, айт! – қулочкашламасдан укасининг юзига урди.

Хасар тишларини ғижирлатиб бақирди:

– Ҳайвон!

– Ўлдираман! Ўчир!

– Ўлдир, Сача-бекидай ўлдириб юбор, кўркмайман!

– Жим бўл!

– Қон тўкиб ўрганиб қолгансан. Укаларингнинг қонини хоҳлаб қолдингми? Ўлдир, лаънати! Кўркмайман! Сен мендан кўрқасан. Кўрқоксан!

– Жим бўл!

– Ўзинг жим бўл! Биз сени хон қилиб кўтарганмиз. Биз! Сен бўлса, тухум босган ўрдакдай ўтирибсан. Қимирлашга кўрқасан. Бошқаларга ҳам йўл бермайсан. Сен кўрқоқ ва қизганчиқсан!

Хасар қанчалик баландласа, хон шунчалик тинчланар, аммо бу тоғу тошдай оғир, ваҳимали эди. Ҳозир даҳшатли бир нарса юз берса керак. Хасар бутунлай қутуриб кетди. Деворга осиглиқ аслаҳаларини юлиб, қалпоқ устига отди, эгнидаги чопони ва гутулларини ечиб ўша ерга улоқтирди.

– Ол, ўтовингга олиб кет! Сенга бизнинг нарсаларимиз керак, ол! Укаларингни ўлдирсанг – ҳаммаси ўзингга қолади! – белигача яланғоч, оёқ яланг, мушаклари ўйнаб кетган Хасар хоннинг олдида турарди. – Чақир, кешиктанларингни, бўри галангни, бурдалаб ташлашин!

Эшик пардаси шалопади. Чингизхон ижозатсиз кириб келган ҳар қандай одамни ғазабнок ҳайқириғи билан йиқитишга тайёр бўлиб, ўгирилиб қаради-ю, беихтиёр тисарилди. Ўтовга шошилиб онаси кириб келди. Онаси эшик кесақисига бошини уриб олди, пастаккина бевача қалпоғи ерга тушиб, оқарган сочлари елкасига тушди. Қўлларини осмонга кўтариб, ҳасратли нола билан хитоб қилди:

– О, болаларим! О, ғамларим бисёр, дардим адоғсиз! Одамлардан ҳам уялмайсизлар, осмондан ҳам кўркмайсизлар! – унинг ғазабнок ва аламли нигоҳи Чингизхонда тўхтади. – Сенлар ақлдан озгансан!

Хон қовоғини солганича индамай турар, шу топда онасига хабар берган одамнинг кимлигини билиш учун ҳеч нарсасини аямасди. Хасар ҳам жим. Она ўғиллари олдида чўкка тушиб, итоатсиз қўллари билан чопони ёқасини йиртди, шалвираган кўкракларини баралла очиб юборди.

– Ҳаммаларингни мана шу кўкрагим билан катта қилганман, тунлари ухламаганман. Ёмғир ёққанда сочларим билан пана қилганман, совуқда танзим билан иситганман. Мен кимларнинг қорнини тўйғазиб, оёққа кўйибман-а? Биродаркушликка қодир бўлган ичи қораларни! Шу кўкракларим билан онасининг гўштини ейдиганларни улғайтирибман. О, осмон, ҳеч бир онанинг бошига менинг кунимни солма!

Оқаётган кўз ёшлари юзини ювар, хон унинг боши узра савлат тўкиб турарди. Ичидаги оғир юк уни босиб турар, ғазабга тўлган юрагида пушай-

монлик йўқ эди. Кўз қири билан Хасарнинг чаккаси, қозондай қоп-қора бўйни, чўл лоласидай қип-қизил қулоқларини кўриб унга бўлган нафрати тобора ортиб борарди. Онаси ҳар иккала ака-ука ҳақида гапираётган бўлса-да, унинг сўзлари асосан Чингизхонга қаратилган эди. Бир нима дейиш керак:

– Хасарнинг мияси эски наMAT каби чангга тўла. Лекин мен унга тегмайман.

Шундай деди-да, ҳеч ким билан хайрлашмай, ўрамдан чиқиб кетди. У отининг ёлига тикилганча, шамолдай елиб борарди. Хасарнинг ғзабнок бақирлиқлари, онасининг таънали гаплари қулоқлари остида жарангларди. Улар мени айблашяпти... Ҳа, у қариндошларини қатл қилдирган, дўстларини ҳалок қилган. Бошқача бўлиши мумкинми? Қўйдай ювош юриверганида аллақачон унинг ўзини еб битишарди. Хасар ҳам қўлига чинни коса ушлаб, наMATлар устида ялпайиб ўтирмай, аллакимларнинг қўйларини боқиб юрган бўларди. Укаларим, онамнинг қўлларидаги бор нарсалар мен туфайли келган. Яна улар мени айблашяпти!

Қалбига ўрнашган алам шу топда унга хуш ёқарди.

Ўрдасига келиб суриштириб билди: онасини нўён Жабка огоҳлантирган экан. Нўённинг узун тилини кесиб ташлашни буюрди, аммо буйруқ ижро этилмади. Хуфёна рақиблари Жабкани Баргужин-Токумага қочириб юборишди.

Онасига ваъда қилганидек, Хасарга тегмади-ю, аммо унинг мулкини тўрт мингтадан бир минг тўрт юзтага қисқартириб ташлади. Унга онасининг қаттиқ жаҳли чиқиб, касал бўлиб ётиб қолгани хабарини етказишди. Ўйлун уни чақиртирмади. У ҳам мағрурлиги тутиб онасининг олдига бормади.

Онаси қайтиб ўрнидан турмади.

Ўлимнинг кучи олдида унинг ишлари майда ва арзимасдай туюлди. Афсус билан онаси учун қилган яхшиликларини эслади. Кам, жуда кам яхшилиқ қилибди...

Анчагача қўли ишга бормади. Кимсасиз дараларга ёлғиз овга кетар, чарчаб, ўлжасиз қайтар, келиб Бўртаникига кириб кетарди. Тунлари ўринда ағанаб чиқар, борган сари кучайиб бораётган интиқом ҳисси билан нуқул яхшилиқ қилган одамлари уни азоблаётгани ҳақида ўйларди.

Қисқа фурсат ўз хаёллари ва дарди билан бўлиб, жиловни сал бўшроқ қўйганидан ҳокимият сал бўлмаса бировлар қўлига ўтиб кетаётганди. Хасарнинг тарафдорлари жим. Бироқ энди шомон Теб-тангри ўзбошимчалик қила бошлади. У алданган, хафа бўлганларни бағрига олиб, уришганларни яраштирар, қувғин қилинганларни қаноти остига оларди... Одамлар ҳар тарафдан унинг олдига кела бошлади. Хон ўрнатган тартибларнинг назоратчиси бўлган Шихи-Хутак деярли ишсиз қолди: одамларни мурасага келтириш ҳуқуқини шомон ўзиники қилиб олган, Мунликнинг ўтови олдидаги от қозиқ гавжумлашиб, хоннинг ўтови ҳувиллаб қолганди.

Теб-тангри шитоб билан чамаси олдиндан белгиланган йўлдан борар, ҳеч нарсадан кўркмай, хон билан бўладиган аниқ тўқнашувга пешвоз келарди. У ҳатто хоннинг нўёнлар ўртасидаги келишмовчиликларни бартараф қилиш учун ўрнатган асосий тартибларни ҳам бузишга ботинибди – ҳеч ким қочоқларни қабул қилиши мумкин эмас. Мингбоши нўёнларнинг одамлари мол-ҳолларию ўтовлари билан кўчиб ўта бошлади. Нўён ўз одамларини

қайтариб олиб кетиш учун келганда шомоннинг ҳамтовоқлари уларни шарманда қилар, калтаклаб ҳайдарди.

Бовурчи хонга кескин оҳангда деди:

– Наҳотки кўрмаётган бўлсанг – бир улусга икки ҳукмдор! Биттаси ўрнатган тартибни иккинчиси бузаяпти. Э-эх, кичкиналигимда бувим айтарди: битта аравани икки киши бошқарса, у албатта ағанайди, деб.

Хон ҳаммасини билиб турар, лекин шомонни Хасарга ўхшаб ечинтириб, Жалмага ўхшаб узоқ овулга жўнатиб бўлмайди-да. Нима қилиш керак? Мунликни чақиртириб, ўғлингни йўлга сол, деди. Қария кўлларини кўтарди – ўғли унинг измида эмас.

Хон кенг ўтови ичида у ёқдан-бу ёққа юрар, соқолини қаттиқ эзғилар, мўридан мовий осмонга узоқ тикилар, гўё ер юзидаги тириклар устидан ҳукмрон бўлган кучларни кўришга интилар, шунда кўркувдан қалби музлаб кетарди. Шомон ҳам бошқаларга ўхшаб, онадан туғилган, лекин одамлардан юкори туради: унинг кулоқлари осмондаги овозларни эшитади...

Хоннинг журъатсизлиги шомоннинг оёқ-қўлини бутунлай ечиб юборди. У ҳеч нарсани яшириб ўтирмади: Темучинни Чингизхон қилиб қурултой сайлаган, қурултой айтгани – хоннинг айтганидан устун туради, тартибни хон эмас, қурултой ўрнатади, деб айтиб юрган эмиш. Шомон нўёнларни ўзига қаратишни ҳадисини олган. Ҳар бир ўтиб бораётган кун уни кучайтириб, хон обрўсига путур етказарди. Чамаси ҳамма Теб-тангри ҳукмдорга қарши очик ҳужумга ўтса бўлади, деб ўйларди.

Хоннинг кичик укаси Тамуға-ўтчигиннинг одамлари ҳам кетиб қолибди. Укаси нўён Сохорни одамларни қайтиб олиш учун юборибди. Шомон уни эшитгиси ҳам келмабди. Шомоннинг укалари бўлса Сохорни калтаклаб, орқасига эгар, бошига жилов боғлаб, сўкиб, қамчилаб ўрамдан қувибди.

Тамуға-ўтчигин шомоннинг олдига ўзи борибди. Теб-тангри мулойим табассум ва таъна билан бош чайқаб дебди:

– Сен – ўзинг келишинг керак бўлган одам – менинг олдимга одам жўнатишга қандай ҳаддинг сиғди? А?

– Одамларимни қайтар, Теб-тангри! Сендан талаб қилиб келдим! Сен ўзгаларнинг ишига аралашиб қолибсанми, шомон? Бунақа ишлар учун қандай жазоланишингни билмасанг керак.

– Мен-ку биламан, лекин ерда судраладиган кумурсқа қирғийнинг парвози ҳақида қандай фикр юргиза олади, шуни тушунмаяпман. Мен билан хонларга ўхшаб элчи орқали гаплашишга сенга ким ҳуқуқ берди? Акангми?

– Акам ҳуқуқ бермаган, лекин...

– Ҳа, демак, сен бошқаларга тегишли нарсани ўзлаштириб олибсан. Айбдор сенсан. Айбинг борми, демак, тиз чўкиб кечирим сўра. Балки сени кечирарман.

– Бундай қилмайман, шомон! – Тамуға-ўтчигин сакраб эгарга минди.

Шомоннинг укалари уни отидан тушириб, куч билан тиз чўқтирди, муштлири билан гарданидан босиб, бошини эгишди. Унинг ўрнига кимдир чийилдоқ товуш билан айтиб турди:

– Мен нотавон тентакни кечир, буюк шомон. Бошқа қилмайман.

Ўша ерда турган жангчилар ҳам, нўёнлар ҳам, ҳеч ким хоннинг камситилаётган укаси тарафини олмади ёки олишни исташмади.

Тамуға-ўтчигин ўрдага тонготарда кириб келди. Хон ҳали ўрнидан ҳам турмаган эди. Уни ўтовга Бўрта киргазиб юборди.

Тамуға ўзини хотиржам тутиб гапирётган бўлса-да, азбаройи алами кучлилигидан кўз ёшларини аранг тийиб турди. Бўрта қўллари билан тиззаларига уриб, куйиниб гапирарди:

– Бунга қандай чидаяпсан, Темучин? Шомон сенинг қўлинг билан Хасарни бир ёқлик қилишига оз қолувди. Энди Тамуғани шарманда қилибди. Яқинда ўзингга ҳам осилади. Онангнинг кетидан кетиб қолсанг, болаларимизнинг аҳволи нима кечади?

Хон кўзларини қаттиқ сиққанча тепага қараб ётар, соқоли диккайган, қўллари ўз-ўзидан кўзи терисидан қилинган пўстакни ғижимлар, юмдаларди. У оқибати номаълум куч олдида қўркувга тушарди. “Жанг қиялсанми – қўркма, қўрксанг – жанг қилма” деди ўз-ўзига, аммо бу гап унинг шижоатини кучайтирмади, муздай қалбида қўрқоқларча бир умид ўрмалади. У ичидаги умидни ҳам, қўркувни ҳам босиб, ўрнидан туриб тез кийинди.

– Тамуға, шомонга менинг номимдан одам жўнатгин-да, ўтовимга кел. Ўша ерда ҳаммасини келишиб оламиз.

Ҳар доим қийин муаммони ҳал қилиш пайтида у бутун борлиғи билан ишга шўнғийди. Шахсан ўзи ўрдадаги қоровулларни кўздан кечириб, ўтов атрофидаги соқчиларни кучайтирди. Энг содиқ ва жасур одамларни йиғиб, ҳаммасига жойини кўрсатди. Иши кўпайиб кетганидан нимага тайёрланаётгани ҳам эсидан чиқди. Шомонни келиш вақти яқинлашганида вужудини яна қўркув эгаллаб олди. У ишнинг натижасини ўйламас, фақат ҳаммаси тезроқ ўтиб кетишини истарди.

Шомон бир ўзи эмас, отаси ва укаларини ҳам бошлаб келибди. Мунликнинг иштироки хонда ишонч хиссини уйғотди. Одатига кўра, Теб-тангри хоннинг ўнг тарафига ўтириб, ҳеч нарса бўлмагандай сўради:

– Мени чақиртирганмидинг?

– Одамлар ўзига тенгларни чақиртиради. Мен сенинг келишингни буюрдим.

Шомон мулойим қилиб, бамисоли ақлсиз болакайга тушунтиргандай эслатди:

– Менинг ҳукмдорим битта – мангу осмон. Бошқалари ҳисоб эмас.

– Буни биринчи бор эшитаётганим йўқ.

– Гапингни эсда сақлашларини истасанг, эринмасдан қайтариб тур.

– Шомон, ўша осмон менга ҳам улусни бошқаришни буюрган. Бу ерда яшайдиганларнинг бари менинг одамларим. Шу жумладан, сен ҳам.

– Йўқ, хон. Сенга ҳукмдорлик жиловини мана шу улусни ташкил қилган одамлар берган. Тўғри, бу ерда осмоннинг иродаси ҳам бор, лекин одамлар бўлмаса, кимга ҳукмингни ўтказасан? Барча одамлар ва мангу осмон ўртасида, гўё чавандоз билан отни боғлаб турган жиловдай, биз – шомонлар тураимиз.

Хон бундай гапни кутмаган эди, у Теб-тангри айбини бўйнига олиб, ҳеч бўлмаса одамлар кўзи учун узр сўрайди, мен эса танбеҳ бераман, деб ўйлаганди. Шомоннинг гапга кўнмаслиги ҳам камситар, ҳам чўчитар, ўлганнинг устига тепган билан баравар қилди. Шомоннинг овозидаги оҳанг пашшани ўраган ўргимчак сингари хоннинг қалбини ўраб-чирмаб борарди. У мана шу ўрам чигалини ёзиб ташлаб сўради:

– Бир одамнинг икки хожаси бўлиши мумкинми?

Хон шомонга жавоб беришга имкон қолдирмай, яна:

– Нима учун одамларим устидан хўжайинлик қиялпсан? Нима учун мен ўрнатган тартибларни топтаб, ўзингникини ўрнатаяпсан? – деб савол ёғдириб ташлади.

– Мен бировларнинг манманлигини босиб, бошқаларнинг руҳини кўтараяпман, бу менинг ишим ва мен...

– Тур ўрнингдан!

Шомон тушунмади:

– Нимага?

– Сен менинг укамни ўзига тегишли бўлмаган ҳуқуқни эгаллаб олгани учун айблабсан. Ўзинг-чи? Мен сенга ҳеч қачон кўрсатмаган жойда ўтиришга қандай ҳаддинг сиғди? – чакка томирлари бўртиб кетди, шомонни елкасидан торткилаб, итариб юборди – Туш дедим пастга!

Шомон бир уюм наमतлар устидан ағанаб тушди-ю, тез оёққа туриб олди. У бундай хўрликни кутмаган эди, бир лаҳза ўзини йўқотгандай бўлди. Аммо шу ондаёқ лабларини маҳкам қисди, тубсиз қаро кўзларида кўринмас куч тўпланди. Бу куч хоннинг шаштини қайтариб, ғазабини ўчирарди. Кутилмаганда Мунлик ёрдамга келиб, оппоқ соқолини титратиб, бақириб қолди:

– Бас қилинглар! Осмонни ўртага қўйиб айтаман, бас қилинглар!

Хон унга ўгирилди – шомоннинг кўзларига қарамаса бўлди!

– Мен у билан уришмоқчи эмасман. Мен фақат укам билан ўғлинг ўртасида чиққан жанжал сабабини билмоқчиман. Лекин кўриб турибманки, ҳақиқатни билолмаяпман. Эски одатларимиз бўйича ҳал қиламиз. Тебтангри билан Тамуға-ўтчигин кураш тушсин. Ким йиқилса, ўша айбдор бўлади. Тамуға, тайёрмисан?

Укаси ўтов эшиги олдида турган эди. У бамайлихотир чопонларини тортиб, белбоғини сиқиб боғлади, қалпоғини бостириб кийди. Хон шу топда укасининг кўнглидан нималар кечаётганини билиб турар, шу учун ҳам сўнгги дақиқада укасининг руҳи тушиб кетишидан кўрқарди.

– Мен кураш тушмайман! – деди шомон. – Бу менга номуносиб иш.

– Йўқ, тушасан дедимми, тушасан! – Тамуға уни ўтовдан ташқарига судрай бошлади.

Шомоннинг укалари ўринларидан туриб кетди, аммо хон бир бақириб уларни тўхтатди. Мунлик ҳам итоаткорона деди:

– Ўтиринглар. Хон истагандек бўлсин. Ишонаман, хон бизларга ёмонликни раво кўрмайди.

Эшик ортидан тапир-тупур овозлар эшитилди. Кешиктанлар шомонни ушлаб олишди, сўнг қисқагина қичқирик эшитилди – умуртқа синди. Хон ихтиёрсиз бошини елкаси ичига олди, лабларини қонагунча тишлади. Ҳозир осмон ағдарилиб тушади-да, момақалди роқ қамчилари ерни савалай бошлайди...

Ўтовга Тамуға кириб, титроқ кўллари билан косадаги қимизни шошилиб ичди ва мешдан яна қуя бошлади.

– Сизлар... кураш тушмадиларингми? – сўради Мунлик хавотирланиб.

– Э-э, у хохламаяпти. Ётиб олганича турмаяпти.

– Сенлар... сенлар ўғлимни ўлдирдиларингми?! – Мунликнинг соқоли титраб кетди, у турмоқчи бўлди-ю, туролмади.

Ўғиллари сакраб туриб, қуролларига ёпишишди. Аммо ўтовга кирган кешиктанлар уларни қуролсизлантириб, боғлаб ташлашди. Хон ўрнига бориб ўтирди-да, энгил нафас олди.

– Буларга тегманглар. Калтаклаб, сал ақлларини киритиб қўйинглар-да, уйларига қўйиб юборинг. Сенинг хурматинг, Мунлик... Кўриб турибсан, мени яхшиликни билмасликда айблаб бўлмайди.

Мунлик ердан шомон ўғлининг қалпоғини олиб ҳидлади-да, қари хотинлардек ўкириб йиғлаб юборди.

Хон оломон тўпланмаслиги учун шомоннинг жасади устига ўтов тикиб қўйишларини буюрди. Теб-тангрининг ўлими хақидаги шов-шувлар яқин овулларга етиб бориб, шомонга сўнгги бор таъзим бажо этиш учун ҳар тарафдан одамлар ёпирилиб кела бошлади. Ҳисобсиз одамлар! Агар у дафн қилинса, Теб-тангрининг ўлиги тиригидан баттар муаммо келтириб чиқариши аниқ. Одамлар унинг қабрига сиғиниб, ҳаётини қисқартирган Чингизхонни ҳам ҳеч қачон эсларидан чиқаришмайди...

Тунда унинг жасадини яширинча дафн қилиб юборишларини буюрди. Эрталаб ўтовга кирган одамлар шомоннинг жасадини тополмагач, кўрқувдан тиз чўкишди. Хоннинг ўзи оломоннинг олдига чиқиб деди:

– Ўзи шундай бўлиши ҳам керак. Осмон шомонга менинг улусим ва зотимни ҳимоя қилишни ирода қилган эди. У бунинг ўрнига ўзини мен ва укаларимдан баланд олмоқчи бўлди. Шунинг учун ҳам осмон ундан юз ўгирган. Аввал қалбини, кейинроқ эса жасадини ўзига чақириб олди. Чунки терс ҳаёт кечирган Теб-тангрининг изидан ҳам нишона қолиши мумкин эмас.

Энди улусда хоннинг ўрнини олишга ҳавасманд биронта ҳам одам қолмади. У худди қия қоя устида ўсган дарахт каби қўл етмас бўлди. Бирок у бундан шодлик эмас, ёлғизликни ҳис қилди. Энди унинг ўтовида баҳс камдан-кам бўлар, очиқ қаршилик қилишга ҳеч ким ботина олмасди. Ҳатто дўсти Бовурчи ҳам аксарият ҳолларда индамай ўтирарди.

Жўжи сафардан қайтди. У жангсиз, ортиқча талафотларсиз қирғиз, ойрот ва ўрмонларда яшовчи бошқа қабилаларни ҳам ўзига тобе қилибди. Уларнинг ҳукмдорлари ўзларининг қарамликлари белгиси сифатида ўлпон – лочинлар, кундуз, тулки ва олмахон мўйналари бериб юборибди.

– Жангсиз қандай уддаладинг?

– Одам ҳар қандай вазиятда ҳам ақлини ишлатиши зарур, ота... Қиличимни яланғочлашдан аввал, улар билан гаплашгандим, мени тушунишди.

У ўғлини елкасидан кучоқлаб, нўёнлари томон ўгирилди, кўзлари билан шўртумшук Хасарни излаб топди.

– Кўрдиларингми, ўғлим ақлли нўён бўлиб етилибди. У бор-йўғи йигирма икки ёшда. Баъзи бир одамларнинг ёши ундан икки баробар катта бўлса ҳам, ақли икки баробар кам.

Мақтов эшитиб ўрганмаган Жўжи ўзини нокулай сезар, аммо отасига фарзандлик садоқати билан миннатдор қарарди. Ҳозир, шу топда унга “ўл” деб буйруқ берса, буни мукофотдай қабул қиларди. “Дўстларимнинг ўрнини ўғилларим босади”, деб ҳаёлидан ўтказди хон.

– Ўлжаси ҳам катта эканми? – Хасар тилини тиёлмай пичинг қилди.

Аммо хон бунга эътибор бермади, чунки Жўжи катта ўлжа билан келганди. Энди орқадаги хавфдан кўркмай, ҳамма кучни чошгоҳ томон юборса бўлаверади.

– Катта сафарга тайёрланинглар. Аввал босиб ўтган йўлимиздан борамиз – тангутлар юртига. Қўшинни ўзим бошлаб бораман.



Тараддуд бошланди. Сафар олдидан совуқ хабар келди: хор-туматларни бўйсундириш учун жўнатилган нўён Борохул қуршовга олиниб, ўлдирилибди, қўшини ҳам сочиб ташланибди. Хон анчагача бошқа нарсаларга чалғимай, хор-туматларни тез ва шафқатсиз янчиб ташлашни режалаштирарди. Қўшин тортиб бормоқчи бўлди-ю, аммо аввалдан режалаштирган ишлардан четлашгиси келмай, ўзини босди. Зеро, тангутлар устига қилинадиган юриш оқибатларига кўп нарса боғлиқ эди. Илон йили (милодий – 1209 йил)нинг учинчи ойида Чингизхон Си Ся ҳудудига кириб борди. Ан-цюан уларга қарши шошилинич катта қўшин тўплади. Унга бош қилиб ёшгина тахт вориси Чэн-женни тайинлади. Бу жангчиларга рухий мадад беради ва омад кулиб боқса, тахт ворисининг номини улуғлайди. Қари, тажрибали ҳарбийлардан бўлган Гао лингунни<sup>1</sup> унга ёрдамчи қилиб юборди. Бундан мақсад қўшинни яхши бошқариш ва мабодо мағлубиятга учраса қаттиқ жазолаш эди. Валиаҳдга машҳур бўлиш, лингунга эса шаҳаншоҳ ва унинг кенгаш аъзолари олдида жавобгар бўлиш насиб қилмади. Биринчи тўқнашувдаёқ тангутлар тор-мор этилиб, валиаҳд қочиб қутулди, лингун эса асир тушди.

Тўртинчи ойда Чингизхон Валохай қалъасини қўлга олиб, Чжунсинга қараб юрди. Тангутлар пойтахтига борадиган йўлни Олашон тизмаси тўсиб турарди. Чжунсунга фақат тор бир йўлдан кириб бориш мумкин. Шу ерга, Имин чегарасига тангутлар эллик мингга яқин қўшинни олиб келишга улгуришди. Тоғларнинг тор йўлларига ўрганмаган Чингизхон жангчилари Имин мудофаасини ёриб ўтолмайди, кўплаб талафот бериб, тоғ ёнбағирларига чекинди. Хон ёрдам чақиртириб, сахрога чопарлар жўнатди.

Тангутлар янги кучларини чақиртириб, Чингизхоннинг устига катта куч бўлиб ёпирилишлари мумкин эди-ю, аммо биринчи мағлубиятдан юрак олдириб қўйганликлари сабабидан, иссиқ ёзда кетиб қолишади деган умидда йўлакда ўтиравердилар. Тоғларнинг ёнгинасида қум саҳроси ястаниб ётар, ёзда бу қумлар бамисоли ўчоқдаги қўрдай қизир ва тирик зотни ҳалок қилиши мумкин эди. Чингизхон жангчилари тоғ йўлагини тезроқ қўлга киритмаса, уларни қандай офат кутаётганини яхши билардилар. Ваҳима, бекорчилик, сахро жазирамаси одамларни толиқтирар, улар энди тез-тез ўз кадрдон ерлари, салқин дарё қирғоқларини, шамоллар ўйнаган тепаликларни кўмсаб, ортга соғиниб қарашарди. Хон орқага қайтиш ҳақидаги ҳар қандай гап учун қаттиқ чора кўришни буюрди. Ё тоғ йўлаги ишғол қилинади, ёки ҳамма бу қайноқ қумларда пишиб ўлади. Ҳар куни ўзи қўшинни кўздан кечириб чиқар эди. Енгил чопонда, кенг чориқларда, юзлари бўғриқиб кетган, эгар устида букчайиб олган ҳолда одамларга қовоғини очмай қарар, арзимаган камчиликлар учун ҳам аёвсиз жазоларди. Унинг ёнида ҳамма вақт ўғиллари, Бовурчи ва Мухалилар бўларди. Қолган нўёнлар ўз жангчиларини тарк этишлари мумкин эмасди. Баъзан Жўжи отасидан рухсат сўраб овга кетар ва Судуй икковлари тоғ тепаларига, арчазор ва толзор ўрмонларга чиқиб, отларини ўтлашга қолдирар, ўзлари яна ҳам тепароққа чиқиб кетарди. У ерлар пастга қараганда анча салқин, ўлжалар ҳам кўп. Деярли куруқ қайтишмасди. Аксарият пайтларда хара такя<sup>2</sup> от-

<sup>1</sup> Лингун – унвон, хитойча сўз бўлиб, “бошлиқ зоти олийлари” деган маънони англатади.

<sup>2</sup> Хара такя – “қора товук”, қулоқдор каклик.



ишарди. Булар кулранг-кўкиш рангли, йирик ва кўркам қушлар бўлиб, думлари узун, оқиш ва қимматбаҳо ханжар дастасига ўхшаб, тусланиб турарди. Оёқлари қизил, томоғи қордай оппоқ... Улар ҳар доим кутилмаганда, қанотларини қаттиқ-қаттиқ қоқиб, шиддат билан учиб қолардилар. Овчини тез ва аниқ отишга мажбур қиларди... Гоҳи-гоҳида кийик, кам ҳоллардагина кўк эчки отишарди. Чунки улар тик қоялар устида юрар ва жуда ҳуркович бўлиб, овчиларни пайқаши билан қаттиқ чийиллаганча туёқлари ерга тегар-тегмас чопиб қоларди.

Судуй учун ўрмон четида овни пойлаб ётиш мазза. Чарчаган оёқларингни чўзиб, майса устида ётасан, теракларнинг шивирлашини эшитиб, хоҳлаган нарсанг ҳақида хаёл сурасан, агар вақт бемалол бўлса, Жўжи билан гаплашиб ўтирса ҳам бўлади. Бу пайтлардаги хаёлларинг ҳам, суҳбатларинг ҳам самимий, тоза, юрагингга ҳарорат бағишлаб, хаётингга нур ёғади. Шундай пайтларда Жўжи хоннинг ўғли эканлиги, ўзи эса бор-йўғи унга ўрток экани эсидан чиқиб кетарди. Жўжи билан ҳар қандай мавзуда гаплашса бўлади – тулпорлар, овлар, урушлар, одамлар ва руҳлар хаёти тўғрисида...

– Жўжи, сен яқинда туманбоши бўласан ва кейин овга боролмайсан.

– Мен ҳар доим овга чиқаман...

– Урушининг керак бўлади-ку.

– Унақа десанг, хозир ҳам уруш-ку. Лекин мен урушни ёмон кўраман. Ов яхши. Отам бўлса, ҳар бир эркак жангчи бўлиши керак, дейди. Ўшандагина душманларимиз биздан кўркишаркан. Биз кучли бўлишимиз керак, дейди отам, – Жўжи ўт баргини узиб бармоғига ўради. – Қирғизлар ва ойротлар устига юриш қилганимдан кейин, мен ҳам отамдек ўйлайдиган бўлдим: биз кучли бўлишимиз керак.

– Лекин сен у ерда уруш қилмадинг-ку...

– Йўқ. Мен уларга: “Мана, менинг кўшимин, сизлар бундан ҳам кўп кўшин тўплаб, мени тор-мор қилишингиз мумкин. Лекин отам ундан ҳам кўп жангчи олиб келиб, сизларни қириб ташлайди. Яхшиси, унга тобе бўлиб, илгари қандай яшаган бўлсангиз, ўшандай яшайверинглар”, дедим. Улар ҳаммасини тушунишди. Ҳеч ким ҳеч кимни ўлдирмади.

– Бу ерда эса ўлдирияпмиз. Валоҳайнинг ҳамма кўчаси мурдаларга тўлиб кетди. – Судуй қилич билан чопилган, от туёқлари топтаб ташлаган, иссиқда шишиб кетган жасадларни эслаб, кўнгли айниди.

Жўжининг ҳам ковоғи солинди. Кўзларини ката-катта очганча, тўғрига тикилиб ўтираверди. Кейин бошини силкитди.

– Балки, шунақа бўлиши керақдир. Агар тангутлар отам талаб қилган нарсаларни беришганида шунча жон бекорга увол кетмасмиди...

– Нимага улар ҳамма нарсаларини беришлари керак?

– Чунки улар бой, бизда ундай нарсалар йўқ.

– Э-э, Жўжи, сенинг ҳамма нарсанг бор, мени эса бор нарсам – ўзим билан. Бунинг учун томоғингга пичоқ тирашим керакми?

– Айтишларича, қачонлардир шундай бўлган... Ким удаласа, ўша одам тунайвераркан.

– Унда бир-бирларини тунашарди, энди бўлса кўшнилларини... Э, бу менинг ақлим етадиган ишлар эмас. Қишда уясида ухлаб ётган юмронқозик қорнинг қалинлигини қаердан билсин? Мен-чи, Жўжи, уйга қайтишим биланоқ, уйланаман, ўтов қуриб, ўқ ясашда отамга ёрдам бераман. Энг сара ўқларим – сенинг садоғингга тушади.

Тангутлар билан бўлган иккинчи тўқнашув бошқача яқун топди.

Мўғуллар билан тангутлар икки ойдан бери бир-бирларига рўпара турарди. Саҳродан янги кучлар келиб қўшилгач, хон жангга тайёрланмоқда эди. Тоғнинг ингичка довлони яқинида икки ой кутиб ўтирган хон бу ўтиш жойини жанг билан олиб бўлмаслигига ишонч ҳосил қилди. Тангутлар бу тор жойда унинг ҳамма қўшинини қириб ташлаши аниқ. Душманни у ердан чиқариб олиш керак, лекин қандай қилиб? Ягона йўл – йўлакка энгил отликлар бўлимини ташлаш. Улар жангни бошлайди-ю, аммо талафот кўргандай, ҳамма нарсани ташлаб қоча бошлайди. Буткул мағлубиятга учрагандай кўринади. Шунда тангутлар қасос ва интиқом олиш учун кувишдан ўзларини тиёлмайди ва пастга тушади. Шунда тоғ ёнбағирларидан, кўз илғамас даралардан асосий кучлар ҳужумга ўтиб, душманни бўлаклаб ташлайди-да, қочишга тушган тангутлар кетидан довлонни ошиб ўтиб олади. Аммо олғинчи юзталикларга оғир бўлади. Кўп жангчилар ўлиб кетади...

Тонготар пайтида илғор мингталиклар қўшинлари овоз чиқармай, дара атрофига келиб жойлашди. Саҳродан тоғлар томонга қайноқ ҳаво уфуриб, ҳавони чангга тўлдирди. Нафас олиш қийинлашди. Қалин чармли совут Судуйнинг кўкрагини маҳкам сиқиб турар, кураклари ораси тердан чилпиллаб қолди. Ёнида Жўжи турар, унинг олдида нўёнлар келиб, жангни бошлаш вақтини сўраб кетарди. Улар жанг вақтию, нима қилишлари ва қаерга ўрнашишларини жуда яхши билишса-да, буни ҳурмат юзасидан қиларди. Жўжи бошидаги дубулғасини ечиб, тирноқлари билан уни чертиб ўйнардди.

Қуёшнинг илк нурлари тоғ чўққиларини ёритди. Пастдаги ҳаво эса ҳали ҳам дим, ғуборли эди.

– И-и-эх! – деб қичқирди кимдир.

Отлар турган еридан отилиб, тоққа қараб учиб кетди. Йўлак устига тушиб келган Имин қопқасининг деворлари кўринди. Яқин келишлари билан девор устидан тошлар, тўнкалар, қум тўлдирилган қоплар отилди. Отлар ўзини эплломай, бир-бирини йикита бошлади. Яраланган отликлар ерга қуларди. Нариги тарафдан, ерда жойлашган тўсиқлар ортидан, қуёш нуруни тўсгудай ўқлар тўзони уча бошлади. Судуй ҳеч нарсани ўйламас, фақат Жўжидан узоқлашиб кетмасликнинг ҳаракатида эди. Отлар ва одамлар қуюни уларни бир у тарафга, бир бу тарафга улоқтирарди.

Истеҳком деворларидан силжиб ўтиб, жангчилар ердаги тўсиқларни пайҳон қилиб, ўқчиларни сиқиб чиқарди ва бўшатирилган жойдан отликлар қириб олиб, тангутларни чопа бошлади. Аммо истеҳком деворлари орқасидан, довлон ичкарасидан отлар ва туяларда тангутларнинг янги-янги кучлари келмоқда эди.

Мўғуллар жон-жаҳди билан қаршилиқ кўрсатиб, орқага чекина бошлади. Судуй ўз овозини эшитмай бақирар ва қиличини серпаб, бир ҳужум қилар, бир ҳимояланарди. Баъзан Жўжидан орқада қолиб кетар, сўнг тилла дубулғасидан таниб, унга яқинлашиб, ёнига туриб оларди. Жўжи оқариб кетган, юзларидан шовуллаб тер қуйиларди.

– Фақат олдинга! Олға! – деб қичқирар ва отини тинмай тангутлар устига ниқтарди.

Кучлар тенг эмас, тангутларнинг ғолибона ҳайқириқлари кучаймоқда эди. Энди томонлар аравалар кўриниб турган тоғ ён-бағридаги ялангликда

жанг қиларди. Бирдан жангчилар қочишга тушди. Жўжи уларни тўхтатишга уриниб кўрди. Қаёқда!

Жўжининг оти ўлдирилди. Судуй унинг олдидан анча нарига ўтиб кетганди... Судуй бир амаллаб оқимдан ажралиб чиқди-да, орқасига қараб чопди. Жўжи дубулғасини йўқотган, шу туфайли уни жон ҳолатда қочаётган жангчилар танимасди, боз устига, бир оёғи оксарди. Судуй отидан сакраб тушди.

– Ўтир!

Жўжи эгарга сакраб минди. Оқ от минган тангут жангчиси қўлидаги қиличини унинг бўйнига солмоқчи бўлиб ташланган эди, Судуй пастдан туриб унинг кекирдагига найзасини тикиб олди. Жангчи шу заҳоти ағанади-ю, бир оёғи узангига тикилиб қолди. Судуй иккинчи узангидан ушлашга улгурди. От пишқириб, тепинганича чопиб кетди. Судуй ҳам унинг ёнида, узангини кўйиб юбормасдан, чопиб борарди. Тўсатдан от икки оёқлаб турди-да, ерга ағанади. Судуйнинг оёғи унинг тагида қолиб кетди. Отнинг ўқ тешиб ўтган томоғидан тириллаб отилган қон Судуйнинг бош-кўзини қип-қизил қилди. У тупурганича, кафти билан кўзини артаркан, оёғини отнинг тагидан чиқариб олишга уринди. Бўлмади. Ёнгинасидан отлиқ тангут жангчилари чопиб ўтарди. Кетидан туя минганлар, ниҳоят, пиёдалар ўта бошлашди. “Тамом бўлдим! Э-эх, ҳаммаси тамом!” деб ўйлаганча Судуй жим ётарди. Қонга беланиб ётгани учун ҳам тангутлар уни ўлган, деб ҳисоблашди.

Қанча вақт ҳаракатсиз ётганини билмайди. Оёғи тинимсиз лўқиллаб оғрир, ҳам иссиқ, ҳам даҳшатдан томоғи қуриб кетганди... “Урушдан қайтганларни кутиб олишга чиққан онам мени тополмаса нима қиларкин? Нима бўляпти ўзи? Тангутлар қочаяптими? Қочаяпти! О, халоскор руҳлар, онам ҳаққи мени қутқаринглар!”

“Хурра!” деган кичқириқлар тобора баландроқ ва яқинроқдан эшитила бошлади. Кетидан пастак сахро отларида жангчилар тоғ дарасига қараб учиб кетди...

Кечга бориб Чингизхоннинг қўшини довонни эгаллаб бўлди. Тангутларнинг эллик минглик қўшинидан бор-йўғи ўн-ўн беш мингтаси Чжунсинга қочиб улгурди. Қолганлари жангда ўлди, асир олинганлари шафқатсизларча чопиб ташланганди.

Судуй от тагидан амаллаб чиқди-да, тангутларнинг туясига миниб, Жўжини қидириб кетди. Хоннинг ўғли унинг елкасига қаттиқ урди.

– Сен қаерда эдинг?

– Дам олаётгандим. Отсиз қолгач, узоқ ўйладим: у ёқ-бу ёққа югуравериб нима қилдим? Отим ҳам бўлмаса дедим-да, кутиб ётавердим.

– Судуй, сен бўлмаганигда мен тамом эдим!

– Э, мен ҳаммасини отанг буюргандай қилдим, – кулди Судуй.

5

Хон кун бўйи учқур туйғун куши билан овга чиқиб кетар, қайтганида очикқан ва толиққан бўларди. Унинг чодиридан сал нарироқда одамлар тўпланиб турарди. Яна сартовул савдогарлари карвони келган кўринади. Тинч ва осойишта сахрога карвонлар борган сари серкатнов бўлиб қолганди. Савдогарлар Самарқанд, Бухоро, Хоразм ва Ўтрордан келиб,

баъзилари молларини шу ерда сотар, баъзилари узокрокка, Олтинхон юрти томон йўл оларди.

Олтинхон Чингизхон ҳузурига элчилар гуруҳини жўнатганмиш. Шухрати бутун оламга ёйилаётганидан хурсанд бўлиш керакми, йўкми, ўзиям билмайди. Шу кунларда уйғурлардан, кетидан қарлуқ хони Арсалан ва Олмалик ҳукмдори Бузардан элчилар келди. Ҳали уларни қабул қилгани йўк, лекин Татунг-ани гапларига қараганда, улар қора-киданлар гурхонидан ажралиб, Темучинга тобе бўлишмоқчи эмиш. Лекин уларни қўл остига олиши гурхонни ғазабга солиши аниқ. Шусиз ҳам қора-киданлар унга кўз олайтириб турибди. Улар найман хонининг ўлмай қолган ўғли Кучулукнинг бошини силаб, бағирларига олишди. Отларини ўша ёққа солса ҳам бўларди-ю, бироқ аввал осмоннинг олтин ўғли мақсадини билиб олиш керак. Ҳозир осмон фарзанди бўлиб ўзига жоутхури унвонини олган, бир пайтлар Ван-хон ва Темучин билан музокаралар олиб борган думалоққина ҳоким тайинланибди. Ажабо! Назаримда, Олтинхон тахтида ҳамма қатори оддий бир одам эмас, ростакан осмон фарзанди ўтириши керак. Унинг элчилари нима гап олиб келаркан? Ҳаммаларини бирданига қабул қиламан.

Сахро узра оқшом чўкмоқда. Хэнтэй тоғлари тарафдан салқин ҳаво эса бошлади. Овулда гулханлар алангаланар, таппи тутунининг ачимсиқ ҳиди алаф ҳиди билан уйқошиб кетди. Болалар шовқин солар, овозлар жаранги таралар, кимдир сузонғич улоқча ҳақида қувноқ кўшиқ айтарди. Оҳанг ичида улоқчага ўхшаб мераб кўяркан, гурр этиб кулги кўтариларди. Хон биринчи учраган ўтовга кириб, гулхан атрофига ўтиргиси, одамларнинг суҳбатлари, ҳазиллари ва кўшиқларига қулоқ тутгиси келди. Лекин биладик, у пайдо бўлиши билан ҳаммаёқ жим бўлиб қолади ва унинг сўзини кутишади: рухсат берса суҳбат ҳам, кўшиқлар ҳам давом этади. У одамларнинг кундалик шодликларини ташвишларидан айрилиб қолган, улар гулхан атрофида давра куриб ўтирган пайтларда у одамларга керак эмас. Унинг ўз ҳаёти бор, уларнинг ўз ҳаётлари... ва бу ҳаётлар ҳечам бирлашмайди... Бундай оқшомлар унинг ғашига тегар, юрагини сиқарди. Урушда бошқача. Жангда унинг бир оғиз сўзи минглаб жангчилар учун ҳаёт-мамонтга айланар, уруш майдонида у бўронларни кўзгатадиган руҳга айланарди, гўё...

Хон элчилар ташрифига катта иштиёқ билан тайёргарлик кўрди. Ҳар бир кешиктан учун шоҳи либослар тикишни буюрди. Ҳар минг кишилик кўшин учун алоҳида ранг, алоҳида зотдор отлар, бир хил қурол-яроғ танлатди. Нўёнлар, укалари ва ўғилларига энг яхши кийимларини кийиб олишни буюрди. Ўзи учун эса ёқалари ва енглари зардўзи ва дурлар билан безатилган парча чопон тикилди. Лекин бу чопонни у киймади. Жим-жима кийимлари билан Олтинхоннинг элчиларини қойил қолдириб бўлмайди. Кундалик кийими ва наMAT қалпоғида қолаверди. Бирдан-бир кўзга ташланадиган нарсаси олтин камари эди. Чодир олдига, худди қурултойларда бўлгани каби, уч поғонали сўри ўрнатиб, унинг устига нафис тангут гиламлари тўшашди. Хон тангут усталари қорамтир ёғочдан ясаган тахт устига чиқиб ўтирди. Сўридан яна эллик қадамча масофага оппоқ наMATлар тўшалди. Унинг охирида, наMATга қадам кўйиш ерида иккита гулхан ёқилди – элчиларга илакишган инс-жинсларни кувади.

Шу ерда кешиктанлар элчиларнинг қуролларини олиб кўйишди ва ўзларини наMAT узра хон ҳузурига кузатиб келишди. Идикут<sup>1</sup>, қарлуқ хони

<sup>1</sup> Идикут, идикут – уйғурларда ҳукмдор шундай аталган.

ва Олмалик ҳукмдори элчилари хонга таъзим қилди. Олтинхон элчилари эса тик тураверди. Темучин уларга қиё боқмай, гурхоннинг собиқ тобеларига кулиб боқди. Тилмочлар ёрдамида улар ўз хожаларининг ихтиёрлари – жунжиккан халқларга ҳарорат улашган қуёш нурлари сингари буюк Чингизхон ҳам уларга ғамхўр ва меҳрибон ота бўлишини маълум қилдилар. Уларнинг нима дейишию қандай совғалар тақдим қилиши маълум, аммо Олтинхоннинг элчилари жумбоқлигича қолмоқда эди. Уларнинг орасида Хо ҳам бўлиб, бироқ у билан учрашишнинг имкони бўлмади. Олдинда қошлари туташиб ўсган дароз киши турарди. Хоннинг ишораси билан у бир қадам олдинга чиқиб, гапира кетди. Унинг сўзларини Хо таржима қилди:

– Хузурингга шу мақсадда келдикки, жоутхури,..

Хон унинг гапини бўлди:

– Менда осмон берган мартаба бор. Мен жоутхури эмасман, Чингизхонман.

Хо бошини кўтармасдан унинг сўзларини таржима қилиб берди. Бароққош қовоғини солди.

– Ер юзида осмон томонидан берилган якка-ягона ҳукмдор бор – бизнинг хуанди. Қолганлар эса унинг изни билангина ерлар ва халқларга эгалик қиладилар. Биз, жоутхури, сенинг хузурингга тахтга янги хуанди чиққанининг хабарини келтирдик. Бу фармонни сен тиз чўкиб эшитишинг керак.

Хон қўлларини курси суянчиқларидан юлиб олди. Шундай силтаса бўлди, кешиктанлар уларни найзаларига осонгина илиб олишади. Мияси шанғиллар, нигоҳини парда қоплаганди. “Шошилма, шошилма!” – таъкидларди ўзига ўзи. Олтинхон билан жанжаллашишнинг вақти эмас. Аввал кучулук ва хор-туматларни бир ёқлик қилиш керак... Аммо тиз чўкиш? Бутун халқ, бошқа ҳукмдорларнинг элчилари кўз ўнгида-я!..

– Сизларнинг олтин хонларингиз менга ота эмас. Лекин у менга ука бўлиши мумкин. Ака-укалар бир-бирларининг гапини тиз чўкиб тинглаганини қаерда эшитгансизлар?

– Хуанди осмоннинг ягона ўғли ва унинг биродарлари йўк.

Улар қайсарлик билан борган сари унинг тиз чўкишини қаттиқроқ талаб қилишарди. Бу мунозара бефойда бўлиб, унинг чўзилиб кетиши Чингизхоннинг хавотирланаётганини ошкор қилиб қўйиши мумкин эди.

– Сизларнинг янги хуандиларинг ким ўзи?

– Ҳоким Юн-цзи.

– Ҳа, мен уни биламан! Кўрганман. Сен, элчи, аҳмоқ экансан-у, лекин ҳокиминг сендан ҳам аҳмоқроқ экан. Ҳаммасини мен айтгандай таржима қил! Ҳали шундай нотавон одам хуанди бўлдимми? Мен ундай одамга тиз чўкиш тугул, мирзам Татунг-ага ёрдамчиликка ҳам олмаган бўлардим. Кўзимдан йўқол!

У элчиларнинг ҳаммасини бошқа-бошқа ўтовларга қамаб қўйишни буюрди. Бу ишни Хо билан алоҳида гаплашиб олиш учун қилди. Бироқ таржимон унга бошқа бирон-бир янги гап айтмади: Хо билганидан ортиқ маълумотга эга эмасди. Ҳа, Чжундудагилар хавотирга тушгани аниқ. Улар Чингизхон Си Ся шаҳаншоҳини енга олишига ишонишмаган. Лекин амалдорлар фикрича, бунга Чингизхон кучлилиги эмас, ички келишмовчиликларга ўралашиб қолган тангутларнинг бўштоблиги сабаб бўлган. Элчиларга хонни қўрқитиш, шу билан бирга унинг қанчалик хавфли эканини текшириш буюрилган.

Олтинхон билан бўладиган уруш унинг элчиларига қилинган ҳақоратли жавобдан кейин аниқ-равшан бўлди.

Улкан чўл бағрида Олтинхон кўшини кўрқинчли кўринмасди. Буюк девор ортига бориш керак, агар само марҳамат қилса, ўша ер ўлжага бой. Лекин... Олтинхон ҳамма даврларда барча қабилаларга ваҳима солиб келган. Унинг қудрати олдида энг кўркмас хонлар ҳам ҳадиксираб турардилар... Бундай дангал юришнинг охири вой бўлмасмикан?

Хон уч кечаю уч кундуз қоронғи ўтовдан чиқмади. Таом ҳам емади, осмонга ибодат қилиб, узоқ ўйлади. Кейин нўёнларини чақиртирди.

– Олтинхон ўзбошимчалик билан бизнинг кидан биродарларимиз ҳокимиятини тортиб олди. У қабилаларимиз ўртасига фитна солиб, баҳодирларимизни ўлимга маҳкум этди. Аждодларимиз уларнинг барча зулмлари учун қасос олишни васият қилган. Ашаддий душманларимизнинг адабини бермай туриб, тинч ва осойишта яшай оламизми? Осмон мени ёвуз ният эгаларини мағлуб этишга чақирмоқда. Мен унинг иродасига қарши бора оламанми? Айтинглар, жангчиларимиз отланаверсин !

## 6

Хон отда тоққа тик қараб кетган йўлдан борар, от туёқлари остида тошли йўл ғичилларди. Ҳар тарафдан тик, ўткир қоялар қад ростлаб турар, у ер-бу ерларда қорли чўккилар ҳам кўзга ташланарди. Тоғ тизмаси бўйлаб улкан илонни эслатувчи, тошлардан тикланган, хира-кўкимтир ўсимликлар қоплаган Буюк девор ястаниб ётарди. Девор узра ғиштдан кўтарилган тўрт бурчак буржлар – миноралар кўринарди. Ўзининг улуғворлиги, мустаҳкамлиги, ҳар қандай кучга бардош бера олиши билан у киши ақлини шошириб кўярди. Аммо бу юрт ҳукмдорларини на бу улкан девор ва на пурвиқор тоғлар ҳимоя қилолди. Улар ўзларини осмон қадар улуғлар, салобатлари билан кеккаяр, одамлари кўплиги билан кўрқитарди. Аммо бостириб келгач, шунча вақт кўрқиб юргани алам қилиб кетди. Бойлик, енгил ҳаёт бу ҳукмдорларнинг абжирлик ва ботирлик каби фазилатларини “еб”, бўшанг ва бесўнақай қилиб кўйганди.

Хон бир йилдан бери уруш қияпти, ўнлаб шаҳарларни олди. Мана, яна олға боряпти. Яна жангчилари ташлаб кетилган шаҳарларга эга чиқяптилар. Тобора жануб томон, Чжундуга қараб яқинлашмоқдалар. Қўлга киритилган ўлжалар қарвони кўшин қалбига шодлик бахш этиб, чўл томон оқмоқда.

Торроққина бир водийга тушиб келишди. Чингизхон унча катта бўлмаган қалъа яқинида ўз қароргоҳини тиклади. Унинг келаётганини эшитган шаҳаншоҳ жангчилари бу ерларни ташлаб кетишганди. Тоғ ён-бағирларидаги далаларда яйдоқ отлар ўтлаб юрар, гулханлар алангаланарди. Қалъа ёнига ўрнатилган палахмонларда жангчилар тош отишни, душман дарвозаларини вайрон қилишни машқ қилишарди. Оғир-оғир харсанглар гумбурлаганча қалъа деворларига урилар, тошлар ва ғиштлар майда-майда бўлиб сочилиб кетарди.

Темучин ўз ўтовига қараб кетди. У ям-яшил тепалик устига тикилган. Хон ҳозир ечиниб, дам олгандан кейин чопарлари ва нўёнларини қабул қилади. Оқшомда бўлса хушовоз хитой қизлари майин кўшиқлар билан ором беришади. Уларнинг биттасини у ўзи билан олиб қолади. Улар худди кўшиқларидай нозик... Кейинги пайтларда аёллар уни унчалик қизиқтирмай

қўйган, умуман, осон эришиладиган нарсалардан кўра, қўлга киритиш мушкул бўлган нарсаларга ўч эди. Ўшалар унинг қонини жунбишга келтирарди.

Хон ўтовига Бовурчи кириб келди.

– Бугун иш кўпми, Бовурчи дўстим?

– Бир нималар бор. Руҳонийлар сенга учрашмоқчи. Шикоят билан.

– Чопарлар яхши хабар олиб келишганми?

– Яхши хабар, хон.

– Унақада кутиб туришади. Шикоятчилар ва ҳожатмандларни чақир.

Руҳонийлар икки киши экан. Иккови ҳам титилиб кетган пойафзал, дағал матодан кенг қилиб тикилган ва кўкрак остидан арқонлар билан чандиб ташланган ридо кийган, қўлларида калтак.

– Кимдан шикоятингиз бор?

Ёши каттароқ, озгин, бурни устида пушти ранг ортиғи бор руҳоний хириллаган овозда гап бошлади:

– Биз ҳеч қачон, ҳеч кимдан шикоят қилмаймиз, ҳеч кимдан ҳеч нарса сўрамаймиз. Аммо сенинг одамларинг бизлардан қимматбаҳо нарсалар сўрашяпти, олтин ва кумуш талаб қилишяпти. Биз бойлик тўпламаймиз. Бутун борлиқ йўли – дао йўлида бўлган биз қарияларни безовта қилиб, ўзингизни қийнаб нима қиласизлар?

– Бу дао деганинг нима ва у одамларга нима беради?

– Дао барча ибтидонинг аввали ва барча ўлчамларнинг тартибга солинганидир. Одамлар тушунмай ёки билмасдан шу тартибни бузадилар, оқибатда турли бахтсизликлар келиб чиқади.

– Сизлар дао, биз эса осмон ҳукмига қараб иш тутамиз. Бизда ҳаммаси тушунарли, аммо сизларнинг сўзамоллигингиз мақсадни хиралаштиради.

Руҳонийлар ўзаро пичирлашиб олдилар ва ёши улуғи давом этди:

– Сиз ҳаммасини тушунмадингиз. Соддароқ тушунтиришга ҳаракат қиламан. Буюк Лао-цзи таълимотига кўра, дунёдаги ҳамма нарса ўзгаришга маҳкум. Бири кучайганида, бошқаси кучсизланади, бир нарса бунёд бўлаётганида, бошқаси вайрон бўлади, биттаси катталашади бошқаси кичиклашиб боради. Танганинг икки тарафи каби – у тарафини бу тарафидан ажратиб бўлмайди. Калта нарса бўлмаса, узун нарса қаердан бўларди? Баландсиз паст бўлмайди, осон иш бўлмаса, қийин ишни қайдан билардик, яхшилик бўлмаса, ёмонликни қандай ажрата олардик.

“Тузук, тўғри англашибди, – ўйлади хон. – Буни яна давом эттириш мумкин. Изтироб бўлмаса, шодликни, хавотир бўлмаса, хотиржамликни қаердан билардик?”

– Хўш, кейин-чи?

– Ҳеч бир гул абадий яшнаб туролмайди. Гуллашнинг кетидан сўлиш келади. Икки номутаносиблик бири бирининг ўрнини эгаллайди. Бахтсизликда бахт барқ уриб турса, бахт бахтсизликни келтириб чиқаради.

Бу фикрларнинг маъноси тушунарсизроқ, бир жойи тўғри келса, бир жойида иккиланиб қоларди. Чунончи, сабрсизлик билан шоширди:

– Қисқа гапиринглар, оддийроқ, соддароқ қилиб!..

Қария катта-катта, сарғиш тишларини кўрсатиб кулди.

– Буюк хон одам бутун умр ўрганадиган нарсани бирданига тушуниб етмоқчи... Қисқаси, мана бундай. Одам отдан йиқилиб, қўлини синдириб олгани – кулфат. Лекин энди у от минганда эҳтиёткор бўлади, бошқа фалокатларга дуч келмасликка ҳаракат қилади, шошилмасликка ўрганади.



Фикр қилиб кўриб, у ишнинг моҳиятини тушунади. Эҳтиёткорлик ва омилкорлик одамни кўнгилсизликлардан асрайди ва у узоқ яшай олади. Ишини тушуниб қилиш – машҳурлик ва бойликка сабаб бўлади. Узоқ ва бадавлат умр кўриш эса бахт. Лекин мана шу бахт бахтсизликдан пайдо бўлди-ку. Қўлини синдириб олмаганида, шу кунга келармиди? Лекин, ай-тиб ўтганимиздай, бахт ҳам бахтсизликни келтириб чиқаради. Бадавлатлик ва машҳурлик чегарасига етиб боргач, одам яна мулоҳазалиликни йўқота бошлайди. Гердайишга тушади, ишларига панжа орасидан қарай бошлайди ва боридан айрилади. Камбағаллик эса касалликларни келтириб чиқаради, улар эса умрни қисқартиради. Эрта келган ўлим – катта бахтсизлик. Лекин буларнинг ҳаммаси кишининг бахтлилигидан келиб чиқди.

– Ўша бало ва фалокатларни четлаб ўтиш мумкинми?

– Бизнинг буюк таълимотимиз бундай ўргатади: бир нарсага эришмоқчимсан – ўша нарсага ўлиб-тирилиб талпинма, акс ҳолда қўлга киритган нарсанг сенга бошқа тарафи билан юз тутади. Сен ишни ўзинг хоҳламаган нарсдан бошласанг, у ўз-ўзидан номутаносиб кўринишга ўтиб қолади ва сен осонгина истаган нарсангга эришсан. Бошқача қилиб айтганда, ниманидир олмоқчи бўлсанг – бер.

– Сизларнинг таълимотингизни тушундим ва у менга ёқди. Сизларнинг Олтин-хонингиз ҳар қандай ўлчовларга тўғри келмайдиган даражада бойиб кетганди, ўша бахти ичидан бахтсизлик келиб чиқди. У бутун борини менга топширса яна қайта бахтли бўлади! – билдирмасдан ўзича кулиб кўйди. – Ахир, ҳамма қилаётган ишим сизларнинг таълимотингизга мос экан-ку! Ишни ўзим хоҳламаган нарсдан бошладим. Тинчлик ва хотиржамлик истаб, уруш бошладим. Бовурчи, ҳаммага етказ: ибодатхоналар таланмасин, руҳонийлар ва художўйларга тегилмасин ва улардан ўлпон талаб қилинмасин. Донишмандлар, мени дуо қилинглар!

Аслида ҳар қандай илм – жиловсиз от, бутунлай бошқа ёқларга олиб кетади... Айниқса, ўзингнинг ақлинг етарли бўлмаса...

Мухали билан Жоба жўнатган чопарлар чиндан ҳам яхши хабарлар олиб келибди. Албатта, йўқотишлар бўлган. Анчагина қочкин ҳалок бўлибди. Аммо улар ҳисобда йўқ. Биттаси ўлиб кетади, бошқаси қайтиб келади. Муҳими, қўшинни омон сақлаш. Қийшиқоёқ, кўримсиз, баҳодирларга ўхшамаса ҳам Мухали борган сари бошқа нўёнлар орасида алоҳида ажралиб туради.

Жобадан келган хабар эса жуда ҳам қувончли эди. Олтин-хоннинг шарқий пойтахти унинг қўлига ўтибди. Жоба бу катта ва мустақкам ҳимояланган шаҳар тагида узоқ ўтирди. Деворларни эгаллашга бўлган барча уринишлари зое кетганди. Шундан кейин у ҳийла ишлатди. Қўшинни олиб, кетворди. Шарқий пойтахт аҳолиси ўз ғалабаларидан қувониб, шодиёна қила бошлади. Дарвозалар очилди. Жоба бўлса, одамларини энг учқур отларга миндириб, икки кунлик йўлни бир кечада босиб ўтди ва шаҳарни осонгина қўлга олди. Шоввоз Жобага баракалла!

Елюй Люге ҳам яхшигина ўрнашиб олибди. Совға-саломлар жўнатиб, итоаткорлик билан бундан буён Ляо давлатининг вани унвони билан Ляодунни бошқаришга ижозат сўрабди. Кидан шоҳлари авлодидан бўлган бу амалдор билан яқинда учрашган эди. Жуда ҳам айёр, ақлли ва чапдаст одам. Илгаридан тайёргарлик кўриб юргани учун бир зарб билан Олтин-хон салтанатининг каттагина қисмини қўлга олди. Шу иши билан у хонга ҳам

катта ёрдам қилди. Аммо бундай одам билан эҳтиёткорроқ муомала қилиш керак. Бугун у Ляо вани бўлишни истаяпти, эртага Олтин-хоннинг ўрнига ўтиргиси келиб қолар... Уни нима қилиш керак? Рад жавобини бериш осон иш. Аммо бу ақлсизлик бўлади. Ўз ерлари учун Елюй Люге жон-жаҳди билан олишади. Олтин-хон хизматида юрган кўпгина киданлар ҳам ўз соҳибларини ташлаб, унинг биқинига келиб қўшилиши мумкин. Бурнида сўғали бор руҳоний қария айтгандек: “Бир нимани олишдан олдин – бер”.

– Бовурчи дўстим, Шихи-Хутагга айт, ван унвони учун ёрлик тайёрлаб қўйсин. Ҳаммаси худди Олтин-хон расм-русумларидагидай бўлсин. Елюй Люге бизга ўғлини жўнатсин. Шундай қилсак, тинчроқ бўлади.

– Ваннинг ёнига бирга бошқариш учун битта нўёнимизни жўнатсак-чи?

– Нима ҳам дердим, яхши ўйлабсан. Ўзинг одам танла... Нима деб ўйлайсан, Чжундуга яқинроқ бораверсакмикин?

Ҳамма ишлар ҳал бўлди. Чарчоқлардан бўшашган хон ўзини хотиржам хис қилди.

– Ҳа, Бовурчи, эртага укам Хасарга фармойиш тайёрлатиб қўй. Мухалининг қўл остида туманбошиликка бориб қўшилсин. Бекор юргани етар.

– Балки уни ваннинг ёнига қўярмиз?

– Нималар деяпсан! Хасардан бошқарувчи чикмайди. Уч кунда Елюй Люге билан урушиб, ҳамма ишимизнинг пачавасини чиқаради.

Улар ўтовдан чиқишди. Атрофда гулханлар гуруллаб ёнарди. Ҳозир бир сўз деса, оловлар ўчиб, тун зулмати туёқлар шовқини остида қолиб кетади.

7

Хуанхэ дарёси тўлкинларида қуёш нурлари жилваланади. Қарама-қарши томондаги пастак қирғоқ аранг кўзга ташланарди. Қайиқларда, солларда сузиб келаётган душманнинг қочоқ жангчилари шу жойда сувдан чиқиб оларди. Хон жангчилари холдан тойган отларидан тушиб, ўқ-ёйларини йиғиштирар, отларини суғорарди. Хитой даштларининг жазирамасию қайноқ шамолларидан уларнинг юзлари қорайиб, қовжираб кетганди...

Хон қочиб ўтаётган жангчиларга бепарвогина қараб, кешиктанга дубулғага сув тўлдириб беришни буюрди. Лойқаси ўйнаб кетган сув сарғимтир тусга кириб, бўтана бўлиб кетган. Қирғоқлар ҳам шунақа – бўзарган-сарғиш тусда эди.

– Жангчиларим, мен сизларни мана шу буюк дарё лабига бошлаб келдим. Елкамиз оша узоқ кунлар, қўлга олинган кўплаб шаҳарлар, минглаб мағлуб этилган душман бор. Менинг қўрқмас аскарларим, шу бугунгача сизларни олға чорладим. Ҳозир эса отлар бошини бурадиган паллада турибмиз. Мана шу буюк дарё сувидан қониб ичиб, унинг мазасини эслаб қолинг. Биз бу ерларга яна қайтамиз, – хон дубулғани кўтариб, сувдан бир култум ютдида, унинг бадбўйлигидан афти бурушди. – Менинг жасур баҳодирларим! Тез кунда ўз дарёларимизнинг тиниқ ва покиза сувларини ичгаймиз!

Шодиёна кийқириқлар Хуанхэ қирғоқлари бўйлаб таралиб кетди. Жангчилар бош кийимларини тепага отар, дубулғаларини шарақлатиб, “Уйга! Уйга!” деб хайқирарди. Хон уларга қўшилишиб шодланмади. У ҳали ўйлаган барча режаларига етолгани йўқ.

Ўтган кузда Чжундуни ҳар тарафдан ўраб олган бўлса ҳам, уни қамал қилиб ўтиришга вақт сарфлагиси келмаганди. Чунки қамал узоқ чўзилиши,

бир неча ойлаб давом этиши мумкин. Душманнинг саросимага тушиб қолганидан фойдаланиб, бошқа шаҳарларни босиб олиши, Олтин-хон тўплаган жами бойликларни қўлга киритиши керак эди. У қўшинни уч қисмга бўлди. Чап қанотга Мухали, ўнг қанотга Жўжи, Чиғатой ва Ўқтойларни қўйди. Ўзи эса Тулуй билан бирга ўртадан борди. Чжунду қамалида фақат икки туман лашкар қолдирди. Олтин-хонни ваҳимада ушлаб туриш учун шу кифоя қиларди.

У Хуанхэгача бўлган ҳамма шаҳарларни олиб, музофотларни шипшийдон қилмоқчи. Шунда атрофдан келадиган мадад кучларидан айрилган Олтин-хон унинг қўлида бўлади. Олтин-хоннинг пойтахти қанчалик буюк ва бадавлат бўлмасин, бошқа шаҳарлардан олинган ўлжалар барибир Чжундудагидан анча ортиқ эди.

Ярим йил ичида унинг қўшинлари тўксонта шаҳарни олдилар. Хуанхэнинг шимолий томонида қўлга олинмаган мудофааси мустаҳкам, одамлари кўп яна ўн биттагина шаҳар қолган. Уларни ҳам қўлга олиш учун вақт керак. Лекин қўшин чарчади. Тинимсиз жанглар ва жазирама уларни ҳолдан тойдира бошлади. Ўлжалар кўплигидан уларнинг қизиғи қолмаганди. Бунинг устига турли касалликлар тарқала бошлади, ҳатто, юз кишилик бўлинмалар ҳам хасталаниб ётиб қолганди. Орада ўзларини қиличу найзалар билан ҳимоя қилолмаган хитойликлар ёвуз кучлар билан тил топишиб, хон қўшини устига турли жодулар юбораётган эмиш, деган миш-мишлар тарқалди. Бу эса жангчилар кўнглига ғулғула солиб, хонни ҳам ўйлатиб қўйди...

Қўшинни ортга қайтариб, уларни яна тетиклаштириб олди.

Яна Чжундуга қараб йўл олинди. Хувиллаган қишлоқлар, вайрон қилинган шаҳарлару култепалар ёнидан, беҳисоб қўшинлар топтаган ерлардан ўтиб боришарди. Одамлар тум-тарақай қочиб қолганидан ҳамма жой бўм-бўш бўлиб ётарди. Гердайган Олтин-хон ва унинг халқини қанчалик қақшатганини хон гўёки биринчи бор кўраётгандай эди. Мана сизларга жоутхури! Мана сизга фармонни тиз чўктириб тинглатиш! Аммо унинг ичида бир нарса шодлигини чеклаб турарди. У ўзида ҳам ўшандок гердайиш бош кўтаришини хоҳламасди. Акс ҳолда унинг гердайиш билан ўз халқини шу кўйга солган, осмон марҳаматидан маҳрум этилган Олтин-хоннинг гердайиши орасида қанақа фарқ бўларди? Қўшин орасида касаллик тарқалиши осмон марҳамати омонат эканлигига ишора эмасмикин? Дао илми заҳматкашлари бўлган руҳонийлар суҳбати эсига тушиб кетди. Ўша даочи руҳонийлар ҳақида у кейин ҳам турли-туман сирли воқеаларни эшитди. Лекин у масхараомуз қабул қилган ўша суҳбат хотирасига қаттиқ ўрнашиб қолган. Улар баён қилган ҳақиқатлар уни бот-бот ўйлатарди. Уларнинг таълимотига кўра, энг олий чўққига етишган ҳар нарса ўзининг дастлабки ҳолатига қайтади. Худди шундай бўлса керак. Бу ерларда қачонлардир ибодатхоналар ва саройлар бўлмаган, на боғлару на экин далалари бор. Деворлари бунчалар мустаҳкам шаҳарлар қайда эди? Фақат яйловларгина бўлиб, одамлари ўтовларда, чалдиворларда яшаган. Бироқ буларнинг ҳаммаси рост бўлса, хон ҳам юксакликка кўтарилгач, яна эски ҳолига – камбағалона, дуд босган ўтовига, ними-нисби егулигу, хўрликларига қайтиши керак бўлади-ку. Ўзи бўлмаганда ҳам фарзандлари, набиралари... Бу фикр уни хавотирга, изтиробларга солар, буни ҳеч ким билан ўртоқлашиб бўлмасди.

Ит йилининг учинчи ойида (милодий 1214 йил, апрель) хоннинг барча лашкари Чжунду пойидаги Догоу қалъаси яқинида тўпланди. Тикка тепалик устига хон учун каттакон чодир тикилди. Шу ердан бутун яланглик яққол кўриниб турарди. Ҳозир у ердан уюрлар ва подалар оқими ўтиб борар, боши эгик, қадди букчайган асирлар тўдаси, оғир юклар ортилган араваларнинг кети кўринмасди. Шимолга! Туман нўёнлари ва мингбошилар хон хузурига тўпланди. Хон яқинида унинг ўғиллари ва Хулан, сал нарироқда Хасар билан Билгутой ўтирарди.

– Нўёнлар! Биз ўз қахрамонликларимиз билан бутун ер юзида яшаётган одамларни ҳайратга солдик. Аммо қилган ишларимизга маҳлиё бўлиб ўтириш одатимизда йўқ. Кимки кечаги куни билан яшар экан, унинг эртаси йўқ. Нўёнлар, сахро томон тутган йўлимиз ўрта пойтахт ёнгинасидан ўтади. Уни ҳам қўлга олиш учун тўхтаимизми ёки Олтин-хон шаҳар деворидан туриб, бу кетаётган ўлжалар – қорамолу от уюрлари, қулларга айланган эркагу аёлларга алам билан қараб туришига қўйиб берамизми?

Биринчи бўлиб қочиб ўтганларга сўз берилди. Улар пойтахтни қамал қилиб, таслим бўлишга мажбур қилиш, кейин Хуанхэ қирғоқларига қайтиб бориб, қолган шаҳарларни ҳам олиб, то Сунлар мамлакати чегарасигача бостириб боришга тайёрликларини билдиришди. Уларнинг бу қадар жангариликларини тушунса бўларди. Қочқинлар ўз ерларини ташлаб, сахрога, бегона ўлкаларга кетишни истамасди. Лекин кўпгина бошқа нўёнлар ҳам Чжундуни қўлга киритишга уриниб кўриш керак, деган фикрни ўртага ташлади. Ҳаммадан кўра Мухали аниқроқ гап айтди.

– Улуғ хон, ёй тортилган, ўқ нишонда турганда камонни туширишнинг нима кераги бор? Чжундуда ҳарбийлар кўп, деворлари баланд ва мустаҳкам. Аммо бизнинг юз минглаб асирларимиз бор. Ўшаларни шаҳарга ташлаймиз. Улар бизга тирик қалқон бўлса, шаҳарни ортиқча талафотсиз қўлга оламиз.

Мухали кўп ишлатилган усул ҳақида гапираётганди. Душманлар кўпинча шаҳар ичидаги аҳолидан қўшин тўплар, қишлоқларда яшайдиганлар эса ҳимоясиз қоларди. Мана шу шўрпешоналар қамал қилинган шаҳар деворларини ишғол қилишу дарвозаларини бузишга ташланарди. Олтин-хон аскарлари олишувлар пайтида ўз оталарию биродарларини таниб қолишар ва шундай пайтда мардлигу жасоратни ҳам унутиб, қўлларидаги қуролни ташлашарди. Бу, албатта, хонга маъқул. Бироқ бу усул Чжундуда фойда бермайди, чунки шаҳар жудаям катта, хон ўзининг ҳам минглаб жангчиларини қурбон бериши тайин.

Бовурчи Мухалининг айтганларига кўнмади.

– Ҳар қандай ўқ ҳам нишонга тегавермайди. Айниқса, чарчаган қўлда отилгани. Аскарларимиз ҳолдан тойган, отларимиз ҳам ҳозир кучсиз. Тез кунларда жазирама бошланади...

– Мен жазирамадан кўркмайман, – деди Мухали.

– Биласанми, мен нима учун Исатой нўённинг минг нафар аскарини олиб кўйдим? – сўради хон. – У ўзи ҳечам чарчамагани учун бошқаларни ҳам чарчамайди деб ўйларкан. Шунинг учун ҳам мингта аскарини ҳолдан тойдириб ташлабди. Қараб турсам, сенлар ҳам мени ўша нўёндай иш тутишимни хоҳлаяпсизлар. Овга борганимизда жониворларни охиригача қирмаслик қоидасига амал қиламиз. Бу ерда ҳам шундай йўл тутиш керак. Олтин-хонга раҳм қилиб эмас... Бор ана, пойтахтни ҳам олдик, осмон

ўғлини ҳам асир қилдик, дейлик. Хўш, кейин-чи? Қўшин дам олиши керак, деймиз-да, ортга қайтамиз. Бебошвоқ қолган юртга ғарбдан тангутлар, жанубдан суннлар босиб келади. Биз ололмаган нарсаларни улар талайдилар ва кучаядилар. Фақат ақлсизлигимиз туфайлигина бунга йўл қўйишимиз мумкин. Йўқ, Олтин-хон яшаб туриши керак. Кимда қандай фикр бор?

Маълумки, ҳеч кимдан гап чиқмади. Хон Шихи-Хутакни чақирди.

– Сен Чжундуга борасан ва Олтин-хонга бошингни эгмасдан бундай дейсан... – Хон нима дейиш кераклигини ўйлаганча жим қолди. – Бундай дейсан. Сенинг Хуанхэ қирғоқларигача бўлган ерларингни қўлга киритдим. Қўлингда фақат шу шаҳар қолди. Бунчалар хароб қолга тушишингга осмон сабабчи экан, сени бутунлай хоки-туроб қиладиган бўлсам, ўзим ҳам осмоннинг ғазабига дучор бўлишим мумкинлигини ўйладим. Шунинг учун ҳам мен кетишга тайёрман. Нўёнларим ховуридан тушишлари учун қўшинимни таъминлашга қалайсан? Шу...

– Жудаям мулойим гаплар, – тўнгиллади Хасар. – Унга шундай гап айтки, курагигача совуқ тер боссин.

– Қаттиқ хураётган итнинг ўзи қўрқаётган бўлади... Яна Олтин-хонга айт: сенинг ота-боболаринг душманни енгиб, уларга ҳеч вақо қолдирмаган ва қашшоқликда тутган. Мен адолат ўрнатиш ва хўрланганларнинг қаддини тиклаш мақсадида Елюй Люгега ван унвонини бердим ва ерлар, одамлар ажратдим. Унга тегиниб, мени ранжитма. Яна, – хон Хуланга кўз қирини ташлаб олди. – Менинг кўнглимни олиш ва дўстлигимиз белгиси сифатида қизларингдан бирини менга хотинликка беришингни хоҳлайман.

Ярақлаган қурол-аслаҳалар таққан Шихи-Хутак ўша куниёқ кешиктанлар кузатувида Чжундуга йўл олди. Олтин-хон кенгаш чақиртирди. Кейинчалик, кочиб ўтганларнинг яқинларидан Чингизхонга хабар беришларича, қўпчилик шаҳаншоҳни мўғуллар устига бостириб боришга мажбурлабди. Аммо шаҳаншоҳнинг Фу-син исмли чен-сян қўшинга ишониб бўлмаслиги, улар шаҳар деворларидан чиқишлари биланоқ тарқаб кетишлари, шунинг учун хон сўраган нарсаларни бериб, тинчгина жўнатиб юбориш керак, дебди. Фақат хоннинг сўнгги талаби юзасидан ишқал чиқибди: шаҳаншоҳнинг қизи йўқ экан. Шунда кенгаш қарорига кўра, Сюн марҳум шаҳаншоҳ Юнь-цзининг қизини васийликка олиб, ўшани Чингизхонга тортиқ қиладиган бўлибди.

Келинни чэн-сян Фу-синнинг ўзи Чингизхон қароргоҳига олиб келди. Келин усти берк маҳобаларда келди. Унга беш юз нафар ўғил бола ва беш юз нафар қизлар ҳамроҳ бўлиб, ҳар бирининг қўлида чинни, кумуш ва олтин идишлар тахланган патнислар, дур ва қимматбаҳо тошлар қадалган тақинчоқлар, фил суяги, қизил дарахт, нефрит ва яшмадан ясалган ажабтовур нарсалар билан тўлдирилган кутичалар бор эди. Ҳарбийлар парча ёпинчиқлар ёпилган уч мингта отни жиловидан ушлаб келишарди. Буларнинг ҳаммаси – ўспиринлар, қиз болалар, сийму-зар ҳам, отлар ҳам келиннинг сепи эди.

Хон ёнида турган Хуланнинг кўзлари олов бўлиб ёнар, хитойлик келин ўтирган маҳоба нега ёниб кетмаётганига ажабланар эди. Хон олтин иплар билан қақнуслар тасвири туширилган пардани кўтарди. Шойи матоларга бурканган қиз чўчиб тушиб ўзини четга олганича ёстикларни кучоқлаб олди. Сийраккина қошлар остидан қараб турган кўзлари кичик-кичик, даҳани учлик бир қиз экан. Фу-син унга бир нима деди. Қиз табассум

қилишга ҳаракат қилди – қон қочган лабларини жилмайиш учун очганди, нотекис ўсган майда тишлари кўриниб кетди. Хон елкаси оша маҳоба ичига қараб улгурган Хулан истехзо аралаш хотиржам нари кетди. Хон ўзини алдангандай ҳис қилди...

Фу-син Чингизхонни то Цзюйюган қалъасигача кузатиб борди. Шу ерда улар хайрлашишди. Хон унга олтин эгар урилган от ҳадя қиларкан, малла мўйловлари остига масхараомуз кулгисини яширганча:

– Яхши одам билан ажралгинг келмайди. Бир нарса таскин беради: осмон ирода қилса – яна учрашамиз.

Фу-син кетгач, хон қари ва чалажон асирларни қиличдан ўтказишни буюрди. Ўзи эса қўшини билан Хинган тизмаларининг шарқий ён-бағирлари ёқалаб йўлида давом этди. Ёзни Юрли кўли яқинида, узоқ шимол томонларда ўтказишни истади. У йўлда шошилмай, тез-тез дам олиб борар, қўшинга ҳам, отларга ҳам дам олишга имкон берарди. Елюй Люгедан нохуш хабарлар билан чопар келди. Олтин-хон унинг устига жасур ва тажрибали юн-шуай Ван-ну бошлиқ тўрт юз минг кишилиқ қўшин юборибди. Бир неча тўқнашувларни бой бергач, Шарқий пойтахт ва яна бир неча шаҳарни ташлаб кетибди. Унинг мағлубияти шарманда бўлган душманга куч бериши мумкинлигини ўйлаб, хон Мухалини ёрдамга жўнатди.

Чжундудан янги чопар келди. Ўз хавфсизлигини ўйлаган Олтин-хон ўрта пойтахтни тарк этиб, Хуанхэнинг нариги қирғоғидаги Бян шаҳрига кўчишга аҳд қилибди. Чжундуда валиаҳдини қолдириб, қолган оила аъзолари билан йўлга отланибди. Кидан ҳарбийлари эса ўз юртларини ташлаб кетишга норозилиқ билдиргач, Олтин-хон уларнинг отларию қуролларини тортиб олишни буюрибди. Бундан ғазабланган ҳарбийлар цзян-дяни ўлдириб, Чадани ўзларига янги бошлиқ қилиб сайлашибди. Бу исёнчиларни тинчитиш учун пойтахтдан қўшин етиб келибди. Аммо Чада уларни тор-мор қилиб, ўзига қўшилиб келаётган бошқа қочқинлар ҳисобига кучайиб, пойтахтга юриш қилибди. Бироқ пойтахтни олишга кучи етмай, Чингизхондан кўмак сўрабди.

Хон яна орқага қайтди.

## ТЎРТИНЧИ ҚИСМ

### 1

Унгурлар орасида ярадор қулон учиб борарди. Унинг елкаси қўрқувдан титрар, биқинидан қон тизиллаб отилар ва қиров тушган ўт устига алвон чизик тортиб борарди.

Хон жазава аралаш товонларини отининг кўпчиб кетган биқинларига ниқтарди. Яна озгина... Яна... Хон узанги устига турди-да, камонини қаттиқ тортиб, қулоннинг елкасини нишонга олди. Ўқи тегмади. Аламидан сўкинганича, камони билан отнинг сағрисиға урди. У кетма-кет нишонга олмасдан ўқ узар, лекин ҳаммаси қулоннинг ё чап, ё ўнг тарафидан учиб ўтиб кетарди. Хон шу тахлит то барча ўқи тугагунча отди. Сўнгра камонини ҳам улоқтирди-да, отига қамчи босди. Қулон тобора узоқлашар, унинг ортидан қувиш эса ақлсизлик билан баробар, лекин хонни шу пайтда ақли тарк этганди. У енгилган эди-ю, лекин буни асло тан олгиси келмасди. У

тез чопгани учун кулондан, имиллагани учун отидан, аниқ нишонга ололмаганлиги учун ўзидан нафратланарди.

Унинг оёқ-қўли титрар, юраги тез-тез урарди. Шу топда унинг қалбида на ғазаб ва на нафрат бор эди. Негадир ўзига раҳми келди. Туйқус келган изтироб аралаш ўйлади: “Наҳотки қариётган бўлсам?” Қалпоғини ечиб, кафти билан бошини силади, кокилини пайпаслади. Олди сочлари аллақачон тўкилиб бўлган, тез орада сочларини ўришнинг ҳам имкони бўлмай қолади. Соқоли ва мўйлови эса борган сари оппоқ тусга кириб борарди. Наҳотки, қарилик яқинлашган бўлса? Ҳаёт эса энди бошланаётгандек.

Қўллари ҳам аввалгидек эмас, кўзи ҳам анча хиралашибди, ёшлиги кетган кўринади... Э, йўқ. У ҳеч қачон мункилламайди ҳам, қаримайди ҳам, осмон уни ожизликдан эҳтиёт қилади. Кешиктанлар етиб келди. Ҳеч ким ҳеч нарса ҳақида сўрамади. Нарирокда улоқтирилган камон, ҳар тарафга отилган ўқларни битта қўймай териб олишди. Бошқа от олиб келиб, хонни миндиришга ёрдам бермоқчи бўлишди, лекин хон уларни итариб, оёғини ўзи узангига қўйди. Ўрамга қайтгунча, ҳеч кимга бир оғиз ҳам сўз демади.

Унинг ўрдаси улкан шаҳарни эсга соларди. Қишки ўтов баланд бўлиб, унинг мўриси узоқдан кўзга ташланар, ташқаридан ката-катта нақшли матолар тортилган, хитойлик рассомлар томонидан алвон-қизил бўёқлар билан бўялиб, тилла суви юритилган ўймакор эшикли эди. Олтин-хонни қолган-қутган давлатини забт этаётган Мухали ўлжалар ортилган аравалар қарвони ва тўда-тўда ҳунарманд асирларни жўнатиб турарди. Елюй Чуцай хонга улкан саройлар ва ибодатхоналари бўлган шаҳар қуришни, уни бошқа давлатларники сингари мустаҳкам девор билан ўрашни маслаҳат қиларди. Хон истехзоли қулиб:

– Хитой девор билан ўралган эди – омон қолдими? Улусим учун менинг ўзим деворман. Ибодатхоналарингга келсак... Осмон ҳамиша бошимиз устида, рухлар чўлда ҳам, ўрмонда ҳам, водийларда ҳам, тоғларда ҳам яшайверади. Ибодат қилсанг, ибодатхонасиз ҳам эшитиб туришади, – деди.

– Эй, буюк хон, ҳар бир халқнинг ўз худоси бор ва ҳар ким қалби буюрганича ибодат қилади. Сен турли тилли мамлакат барпо қилдинг. Бамисоли лой тўшамисиз урилган девор сингари халқлар ҳам ҳар бири ўзича яшайди. Ўша деворни елканг билан бир туртсанг, ҳаммаси ерга қулайди. Турли халқларни битта дин ёки пухта ишлаб чиқилган давлат тузуми бирлаштиради.

– Ҳамма учун битта дин йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Майли, осмонда ҳамманинг ўз Тангри – Худоси бўлаверсин, лекин ер юзида ҳамманинг худоси – менман. Ҳамма ғиштларни бир-бирига шундай бирлаштирайки, қайси бири тушиб кетса ёки қуласа, жангчиларим билан теп-текис қилиб келаман.

– Буюк хон, от устида ўтириб, халқларни мағлуб этиш мумкин...

– Ўша сен айтган мустаҳкам девор ичидагиларни ҳам, – эслатди хон.

– Ҳа. Лекин от устида ўтириб, уларни бошқариб бўлмайди. Олампадох, шаҳар ва қишлоқларни хонавайрон қилмасликларини буюр. Сенга ўлпон тўласинлар-да, одамлар аввал қандай яшаган бўлса, шундай яшайверсин... Шунда сен жангчиларинг қўлга киритган ўлжалардан ҳам кўпроқ бойликка эга бўласан. Ҳамма давлатларда шундай иш тугилади.

Хон Чу-цайга шубҳа билан қараб қўйди-да, ўтовига кириб кетди. Кетидан Бовурчи, Шихи-Хутак, Чу-цай, Татунг-а киришди. Устки чопонини еча туриб, уларга ўгирилди-да:

– Қолган ишлар билан эртага шуғулланамиз,– деди.

Кирганларнинг барчаси эшикка караб юрди-ю, фақат Бовурчи турган еридан қимирламади.

– Сен ҳам боравер.

– Мен фақат ўғлинг Жўжи ва Субутой-баҳодирни кўришни истамай-санми, деб сўрамоқчи эдим, холос.

– Улар қайтишдими?

– Ҳа, хозиргина етиб келишди. Бир-икки кундан сўнг Мухали ҳам шу ерда бўлади.

– Қолинглар, – деди у нўёнларга. – Ўғлим, Субутой-баҳодир ва Жабани чақиринглар. Ўтиринглар нўёнлар.

Меркитлар устидан қозонилган ғалаба тўғрисидаги хушхабарни унга аллақачон етказишган, шунинг учун ҳам Субутой-баҳодир ва ўғлидан янги гап эшитмаса керак. Лекин барибир уларни тинглагиси келди: зафарли жанглар ҳақидаги суҳбатлар ҳар доим унга янги куч, тетиклик бахш этар, янги ҳаракатларга чорларди.

Жаба келди. Нўёнлар орасидаги энг қўрқмас бу дўсти ўрда ҳаётини ёқтирмасди. Бошқалар учун хон ўтовига меҳмон бўлиш, бирон-бир маслаҳат бериб ёки шунчаки гап ташлаб ўтириб ҳам хоннинг шавкатидан баҳраманд бўлиш бахт саналар эди. Лекин булар Жаба учун турган битгани азоб. Унинг иши – кўшинни эргаштирганча ёв устига бостириб бориш эди.


– Жаба, Субутой-баҳодир қайтибди... Отинг совуб қолмадими?

– Совуб қолди, буюк хон. Қачон эгарлай?

– Аввал Субутой-баҳодир ва ўғлимни эштайлик.

Субутой-баҳодир ва Жўжи сафар кийимларини алмаштириб улгуришмабди ҳам. Улар ўтовга ўзлари билан отларнинг тер исини, сахро гиёҳларининг ҳидини олиб киришди.

*(Давоми келгуси сонда)*





*Иброҳим ҒАҒУРОВ*

## ҲАЖР ВАҚТИ

Соқийнома

I

*Чарақлаган осмон, кўклаган водийлар, юрагимда тошади завқлар:  
Сайрга чиқайлик дийдор  
Висол билан огушта чоғлар...*

XXI аср 16-йилининг апрели бошланган эди. Тўрт оёқли нарвон устида туриб кўклаган токнинг кўкалакларини синдириб қўймай, деб авайлаб, эҳтиётлаб зангни пояга маҳкамлаш пайида эдим. Кўшни санаторий боғларидан электр арранинг чинқириб ғариллаши кулокни қоматга келтирар, чамаси юз эллик йиллик чинорларни бутар ва каллақлар эдилар. Азамат чинорлар баҳорнинг нам ерига гурсиллаб қулар, мен турган нарвон тагидаги ер ҳам зириллаб кетарди: чинорлар қуларди гурсиллаб... Зангни ўрнатаётганимда шўралаган бир кўк новда бехос узилиб тушди. “Ах!” – дедим худди жоним узилгандай. Яна эҳтиётсизлик қилдим!.. Эҳтиётсизлигим токка қимматга тушадиган бўлди. Шўра узилган жойдан токнинг шираси оқа бошлади. Жон суви оққандай бўлди танамдан!.. Энди токнинг оқаётган сувини тўхтатиб бўлмайди. Охиригача оқади! Чунки ҳозир тоқларнинг томирига тирик сув югурган... Аламим келди. Шу тоб ваҳимали электр чинқирик кетидан яна гурсиллаган овоз келди: яна бир чинор қулади. Юз эллик йиллар яшаб, қуёш нурларида товланиб, қаҳратон совуқларда қарсиллаб, азамат гавдасини кўкларга довлаб кўтариб, кўзларимизни яшнатиб, бошларимизга жазирамаларда салқин соябон бўлиб – мана, қулаяпти. Куни битган, қулайдиган пайти келган-да. Биз билган замонларнинг хотираси. Хотира чинорлари ағдарилляпти. Янги чинорлар янги замонларда яшайди. Аммо янги ниҳоллар қачон азамат чинор бўлади. Шунда аламли хаёлимдан “Дарахтлар қулайди одамлар каби” деган ибора ўтди. Эрталаб нонушта пайти ҳамшира раҳматли журналист Холида Аҳроровани эслаган, гоҳ-гоҳ қўнғирок қилиб: “Қалай бизнинг йигитлар, яхши юришибдими?” – деб қўйишларини хотирлаб кўзи намланганди. Ҳа-а... қалай бизнинг йигитлар, яхши юришибдими? Йигитлар яхши юришибди. Аммо чинорлар қулаяпти... Ер ларзага келяпти.

*Эй, табиат!*

*Сендан маъно олдим*

*Ҳар дамда!*

*Сендан фикр олдим*

*Ранг-баранг.*

\* Иброҳим Ғафуров – таржимон, мунаққид ва адиб.



Мен севган қушлар боғларни таламас,  
Менга азиз одамлар  
Гўрларга гишт қаламас...

Хаёлим паришон бўлди. Нарвондан туша туриб, шўра узилган новдани дока билан маҳкам тортиб бойладим. Кейин устидан скотч ўрадим. Токнинг шираси бирпас окмай турди. Кейин яна томчилаб, сўнг узун чўзилиб оқа бошлади. Шу замон чўнтагимдаги мобил чириллади. Йиғламсираган ҳолда телефон тугмасини босдим: ҳозирги тил билан айтганда, алоқага чиқдим.



Аммо икки кўзим йиғлаётган новдада: ҳаёт арусини йиғлатиб кўйдим, нетай!

– Алё, Иброҳимжон... – деган хаста овоз эшитилди.

– Эркин ака! – дедим дарҳол ва нарвондан тушдим.

– Яхшимисиз, Эркин ака?

– Мен яхшиман, икки кун бўлди уйга келдим. Бугун ҳаво жуда сўлим... Бир айланиб келайлик... Сиз қаердасиз? Мен машинада бораман...

*О, табиат!*

*Сен одамни кузатиши учун яратгансан,*

*Йўқса, Эркин ака қайдан сизди токим синганини?*

*О, Табиат!*

*Одам кузатилади,*

*Одам ҳаммаёқдан кузатилади,*

*Одам нима қиляпти? – дейишади ҳамма ёқдан.*

*О, Табиат! Сен одамни кузатиши учун яратилгансан.*

*Томоша қиласан яратиб қўйиб,*

*Сендан келар маъно,*

*Сендан келар фикр –*

*Фикрлар оқими,*

*Келар сендан хулё ва хаёл –*

*Мистицизм шарпалари... Неоплатонизм...*

*Қалин япроқлар аро ўлтириб кузатади қумрилар ва*

*Тинмай хухулар.*

*Наъматак буталари ора шўнгиб*

*Кузатади булбуллар ва Шри-Ланкада ўрганмиш куйларин чахчахлар:  
қорачойқора чой қорачой чой қора.*

*Кузатади ўт-ўлан,*

*Кузатади япроқлар –*

*Япроқлар тепасидан кузатади осмон:*

*Нима қиляпти одам?*

*Табиатнинг гултожси...*

*Ким айтган бунни?*

*Гултож Сурияни ёқарми?*

*Ёздирарми бомбалар*

*Мосулга,*

*Пайгамбар мусаввир*

Моний диёрига? Али от ўйнатган муқаддас ерларда бомбалар тўзон кўтарар.  
 Наҳот ўша яратилиш ва яралиш гултожи? Ким айтган гултож деб?  
 Гултожми? Эсга тушар Эркин Воҳидовнинг “Кумурскалар жанги”. Улуғ  
 башоратлар. Аммо ҳеч ким қулоқ солмас энди башоратларга, илгари қулоқ  
 солишганми? Қулоқ солганми биров башоратларга? Аллаким гўзал Туркияга  
 қарши ғазотга чақирар, кўпик сочар сокол-мўйлов жун босган башаралардан?  
 Эркин Воҳидов билан шу ҳақда бугун гаплашмасам бўлмайди: теран чоҳлар  
 тўлиб кетди-ку ёшу қари инсон ўликларига?

*Кузатади юлдузлар:*

*Дубби акбардан Дубби асгарга қадар,  
 Муштин тугар Савр: Нима қиляпти одам!*

*Тупроқ ўғли одам,*

*Тўзон ўғли одам!*

*Сохта расм-русумлар,*

*Сохта қонуну қайдлар,*

*Нима қиляпти одам?*

*Ғумбак каби семириб,*

*Денгиз бўйида туриб*

*Қўлин кўксига суриб*

*Ракета учиради –*

*Балғамин кўчиради –*

*Нима қиляпти одам?*

*Яратилишида азоб,*

*Азобда яратилиши –*

*Тўқир тинмасдан одам!*

*Эй, сенинг зояларинг –*

*Бошдан-оёғи сохта,*

*Гезарган юзинг,*

*Гезарган кўзинг,*

*Каззоб!*

*Сенгача бўлмаганми пирамидалар,*

*Сенгача бўлмаганми ладуний Умирус?*

*Ақтеклар,*

*Қибтийлар,*

*Сенгача бўлмаганми Афросиёб!*

Туркий шаҳарлар отаси! Марду майдон... Бугун гаплашмасам бўлмас  
 Эркин Воҳидов билан мангу ҳаёт ҳақида. Мангу ҳаёт сирин очди у Рухлар  
 билан сирлашиб ва англади шоир Рухлар нималигини... Яна қанчадан-қанча  
 айтилмаган, ёзилмаган англамлари бор ва онг оқимлари тўхтамаган бир  
 лаҳза. Ўйлайсизки, онг оқимлари фақат Жойсда, Беккетда борми? Навоий  
 девонлари кети узилмас абадиятга қараб кетган узлуксиз онг оқими. Эй онг  
 оқимини қоралаган етимпарвар, сенда наҳот йўқ онг оқими? Наҳот сенда  
 узилиб мангу тўхтаган онг оқими, минглаган сўзинг бир СЎЗча кадр топмаган,  
 юрак топмаган. Лаҳзалар сирини англаган, ғазаллари бари лаҳзалари асрори...  
 Телепатия борми? Телепатия бордай:

*Нидо келди сиздан Эркин ака,*

*Исёнлар қадар!*

*Нидо келди сиздан, Эркин ака,*

*Инсонлар қадар!*

*Уфқлар очилди, қалбларга қадар.*

II

*О, Табиат!*  
*Тухфалар сочдинг.*  
*Тонгинг зулфизар зарралари каби*  
*Туйғулар ёгилди, сочилди, очилди.*  
*Ўлмас муждалар учди дудоқларингдан!*  
*О, зулфизар сўз!*  
*О, инсон қасидаси!*

“Мен ёмон ишлашни энг оғир гуноҳ, деб биламан. Давлат ишларида ёмон ишлашни ундан ҳам ёмонроқ кўраман, чунки бу ёмон ишлардан минглаб, миллионлаб одамлар азоб-укубат чекадилар”. Гёте. Эккерман билан суҳбатлар.

*Кўк тоқига нарвон кўйди зўрабор Ҳёте ва*  
*Кўтарилди ундан Фаустни олиб.*  
*Матмуса ва Ўзбегимни қўлтиқлаб*  
*Изма-из илдам чиқди Воҳидов толиб...*  
*Шояд энди*

*Аччиқ ҳақиқатлар,*  
*Қайтмас ҳақиқатлар*  
*Ҳудо ҳузурида*  
Ўқилса нажиб!... Эркин Воҳидов ҳақиқатлари! Қулоқ осдингми, юртим!  
Кескир шамширдай яраклаб ётур!

III

Эркин Воҳидов машинада етиб келди. У яқинда касалхонадан чиққан, ўзини анча тетик сезар, кўзлари ёғдули боқар, оппоқ манглайида фикр жилвалари жилоланарди. Бу пайтга келиб у анча, анча-мунча ихчам тортиб хипча бўлиб қолган, аммо кўзларининг фозил ифодалари ўзгармаганди. У ўзини тийиб-тергаб озишга ҳаракат қилди. Тананинг вазни камайса, юракка юк тушмайди, у енгил уради, деб фикрлади. Ҳақиқатан, ихчам тортиб у ўзини бир қадар енгил сеза бошлади. Ҳатто асарларининг охириги жилдларини яна ўқиб чиқди, охириги тузатишларини киритди. Ҳатто саксонта муаллифнинг асари кирган “То куёш сочгайки нур”ни ҳам тўпловчиларга тўла ишонишига қарамай бошдан-оёқ ўқиди. Биз ўзимизга ишониб юборган эканмиз, у бир қанча мулоҳазалари билан ўртоқлашдики, ўзимизга ошиқча бино кўйганимизни англадик ва унинг тузатишларидан сўнг “Замондошлар нигоҳи” янада очилди, жиддий, салмоқли, муносиб нашрга айланди. Биз унда бу мутафаккир шоирнинг охириги кўраётган китоби эканлигини хаёлимизга ҳам келтирмаган эдик. Унинг ношир ақли сўнгги дамгача жуда равшан ишлаб турди. Шоирга чиндан улуғ АҚЛ ато этилмиш эди. Бу АҚЛнинг зумралари АДАБ ришталаридан тўқилмиш эди. Адаб ришталаридан тўқилган АҚЛ фақат музайян АДАБ СЎЗЛАРИни айтди, ёзди, ўқиди...

IV

Биз машинага ўтириб, Чирчиқ бўйларига йўл олдик. Шундай кўкалам эди бу ёқлар. Чирчиқ нурли чувалиб, кумуш шолчаларини тўқиб узокларга йўл оларди. Қалин оқ кигиздан ёпилган дарё бўйидаги ўтовга тушдик. Устма-уст гиламлар, наматлар тўшалмиш эди. Шоирни анча-мунча ҳайратланиб шоду

хуррам қарши олдилар. “Иброҳим, бир қимрон ичайлик... қимрон ҳозир етилган...” – деди.

“Бир қимрон ичайлик...” Биз буни шоирнинг соғайиб кетишига, узоқ яшашига далолат каби англадик. Масарратимиз ортди. Қимрон келтирилди. У олтин ҳалли косада мўъжизадай кўринарди. Кавсар булоғидан чиққанга ўхшар ва ичган одамга мангулик бағишлайдигандек эди. Чирчиқ алёрини айтароқ, пастда – тошлар ва бутазорлар оралаб кумуш шуълалар таратарди.

“Кеч тушмай яна бироз айланайлик”, – деди шоир бир косагина қимрон тотингач. Биз хуштаъб ўтов эгаларига ташаккурлар айтиб, яна йўлга тушдик. Машинамиз бизни худди йўлни ўзи биладигандек Кумушкент томонларга бошлаб кетди.

Шоиримиз йўлбошловчимиз ёнида орқасига суяниб ўтирар, унинг оёқларини тиззадан юкоридан то тўпикларигача юмшоқ юнг плед билан ўраб кўйгандик. Бошини суянчикқа кўйган, кўзлари ярим юмуқ. Узоқ вақтдан бери туймагани фароғат оғушида эди. Чехраси касаллик азоблари-ю кийноқлари-ю асоратларидан кутулгандай жуда осуда ва гулгун, қимрон таъсириданми ё бошқа, икки юзида нимтатир қизиллик зоҳир эди. У ўзи сўзламаса, биз ортиқча сўзламас, ҳоритиб кўйишдан ўзимизни тиярдик. Чирчиқ бошланадиган томонларга оҳиста йўл босдик.

– Мени хаёллар қийнайди, – пичирлагандай сўзлайди шоир. – Худди қор босгандай хаёллар, қор тепалар, қор уюрмалари. Қуюнлар қорли... – Мен орқа ўринда ўтириб, қулоғимни шоир елкасига яқинроқ олиб бораман. Негадир ҳозирги гапларни эшитмай қолиш ё ёмон эшитиш ва англамай қолишдан хавотирланаман. – Иброҳимжон, хаёлингга тинимсиз ёзсанг-да, қўлинг билан қоғозга туширолмасанг, бунга на қўллар ва на юракнинг ҳоли келса, ҳаммаси ичингда ёзилиб ётса... иложинг қанча? Тепалар, тепалар... баланд тепаларда юраман... тубсиз жарлар оралаб, тубсиз жарлар ёқалаб юраман... Шоир ҳаммасини ўз вақтида... ўз ёшлик вақтида ёзиб қолдирсин... бошқа вақт бўлмайди... Бу тепалар нималарни англатади... бугун Кумушкент, Паркент тепаларини кўргим келди... кумуш тепаларда юргим, ялангоёқ қадам босгим келди... тепалар балки ёзилмаган асарлардир, асарларнинг асотирларидир... сиз тепалар ҳақида ёзгансиз... қизиқ гаплар... нимага... Ҳа, сиздан анчадан бери сўрайман, дейман, эсимдан чиқади. Тепа деганимга лолалар, лолазорлар эсимга тушди... Асад яхшими, нима қиялпти? Ҳалиям лолалар ўстирадими? “Лола юзлигимни кўролмас бўлдим...” Миртемир акам хўб ёзганда-а? “Лолазорлар ичра йўқолдим...” Фақат шеърятгина айтоладиган, ифодалай оладиган гаплар, туйғулар бор-да-ейий... – Шоирнинг овози пастлай-пастлай тамом ичига чўкди. Осилиб унинг юзига қарадим: кўзларини юмиб ётарди, куруқшаган ингичка лаблари аста тамшанар, охирги, яна охирги зилол томчини охиригача бутун лаззатини тотиб ичаётгандай... Шоирнинг ухлаб қолишини истамай:

– Эркин ака, дунёда ифодавийлик деган нарсани шеър яратган-да, – дейман, эшитдиларми-йўқми, билолмайман.

– Ҳа-а-а... дейдилар.

Мен ухлаб қолмасинлар дейман. Бугун кўрадиган кун... Мен аста, овозимни кўтармай дўстимиз – катта биолог, лолашунос олим Асад Шарипов ҳақида сўзлайман. Асад Эркин Воҳидов билан тенгдош. Бир синфда ўқиганмиз. Мен дунёда Асад Шариповдай ўз ишига берилган, фидокор инсонни кам учратганман. Эллик йил Туркистон, Марказий Осиё лола навларини, уларнинг уруғларини йиғди. Қирғизистон, Туркменистон, Қозоғистон, Ўзбекистонда

унинг бормаган жойи қолмади. Ноёб лола навларини сақлаб қолди. Ўзи ҳам янги лола навини яратди: “Асад Шарипов” нави... Эркин ака Асадни кўрсалар беҳад қувониб кетардилар. Гаплашиб тўймасдилар. Асад шоир ҳовлисига нодир гўзал лола турларини экиб берарди...

## V

*Хўриллатиб ичар биров оби муборагимни...  
Нигоримни сўроқлайман тирналаб кўкрагимни...*

Тинмай узоқлашиб борар биздан олам, коинот. Ўзгариб борарми бари, юлдузларни томоша қилар эдим. Ваҳимага соларди мени чексизлик, учган юлдузлар. Ас-Суҳо... энг кўринмас юлдуз. Етти Қароқчидан уни излардим. Отин аммам айтган эди: кўрсанг агар Етти Қароқчида Суҳо юлдузин кўзинг ўткир бўлар, қаримас ҳеч қачон кўзларинг. Аммо у жуда кичкина, Катта юлдуз ёнида яшириниб туради. Камдан кам кишига муяссар бўлади уни кўриш бахти... Сен, Иброҳим, қидириб топ. Сен кўрасан. Қарай-қарай топганман ниҳоят уни ва кўрганман Суҳони... Кейин Берунийда ўқидим Суҳо, Ноҳид ҳақида: уни “Мицар” ҳам дейишар экан. Дўстлашиб қолдим коинотнинг энг олис юлдузи билан. Коинот ичра мегаоламларга тўхтовсиз нур тезлигида учаркан Ас-Суҳо ва кейин йўқ бўлиб кетаркан, кўринмас экан Ердан... бундан чорак аср аввал бир куни ёз чоғи уни қидириб кўқдан тополмадим, ҳар куни қидирардим, тополмасдим. Балки кўзларим ўтмаслашгандир, балки аммам башорати тўғри чиққандир: энди Суҳо йўқ. Йўқолгандай худди Атлантида. Йўқолгандай худди иероглифларни яратган авлодлар. Йўқолгандай миҳхатлар. Йўқолгандай ацтеклар. Йўқолгандай Маҳобҳорат, Гилгамиш, Алпомишни битганлар. Йўқолгандай худди нурпараст Моний оҳанрабо китоблари, рангасвирлари... Ҳозирги инсоният авлодлари гўё ҳеч нарсани йўқотмагандай Ноҳидни кўрмай. Аммо... яна ким билсин... Ноҳидни кўрганлар қандайлару, кўрмаганлар қандай? Ақлимиз илғамас фарқли таъсирларни. Аммо коинотдан бир юлдуз йўқолади-ю ҳеч қачон Еру заминга таъсир кўрсатмайдими? Сизга бир сирни айтай: мен Ас-Суҳони соғинаман. Соғинаман барча йўқолган юлдузларни...

## VI

*Оқ-оппоқ тонларга нур бўлиб  
Кўшилиб кетган,  
Оқ ҳарир тонларни доим  
Оқ нур бўлиб ёритган,  
Ҳаёт ёзларин файзи фуюзи  
Тишрин юлдузим –  
Эркин Воҳидов  
Сириус-Тишрин остида тугилган,  
Сириус фарзанди  
Ҳомийси Сириус ва раҳнамоси.  
Сен шеърнинг ўзисан,  
Шеър сурури, шеър зурури –  
Шеърсан  
Шеър каби қолдинг*

Дайринг, доиранг, диёрингда,  
 Сени деган ва алқаган халқинг қалбида.  
 Ким сенчалик улуглади уни “ўзбегим” деб,  
 Тугрул каби ёздинг номин кўкларга.  
 Сомон йўли туманларида,  
 Мубҳам замонларда  
 Тилга муҳаббатни йўғирдинг.  
 Тенгдошинг эди Асад Шарипов – лоларуҳ –  
 Китобларинг бошидан лолалар ёғдирди.  
 Асаднинг лолалари – сенинг шеърларинг,  
 Сенинг шеърларинг – Асаднинг лолалари

Голландия, Японияда ҳам кўрмади ҳеч ким бундай лолаларни. Нега Голландияга, нега Японияга бормадинг, Асад жигарим? Нега таклифларни рад этдинг жигарим? Киши ҳам шундай камтар бўларми? Бўларми яна шундай дарвеш, ғамгусор?

Нимасидир ўхшайди Эркиннинг ғазали, жонсўз қасидалари Асад Шариповнинг ўтли, кучли рангдор лолаларига. Гомология, ё Раббий! Гомология! Асаднинг табассуми лолаларга ўхшарди. Сенинг шеърларинг эса бизнинг эрта очилган лолаларимиз. Унинг, уларнинг, ҳаммамизнинг лолаларимиз, лолаюзларимиз, лолақадларимиз, лоларанг ифшоларимиз, зеро биз лолашумуллармиз.

Реза-реза жолаларимиз  
 Унинг, уларнинг жолалари  
 Асаднинг лолалари –  
 Бизнинг лолаларимиз.  
 Шеърларинг каби  
 Нидо, бодаларимиз  
 Лоларуҳ ашъор  
 Лоларуҳ достонлар ва  
 Ғазаллар бўстонлар аро.

Лолаларнинг бағрида пайдо бўлган абётлар. Дўстинг Рождественский бир кун айтганмиш:

“Эркин Вахидов, у Вас неслепая сила”  
 Аллоҳим сўз берди унга куйдан ҳам ширин,  
 Солиб қўйди ятим кўнгли аро яширин...  
 Яна демши ул Маарий сеҳрсоз:  
 Ўқириб, хўнграб йиғлашдан тўхтасанг-чи,  
 Чақмоқтошинг ўт ёқишин кутсанг-чи...  
 Аммо илҳомнинг нилу париси Гули  
 Чарх урди асрорлар шоир бағрида.  
 Қаноти остидан учди паризодлари  
 Дарёга оқтўш урган қалдирғочлардай  
 Шан туйғулар ясади гулисан  
 Фавнлар ҳавас қилди.  
 Эй, азизим, лоларуҳ!  
 Инграшларинг оламни тутди.  
 Мададга чўзилган қўллар нолиши  
 Олам, халқ, дўстлар ўзин унутди.  
 Эй, лоларуҳ!  
 Тишин юлдузим! Эй, юлдуз қидириб юлдуз топган

Эломон юлдуз: Сенинг туркуминг: Хуришд. Нозима, Моҳира, Фозила!  
Тишин юлдузлари!

Эй, марди замона

Келтурдим забона. Тўтилар йиғлади айтиб гуфторларингни

Эй, марди замона

Эй, дарди замона

Эй, нафис тарона

Навоий руҳи,

Фузулий шукуҳи

Сенда тугилди

Ҳайнади дуторинг торларида

Эй, лоларуҳлар аёни!

Қурбон ўлсин лоларуҳ жонлар!

## VII

Йўл босдик яна жаннатий Чирчиқ тепаларига. Ўтиб кетдик Парикентдан ҳам! Яна тепалар ва яна яна тепалар. Бир-бирига мингашодур тепалар. Бир-бирини имлашодур тепалар. Париларни излашодур тепалар. Шоирнинг кўзлари чарақлаб очилди: “Паркентдан ўтдикми, а? Гули менга куёш ботмай қайтасиз, деган. Кечикиб қолсам, уйга киритмайди алоҳол...” Маза қилиб кулади шоир. Вой, унинг зарофатлари: заковат офатлари!

Бир баланд тепа нишабида тўхтадик. Тепа қиясидан кимдир бизни чақирди ва югуриб келди олдимизга. Бир дам қўниб ўтинлар, фақат бир дам ғарибона қапамизга... Тепа ёнбошида унинг капаси. Қайдандир кора қўчқор пайдо бўлди. Ва шоирдан сўралди изн. Аста қапага кирдик. Оҳ-воҳ! Бу фақат номи қапа экан. Ичи кенг сарой ер остига қурилган. Охири кўринмас. Бир томонда кўғайларга осилган қирқма қовунларнинг адоғи йўқ. Бир томонда бари нок, олма, беҳи; яна бошқа томони кета-кетгунча сўриларда қоғозларга ўралган олгиндай товланган узумлар; шоир бир тилимгина қирқма еди уҳ-уҳлаб, сўнг совқотди чоғи, дилдиради, лаблари пирпиради ва биз ижозат тиладик азиз мезбон-фараҳбондан. Ранг кўрди, ҳол сўрди ва базўр бера қолди ўзбекона мулойим изн. Қирқмалар хаёлимиз ўғирлади. Ва шукрона айтдик қору борига. Шинаванданинг асили экан, Меҳмондўстнинг насили экан.

Аммо куёш улуғ тепаларга қирмиз бошини қўйди: “Яна андак юрайлик, сўнг қайтармиз”, – деди шоир фасихона жилмайиб. Апрельнинг бошида ер остидаги боғ ва оламнинг сара мева-чеваси лол қилди бизни. Болалик чоғлари уйларимиз шипларига осилган олам азорларни эслашдик. “Одамнинг миришқор бўлишига нима етсин”, – дедим оҳиста сўз малолидан андиша қилиб. “Шошманг, шошманг... – Бирдан тийрак жонланди шоир. – Миришқор дедингизми? Миришқор... қизик, а? Биласизми бу нима дегани?” Мен: “Дехқончиликнинг миридан сиригача яхши биладиган корфармо одам”, – дедим ўзимча. “Ҳа, балли, Аммо бу сўзнинг асли маъноси ўзгариб кетган. Ҳозир у “омилқор дехқон” маъносида нотўғри қўлланади. Асли бу тарихий сўз адабиётларимизда учрайди. Миришқор – “овларни ташкиллаштирувчи амир” деганидир. Хон саройларида овларни ташкиллаштириш билан шуғулланадиган, уларни бошқарадиган, ов ўтадиган жойларни тайёрлайдиган махсус ходимлар бўлган, уларни “мири шикор” дейишган. Қаранг, четдан кириб, тилимизда ўзлашган сўз яна бошқа маъно савиясига эга бўлган. Эҳ-хе, сўзларнинг тарихлари жуда узун. Сиз, Иброҳимжон, бир куни “вақт”



сўзининг тарихи ҳақида баҳслашгандингиз. “Вақт” араб тилидаги сўзларнинг кириб келиши натижасида пайдо бўлган. Аммо “вақт” сўзи кириб келмасдан илгари бу тушунчани туркий ўзбеклар нима деб атаганлар? Ана, сизга масала. Ҳар қандай детективдан қизиқроқ”. Эркин ака бироз жўшиб кетдилар ва тезда чарчадилар. “Сўз латофати” борасида гурунглашиб бордик. Бирдан йўлбошловчимиз машинани тўхтатди. Бундоқ қарасак, рўпарамизда буюк бир тепа, қиялаб узокларга тушиб бораётган бир қияликда, шундоқ тоғ йўлининг чеккасида жуда ҳам баланд улкан бир дарахт юксалиб турарди. У қад ростлаб оппоқ нафис гулларга бошдан-охир бурканмиш эди. Оқ боши кўкларга тегиб турарди. Мен бунчалар шукуҳли, ерда алпона ўрнашган дарахтни кам кўрмиш эдим. Йўлбошловчи пастга тушди ва “ўрик”, деди. Мен: “Бу ўрик эмас, бодом”, – дедим. Эркин ака ҳам оҳиста машинадан тушдилар. “Ҳа, бу бодом, – дедилар, – аммо бодоммисан-бодом! Қодирийнинг “Ўткан кунлар”ига ёки бир дўстимизнинг “Ўзбегим”ига ўхшайди, қуйиб қўйгандек ўзи!” Ва хандон ташлаб кулдилар. Талабалик пайтларимизда Эркин ака дўстлари билан мутойиба қилишганларида, Саид Аҳмад, Шукрулло, Ўткир Ҳошимов билан гурунглашганларида шундай дунёни унутиб кулардилар: шундай беғубор ва бировга оғир тушмасди. Биз бирпас шу ерда, шарқда, тоғлар ортида тўқ мовий қорайиб турган Бешиктоғ чўққиларини томоша қилиб турдик. Ўмровдор. Шонли. Бешиктоғ ва ҳаёт абадийга ўхшарди. Мангу ўрозли эди инсон мулоқотлари... Бешиктоғ ва бу кўркам алп бодом қадамида гул босган ўзбекка ўхшарди. Ўзбегимга табиий шоирона рамз кўз ўнгимизда барча маконларни оғушига олмишдай эди...

## VIII

Биз орқага қайтдик. Куёш тоғлар ортига ўтиб кетди. Йўлбошловчимиз: “Майли, кеннойим яна уйга киргизмай ўтирмасин, энг қисқа йўлдан олиб борай”, – деб йўлни ўнг томонга солди. “Канал бўйидан чиқамиз...” – деди. Бир соатдан ортиқ юриб, ниҳоят йўл овлоқ бир подстанция девори билан тугади. Ноилож келган йўлимизга қайтдик. Бу адашиш ҳам балки ўз маъносига эга бўлгандир. Аммо шоир толиқди ва боши қийшайиб ухлаб қолди. Алламаҳалда шаҳарга кириб бордик. Қоронғи ҳам тушди. Чироқлар ёнди.

## IX

Йўлларда уйлар, ҳовлилар, баҳорги боғлардан шоир қўшиқлари кўчаларга тараларди. Навони орқалаб мангу савр шамоли эсарди.

Бу мангулик олдидаги сўнгги йўл, сўнгги видо сайри эди...

Узоқ, жуда узоқ шарқий ёқлардан бутун коиноти азимга шукуҳини ёйиб Тишрин чиқиб келарди. Тишрин-Сириус Эркин Воҳидовнинг нурафшон юлдузи эди...

*Ҳисао КОМАТЦУ:*

## “ЎЗБЕК ТИЛИНИ МУСТАҚИЛ ЎРГАНДИМ”

– Сизнинг XX аср 20-йиллар адабий-маданий муҳити, вақтли матбуоти ва тарихи устида жиддий тадқиқотлар олиб бораётганингиздан хабардормиз. Айтинг-чи, ўзбек тили ва адабиётини қачон ўргана бошлагансиз?

– Университет талабаси бўлган давримда Ўрта Осиё тарихини ўргана бошладим. Бизда аввалдан Хитой тарихи тўғрисида жуда яхши тадқиқотлар олиб борилгани ҳолда Ўрта Осиё тарихи, хусусан, XIX асрдан кейинги ўтмиш умуман ўрганилмади. Биласизки, XIX асрнинг иккинчи ярмидан кейин Русия истилоси натижасида Туркистон тарихида катта ўзгаришлар юз берди. Бу вақтда мусулмон зиёлилари нималарни англади ва қандай ҳаракатлар қилди, деган савол туғилди менда. Шу боис аввалига француз ва рус тилларини ўргана бошладим. 1974 йилда факультетни битиришда “Аҳмад Дониш ва унинг замони” мавзусида битирув диссертациямни ҳозирладим. Аспирантурада туркча ва усмонли турк тилларини ўрганиб, 1977 йилда ёш бухоролилар ҳаракати тўғрисида диссертация ёқладим. Фитратга доир тадқиқотларим шу замонларда бошланган эди. Афсуски, у даврда Японияда бу ҳақда адабий манбалар топишнинг имкони йўқ эди. Шу сабабдан Фитратнинг “Мунозара” асари фотонусхасини профессор Эдвард Олвортдан илтимос қилиб, қўлга киритдим. 1978–79 йилларда Туркияга ўқишга кетдим. Чунки шўролар замонида Тошкентга келиб, бу хусусда изланишлар олиб боришнинг имкони йўқ эди. Анқара университети Тил ва тарих-география факультетида бўлган давримда кутубхоналарда ёки Русия ҳамда Ўрта Осиёдан борган муҳожирлар ёрдамида манбалар тўпладим. Ўзбекча матнларни ўша замонда ўқишга киришдим, тўғриси, араб ҳарфларида ёзилган ўзбек ёзув тилини ўзим мустақил ўргандим. Биласизки, XX асрнинг бошларидаги усмонли ва ўзбек ёзув тили орасида бир талай уйғунлик бор эди.

Японияга қайтгач, Туркистон тарихига доир изланишлар олиб бордим. Бу орада Фитратнинг “Мунозара” асари, Бухоро ва Қозон ўртасидаги маданий муносабатлар, Қўқон хонлиги билан Усмонли давлати ўртасидаги дипломатик алоқалар, 1898 йилдаги Андижон кўзғолони, Бухоро ва Туркистонда жадидчилик ҳаракатлари каби мавзуларда мақолалар ёздим, 1996 йилда Фитрат ҳаёти ва қарашларини камраб олган “Инқилобчи Ўрта Осиё: бир жадидчи қиёфаси” сарлавҳали китоб нашр эттирдим.

Ўша китобимни тайёрлашда қайта қуриш замонида чиқа бошлаган ўзбек матбуоти ва ўзбек олимларининг ёрдами кўл келди. 1991 йил июлида аввалдан хабарлашиб юрганим – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси таклифи билан икки ҳафта давомида илк бор Ўзбекистонга келдим. Бу сафаримда мухтарам Озод

Шарафиддинов, Шерали Турдиев, Наим Каримов, Ҳамидулла Болтабоев, Ортиқбой Абдуллаев каби олимлар билан яқиндан танишдим. Булардан кўринадики, қизиқишим адабиётдан кўра тарихга нисбатан кучлироқдир. Зотан, жадидчилик адабиёти у замондаги ижтимоий ва фикрий тарихни ўрганиш учун жуда муҳим манба саналади. Масалан, 1915 йилда “Садои Туркистон” газетасида чиққан Абдулла Қодирийнинг “Тўй” шеъри ўша даврдаги ижтимоий муаммоларни очик намоён қилади.

Маълумки, “Бобурнома”га оид тадқиқотлари билан танилган профессор Энже Мано япониялик. Шу сафар Тошкентга келганимда, “Фан ва турмуш” журнаlining охири сонларидан бирида профессор Шухрат Эгамбердиевнинг юртдошим Э.Мано илмий ишларига фавқулудда юксак баҳо берилган мақоласини ўқиб жуда хурсанд бўлдим (Шухрат Эгамбердиевнинг “Анчадан бери қутилган китоб” (“Фан ва турмуш”, 1–2-сон, 2016 йил) мақоласи назарда тутилмоқда. – Б.К.).

**– Ўзбек тили ва адабиётига бугунги Японияда қизиқиш қандай? Ўзбек адабиёти намояндаларидан япониялик ўқувчилар кимларни яхши билади? Ўзбек адабиётининг қандай намуналари япон тилига таржима қилинган? Икки миллат адабиёти, санъати ва маданияти орасида қандай ўхшашлик, уйғунликлар бор?**

– Афсуски, япониялик мутахассис олимларнинг ўзбек тили ва адабиётига қизиқишлари жуда оз, деб ўйлайман. Гарчи “Бобурнома” ва “Алпомиш” дostonлари япон тилига таржима қилинган бўлса ҳам, бизда ўзбек адабиёти ҳали-ҳануз очилмаган кўриқ бўлиб турибди. Бир неча йил олдин юртимизда Чингиз Айтматовнинг асарлари жуда кўп нусхада таржима қилинган эди. Афсуски, ҳозиргача ҳеч қайси ўзбек ёзувчисининг асари таржима қилиниб, чоп этилган эди. У замонларда маълумот алмашиш имконсиз эди, айни чоқда Ўзбекистон истиклолидан кейин ҳам деярли бу ҳол ўзгаргани йўқ. Бу соҳада йўл очиш учун ҳаракат қилмоқ лозим. Ўзбек олимлари Афтондил Эркинов ва Зайнобиддин Абдирашидовдан ўзбек мумтоз адабиёти ва жадидчиликка доир мақолаларини сўраб олиб, “Asian Reserach Trends” (“Осиё тадқиқот йўналишлари”) номли инглиз тилида чиқадиган журналимизда нашр эттирдик. Биз учун бундай таништирув мақомидаги ишлар жуда ҳам зарур. Таъкидлаш керакки, Токиодаги Хорижий тиллар университетидан илк марта 2012 йилда Ўрта Осиё тадқиқотларига йўналтирилган махсус бўлим очилди. Ҳозирги кунда ҳар йили 12 та талаба қабул қилинадиган айни бўлимда ишляпман. Бу масканда рус ва ўзбек тилларини ўрганиш мажбурий бўлиб, ҳар йили икки ёки уч талабамиз Тошкент давлат шарқшунослик институтида таҳсил олади. Бу талабалардан келгусида ўзбек тили ва адабиётини бизнинг мамлакатга таништирадиган мутахассислар етишиб чиқишига умид қиламан.

**– Тўғриси, бизнинг юртимизда ўзбек зиёлилари, ўзбек ўқувчилари орасида дунё адабиётига ўзига хос ўрин тутадиган япон адабиётининг мухлислари кўп. Хусусан, Рюноскэ Акутагава, Кобо Абе, Ясунари Кавабата, Кендзабуро Оэ каби адибларнинг насрий асарлари ўзбек тилида босилди. Шунингдек, Сайгё, Мацуо Басё, Кобаяси Исса, Исикава Такубоку каби япон мумтоз шоирларининг шеърлари ўзбек тилига таржима қилинган. Ўзбек шоирларининг “Исикава Такубоку хотирасига” (Рауф Парфи), “Басё китобининг варақларида” (Хуршид Даврон) каби шеърлари япон шоирларига бағишлаб ёзилди. Айтинг-чи, бугунги япон адабиёти намояндаларидан кимнинг асарларини ўзбек тилига таржима қилишни тавсия этган бўлар эдингиз?**

– Исмлари зикр қилинган ёзувчи ва шоирлардан бошқаларни ҳам тавсия қила билармиканман? Кўп сонли юлдузлар ичидан танлаш ҳам жуда қийин иш. Аммо кўп йиллар япон китобхонлари севиб ўқиётган Сосэки Нацуме (1867–1916) ва Осаму Дазаи (1909–48) – шу икки адибнинг исмини тавсия сифатида тилга олишни истайман. Уларнинг ҳикоя, қисса ва романларидан баҳраманд бўлишларингиз мумкин.

– **Дарвоқе, Сосэкининг “Қалб” романини ёш таржимон қизимиз Нодира Аминова ўзбекчага ўгирган, асар “Жаҳон адабиёти” журналида эълон қилинган.**

– Ўша адибнинг “Мен кетажакман” романини, Дазаининг “Завол топган умрим” қиссаси ҳамда “Моерис” номли ҳикоясини ҳам тавсия қилишим мумкин. Замоनावий ёзувчиларимиздан Ҳаруки Мураками энг яхши адиблар сирасига киради.

– **Йирик жаидчи олим Абдурашид Иброҳим фаолияти билан кейинги йилларда жиддий шуғулланган олим сифатида ўзбек журналхонларига қандай янги маълумотлар бера оласиз? Сайёҳ олимнинг хотира китоблари тўғрисидаги тасаввурингиз қандай? Унинг китобларида ёки япон тилида босилган асарларида Туркистонга тегишли маълумотлар борми?**

– Асли бухоролик саналган ва чор Русияси замонида Шарқий Сибирда дунёга келган Абдурашид Иброҳим афанди, XIX аср сўнгидан XX аср бошларигача Русия мусулмонларининг сиёсий ва ижтимоий ҳаракатларида йўлбошчилиги билан танилган мусулмон зиёлиларидан бўлиб, 1908–1909 йилларда Еврооё қитъасини кезиб чиққан машҳур сайёҳ ҳисобланади. Унинг қаламига мансуб “Олами ислом: Японияда интишори исломият” номли саёхатномаси адиб исмини абадийлаштирди. Айниқса, унинг Японияга сафари японларнинг ислом дунёси билан танишишига йўл очди; бунинг натижасида Иброҳим афанди ва японлар орасида яқин дўстлик алоқалари майдонга келди. Ўзи Русиядан кетганидан кейин усмонли императорлиги учун “Иттиҳоди ислом” йўналишида фидокорлик кўрсатди. 1933 йилда Токиога боргач, пойтахтда яшаб, Япониянинг ислом сиёсатига қўшилган ҳамда ислом дунёсининг мустақиллиги учун чоралар излайди. Иброҳим афанди иккинчи жаҳон уруши даври – 1944 йили Токиода вафот этади. У киши мен ишлайдиган университетга жуда яқин жойлашган Тама қабристонига дафн қилинган. Умуман олганда, Иброҳим афандининг фаолияти урушдан олдинги Япониянинг ислом сиёсатини ўрганиш учун ҳам муҳим ҳисобланади.

Иброҳим афандининг саёхатномаси ўзбек ўқувчилари учун ҳам жуда қизик бўлса керак, деб ўйлайман. Чунки саёхатнома асари таркибида 1907–1908 йилларда ўзи кўрган Туркистон (Тошкент, Бухоро, Самарқанд, Фарғона водийси, Етгисув, Олмаота, Семипалатинск) билан боғлиқ қисм бор. Ўзи Туркистондаги рус идорасининг нақадар золим бўлганини қаттиқ танқид қиларкан, айна дамда маҳаллий халқнинг илмсиз ва ҳаракатсиз қолаётганини ҳам қайд этади. Маҳмудхўжа Бехбудийни “Ўзбекларнинг қаҳрамони” деб таърифлайди. Иброҳим афанди 1909 йилда Токиода бўлган замонда бир қанча нутқлар ҳам сўзлади. Шулардан бирида Туркистондаги руслар идорасининг зулмларини қаттиқ танқид қиладики, унинг японча таржимаси ҳам бор. Бу маъруза-мақола “Ох, Туркистон” деб номланади.

– **Бугун сиз яхши биладиган, дунё адабиётшунослигида ўзига хос ҳодиса бўлган жаид адабиётининг қайси қирраларини тадқиқ этиш зарур деб ҳисоблайсиз?**

– Мен аслида тарихчи бўлганим сабабли бу тўғрида алоҳида гапим йўқ. Лекин ўша даврдаги Усмонли Туркия, Эрон ва Русия адабий муҳити билан бўлган муносабатларни теран тадқиқ қилиш зарур, деб биламан. Уларни қиёсий ўрганиш жуда ҳам фойдали бўлади, албатта.

– **Ўзбек жаҳид адабиётини Ингеборг Балдауф, Зигрид Клайнмихел, Эдвард Олворт, Адиб Холид, Христофор Мурфи, Ҳалим Кара, Фотма Очик, Азиз Мерҳан каби турли миллатга мансуб адабиётшунослар ўрганди. Япониялик фитратшунос сифатида сизни кадрлаймиз. Айтингчи, бу соҳада сизнинг шогирдларингиз кимлар ва улар Марказий Осиё ёки Ўзбекистон маданий муҳити билан боғлиқ қандай илмий изланишлар олиб боришди?**

– Афсуски, менинг япон шогирдларим орасида жаҳид адабиёти бўйича тадқиқотлар олиб борганлари жуда оз. Ҳозирги кунда бир аспирантим жаҳид драмалари устида ишламоқда. Ўзбек шогирдларимдан Жасур Ҳикматуллаев педагогика тарихи нуқтаи назаридан жаҳидчилик ҳаракатларини ўрганиб, бу йил бизнинг Токио хорижий тиллар университетида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. Япон шогирдларимнинг кўпчилиги Ўрта Осиё тарихи бўйича шуғулланишади.

– **Мухтарам Ҳисао Коматцу жаноблари, сизга саволлар бериб толиқтирганимдан хижолатдаман. Охирги бир гапим шуки, агар “Жаҳон адабиёти” журнали таҳририяти сиздан бирор мақолангиз билан журналда иштирок этишингизни илтимос қилса, ўзингиз қайси асарингизни тавсия этган бўлардингиз? Нима сабабдан?**

– “Уч жаҳид ва ўзгарган дунё” номли мақоламни тавсия қилишим мумкин. Бу мақолада уч жаҳидчи сифатида Гаспринский, Абдурашид Иброҳим ва Фитрат фаолияти тадқиқ қилинган. Мақола туркча бўлгани учун ўзбек тилига таржима қилиш осон кечади деб ўйлайман. Бироқ аввал ёзилгани учун айрим таҳрирлар киритиш ҳам лозим.

*Баҳодир КАРИМОВ  
суҳбатлашди.*

## **Ҳисао КОМАТЦУ**

(1951 йилда туғилган)

# **УЧ ЖАДИДЧИ ВА ЎЗГАРГАН ДУНЁ**

*Турк тилидан  
Баҳодир НУРМУҲАММАД  
таржимаси*

## **Ўрта Осиё даштларида**

Рус бастакорларидан бири Бородиннинг “Ўрта Осиё даштларида” номли симфоник шеъри русларнинг Ўрта Осиё ҳақида қандай тасаввурга эга эканини жуда теран ифодалаган асар сифатида дунёга тарқалди. Бу

асар фақат Ўрта Осиёнинг бепоён даштларинигина эмас, балки экзотик об-ҳавосини ҳам батафсил жонлантирди. Унинг тарихий ўзига хос жиҳати шундаки, асар бутун Туркистондаги рус босқинчилик ҳаракатлари тугаган маҳалда ёзилган эди. Шеърнинг ёзилиши билан Туркистоннинг босиб олиниши орасида қандайдир боғланиш бор-йўқлиги – бу бошқа бир тадқиқот мавзуси. Лекин у чор Александр II ҳукмронлигининг 25 йиллигига бағишланган эди.

Бу шеър ёзилган 1880 йилда ёш япон дипломати олдинроқ русларнинг қўлига ўтган Туркистонга қараб йўлга чиқади. Туркистонга биринчи марта оёқ босган бу одам Япониянинг Санкт-Петербургдаги вақтинча мухтор элчиси Ниши Токужируо эди. У ватанига қайтишдан олдин Русия империясининг Осиёдаги сиёсатини Туркистонда ўз кўзи билан кўришга қарор қилади ва Туркистон генерал губернатори Кауфмандан саёхат учун изн олади. Токиога қайтгач, Ташқи ишлар вазири Иноуе Каоруга берган саёхат ҳисоботида шундай ёзади:

“Ўрта Осиё халқи ислом динига қаттиқ боғланган. Инсон нима қилса ҳам, доимо ислом китобларидаги амрларга бўйсундики, бу ҳеч ўзгармас дастур ҳолига келтирилган. Ҳаётидаги бирор иш асло дастурдан четга чиқмайди. Шунинг учун бу дастурни ўзгартиришнинг ҳеч имкони йўқ. Улар замонавий шарт-шароит ёки ижтимоий тузумда бирор қийинчиликка учрашса, буни ҳам Аллоҳнинг тақдирига боғлашади. Оврўпа маданиятини Ўрта Осиё жамиятига татбиқ этишнинг иложи бўлмаса керак. Агар мусулмон зиёлилари замонавий билимларни эгаллашса яхши бўлади, бироқ Ўрта Осиё халқи ҳозирги ҳолида яшаши мумкин эмас; билимсизлик уларни бошқа халқлар қўли остида яшашга мажбур қилади”.

Европа маданиятини кўрган Ниши фикрича, эски шариат дастури асосида яшаётган, дунёдаги ҳар нарсани Аллоҳнинг қисматига боғлайдиган халқ учун порлоқ келажакни кутиш эҳтимол мумкин эмасдир. Шубҳасиз, ўша даврда Ўрта Осиёга борган ҳар қандай хорижлик унинг фикрини тасдиқлаши мумкин эди. Бироқ ўша тарихий муҳит ўрганилса, Ўрта Осиё ҳаётини қўлидан келганича ўзгартиришга уринган шахслар борлиги ҳам маълум бўлди.

### Исмоилбей Гаспринский

Маълумки, XIX асрнинг охирига қадар Қрим ярим оролидан Кафказ, Идил-Урал, Қозоқ даштлари ва Туркистонгача чўзилган Русиянинг жанубий ўлкаларида кўпсонли мусулмон аҳолиси яшар эди. Русия ичидаги мусулмонларнинг нуфуси тахминан 20 миллионни ташкил қиларди. У даврларда Усмонли императорлигида, яъни Анадоли ва Болқондаги мусулмон аҳоли сони тахминан 15 миллион эди. Бу рақам қамрови Русия мусулмонлари сон-саногининг нақадар улкан эканини тасаввур қилишга ёрдам беради. Аммо Русия мусулмонларининг ҳаёт тарзлари бир-биридан фарқ қилар эди. Чор империясининг Русия мусулмонлари ерларини дастлаб эгаллаган – XVI асрдан XIX асргача бўлган даврида ҳам бу халқлар ҳаётида бир талай ўзгаришлар бўлди. Русия мусулмонларининг уйғониши ва уларни бирлаштириш йўлида фаолият олиб борган шахсларнинг энг машҳури, албатта Исмоилбей Гаспринскийдир (1851–1914).

Бошланғич таълимни Боқчасаройда олиб, сўнг Москвадаги харбий ўқув юртига кирган Гаспринский рус маданияти билан яқиндан танишади; ўқишдан қайтиб, бир муддат Парижда яшайди (1872–1874). У ерда рус адиби Тургенев билан танишди ва шу жараёнда Европа маданиятини ўрганиш имкониятига эга бўлди. Париждан ватанига қайтишда Истанбулга борган Гаспринский ғарблашиш ҳаракатига тушган Усмонли давлатининг ҳаётини кўрди. Бу ҳаётий тажрибалар унга фақат Русия мусулмонларининг эмас, балки бутун ислом дунёсининг ижтимоий муаммоларини таҳлил этишга имкон берди. Исмоилбей Гаспринский бу тўғридаги асосий қарашларини 1881 йили ёзган “Русия мусулмонлари” номли русча асарида очиқ баён қилди. Ундаги энг муҳим фикрларни қуйидагича умумлаштириш мумкин:

“Русия эрта ё кеч Осиёдаги турк мусулмонларини қўшиб олиш билан ўз ҳудудларида жуда катта мусулмон жамоатига эга бўлади. Тўғри, Русия Осиёни маданийлаштиришдек улкан бир вазифани ўз олдига қўйди. Бироқ шу кунгача мусулмонларга солиқ ва хавфсизлик ишларидан бошқа ҳеч марҳамат кўрсатгани йўқ, уларни бутунлай ўз ҳолига ташлаб қўйди. Шу сабаб мусулмонлар камбағал ва саводсиз ҳолда қолди; уларга нисбатан пайдар-пай азоб ва зулмлар ҳали ҳам тўхтаган эмас. Мусулмонлар билан руслар ўзаро маърифатсизлик ва ишончсизлик туфайли тахминан юз йиллардан бери бири-бирдан узоклашмоқда. Рус ёзувчилари кўп йиллар бу масалани ислом динининг бошқа динларга душманлиги билан изоҳлашга интилдилар. Аммо ҳақиқатда айб исломиятда эмас. Бу муаммо Русия мусулмонларига қарши олиб борилган адолатсиз сиёсатнинг ҳозиргача давом этиши билан изоҳланади. Мажбурий руслаштириш сиёсати билан анъаналарига содиқ мусулмон жамияти тўқнашиб, натижаси Польшада бўлганидек муваффақиятсизлик билан тугашига шубҳа йўқ. Фойдали сиёсат эса, АҚШ ва Финландияда татбиқ этилган миллатлараро тенглик ёки мухторият тамойилларига таяниб яшаш тизимидир. Русия давлати мусулмонларнинг ўтроқ тилида умумий таълим олишига, билимсизликдан қутулиши ва маданий уйғонишига ёрдам бериши лозим. Эскидан Шарқдан Ғарбга ўтган маданият энди Ғарбдан Шарққа қайтадан ўта бошлади. Бу жараёнда Руслар ва мусулмонлар энг яхши намуна бўладилар”<sup>1</sup>.

Хўш, руслар билан мусулмонларнинг бирга яшаши қандай йўлга қўйилиши мумкин? Бу ҳақда Русия мусулмонлари орасида биринчи бўлиб Гаспринский сўз очди. У Русиянинг Ўрта Осиёни эгаллаши муқаррар эканини айтди ҳамда Европа билан Русиянинг илғор маданиятини тан олади. Айни дамда Русия мусулмонлари учун маданий мухторият ғоясини илгари суради. Дарҳақиқат, бу йўлда Гаспринский ишни таълим тизимини янгилашдан бошлади. Маълумки, у 1884 йили юрти Боқчасаройда усули жади́д мактаби деб аталган, она тили ва замонавий таълим усуллари билан таъминланган намунали мактабни очди. Дин ва ахлоқ дарслари устувор бўлган анъанавий мактабларга қиёслаганда, бу мактабда аввал ўқиш ва ёзиш ўргатилади, кейин бошқа фанларга эътибор берилади. Бундай жади́д мактабларининг келажагига жуда катта умид боғланди. Татар буржуазияси XIX асрнинг охирларидан бошлаб, Русия билан Ўрта Осиё орасидаги ўзаро тижорий ҳамкорликка хизмат қилди. Шу билан бирга Ўрта Осиёга келган татар тужжорлари XX аср бошларида Туркистон шаҳарларида ҳам усули жади́д мактабларининг майдонга келишига кўмаклашди. Бартольд

<sup>1</sup> Исмоил Бей Гаспринский. Русское мусулманство: мысли, заметки и наблюдения. –Симферополь, 1881.

фикрича, қисқа бир вақтдан кейин жаидид мактаблари Туркистондаги рус идорасига қарашли маҳаллий рус мактаблари (Русско-туземная школа) билан рақобат қила бошлади<sup>1</sup>. Бухоролик зиёли Садриддин Айний фикрича, усули жаидид мактабини яқиндан ўрганиш учун ислоҳатчилар ташкил этган “Бухорои шариф” ширкати томонидан Ҳамид Хожа ва ёш Усмон Хожа 1909 йилда Бокчасаройга юборилади<sup>2</sup>.

Усули жаидид мактабининг муҳим хусусиятларидан бири Русия мусулмонлари орасида муштарак – ўрта тилни ёйиш ва амалда қўллаш эди. Бундай муштарак ёзув тили, ортиқча на арабча на-да анъанавий адабий тиллар, яъни форсча ёки чигатойча бўлмай, балки замонавий усмонличанинг жуда содалаштирилган ўрта туркча тили эди. Бундай ўрта тил тушунчаси ўша даврда тарқалган панисломчи мафкурасининг таъсирида майдонга келди. Аммо Русия мусулмонларининг кўпчилиги туркий тилларда гаплашгани, ўрта туркчанинг усмонличага асослангани ва замонавий маданий тушунчаларнинг жуда осон сингишига йўл очиши, шунингдек, Русия ичидаги мусулмонларнинг истакларини юзага чиқариш учун бирлашиш зарурати кўз олдида келтирилса, умумий тил тушунчаси Гаспринский учун ғоятда табиий ҳаракат нуқтаси бўла олади. Бу умумий тилни Гаспринский 1883 йили чиқа бошлаган “Таржимон” газетасида ҳам қўллади ва Русия мусулмонларининг маърифатли бўлиши ҳамда туркчиликнинг уйғонишида катта хизмат қилди. “Тилда, фикрда ва ишда бирлик”, бу – “Таржимон”нинг асосий шиори эди.

Усули жаидид мактабини ташкил этган ва мусулмонларнинг турғунлашиб қолган жамоаларини уйғотган зиёлилар “жаидидчи” деб аталди. Аммо анъаналар ҳамда шариатга содиқ, шунингдек, одамлар орасида жуда обрўли бўлган мутаассиблар фикрича, жаидидлар ислом асосларига қарши чиққан кофирлар саналар эди. Бундан кейин мусулмон жамоати ҳам жаидид ва қадимчи бўлиб икки гуруҳга бўлина бошлади. Бошқа томондан рус расмийлари ҳам жаидидчи ҳаракатларининг ичида императорлик бутунлиги ва хавфсизлигига таҳдид солувчи панисломчилик ва пантуркчилик унсурлари борлигини сеза бошлашди. Жаидидона ҳаракатлар Туркия таъсирида бўлган учун Русия ичкарасига киришга изн берилмас эди. 1898 йили кўтарилган Андижон кўзғолони ҳақида чор Николай II га рапорт юборган Туркистон генерал губернатори генерал Духовский шу таҳликаларни баён қиларкан, “мактаб ишларини ўз қўли билан бошқарган ва Русия мусулмонлари орасига туркча маълумотларни ёймоқ учун ҳар турли даъватлар қилган” татар панисломчилари борлигини ҳам унутмади. Ҳатто Духовский татар панисломчиларининг рус жамоатчилигини алдашга уринган сафсатабоз эканини айтади. Татар панисломчилари эса “исломнинг бошқа динларга қаршилиги ва тараққиётга тўсиқлиги ҳақидаги русларнинг даъволарига бош сабаб уларнинг шариат ва исломнинг асл моҳиятини яхши билмаганлари”, деб кўрсатади. Духовский бу талқинларни батамом рад этади<sup>3</sup>. Духовский айтган панисломчиларнинг етакчи-сардори Гаспринский эканига шубҳа йўқ. Зотан жаидидлар ҳаракати ҳар доим икки тарафлама тазйиққа учради. Аммо бу ҳаракатлар кейинроқ, яъни рус инқилоби йиллари майдонга келган ёш мусулмон зиёлиларининг етишиб чиқишида катта роль ўйнади.

<sup>1</sup> Бартольд В.В. История культурной жизни Туркестана. Сочинение. Том 2. –М., 1962. Стр. 310–312.

<sup>2</sup> Садриддин Айний. Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар. –М., 1926. 32–36-бетлар.

<sup>3</sup> Всеподданейший доклад Туркестанского генерала губернатора от инфантерии Духовского, Ислам и Туркестан. –Т., 1899. С. 10–11.



Гаспринский Русиянинг жанубидаги мусулмонларга нисбатан ўзига хос қарашларга эга эди. Шу жиҳатдан Русия билан ислом дунёсининг бирга яшаши тўғрисида рус тилида ёзилган “Рус-шарқ шартномаси” номли мақоласи жуда муҳим. Ундаги қарашларни қуйидагича умумлаштириш мумкин:

Русия ҳам, ислом дунёси ҳам Шарқ ва Ғарбдан келаётган жиддий таҳдидларга дуч келмоқда. Аҳолиси жиҳатидан кўпсонли Шарқ халқлари Русия ва ислом дунёсига қараб ривожлана бошлади. Япониядек танилмаган кичик мамлакат Чин-Япон урушида ғалаба қозонди; келгусида Чин ҳам тез ўсиши мумкин. Бошқа томондан Оврўпа босқинчи кучлари Русия ҳамда ислом мамлакатларига бостириб кириб, аввалги Русия-Туркия урушида бўлганидек, усталик билан икки давлатни бир-бирига қарши қўяди. Босқинчи ўз мавқе ва манфаатини мустаҳкамлашга ҳаракат қилади. Агар буларга қарши Русия ва ислом давлатлари ўзаро сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий шартномалар тузса, кейинги манзара қандай бўлади? Русия урушга қатнашмай тинч йўл билан жанубга сурилса, ислом давлатлари Оврўпа кучларининг аралашувига йўл бериб, ўз ўлкаларида келишув ва янгилаш ишлари билан шуғулланади. Русия билан ислом давлатлари орасида иқтисодий тафовут бор. Лекин бу фарқ мусулмонларнинг иқтисодини йўққа чиқарадиган даражада катта эмас. Оврўпа кучлари Русия билан ислом давлатлари орасидаги бундай ҳимоя шартномасига қарши чиқиши мумкин. Аммо Ҳарамайн ҳимоясига кучи етмай қолган ислом давлатлари учун бу шартнома ҳозир Қизил денгизгача эгалик қилган Англияга қарши ўйлашга арзийдиган муқобил ҳужжат саналади<sup>1</sup>.

Шу маънода Гаспринский XIX аср адоғидаги халқаро муносабатлар масаласида Русия билан ислом давлатларининг ўзаро ҳамкорлигини маъқул кўрди. Бир қарашда унинг бу таклифи тўғри келмайдигандек кўринади. Бироқ таклифнинг оптимизм-некбинлик руҳи бор. Ҳақиқатда эса, 1907 йилда Англия ва Русия ўзаро Эрон ва Ўрта Осиёни тақсимлаб олиш бўйича тарихий шартнома тузишади ва орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, Русия ўз ҳарбий кучлари билан Эрондаги Машрутият инқилоби ишига аралашади. Аслида Гаспринский фикри ислом дунёси йўлиқадиган жиддий таҳликалардан қутулиш ва улар билан келишиш стратегиясини излаган бир жади́д зиёлисининг ўша замонда чиқарган хулосаси эди. Гаспринскийнинг некбинлигини танқид этишдан кўра, балки бундай жуда муҳим қарашнинг аҳамиятини ўйлаб кўриш лозимдир. Айни дамда Гаспринскийнинг юз йиллардан бери давом этган Русия билан Туркия орасидаги тўқнашувдан зулм кўрган қримли татарлардан эканини ҳам эсдан чиқармаслик керак. Унинг фикрларига кейинги тарихий давр назаридан қаралса, тўғри эканига амин бўлиш мумкин. XX асрда Шарқий Туркистон ўлкасига жуда кўп Хитой кўчманчилари жойлашди ва ҳозирги даврда ўша ўлкадаги хитойлик аҳоли туркий халққа нисбатан кўпчиликни ташкил этади.

Гаспринский ўз вақтида фақат Русия мусулмонларининг эмас, балки бутун ислом дунёси бирлигини орзу қилди. Масалан, 1907 йили Қоҳирага борганида, турғунлик ҳукм сурган ислом дунёсини жонлантириш учун мусулмон зиёлиларини бирлашишга чақирди. Бу даъват яхши натижа бермади. Чунки Гаспринскийнинг туркчилик фикри ёнида панисломчилик тушунчаси ҳам бор эди. Умуман руслар билан мусулмонларнинг бирга

<sup>1</sup> Исмаил Бей Гаспринский. Русско-восточное соглашение // Дружба народов, № 12 (1991). С.199–207.



яшашига ишонган Гаспринскийни ЕврооСИё зиёлилари қаторига қўшиш мумкин. Балки бу фикрларга фақат бирёклама ёндашиш тўғри эмасдир.

### Абдурашид Иброҳим

Рус-Япон уруши изидан келган 1905 йилдаги ижтимоий-сиёсий нотинчликлар чоризм тузумини таҳликага солди. Энди шу давргача жим туришга мажбур бўлган Русия мусулмонлари орасида сиёсий ҳаракатлар юзага кела бошлади. Татар зиёлилари ташаббуси билан ўтказилган ва Гаспринский ҳам қатнашган Русия мусулмонлари конгресси шундай ҳаракатлардан бири саналади. Хусусан, 1906 йили Нижний Новгородда бўлиб ўтган учинчи конгрессга 800 яқин одам тўпланади. Унда “Иттифоқ” номли илк сиёсий ташкилот Низоми қабул қилинди ҳамда иккинчи Дума (Русия парламенти)да Мусулмон фракцияси ташкил этилади. Учинчи конгрессда кўпроқ диний ва маданий мухторият масалалари муҳокама қилинади.

Бу тарихий даврда Гаспринский билан бирга Русия мусулмонларининг сиёсий ва ижтимоий ҳаракатларига етакчилик қилган татар журналисти Абдурашид Иброҳим (1857–1944) эътиборни ўзига тортади. Фарбий Сибирнинг Тоболск вилоятида туғилган Иброҳим ёшлигида Мадинага ўқишга кетади; ватанига қайтгандан кейин Уфадаги Русия Мусулмонлари диний идорасига қозиликка тайинланади. Русия ҳукуматида содиқ қолган ва ўз йўлини топа олмаган ходимларидан нафратланиб, қисқа бир вақтдан кейин ўз вазифасидан кетади. Сўнг Оврўпа шаҳарлари ва Истанбулга саёхат қилади. 1895–1900 йиллар орасида “Чўлпон юлдузи” ва “Русияда мусулмонлар” номли асарларини чоп эттиради<sup>1</sup>. Ҳар икки асар ҳам Русия мусулмонларига нисбатан татбиқ этилган рушлаштириш сиёсатини очиқча танқид қилгани билан шуҳрат қозонди. Гаспринскийдан фарқли ўларок, рус идорасини қаттиқ танқид остига олгани учун Иброҳим бир муддат Одесса қамоқхонасига ташланади. У биринчи рус инқилоби йиллари жиддий ижтимоий-сиёсий фаолият олиб боради. Кейинчалик, иккинчи жаҳон уруши йилларидаги АҚШнинг хуфиялари томонидан тайёрланган “Русия ва унинг атрофларидаги мусулмонларга қаратилган японларнинг ташаббуслари” номли ҳисоботда берилган маълумотга кўра, Иброҳим рус-япон уруши йиллари Русияга қарши исён тайёрлагани билан танилган япон аскари Акаши Мотожиро билан ҳам яқин алоқада бўлади<sup>2</sup>.

Абдурашид Иброҳим 1907 йилда “Автономия ёки мухторият бошқаруви” номли рисола ёзади. “Русия ҳукумати ҳозирги аҳволда автономия ва мухторият бошқарувни қабул этмаса ҳам, орадан 20 йил ўтиб қабул қилиши муқаррардир”<sup>3</sup> деб таъкидланади унда. Мазкур асарда мухториятнинг нима экани мусулмон ўқувчиларга батафсил тушунтирилади. Унга кўра, қозоқ даштлари ва Туркистон каби мусулмонлар кўп яшайдиган ўлкаларга ерли мухторият Русия ичкарисида яшаган ва нисбатан озчиликни ташкил этадиган татарлар ҳамда бошқирларга диний-маданий мухторият

<sup>1</sup> Абдурашид Иброҳим (Иброҳимов). Чўлпон юлдузи. –Истанбул, 1895; Санкт-Петербург, 1907. (Абдурашид Иброҳим). Русияда мусулмонлар ёхуд татар қавмларининг тарихчаси. –Қоҳира, 1900. (Иккинчи асари ичидагилар биринчисиники билан баъзи-баъзиси бир хил бўлгани учун айна бир адибга оидлиги англашилади. – Муал.).

<sup>2</sup> Мен бу ҳужжатнинг фото нусхасини тақдим этган профессор Э.Ж.Лаззеринига ташаккур билдираман. – Муал.

<sup>3</sup> Абдурашид Иброҳим. Автономия ёки идораи мухторият. –Санкт-Петербург, 1907.

муносибдир. Келажакда Русия федерал давлат бўлишини маъқуллаган Иброҳим орадан 10 йил ўтиб, феврал инқилобидан кейин тўпланган Бутун Русия мусулмонлари конгрессида муҳокама мавзусига айланган жуда муҳим масалаларни ўртага ташлайди. Аммо “Мухторият” рисоласи Иброҳимнинг Русиядаги сиёсий ҳаракатлари ҳақида ёзган охириги асари бўлиб қолди. Чунки янги бош вазир Столипиннинг мусулмонларга қарши бошлаган реакцион сиёсати бундан кейин ҳеч бир миллий хатти-ҳаракат учун руҳсат бермади. Русиядаги сиёсий фаолиятини ташлашга мажбур бўлган мусулмон зиёлиларининг кўпи, иккинчи Конституциявий инқилобга эришган Туркия давлатига кўчиб ўтади. Фақат Иброҳимгина аввалдан режалаштириб юрган Овросиё бўйлаб саёҳатга чиқади. 1907 йил охиридан 1908 йил бошларигача Туркистонни кезган Иброҳим, бу ерда мустамлаканинг аччиқ асоратларини, шунингдек, Русия ҳукумати қўли остидаги мусулмонларнинг оғир аҳволини кўрди. Баъзи масалаларда Ниши билан Иброҳимнинг қарашлари уйғун келади. Абдурашид Иброҳим ёш мусулмонлар орасидаги уйғониш ҳаракатларидан мамнун бўлади. Бухоронинг аҳволи тўғрисида эса шундай ёзади:

“Толиби илмлар билан жуда кўп марта гаплашдим, уларнинг истеъдодий фитратини синаб кўрдим. Қисман Бухоро талабалари замон талабларига жавоб беради. Мен у ерга борганимда, Русиянинг Когон (Янги Бухоро)даги маъмурлари Бухоронинг баъзи саройларини тафтиш қила бошлашди. Ўша куни атрофга зарарли варақалар тарқатилган ва баъзи кўчаларга омманинг фикрини ўзгартирадиган қоғозлар ёпиштирилган эмиш<sup>1</sup>.

Иброҳим сафар кунларида Бухоро жаҳидлари билан сўзлашаркан, унинг ҳаракатлари рус маъмурлари диққатини ўзига жалб этади. Хуфияларнинг 1912 йил 16 июнь кунги маълумотида ёзилишича, Русиянинг Туркистондаги оҳранкаси Иброҳимнинг Туркистонга сафаридан ташқари, у бир ўғлини Японияга ўқишга юборганини ҳам билар эди<sup>2</sup>.

Туркистондан кейин Сибирь ва Манжурияга ўтган Иброҳим 1909 йил февраль ойида Владивостокдан пароход билан Японияга боради. Нима сабабга кўра Японияга бориб, у ерда ярим йил қолиб кетади? Бу саволга Абдурашид Иброҳимнинг ўзи япон газетасига шундай жавоб беради:

“Японияга келишимнинг асл сабаби Япония турмушидаги ўзига хосликларни ўрганишдан иборат. Очиқ айтсам, рус-япон урушига қадар Япония ҳақида деярли ҳеч нарса билмас эдим. Аммо урушда Япония эришган ғалаба мени шу қадар таъсирлантирдикки, бу мамлакатни кўришга қарор қилдим. Худди чиқаётган куёш каби кун сари юксалаётган Япониядан жуда кўп нарсаларни ўрганиш мумкинлигига ич-ичимдан ишонардим. Биз татарларнинг Русия қўли остида яшаётганимизга 450 йилдан ошди. Бу орада рус ҳукумати қўллаган зулмларни сўз билан ифодалаб бўлмайди. Улар татарларга ўз тарихларини ўрганишга йўл бермади. Ҳукумат татарларнинг таълим олишидан ҳозир ҳам манфаатдор эмас. Масалан, ўтган йиллар ичида татарлар очган мактаблардан 15 таси чор ҳукумати тарафидан ёпилди. Бу мисолдан вазият ҳар кимга аён бўлса керак. Такрор айтаманки, оврўпалилар осиеликлардан нафратланади. Ўзининг шон-шухратли даврларида Туркия юз миллиондан кўп аҳолига

<sup>1</sup> Абдурашид Иброҳим. Олами ислом: Японияда интишори исломият. 1-жилд. –Истанбул, 1910. 21- бет.

<sup>2</sup> Бу маълумотни бизга тақдим этган ЎзРФА илмий ходими марҳум Шерали Турдиевдан миннат-дорман. – *Муаллиф*.

эга эди, ҳозир эса ўн миллионга тушиб қолди. Бу ҳам Туркиянинг осиелик ирққа мансублиги ҳамда оврўпаликларнинг Туркияга қарши босқинлари натижасидир. Шунинг учун Осие мамлакатлари ўзаро бирлашиб, Оврўпа давлатларига қарши туришлари керак, деб ҳисоблайман. Бундай бирлик Осие мамлакатларининг ўз ҳимояси эътиборидан бағоят муҳим сиёсат саналади. Японлар бизга йўлбошловчи бўлиши мумкин; келажакда сизларга ўқувчилар юборишни истаймиз. Татарларнинг мустақилликка эришиши бирдан амалга ошиши мумкинми? Бундай бўлиши мумкин эмас. Аммо дунё тузуми тез ўзгарадиган бўлса, яъни дунёдаги етакчи кучлар мувозанати бузилса, бундай вазиятда татарлар ҳам кутилмаган мустақилликка чиқиши мумкин, деб ҳисоблаймиз<sup>1</sup>.

Урушда ғалаба қозонган Япониянинг кучи ва тараққиётини кўрган Иброҳимнинг стратегиясига кўра, Оврўпа жаҳонгирлари қўл остида бўлган Ислом дунёси Япониядан фойдаланиши керак эди. У баъзан Ғарбнинг келажаги “кун ботиш” бўлар экан, Японияники “кун чиқиш” бўлади, деб тасаввур этади. Ямато-дамашии каби япон миллатчилигига хос миллий руҳ ва ахлоқни мақтаган Иброҳимнинг баъзи сўзлари кейинги Мейжи даври япон осиечилари ва миллатчилари эътиборини ўзига тортади. Японча таржимасида “татарлар” деб кўрсатилган Русия мусулмонларининг илғор зиёлиларидан ҳисобланган Абдурашид Иброҳимнинг сўзлари Япония одамлари учун ҳам жуда ишонарли эди. Хусусан, унинг панисломизмга таяниб таклиф этган Осие иттифоқи тушунчаси япон миллатчилари илгари сурган ғояларга анча яқин эди. Иброҳим қисқа бир вақт ичида Оукума Шигеноку (1832–1922, собиқ бош вазир) ва Иникаи Тсуйоси (1855–1932) каби давлатнинг етакчи одамлари билан алоқа боғлайди. Шу орқали Япония давлат одамлари, ҳарбийлар ва миллатчи зиёлиларнинг диққатини ислом дунёсига тортишга интилди. Бу алоқаларнинг охиригиси ўлароқ Токиода “Осие Гиаки” (Осие қувваи жомеаси) номли бир жамият тузишга муваффақ бўлди. Ташкилотчилар режасига кўра, бу жамият ғарбнинг шарққа истилочилик ҳаракатига қарши Осие ҳимоя ҳаракатларининг маркази бўлиши лозим эди. Анча олдин маълум қилганимиздек, Гаспринский Русия билан бўлажак бирликдан гап очган бўлса, Абдурашид Иброҳим Япония билан бўлажак бирликни афзал кўради<sup>2</sup>.

Аммо Иброҳим стратегиясининг бошқа томони ҳам бор. Дунё саёхатидан кейин ёзган “Олами ислом” асари мазмунига кўра, унинг Японияни ҳам исломлаштириш нияти бўлган экан. Дарҳақиқат бу асарнинг биринчи бўлими “Японияда исломнинг ёйилиши” деб аталади. Муаллиф фикрича номусли, соғлом ахлоқли ва оддий турмушни севган японлар биргина мусулмонликни қабул қилишса, бас, бошқа барча фазилатлар уларда етарли. Гарчанд ўзи сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан бунинг имкони йўқлигини, японларнинг исломни қабул этиши иложсизлигини тушунса ҳам, содиқ иттиҳоди исломчи ўлароқ ислом дунёси билан Япония орасидаги алоқаларни кучайтириш учун японларнинг ислом динига киришига умид боғлаган эди. Бошлаб Токиода биринчи жоме масжидини қуриш, кейин эса Истанбулдаги халифалик билан боғланиш – бу Иброҳим режасидаги иккинчи қадам эди.

<sup>1</sup> Абдурашид Иброҳим. Датанижи Докуритсино Кибоу // Гаикўи Жихўи. 12-4. (№ 137) 1909. 212–213-бет.

<sup>2</sup> Осие Гиаки учун қаранг: Абдурашид Иброҳим. Олами ислом: Японияда интишори исломият. 1-жилд. –Истанбул, 1910. 427–428-бетлар; Сироти мустақим. 6-жилд, 133-сон, 42–44-бетлар ҳамда 222-бет ва 7-жилд, 162-сон, 89-бет.

Абдурашид Иброҳим 1910 йилнинг мартада Истанбулда саёҳатини тугатади. У Бомбайдан ўзига ҳамроҳ бўлган илк япон ҳожиси Ямаока Коутаро билан бирга “Россия мусулмон талабалари” жамияти уюштирган конференцияга таклиф қилинади. Анжуманда “Осиё Гикай”нинг порлоқ келажаги ҳақида оташин нутқ сўзлаган Иброҳим тингловчиларнинг давомли олқишларига сазовор бўлади<sup>1</sup>. Улар орасида балки Фитрат каби Бухородан келган ёш зиёлилар ҳам ўтиргандир. Бироздан кейин Иброҳим чиқарган “Таоруфи муслимин” журналида Фитратнинг мақоласи босилади<sup>2</sup>. Айниқса, “Олами ислом” асаридан таъсирланган Меҳмет Акиф “Японлар” деган бир шеър ёзадики, бу ҳам турклар орасида япон миллати маънавий қиёфасини тасаввур қилишда катта аҳамият касб этади. Бироқ Иброҳимнинг Япония билан халифалик орасида боғланиш ҳақидаги ўйлари орзулигича қолди – натижа бўлмади. Ҳокимият тепасидаги ёш турклар исломчиликдан кўра кўпроқ туркчиликка урғу беришди. Шунинг учун Усмонли давлат одамлари Япония сиёсатини кун тартибига қўйишга эҳтиёж ҳам сезишмади. Ўша кунларда Иброҳимни расман қабул этган собиқ садриазам Комил Пошо унга шундай дейди: “Хожам, бироз кечикибсиз, Азиз даврида келсангиз, катта илтифотлар кўрар эдингиз. Жаннатмакон у зот бундай масалаларни жуда яхши кўрарди. У даврда денгиз флотимиз ҳам кучли қудратга эга эди. Марҳум Азиз сиз каби бир одамни атай қуроллантириб юборарди. Ҳамид ҳам бир илмий ҳайъатни юбормоқчи бўлган эди. Бизнинг Эртуғулдан омад юз ўгирди. Бундай ишларни Ҳамид жуда яхши кўрар, бироқ қудрати йўқ эди”<sup>3</sup>.

Бу гапдан Иброҳимнинг кўнгли ранжиди; илож қанча, у ўзининг панисломчилик ҳаракатларини охирига етказа олмади. Ҳаётининг сўнгги йилларида японлар томонидан чақириб олинган Абдурашид Иброҳим Токиода вафот этди. Вафотидан бир неча йил олдин Иброҳимдан ёш бир япон арабча ўрганди. Қисқа муддат Токиода яшаган татар жадиди Мусо Жоруллоҳ Бегийдан ислом бўйича хусусий дарслар олган бу ёш йигит – келгусида ислом тарихи бўйича дунёга таниладиган профессор Изутсу Тошихико эди. Шоува даври Японияси билан Иброҳим орасидаги алоқалар бошқа бир тадқиқот мавзуси бўла олади.

### Абдурауф Фитрат

XX аср бошларида Туркистон шаҳарларида ҳам усули жади́д мактаблари очилди. 1911 йилда Истанбулга ўқишга борган ёш бухоролик жади́д Абдурауф Фитрат “Мунозара” номли форсча адабий асар ёзди. Бу асар ўша даврда усули жади́д мактабларининг зарурати ҳамда бухоролик ислохотчилар билан қадимчилар ўртасидаги тортишувларга нуқта қўйиш учун ёзилган эди; асар фақат Бухорогагина эмас, балки бутун Туркистондаги жади́длар ҳаракатига руҳ ва куч бериши билан машҳур бўлди<sup>4</sup>.

“Мунозара” Ўрта Осиёдаги ислом илм маркази Бухорои Шарифдан ҳажга кетмоқчи бўлган бухоролик мударрис ҳамда у билан Ҳиндистонда

<sup>1</sup> Аҳволи Олами ислом ҳақида конференция. Сироти мустақим. 4-жилд, 82-сон, ҳижрий 1326 йил 17 март, 66-74-бетлар.

<sup>2</sup> Бухороли Абдурауф (Фитрат). Бухоро вазири Насруллоҳ бей Парвонани афанди ҳазратларига очиқ мактуби // Таоруфи муслимин. 2-жилд, 25-сон, ҳижрий 1326 йил, 10-бет.

<sup>3</sup> Абдурашид Иброҳим. Тарихнинг унутилмас саҳифалари. –Берлин. Тарихсиз. 8-бет.

<sup>4</sup> Бу ҳақда қаранг: Ҳисоо Коматцу. XX аср бошларида Ўрта Осиёда туркчилик ва давлат ҳаракатлари. –Анкара: Турхон, 1993.

танишган бир оврўполининг мусулмонлар дунёсининг ҳолати, шунингдек, Бухородаги таълим ислоҳоти ҳақидаги суҳбатларидан иборат. Ёзувчининг нияти Бухоро мусулмонларини жаҳолатдан қутқара оладиган аниқ йўл – бу таълим ислоҳоти эканини теран тушунтириш эди. Унинг фалсафаси китобнинг сўнгсўзида келган бир рубойда шундай ифодаланади:

*Куфрнинг жамияти паришонлигимиздан,  
Бўхтоннинг ободлиги эса вайронлигимиздан,  
Ислоннинг ўзи ҳеч ўзгармасдир,  
Энди бўлган ҳар айб биз мусулмонлардан!*

Бу рубой бироз фаркли тарзда бухоролик сайёҳ, тужжор ва табиб Мирзо Сирожиддиннинг “Сафарномаи Тўҳафи аҳли Бухоро” (Когон-Янги Бухоро. 1912) номли форсча саёҳатномасида ҳам бор<sup>2</sup>. Муаллифи номаълум бу рубой ўша замондаги Бухоро жадидлари орасида жуда кенг тарқалган эди. “Мунозара” асарида Фитрат Абдурашид Иброҳимнинг ишларини ҳам эслаб ўтади:

“Нўғой(татар)лардан Абдурашид Иброҳим иттиходи ислом йўлида ёлғиз 12 рубл билан уйини тарк этиб, то Чин ва Японияга қадар саёҳат қилди. Япония пойтахти Токиода бир қанча япон зиёлисининг исломни қабул қилишига сабаб бўлди. Ҳатто бир ислом жамияти тузишга эришади. Хўш, булар исломга хизматдан бошқа нима бўлиши мумкин? Айниқса, жиддиятлари билан тоғларни титратган япон вазирларидан баъзилари бўш вақтларини халқ таълимига бағишлаган экан. Улар ҳам (бухоролик мударрислар каби) мактаблар очиб, болаларни ўқитгани учун ҳеч кимдан пул олмас эканлар. Балки ўз пулларини таълим учун сарфлар эканлар”<sup>3</sup>.

Фитрат Абдурашид Иброҳимнинг хизматларини эътироф этади. Айни чоқда асрлардан қолган ўз обрўсига таянган ва бутунлай манфаатли ишлар билан шуғулланган бухоролик мударрисларни танқид қилади.

Туркистондаги жадидчилик ҳаракатлари 1917 йилда рус февраль инқилобидан кейин том маънода буюк бир тараққиётга юз тутди. Туркистон зиёлилари бу даврда чоризм мустамлака сиёсатининг тугашига ва мухториятга эришиш учун йўл очилишига умид қилдилар. Ҳақиқатда бу инқилоб Туркистон мусулмонларига ўша давргача тасаввур қилиб кўрилмаган бир сиёсий мустақиллик тақдим этди; шу туфайли жуда кўп мусулмон газета ва журналлари нашрдан чиқди. Айни дамда “Шўрои исломия” ва “Турк адам марказияти” (Федералист) партияси каби сиёсий уюшмаларнинг ишлари ҳам ривожлана бошлади<sup>4</sup>.

Афсуски, мухторият ҳаракатларининг ривожланишига мустамлака тузумидан қолган бир қанча сиёсий кучлар қатта тўсиқ бўларди. Умуман олганда бошқарув ва ҳарбий ишлардан четда қолган мусулмонлар ичида мухториятга тайёргарлик йўқ эди. Шунингдек, мусулмон жамоалари ҳам ичидаги ижтимоий-сиёсий зиддиятлар туфайли турли гуруҳларга бўлиниб

<sup>1</sup> Фитрат Бухороли. Мунозараи мударриси бухорои ба як нафар фаранги дар Ҳиндистон дарборайи мактаби жадида. –Истанбул: Матбааи Исмоилия, 1911. 67-бет.

<sup>2</sup> Мирзо Сирож ал дин Ҳожи Мирзо Абдул Рауф. Сафарномаи Тўҳафи аҳли Бухоро. Ба муқаддимаи Муҳаммад Асадиён. –Техрон: Интишор Бу Али, 1369. 149-б. 1999 йилда бу асарнинг французча таржимаси ҳам нашр этилган.

<sup>3</sup> Фитрат Бухороли. “Мунозара”, 14-б.

<sup>4</sup> Бу ҳақда қаранг: “The Program of the urkic Federalist Party in Turkestan (1917)” in H.B.Poksoy, ed. Central Asia Reader: The Rediscovery of History, M.E.Sharpe, Armonk-London, 1994, ss.117–126.

кетди. Улар зулмга қарши тура олмадилар, бирликка ҳам эришишнинг имкони бўлмади. У даврда Фитрат ёзган асарларда тарихий қаҳрамон Амир Темур кимлигини тез-тез эсга олиниши тасодиф эмас. Туркистон мусулмонларига бирлик даъватида бўларкан, Темур бирлик учун энг муносиб намуна эди. 1916 йил кўзғолонида кўринган мустамлакачи руслар билан мусулмонлар орасидаги ишончсизлик ва душманликка тўла алоқалар ҳам бирдамлик учун тўсиқ эди. Русия Октябрь инқилобидан кейин 1917 йил 27 ноябрида эълон этилган Туркистон мухториятини мамнун кутиб олган Фитрат “Туркистонда руслар” номли мақоласида шундай ёзади:

“Бизнинг Туркистонимиз эса мана шу буюк турк улусининг бешиги бўлмоғи билан ифтихор қилди...”. Ёлғиз шуми? Аббосийлардан сўнг ислом салтанатига қоровуллик қилган турк хоқонларининг охири ва улуғларидан бўлган Темур янглиғ турк қаҳрамонини Туркистон етиштирди. Яна аббосийлардан кейин “маданияти башария”ни бошлари узра кўтарган турк олимларининг каттаконлари бўлган Абу Али, Улуғбек, Жавҳарий ва Форобий каби ҳикмат тиргакларини Туркистон чиқарди.

Афлотунлар чоғинда Афина, Румо салтанатида Румо, аббосийлар хулофотинда Боғдод қанча тараққий қилган бўлса, Темур ва Улуғбек замонида Самарқанд шунча тараққий қилган эди.

Бир кишининг миясига чоғирнинг қандай таъсири бор эса, бир миллатнинг миясига дахи салтанат ва маданият ичкусининг шундайин таъсири бордир. Салтанат, бойлик ва маданият ичкулари бизнинг миямизни бузди, бизни маст этди, кўлимиздаги салтанат қиличи билан маданият дафтари билан бир ёнға қўйиб сафоат чолғуларини олдуқ. Урдик, чолдик, ичдик, йиқилдик, ёндик ва шунлар учун бир-биримиз билан урушдик...

Мана шу чоғлар эдиким, Русия давлати бизнинг ўлкаларимизни келиб босди. Ортуқ биз Туркистон турклари Оврўпо маданияти ташувчи бўлган рус миллатига йўлиққан бўлдик. Маданий руслар билан қоришиб унларнинг далолати Оврўпонинг маданий ва ижтимоий усулларидан таъсир олмоғимиз керак эди. Русларнинг ўқиган, тарбияли кимсаларидан социализм ва қардошлик маслағида юрган ҳам императорлик ҳукумати тарафидан қувилиб, қисилиб турганлари учун бизга бирор таъсир қўёлмас эдилар.

Қолди: рус миллатчилари, рус бойлари ва рус пўплари билан шунларнинг қоровули бўлган император ҳукумати.

Юртимиз эллик йиллик бир идорайи аскарйа остида турдиғи учун биз Оврўпанинг маданий миллатлари билан кўриша олмадик, унларнинг ижтимоий ва иқтисодий фикрлариндан истифода қилолмадик. Бизнинг кўзларимизни очдурмаслик учун фикри очик татар қардошларимизнинг дахи Туркистонда мактаб очмоқлари манъ этилди...

Маҳкамаларда, уйларда, йўлларда, тижорий ишларда, ҳатто вагон арбаларида Туркистон ерлисининг ҳуқуқи Туркистон мусофирлари бўлган рус ва арманидан тубан туширилди.

Бухоро ва Хива ҳукуматларининг доҳили истиқлоллариға, миллий номуслариға турли баҳоналар билан тажовузлар қилинди.

Эллик йилдан бери шундайин ҳақсизликлар ва зулмлар орасида бўғилиб келган Туркистон бу кун ўз мухториятини Хўқандда эълон қилди. Хўқандда ижмоъ этган Туркистоннинг тўртинчи курултойи ўз баённомасинда “Федаратса асосиға курулган Русия жумҳурияти ила бирликда қолган ҳолда Туркистон мухторияти” деган сўз ёзиб, рус ҳукуматиға содик қолиғини билдурди.

Шунинг ила баробар “Туркистонда ақлият ташкил қилган миллатларнинг ҳуқуқларининг ҳар жиҳатдан сақланмоғи ҳам тантанали суратда” эълон этилиб, адолат байроғини кўтарди...

Билмадик нечундурким, ҳозирда иш бошинда адолатчи большевиклар муни қабул қилмай туралар!”<sup>1</sup>

Маълумки, 1918 йил 20 февралда Туркистон Мухторияти большевиклар ва арманиларнинг катта ҳарбий кучлари билан ваҳшиёна тарзда йўқ этилгандан кейин Туркистонда шиддатли ички уруш майдонга келди. Бу парокандаликда мусулмон зиёлилари қайси тарафни танлаш масаласида жуда қийин вазиятда қолдилар. Фитратга келадиган бўлсак, у балки Бухоро амирлигидаги реакционер режимга қарши туриш учун совет Русияси билан ҳамкорлик йўлини танлаган. Масалан, Фитрат 1919 йилда ёзган “Шарк сиёсати” номли мақоласида Абдурашид Иброҳим каби Шарқдаги мусулмон халқларининг озодлик ва бирдамлик стратегияси ҳақида тўхталаркан, мусулмон оламини ҳур кўришни истаганлар Русия советлар ҳукумати билан бирлашиши керак, деган хулосани беради. У ёзади:

“Русиянинг советлар ҳукумати билан бирлашиш фикри янги фикр эмас. Исломнинг буюк кишилари ва давлат одамлари буни олдиндан яхши тушунар эди. Мусулмон дунёсининг Оврўпо жаҳонгирлигидан қутқармоқ керак, лекин мусулмон дунёси билимсиз, шуурсиз, хунарсиз қолди, бирлиги йўқ, иш йўллари билмайди, қуроли йўқ. Бунинг учун Оврўпадаги кучлардан бириси билан бирлашмак керак, бошқа чора йўқ. Бунинг учун мусулмон мутафаккирлари Оврўпанинг қайси кучига, қайси давлатига қўшилиш керак дея, кўп ўйлашди. Усмонли ёзувчиларининг энг оташин миллатчиси Жалол Нури Бей бир асарида: “Мусулмонлар Оврўпанинг босқинидан қутулмоқ истасалар, Оврўпа социалистларига қўшилишлари керак”, деб ёзди. Биз, мусулмонларга бу кунги Япония ҳукуматидан ҳам ёрдам келмайди. Чунки бугунги Япония ҳукумати ҳам жаҳонгир бир ҳукуматдир. Фақат бошқаларга ўхшаб бизни йўқ қилишни истамаган бир давлат борки, у ҳам Русия советлар ҳукуматидир”<sup>2</sup>.

Бу парчадан Фитрат фақатгина Жалол Нурининг эмас, балки Гаспринский ва Иброҳимнинг қарашларидан ҳам яхши хабардор экани кўринади. Ўрта Осиё тарихида бўлиб ўтган воқеаларни яхши билиш учун Фитратнинг хатоларини танқид этиш қанча осон бўлмасин, барибир Фитратнинг қандай шарт-шароитда шу қарорга келганини атрофлича ўрганиш тарихчилар учун долзарб саналди. Бу тадқиқотлар қайта қуриш давридан кейин бошланди, аммо ҳали ҳам қилиниши лозим бўлган ишлар кўп, дея оламиз. Фитрат Ўзбекистонда тарихчи ва адабиётшунос ўларок кўплаб қийматли асарлар ёзганига қарамай, Сталин давридаги “буюк тозалаш”да тўхматлар билан бошқа жадиждлар қатори “халқ душмани” сифатида 1938 йил 4 октябрь куни қатл қилинди. Жадиждлар фаолияти шу санада батамом охирига етди. Бироқ ҳозирги Ўрта Осиёдаги мустақил республикалар тарихини ўрганишда жадиждлар даврига катта аҳамият бериш кераклигини таъкидлашни истаيمان.

<sup>1</sup> Фитрат. Туркистонда руслар // Хуррият, 1918, № 63–64. Изох: Ҳ.Коматцу мақоласида Фитрат фикрларининг мазмуни берилган, биз таржима жараёнида Фитрат мақоласидан айнан кўчирдик. –Б.К.

<sup>2</sup> Фитрат. Шарк сиёсати (Нашрга тайёрловчилар: Б.Эргашев ва И.Фаниев). –Бухоро, 1992. 28-бет. Бу ўринда ҳам Фитрат фикрларининг мазмуни берилган. Фитратнинг “Танланган асарлар”и 3-жилдидаги айна мақолага қиёсланганда шундай таассурот қолдиради. –Б.К.



*Такэси ИНОУЭ*

## ЭНГ КАТТА ОРЗУ

*Рус тилидан  
Дилдорхон АЛИЕВА  
таржимаси*

Кўзбойлоғичлар гуруҳи келишини бесабрлик ила кутганча мен пешонамни дераза ойнасига тирадим-да, олисларга тикилдим.

Деразадан энсиз жарлик ичида ётган қишлоқ бор бўйича кўриниб турарди. Ундан нарида чуқур-чуқур ўйилиб кетган йўл ястанган бўлиб, у қишлоқни худди чизғичда чизилгандек тўппа-тўғри қоқ иккига бўларди-да, тоғ тизмалари оралаб, узоқ-узоқларга чўзилиб кўринмай кетарди.

Йўлнинг ҳар икки томонидан анғизнинг қорамтир дағал поялари билан қопланган далалар ястанган, кузги экинлар экилган ерлар қорайиб кўринарди. Кечки сабзавот томорқаларида экинлар энди бош кўтарган.

Дзелькв<sup>1</sup> таналарига маҳкам ғуж бўлиб ёпишиб олган похол билан ёпилган дехқон уйлари худди учи юқорига қилиб тик қоқилган улкан супургига ўхшарди. Яланғоч дарахтлар тепасидан осилиб кўринган тоғ ёнбағирларида сузиб кетаётган енгил булут парчаларининг соялари қорайиб кўзга ташланарди. Чапда, қиш манзарасига зеб бериб, синточилар эҳроми дарвозаси қизариб кўринарди.

Касал оёғимни отамдан қолган, ўнгиб кетган жун ҳарбийча енгилкўрпа билан ўраб ва елкамга яна бир пахталигини ташлаб, мен тонг саҳардан буён дераза олдида ўтирардим. Шаҳардан қишлоққа фақат биргина йўл бўлиб, ундан артистлар ўтиши керак эди. Уларни мен ўлсам ҳам ўтказиб юборолмасдим.

Кўзбойлоғичларнинг келиши ҳақида мен беш кун бурун ойимдан эшитгандим. Ойим қишлоқ чеккаларига йиртиқ-ямоқ ишларни эгаларига қайтариш учун борарди ва у ёқдан қайтиб келгач, ҳамма жойда телефон симёғочларига “Кўзбойлоғичларнинг катта бир гуруҳи”нинг бўлажак сафарлари ҳақидаги эълонлар ёпиштириб ташлангани тўғрисида сўзлаб берганди. Гастроллар учун бу жуда қулай пайт эди – дехқонлар ҳосилни ўриб олган ва қишга тайёргарлик ҳам ниҳоясига етганди – шу боис артистлар ҳозир чекка қишлоқларда айланиб юарди.

Мен ҳеч қачон циркда бўлмаганман, шу боис цирк томошаларини жон-жон деб кўрган бўлардим-у, бироқ бундай интиқликдан заррача фойда йўқлигини шу заҳотиёқ англаб етдим, чунки мен юришдан бенасибман. Ойим эса ҳар ҳафта мени орқасига опичлаб шаҳар касалхонасидаги

<sup>1</sup> Манба: Современная японская новелла: Сборник. –М.: Радуга, 1985.

<sup>1</sup> Дзелькв – қайрағочдошлар оиласига мансуб дарахт нави.



шифокор хузурига олиб боришига тўғри келарди. Агар битта-яримтанинг бизга кўзи тушиб қолгудек бўлса, ҳар сафар нақ ерга киргудек бўлардим. Ахир, ёшимдан келиб чиқадиган бўлсак, мен учинчи синфда ўқиётган бўлардим. Қишлоқларда эса фақат ёш болачаларни опичлаб кўтаришарди. Кўзбойлоғичлар томошасини роса кўргим келаётувди-ю, аммо бунинг иложи йўқ эди.

Деразадан боққанча мен “Кўзбойлоғичлар катта гуруҳи”нинг томошаларини кўз олдимга келтиришга ҳаракат қилдим. Улар, албатта, от қўшилган фургонларда, кувнок мусикалар остида, оркестр ҳамроҳлигида келишлари керак. Кўзбойлоғичлар ўз найранглари тез, абжирлик билан бажарадилар – ҳўкиз миниб юрмасалар керак, ҳарҳолда? Улар бизда нималарни кўрсатишади? Сеҳрли таёқчасини бир силкитади – ва чиройлигина қиз сўйлоқ тишларини тиржайтириб турган ғазабнок йўлбарсга айланади. Бу ҳақда мен бир китобда ўқиганим бор. Балки улар томошабинларни қанақасидан қанча хоҳласанг ейиш мумкин бўлган эртакнамо Ширинликлар Мамлакатига олиб бориб қўяр? Циркнинг келиш вақти яқинлашгани сайин кўзбойлоғичларнинг мўъжизакор кучларини шунча кўпроқ тасаввуримга келтирар эдим. Энди ўзимни соппа-соғдек ҳис этардим. Мана, дўстларим билан қишлоқнинг у четидан бу четига югуриб юрибман, тоғларда кезаяпман, дарёда сузаяпман, ўқиш китоби бўйича дарсларда саволларга жавоб бераяпман. Ўлган отам тирилиб келади... Ҳа-а, қанийди шулар ҳақиқатга айланиб қолса...

Томошага боролмаслигим аниқлигига кўзим етиб турса-да, муюлиш ортидан ана-мана фургонлар пайдо бўлишини ўйлаганимда, юрагим таққа тўхтаб қолгандек бўларди. Аммо йўлда ҳеч зоғ кўринмаётганди.

– Туш ҳам бўлди, нега улар бунча ҳаяллаб қолишди? – норози оҳангда ғудрандим мен, тикув машинасида ўтирган ойим томонга бурилиб қараб. Сўнгги пайтларда у жуда озиб-тўзиб кетган, юзида қондан асар йўқ эди.

Тикишдан бошини кўтармай – онам маҳаллий деҳқонлар кийимларини ямар эди, – у менга тасалли берарди:

– Ҳозир келиб қолади, болам, сабр қил. – Сўнг яна тепкини босарди. Нимқоронғи ҳувиллаган хонада машинанинг тақир-туқури янада кескинроқ ва баландроқ янграрди.

Бизни кўчириб олиб келишганди, отам эса ўлиб кетганди ва биз ойим, синглим ва тўрт яшар укам билан рухланган тунука томли, омонат кулбада кун кечирардик. Қишда уй ичи зимистон ва ҳувиллаган бўларди. Тирқишлардан совуқ кирар, ойим бечора уларга қоғоз ёпиштириб чиқарди. Ўша куни укам билан синглим қаёққадир гумдон бўлганди – қўшни болалар билан ўйнаб қолишган бўлса керак.

– Болажоним, иситкични алмаштирайми? – машинани тўхтатиб, сўради ойим.

Мен иситкични оёғим бармоқлари билан пайпаслаб кўрдим ва “ҳа” дегандек бош ирғадим. Қузатишга берилиб, иситкич ҳам ёдимдан чиқиб кетганди, аммо энди унинг совиб қолганини билгач эса оёғимга дарҳол оғриқ турди.

Оёғим, албатта, иситкични эсга олганимдан оғримаётганди, шунчаки совуқдан у ҳар доим оғрир эди. Қиш яқинлашиши билан оғриқлар кучаяди, оппоқ қиров кўнган далаларга ҳад-ҳисобсиз кулранг чуғурчиқлар булутдай бостириб келганида эса ўнг оёғимдаги симиллайдиган оғриқ менга доим

азоб бера бошларди. Қон нотўғри айланиши туфайли иситкични ҳар қанча иссиқ қилиб босмай, оёғим муздек қотиб тураверарди. Совуқ тунларда оғриқ шунақанги жон-жонимдан ўтиб кетардики, охири ойимни чақиринишга мажбур бўлардим. У менга янги иситкични олиб келар, сонимдаги йирингли докани алмаштирар ва оғриқли оёғимни анчагача авайлаб силар эди. Уни мудроқ босиб, қўли аста-секин ҳаракат қилишдан тўхтаса, мен овозимни кўтариб, уни чақирардим ва у яна оёғимни силашга тушиб кетар эди.

– Ойи, улар ростданам келишадими? – бесабрлик билан сўрадим мен, янги иситкич алмаштирилаётганда.

– Келишади, келишади. Бекорга жаҳлинг чиқмасин, болам, жиндай сабр қил.

Ойим деразага бирров кўз ташлади-да, ёнимга сопол иситкични қўйди ва кафти билан бир неча бор шاپиллатди-да, сўнг яна тикув машинасига ўтирди. Мени сира жаҳлим чиқмаганди, шунчаки кутавериб токатим тоқ бўлганди. Касал оёғимни иситкич устига қўйдим-да, яна деразага тикилдим.

Мен уззу-кун деразадан кўчада бўлаётган ҳамма нарсани кузатишга ўрганиб қолгандим. Тўғри, қишлоқда, хусусан қишда қизиқ нарсалар кам бўлади, шу боис одам дарров зерикади. Мен кўчада қандайдир ҳаракат бўлишини ёқтираман. Бу хоҳ қоп-қора ва қаторлашиб ётган жўягу уватлардан сакраб-сакраб ўйнаб юрган болакайлар бўлсин, хоҳ бошини юзигача сочиқ билан ўраб олган, кўш ҳўкизни олдига солиб ҳайдаб кетаётган дехқон бўлсин, барибир... То кўздан йўқолгунча улар ортидан қараб қолардим. Мен айниқса боғимизга кириб қолган, хитой ғарови донларини хуш кўрувчи, жаранг овозли ўрдақлар ва майналарни кўрганимда завқланиб кетардим. Ҳатто офтобшувокда гўнғиллаб учиб юрган сўналар ҳам назаримдан четда қолмасди. Кўчада букчайиб, ҳасса таяниб, йўл чеккасида узоқ айланиб юрган битта-яримта қарияга кўзим тушса ҳам суюниб кетардим. Унга қарардим-да, ўйлардим; секин юрса нима қипти, секин юрса ҳам ишқилиб ўзи юрса бўлди-да...

– Ойи, ойижон! Келишди! – қичқирдим мен деразага ёпишиб. Узоқдан усти ёпиқ отарава кўринди. Ниҳоят-а! Бу цирк соябон араваси эканини мен дарров билдим. Ҳўкизарава қишлоқда тўлиб ётибди, отаравалар эса, бармоқ билан санарли. Усти ёпиқ отаравани гапирмаса ҳам бўлади.

Арава яқинроққа келганида вой деб юбордим: бу қанақа лақашиқилдоқ бўлди?! Соябонли араванинг оч жигарранг тепаси қора бўёқ билан чаплаб ташланган, орқадан йиртилиб тушган брезент шамолда лоп-лоп қиларди. Кириланиб кетган ён мато қопламалар осилиб ётарди. Уларга алланималар ёзилган бўлиб, фақат “катта” ва “гуруҳ” деган иккита миҳхат сўзини ўкиса бўларди. Арава ғилдираклари ўйдим-чукур жойларга тушиб-чиқаверганидан фургон, гоҳ у, гоҳ бу томонга қийшайиб, қандайдир бесўнақай ҳаракат қиларди. Тақирбош аравакаш ўша заҳоти юганни ё тортар, ё қўйиб юборарди. У бошланг ўтирар, лоақал бошини сочиқ билан ўраб олмаганидан роса совқотарди ҳам. Шаҳардан келиш йўли ҳамма вақт тоққа қараб кетарди, тик баландликлардан юришнинг ўзи бўлмаганидан отнинг ҳам роса силласи қуригани аниқ эди. Аравакаш дам-бадам қамчи устига қамчи босарди. Туёқлар остидан учкунли паға-паға булутчалар пайдо бўлар ва шамол уларни ўша заҳоти учириб кетарди.

Мен шахардан бир нечта отарава чиқиб келса керак деб ўйлагандим, бу ерда бўлса бор-йўғи биттагина арава, устига-устак унинг ҳам шалоғи чиқиб ётибди.

Ҳа-а... “Кўзбойлоғичларинг катта гуруҳи” биргина аравада-я?! Муסיқадан ҳам дарак йўқ! Бари мен кутгандек бўлиб чиқмади – шуларни ўйлаб, хафсалам пир бўлди.

Соябонли арава қишлоқнинг ярмига бориб қолганида болалар уни пайқаб қолди ва қий-чув қилганча уватлар бўйлаб кимўзарга чопа кетди. Бир қанча жулдурвоқи аллақачон йўлга чиқиб, арава кетидан қувишга тушди. Арава ўриндиғида ўтирган киши салгина ўрнидан қўзғалганча, ғалати қилиб буралиб-эшилиб уларга салом берар эди. Болақайлар унга жавобан қувноқ қўл силкитишди. Мен ҳам бирданига соябонли арава кетидан шундай югургим келиб-кетдики, қўяверасиз.

“Арава, кўриниб турибдики, алмисокдан қолган, бунинг устига бор-йўғи биттагина, аммо модомики эълонларда “кўзбойлоғичларнинг катта гуруҳи” дейилган экан, демак, дастур ҳам шунга яраша бўлиши керак”, – мулоҳаза қилдим мен.

У томондан бу томонга силкинганча болалар куршовидаги соябонли арава тоғ этагида кўздан ғойиб бўлди. Бошланғич мактаб биносигача у ёғоч кўприк бўйлаб дарёдан ўтиб бориши керак бўларди. Соябонли арава кўздан йўқолиши билан энсиз йўл хувиллаб қолди ва қишлоқ яна ўзининг зерикарли ва ғамгин ҳолига қайтди.

Эшик ланг очилиб, хонага узук-юлуқ нафас олганча ўйинқароқ жигарларим бостириб кирди. Укам ойимнинг этагидан торткилаб, кистай бошлади:

– Бўлинг! Бўла қолсангиз-чи!

– Шошиб нима қиласизлар, барибир оқшом тушмай бошланмайди, – тўхтатди ойим уларни, тикишдан кўзини олмай.

– Кўшнимиз, агар тезроқ бормасаларинг, жой қолмайди, деб айтди, – норози оҳангда чўзганча деди синглим.

“Уларнинг баравар ёпирилиб келишида гап бор экан-да”, – ўйладим мен.

– Томошага бутун қишлоқ чиққандан кейин жой қолмайди-да! – ойимнинг гапига қулоқ ҳам солмай ўзиникини маъқуллай кетди синглим.

– Ёки томошадан бутунлай қуруқ қоламиз, – тумсайиб деди шамолдан иккала юзи қип-қизил бўлган тикмачоғимиз.

– Болаларим, балки қўшнимиздан сизларни бирга олиб боришини сўраганим маъқулдир? – Ойим машинани тўхтатди ва қўлларини кичкинтойларнинг елкасига қўйди.

– Нега энди? Нега биз қўшнимиз билан боришимиз керак экан? – укам ва синглим бараварига хафа бўлиб тўнғиллаб кетди.

Мен ўгирилдим-да, нигоҳимни хувиллаган кўчага олдим. Ойимнинг кўнглидан нималар ўтаётганини билиб турардим.

– Акангизнинг бир ўзи зерикиб қолади. Бунинг устига ишларимни ҳам битирганим йўқ...

– Йўқ! Сиз билан бораман! – маҳкам туриб олди укам.

– Мен ҳам. Шу ишингизни эртага қилсангиз-чи? Акамизни эса ҳар доимгидай опичлаб олиб бориш сизга малол келмайди, – кичкинтойни қувватлаб деди синглим баланд овозда, хафа бўлиб.

– Бас қиласанларми, йўқми? Сабрингиз чидамаётган бўлса, учовларинг кетаверинглар! – дедим уларнинг кичқирикларини босишга ҳаракат қилиб.

Ҳамма мен томонга бурилиб қаради. – Боринглар, мен эса уйга қоровул бўлиб қоламан! – Уларнинг жаҳл билан қараётганини кўриб, мен яна дераза томонга ўгирилиб олдим.

Қуёш уфққа ёнбошламокда эди. Йўл ёқалаб саф тортган телеграф сим ёғочларининг сояси йўлнинг ўртасига бориб қолганди. Соялар йўлни кесиб ўтиб, даланинг ярмига бориб етганда, қуёш тоғ устига беркиниб улгурди.

– Жон болаларим, йўқ деманглар, қўшни билан боринглар, – оҳиста илтимос қилди ойим.

– Ҳа-а, унда нега дарров қичқиради? Сиз эса доим бизни алдайсиз ва фақат акамининг айтганини қиласиз.

Бу гапларни эшитиб, яна чидаб туrolмадим:

– Ҳой, мижғов! Йўқол бу ердан! – бўкирдим мен ўша-ўша дераза томонга қараб ётганча. Нафасимдан ойнада бир сониягина юпқа парда ҳосил бўлди ва ўша заҳоти кўздан йўқолди. Синглим ҳамон нималардир деб жавранарди – унинг одати шунақа, бир бошладими, тўхтатиб бўлмасди.

– Бирпас ўйнаб келинглар, – деди ойим. Укам билан синглим индамай кўчага йўл олди.

Хона ичи яна жимжит бўлиб қолди. Фақат тикув машинасининг тақир-туқуригина эшитиларди. Мен деразадан ўгирилиб, чалқанча ётиб олдим-да, қўлларимни бошим остига қўйдим ва кўзларимни юмдим.

Нафсиламрини айтганда, томошага боришни хоҳлардим. У мажлислар танобийсида бўларди, демак, мен мактабни кўрган бўлардим. Ахир, мен у ерда бир марта ҳам бўлмаганман. Менинг дўстларим ҳам йўқ. Мактаб тўғрисидаги гапларни фақат бу йил баҳорда<sup>1</sup> биринчи синфга борган синглимдан билиб олардим. Унинг ҳикоялари одамни завқ-шавққа тўлдириб юборарди. Аммо борди-ю, ойим мени опичлаб олиб боргудек бўлса, ҳамма бизга кўзларини чақчайтириб қарар ва ҳатто “анави чақалокни қаранглар” деб калака қилар эди. Баридан ошиб тушадигани мен учун шу эди. Ҳолбуки бундан ҳам эртароқ уйғонсам-да, эрталаблари ойимдан мени дераза тарафга томдан шудринг томчилари чак-чак қилиб томгандан сўнггина олиб ўтишини ўтинардим. Бунгача дераза олдига йўламасдим. Тенгқурларимнинг мактабга кетаётганини кўриш мен учун азоб эди. Уларга совуқ писанд эмасди. Барчалари бардам, тетик, улар уватдан уватга сакрар, уруғ ташланган экинзорларни айланиб ўтар ва катта кўча бошида тўпланишарди, бу дақиқаларда мен кўрпага бошимни буркаб ётиб олардим-да, уларнинг гапларига кулоқ солар эдим. Шаҳар касалхонасига йўл олаётганимизда биз доим кўчага каллаи сахардан чиқиб олардик – бу пайтда кўчада ҳеч зоғ бўлмасди-да. Мени орқасига ўнгариб олган ойим ҳассага таянганча оғзидан паға-паға буғ чиқариб, ичидан темир йўл ўтган шаҳар манзилгоҳи томон муз боғлаган шағалли йўлдан эҳтиёткорлик билан тушиб борарди.

Узоқ чўзилган, мудҳиш ва биз мағлубиятга учраган уруш тугаганига ҳам уч йил бўлди, касалим эса тобора оғирлашиб борарди. Шифокорлар менда тос-сон бўғимлари сили борлигини аниқлашди ва мени махсус муолажага муҳтожлигимни айтишди, бироқ уйда лоақал муолажа белбоғига ҳам етарли пул йўқ эди. Қўлимиздан келадиган ягона иш – бу ҳафтада бир бор тоғдан тушиш, докторга кўриниш ва дори олиш эди, холос. Бир куни эрта ёзда, айна уруш поёнига етган йили мен тоғ сўкмоғида сирпаниб

<sup>1</sup> Японияда ўқув йили 1 апрелда бошланади.

кешиб, йиқилиб, соним лат егандан кейин оёғим оғрий бошлаганди. Аммо бунгача ҳам мен, ҳойнаҳой, отамдан силни юктириб олгандим. Жанубий денгизларда жанг қилиб юрганида отамнинг ўпкаси шу дардга мубтало бўлганди ва уни уйга қайтариб юборишганди. У қон тупуриб юрган кўйи қайтиб келди ва шу ерда, қишлоқда 1945 йилнинг кузида дунёдан ўтди. Йиқилганимдан бир неча кун ўтгач, ўнг соним шишиб кетиб, оғрий бошлади. Тиззамнинг тепа қисми айниқса қаттиқ шишиб кетганди, шишдан терим чўзилиб, тип-тиниқ бўлиб кўринарди. Кейин у ёрилди ва яра ичидан кўп йиринг чиқди, шундан кейин мен тўшакка росмана миҳланиб қолдим. Қишлоқда шифокор йўқ эди ва мени орқасига опичлаб, ойим мен билан суртма дори олгани шаҳарга борди. Ойимга менинг касалимни фақат Токиодаги катта касалхонада даволаш мумкин деб айтишди. Токиодаги уйимиз бомбардимон вақтида ёниб кетганди ва бундай сафарларга отланиш учун бизда пул йўқ эди. Мен бутунлай юролмайдиган бўлиб қолгандим ва бутун ёзни рамакдажон отам билан икковимиз қоп-қоронғи, ҳамма томонидан ғўриллаб елвизак уриб ётган хонада ўтириб ўтказдик.

Отам ўлганининг иккинчи йили қишда яллиғланиш тиззамдан тортиб то тос-сон бўғимларимгача қамраб олди. Битта яра битди дегунча, сал тепароқдан бошқаси пайдо бўларди. Янги бадбўй хидли яра очилганда олдинги яра чўзилиб, юпқарган терида худди куйгандан кейинга ўхшаш чандиқлар қоларди. Шундай чандиқлардан бештаси оёғимни жуда хунук қилиб ташлаганди, сонимнинг териси чигиртка емириб ташлаган гилос баргларига ўхшаб қолганди. Ҳар янги яра олдингисидан катталашиб, битиши қийинлашиб борарди. Яқинда очилган, ҳисоб бўйича олтинчи йирингли ярада оқ суяк бўлаги чиқди. Йиринглаш энди суяк тўқимасига кўчиб ўтганди. Ярага тиғ теккизганларида оғрикни сезмасдим, холбуки, тиғнинг салкам ярмидан кўпроғи суяк ичига кириб борарди. Дард оғрикни сезадиган томирларни ҳам ишдан чиқарганди. Наҳотки қишлоқ шифокорларининг охири бориб суягимни кесишга тўғри келади деган гаплари ҳақиқат бўлиб чиқса?! Шунини ўйласам кўрқиб кетардим ва ойимдан гина қилар ва мени тезроқ Токиога олиб боришини талаб этардим. Жавобан у айбдорларча оҳангда яна бироз сабр қилишимни ўтинарди. Аммо ямоқчилик билан Токио сафарига пул ишлаб топишнинг ўзи бўладими...

Токиодан келтирилган кийим-кечак ва уй-рўзғор буюмларидан деярли ҳеч нима қолмаганди: энг қимматлиларининг барини ойим гуруч ва сабзавотларга айирбош қилиб бўлганди. Кийим кутимизнинг қанчалик бўшаб қолганини ундаги ғаладонни у ёқ-бу ёққа сурганда чиққан ғийтиллаш овозидан билиб олардим. Илгари, у кимоно ва обиларга<sup>1</sup> тўла бўлганида ғаладонлар худди мойлангандек унсиз ҳаракат қиларди.

... Мен кўзимни очдим ва қорайган ёғоч деворда осиглиқ отамнинг фотосуратига нечанчи марта синчиклаб қарай бошладим. Суврат сумо<sup>2</sup> бўйича шаҳар биринчилигида, айти мен туғилган йилда олинганди. Отамнинг эгнида олий тоифа курашчисининг рангдор пешбанди бор эди. Шундоқ баҳайбат қад-қоматли паҳлавоннинг қон тупуришдан ўлиши мумкинлигига ҳали-ҳануз ишонгим келмайди! Барибир отам ўлди, унинг касали эса менга ўтди. Худди қўшнимизнинг ўғли каби агар отам фронтда бедарак кетганида эди, унинг қайтишига умид боғласа бўларди,

<sup>1</sup> Оби – кимоно устидан тақиладиган узун, эндор камар.

<sup>2</sup> Сумо – оғир вазнлиларнинг япон миллий кураши.

лекин... Пешонамни дераза ойнасига тираганча мен отам жасади солинган тобутни кишлоқдошларимиз қандай кўтариб кетишаётганига узоқ қараб қолдим. Ана, улар кишлоқ йўлидан чиқишди-да, айнан менинг ойнамда қад кўтарган ўткир учли тоғ томон бурилишди. Бошини эгганча ойим тобут ортидан борарди. Дафн маросимида одамлар жуда кам эди. Ўликни куйдириш бошланди. Мен икки кўзимни олмай қараб турган тоғ этагидан бўй чўзган тутун устунни кўтарила-кўтарила тип-тиниқ осмонда ғойиб бўларди.

Эшикнинг тарақлаб очилгани эшитилди. Мен бошим остидан қўлларимни олдим. Иккала жимитвой қайтиб келганди.

– Ойижон, суюнчи беринг – топдик! Акажонимиз ҳам томошани кўра олади! – Синглимнинг кўзлари катта-катта очилганидан, дум-думалоқ бўлиб кўринарди. – Биз уни велосипед шатагига ўтқазиб оламиз, шунда гўрттовимиз ҳам циркка борсак бўлади! – гердаиб сўзини тугатди у.

– Шатакда? – такрор сўради ойим.

– Ҳа, қўшғилдиракли шатакда. Шатакни ҳам топиб қўйдик, – қўшимча қилди укам кафтининг орқаси билан бурнини артаркан.

– Топиб қўйдик? Қаердан?

– Қўшнидан сўрадик. Бўйрани ҳам. – Ойимга қараб қўйиб, синглим менга яқин келди. – Акажон, шатакда қийналмай борасиз. Ҳаммамиз бирга борамиз, – деди синглим маҳаллий оҳангда сўзларнинг охирини чўзиб-чўзиб.

Ўзининг қўшғилдиракли шатагидан қўшни чол гуруч ва картошка ташишда фойдаланарди. Шатак қора рангга бўялган бўлиб, соппа-соз кўринарди. Мени шу шатакка ўтқазиб олиб боришни ўйлашган экан боёқишлар.

– Мен шатакка солиб олиб бориладиган бир қоп гуруч ҳам, картошка ҳам эмасман, – гудрандим мен.

– Ойимиз опичлаб борсалар уяласиз-ку. Қайтанга шатакда кулай-ку. Сизни биз олиб борамиз. Тагин нима керак?! – Синглим бамисоли дилимдагини бехато ўқиб бераётганди. Аммо унинг бу гапларни ўпкалаган оҳангда, менга бошдан-оёқ қараб туриб гапирганидан синглимнинг ҳақлигига тан бермай иложим йўқ эди. Мен яна дераза томонга ўтирилдим-да, миқ этмай туравердим.

– Шу қайсарлигингиз қолмади-қолмади-да! – Синглим зарда билан шундай депсиндики, бундан ўзининг оёғи кўпроқ озор чеккан бўлиши керак.

– Айтдим-ку, бормайман деб, демак бормайман! – чўрт кесдим мен.

Агар оёғим бунақа бўлмаганида бу ипириски қизнинг нақ тилини суғуриб олардим, аммо мен қаҳру ғазабимни пўписали қичқириқлар билан ифодалашга мажбур эдим. Мактабга бориб, бу қиз жуда ўзидан кетиб қолибди. Энди эса мана бу мечкайвой ҳам гапимга кирмай қўйган.

– Жигарларинг сени деб атайлаб улов топиб келибди. Сен ҳам юр биз билан, – ўтинч билан деди ойим.

Ҳаммаси шундай жонимга тегиб кетгандики, мен энгил кўрпани бошимга тортдим-да, булк этмай ётавердим. Хонада чуқур сукунат ҳукм суларди. Мени жуда заҳар танг қилмоқда эди. Тошбақага ўхшаб, энгил кўрпа тагидан аста бошимни чиқаздим. Ўнг кўзимнинг қири билан мен учовини баравар кўрдим. Яқинларимнинг кўринишидан ҳайратда

қолгандим. Ойим кичкинтойларни елкасидан қучиб турарди. Унинг чап ёнида йиғламоқдан бери бўлиб синглим қапишиб олганди. Мен шу заҳоти енгилкўрпани яна бошимга тортдим-да, нафасимни ичимга ютдим.

– Боринглар, ҳовлида ўйнанглар, – ўтинди ойим. Синглим билан укам чиқиб кетди. Мен базўр нафас олиб ётардим. Қўшни хонадан овозлар келди, кейин ташқари эшик қарс этди – барчалари кўчага чиқиб кетди, шекилли. Мен енгилкўрпанини силтаб отдим. Кўз ўнгимда ёшини ичига ютган синглим пайдо бўлди-ю, бирдан юрагим ачишиб кетди.

Қишлоқ узра шом қоронғилиги чўқмоқда эди. Деразадан уватлар ва сўқмоқлардан ўтиб цирк ўйинларини томоша қилгани тўпланаётган деҳқонларнинг қораси кўриниб турарди. Улар бир-бирларига таъзим қилар ва қишлоқ йўлидан мактаб томон юриб кетар эдилар. Катталардан алоҳида ёш болалар гала-гала бўлиб чопар эдилар. Деҳқонлар қўлида егулик солинган тугунлар ва ғаров саватчалар ликиллар эди. Уларга, ҳойнаҳой, егуликлару қўлбола сакэ солинган бўлиши керак.

Ўйин-кулги – қишлоқ аҳолисининг энг яхши кўрган эрмаги. Қўшнимизнинг гапига қараганда, уруш тугагандан кейин бу цирк гуруҳининг биринчи бор келиши экан. Бизнинг қишлоқда қанақа ҳам ўйин-кулги бўлсин, – куз байрами, спорт мусобақалари ва Баҳорги маданият куни, вассалом. Шу кунларда барча хонадонларда мўл-кўл ширин таомлар пиширилади. Томошабинлар тантаналар бошланишидан бир неча соат олдин жойларни эгаллашади. Мен-ку спорт ўйинларини ҳам, Маданият куни байрамини ҳам кўрмаганман. Куз байрамида ҳам деразадан фақат олисдаги далаларда муборак тахтиравонни кўтариб кетишаётганини кўриш мумкин бўларди.

Севинчдан юзлари ял-ял ёнган, мактаб томон шошиб кетаётган деҳқонларга қараб туриб цирк томошасини кўришга мен ҳам шунақанги иникиб-умсуниб кетдимки, қўяверасиз. Мен деразадан ўзимни олдим, чалқанча тушиб ётдим-да, кўзларимни юмдим. Шу заҳоти кўз ўнгимда ҳилпираган қора ёмғирпўшдаги кўзбойлоғич пайдо бўлди.

– Ака-а-жо-о-он! – боғда синглимнинг овози янгради. Мен ўзимни деразага отдим. Каттиқ ҳаракатдан ўнг оёғим лўқиллаб оғриб кетди. Қовоғимни уйиб, деразадан қарадим. Боғдан ичига укам миниб олган қора шатакни судраб келишарди. Ойим олдинда тортиб келаётган бўлса, синглим орқадан итариб келарди. Синглим менга қўл силкиб қўйди, кейин, худди ҳақиқий деҳқон аёлларидай, бир қўли билан аравани ушлаб, иккинчи қўли билан қўйлагининг ёнларини текислади ва манглайини артди. Қўшни девор-дармиён эди, ён қўшни – жон қўшни. Топқиргина қиз ҳеч нарса йўқотмаган ҳам, ортиқча уринмаган ҳам эди – терлаб кетиши тагида эса бошқа гап бор эди, яъни ўзини улғайган қилиб кўрсатмоқчи! Ўраниб олган укам эса арава ичида питир-питир қилганча, афтини турли мақомда қийшайтириб кулар эди.

Эгилиб, ойим шатак ёйи остидан суқилиб ўтди-да, айвондан юриб бориб уйга кирди ва енгилкўрпа билан тўшакча олиб чикди. Нарсаларни аравачага қўйиб, онам ёнимга келди.

– Ҳаммаси тайёр! Кетдик! – деди ойим, менга қўлини чўзиб. Сўнг эрталаблари касалхонага борганимиз каби, мен унга томон чўзилдим. Ойимнинг лабларида пайдо бўлган ним табассум нуқси кўзига уриб, илик қараб турарди. У мени чакқонлик билан қўлтиқлади-да, оёққа турғазди.



– Кўча салқинлашиб бораяпти, иссиқроқ кийиниб олишим керак.

Ойим мени касалхонага олиб борганда ёпинадиган қавиқ кўрпачага ўради. Гуллари қизларбоп майда ол ва сариқ рангли шу кўрпани кўргани кўзим йўқ. Бунинг устига шунақа кўрпага ўраб қўйишса, сени қиз бола билан адаштириб юборишлари ҳам ҳеч гап эмас. Аммо бу гал чидаб бердим ва ойим мени ўз билганича ўраб-чирмай бошлади.

Ойим мени шатакча кўтариб борди. Аравага ўтирарканман, темир туткичдан ушлаган эдим, у кўлимни куйдириб юборди. Ойим оёғимни энгилкўрпа билан ўраб, елкамга пахталик кўрпачани ташлаб қўйди. Мен синглимга қарамасликка ҳаракат қилар, ўзимни ҳеч нарсани кўрмаётганга солар ва шу боис чурқ этмаётган эдим.

– Кетдикми? Тайёрмисиз, ойи? – Ортимдан синглимнинг қўнғироқдай овози янгради.

– Бўлди! Кетдик!

“Мен ҳам қарашиб юбораман”, – дея укам ҳам шамолда қорайган қўлчалари билан шатакни итаришга тутинди. Қияликдан улар шатакни боғдан қишлоқ йўлига чиқариб олишди. Шунда укам ҳам шатакка чиқаман деб хархашалик қилиб қолса бўладими.

– Сенинг оёғинг оғримайди, ўзинг етиб олаверасан, – насихатомуз деди синглим, аммо унинг гапига кулоқ солмай укам арава ичига ўзини ташлади. Уни ёпинчиғим остига тортган эдим, ўзимни қулайроқ ҳис этдим.

Йўл бошдан-оёқ ўйдим-чуқур бўлиб, арава қаттиқ-қаттиқ силкинар ва оёғимга зўр келарди, бироқ тишимни тишимга босиб оғриққа чидар эдим. Осмоннинг ғарбий қисми кечки шафақдан қизариб турар эди. Ҳамма нарса деразамдагидан кўра анча таъсирчанроқ ва чиройлироқ кўринарди. Уйдан чўғдай қизил киш қуёшига қарашни ёқтирмасдим, чунки у ғойиб бўлаётганда куннинг тугаганидан дарак берарди. Туннинг эса жуда ҳам совуқ бўлишини мен билиб турардим.

Ортимдан болалар овози эшитилиши биланоқ мен дарров кўзимни юмиб олардим. Аравачани қувиб ўтаётиб ҳамма буйруқ берилгандай жим бўлиб қоларди. Албатта, менга ажабсиниб қарар эдилар. Болалар олдинга ўтиб кетганига ишонч ҳосил қилганимдан кейин кўзимни очар, бироқ битта-яримтанинг менга тикилиб турганини кўрсам, яна кўзимни чирт юмиб олардим. Фақат ойимгина ҳамма билан илиқ саломлашарди.

Тош дарвозадан ўтиб, биз мактаб ҳовлисига кириб келдик. Мана, мен ҳам мактабдаман! Мен энди кўзимни чирт юмиб ололмасдим. Дарвозанинг қарши томонида қишлоқ мактабининг ёғоч биноси чўзилган. Ҳовлининг тўрида кўзим турник, арғамчи ва қумлоқ майдончасига тушди – булар ҳақида синглим гапириб берганди. Ҳамма ёқда болалар ўйнарди. Мен ҳамма нарсага бир бошдан қараб чиқмоқчи бўлгандиму аммо бунга улгурмадим. Бир гала халойиқ шатакни ўраб олганди. Менга синчиклаб қараганча улар аравача билан ёнма-ён боришарди.

Бу ерга келмасам бўларкан! Бу жой бунақа касалга тўғри келмас экан! Мен ўзимни бефарқ тутишга шунча ҳаракат қилсам-да, аммо бу қўлимдан келмаётганди.

Биз мажлислар танобийсига етиб келганимизда, ҳамма ойимнинг мени аравадан қандай олиб тушаётганидан кўзини узмасди. Одамлар девордай зич тизилиб олганди. Мен қаттиқ кўрқиб кетиб, ғужанак бўлиб олдим-да, ойимнинг озгин елкасидан қасирлаб кетгудек қаттиқ қисдим. У фақат:



“Ўзингни ҳар доимгидай тут”, – деди қулоғимга. Аммо мен худди маймун боласидай юзимни унинг сийнасига яширдим.

Баланд мажлислар танобийсида қалпоқсиз чироқчалар осилиб турар, ерга бўйралар тўшалганди. Тўртбурчак ёғоч манқалдонларда яллиғланган кўмир бўлаклари қизариб кўринарди. Мусиқа янгради, ҳаммада жонланиш пайдо бўлди. Кенг танобийда болалар у ёқдан-бу ёққа юрар эди. Ёшлари бир жойга бориб қолган деҳқонлар ёш қизларга ҳазиломуз гап отиб, кемшик тишларини кўрсатиб тиржаяр эди. Энг бесабрлилар егуликли қутичаларини очиб, аллақачон сакэдан “тортиш”га тушиб кетганди.

Ойим мени биринчи қаторгача олиб келди ва олдин келганлардан кечирим сўради-да, мени ерга қўйди.

– Ўғилчангнинг аҳволи қалай? – сўради ёнма-ён ўтирган катта ёшдаги хотин.

– Нимасини айтасиз, совуқ тушди дегунча, боёқишга оғриқ азоб бераверади, – деб жавоб берди ойим, кампирга эътибори учун миннатдорчилик билдириб.

Кампир ҳамдардона бош ирғаб қўйди, кейин эса аста деди:

– Дард бошқа, ажал бошқа. Ўтганларни эса қайтариб бўлмайди...

Ойим бир куни менга шу кампирнинг кенжа ўғли бўлган ҳарбий кема чўккани ва ўғли ҳалок бўлганини гапириб берганди. Мен кўпинча деразадан қўлида бир даста гулни маҳкам тутамлаганча аёлнинг қабристон йўлидан кетиб бораётганини кўрардим. Кампиршо биз болаларга биттадан пишган картошка улашди. Томоша бошлангунча ул-бул нарса тамадди қилиб олдим.

Ниҳоят парда сурилди. Бошдан-оёқ қоп-қора кийим кийган кўзбойлоғич бошини эгиб сахна ўртасида турарди. Дабдабали цилиндрсимон бош кийимни тўғрилаб, у ҳар иккала қўлини узун ёпинчиғи тагидан суғурди-да, томошабинлар билан саломлашганча қўлларини баланд кўтарди.

– Атракционимизни бошлаймиз! – баланд овозда эълон қилди ва чопонини силкиб қўйди. Қизил астар ялт этиб кетди ва – хоҳ ишонинг хоҳ ишонманг – кўзбойлоғичнинг қўлида қанотларини қоққанча бир жуфт оппоқ каптар пайдо бўлди. Танобийда қарсақлар янгради. Мен ҳам шошиб чапак чалдим.

Сахна ортидан ёш аёл чиқиб келди. Қандайдир бир дастшўйга ўхшаш идишни тагликка ўрнатишдан аввал аёл уни ҳамма томонидан томошабинларга кўрсатиб қўллари билан айлантди. Сўнг чакқон ҳаракатлар билан гугуртгни олди, қутичага ишқаб чирт этиб ёқди-да, уни дастшўйга ташлади. Ўша заҳоти ўша ердан аланга кўтарилди:

– Вой! – деб кичкириб юборди танобийдаги бир аёл.

Мана сизга сеҳрли аланга! Ҳаммаси шундай жўнки, ҳатто ғаров пуфлагичнинг ҳам кераги йўқ.

Кўзбойлоғич аста тагликка яқинлашди, таъзим қилди, қандайдир овоз чиқарди ва челаққа ўхшаш ғилоф билан алангани ёпди. Олов ўчди.

– Ўҳ-ҳ, – енгил нафас олди биз билан ёнма-ён ўтирган бир хотин.

– Кўрайлик-чи, бизнинг сеҳрли алангамиз нимага айланиб қолди экан, – ҳазилнамо деди кўзбойлоғич ва ғилофни кўтарди. Тоғорада сертухум оппоқ она товук ўтирарди. – Жуда соз, энди биз сергўшт она товукли ҳам бўлдик.

Товук панжасини кўтарди, тоғоранинг тагига бир нима тарақ этиб тушганини ҳамма эшитди. Товук иккита тухум қилган эди. Ана буни

кўзбойлоғич деса бўлади! Кўз очиб-юмгунча бир жуфт тухум тайёр... Ие, бу нима? Она товукнинг бошида катта қизил хўроз тожи осилиб турарди. Ахир, бу хўроз-ку! Хўрознинг тухум тукқанини ким кўрган? Чапак ўрнига танобийдан кулги овози эшитилди. Кўзбойлоғич кулмас, ўзини жиддий тутарди. У ҳеч нимани пайқамасди. Мен кулавериб, биқиним оғрий бошлади. Ниҳоят, кўзбойлоғич ўз хатосини тушунди ва хижолатомуз йўталиб қўйиб, кечирим сўради.

– Ҳамма айб менинг сеҳрли таёқчамда: эскириб қолиб, хўроз билан товукнинг фарқига бормай қолибди.

Танобийда яна гурр кулги кўтарилди. Маэстро мамнун ҳолда хўрозни ёрдамчи қизга узатди ва тоғора ичидан тухумни олиб, деди:

– Давом этамиз! Илтимос, ҳамма бу ғаройиб тухумга яхшилаб қараб олсин! – У тухумни бош ва кўрсаткич бармоғи орасида қисиб ушлаганча уни томошабинларга айлантириб кўрсатди. Менга бу тухум кўшнимизнинг оқ товуғи тукқан тухумдан ҳеч фарқи йўқдай кўринди. Аммо бунинг ғаройиблигини эшитиб, мен ростданам ишондим. Кўзбойлоғич тухумни қайта тоғорага қўйди-да, қопқоғини ёпди ва кўлидаги қора таёқчани айлантирди, у билан қопқокни икки марта урди. Одамлар нафасини ичига ютганди. Бирмунча вақт туриб, маэстро шодон қичкириб қопқокни кўтарди.

Пуллар! Бир тоғора лиммо-лим пул! Демак, бу ҳақиқатан ҳам оддий эмас, балки тилла тухум экан. Ёрдамчи қиз ҳар иккала ҳовучни тангаларга тўлдириб олиб, томошабинларга кўрсатди. Кўзбойлоғич тоғора ичидан бир боғлам қоғоз пулларни олди-да, баланд овозда санай кетди: бир-икки, уч – уларни бошидан ечиб олган цилиндрсимон бош кийими ичига ташлай бошлади.

Агар шу пуллар бизда бўлгандами! Биз Токиога борган, у ердаги катта касалхонада оёғимни даволатган бўлардик, деб ўйладим ва ойимга ўгирилдим. Ҳайратдан оғзини ярим очганча онам кўзбойлоғич кўлидаги даста-даста пуллардан кўзини узмасди. Мана, у сўнги қоғоз пулни боши узра баланд кўтарди-да, ташлаб юборди. Пул дарахтдан узилган япроқ каби ўралди-да, равон сузиб бориб саҳнага қўнди. Ҳамма чапак чалиб юборди.

– Энди эса биз сеҳр-жодунинг таъсир кучини намойиш этамиз, – эълон қилди кўзбойлоғич, таёқчасини қўлтиғи остига суқиб. Одамлар гувилларди. Сеҳргар нигоҳини қаторлар оралаб юргизиб ўтди. Овозлар тина бошлади. Яна бир нигоҳ – ва сув куйгандек жимлик чўкди.

– Мана сен, марҳамат. – Таёқча тўғри мени кўрсатиб турарди. – Ҳа, ҳа, сени чақираяпман! – таклиф қилди мени кўзбойлоғич. Қарсақлар янгради, хуштаклар чалинди. Мен нима қилишни билолмай ойимга ўгирилдим ва кўзим билан ундан нажот кута бошладим.

– Маъзур тутасиз, аммо бола юролмайти... Бошқа бировни чакириб қўя қолинг, – узрини айтди ойим.

Мен енгил нафас олиб, бошимни кўтардим. Шунда кўзбойлоғич ёмғирпўшини хилпиратиб мен томон шахдам одимлаб келди-да, шартта кўлимдан тутди ва ёмғирпўшига ўраб, саҳнага олиб чиқди. Мени курсига ўтказиб, сўради:

– Исминг нимапти?

Мен жавоб бердим, у навбатдаги саволини берди:

– Нечанчи синфда ўқийсан?

Мен хўнграб йиғлаб юборай дедим. Бундан кўра уйга қоровул бўлиб қолганим минг марта афзал эди. Танобий жавобимга мунтазир турарди.

Мени эса сахнадан қочиб кетгим келди. Лабимни тишлаб, бошимни осилтирдим.

– Жуда соз, мен тушундим, – деди кўзбойлоғич, – назаримда, давоматинг аъло экан.

Кулги. Мен енгил нафас олдим. Кўзбойлоғич наздимда Худога ўхшарди. У қўлини елкамга қўйиб, деди:

– Ҳозир мухтарам томошабинлар сеҳргарлик томошаларимизни кўрадилар, бунда мана шу бола дилидаги армонини изҳор қилади. Тинчлик сақлашингизни илтимос қиламиз!

Ҳамма тинчлангач, сеҳргар кўзларини менга тик қадаганча таёкчасини мен томон яқинлаштириб, афсунгарлик дуоларини ўқий кетди.

– Сеҳр бошланмоқда, сеҳр бошланмоқда-а-а... уйкум келаяпти, уй-қум ке-ла-яп-ти-и-и...

Мен манглайим ўртасида қандайдир карахтликни ва ансамда оғирликни ҳис этдим.

“Сеҳрингга бўйсунмайман! – деб ўйлаганим заҳоти атрофимдаги барча товушлар ғойиб бўлди.

Ўнг қўлимда оғриқ сезиб, кўзимни очдим. Елкамга кўзбойлоғичнинг таёкчаси келиб тегди. Сеҳр тамом бўлди. Одамлар қийқириб чапак чалар эди. Кўзбойлоғич таъзим бажо келтирди ва жилмайиб қўлимдан тутди-да, олдинги жойимга олиб бориб қўйди.

Мен сеҳр остида эдим ва у пайт қандай тилак тилаганимни айтгунимча қанча вақт ўтганини мутлақо тасаввур қилолмасдим.

Миям ҳамон карахт бир аҳволда эди. Равшанки, сеҳр ҳали бутунлай тарқаб улгурмаганди.

Сахнада ёрдамчи қиз навбатдаги томошага тайёргарлик кўрарди, унга тақирбош эркак қарашарди.

Томошадан кейин мени яна аравачага жойлаштиришди. Шамол тинганди. Баргини тўккан дарахтлар ортидан ой кўтарилди ва турник, ҳаракатсиз арғамчилар турган мактаб ҳовлисини сутдай ёритиб юборди.

Томошабинлар танобийдан отилиб чиқди. Улар билан ёнма-ён мактаб ҳовлиси бўйлаб уларнинг соялари сирпанар эди. Тош дарвозадан чиқиб, дехқонлар дала орқали чўзилган сўқмоқдан қишлоққа қайтишарди.

Ҳар гал қишлоқдошларимиздан кимдир биздан илгарилаб кетар экан, у албатта бизга хайрли тун тилар эди. Ойим бир лаҳза тўхтаб, таъзим билан бош эгарди. Баъзилар мен билан гаплашишга, томоша менга ёққан-ёқмаганини билишга ҳаракат қилар, ғамхўрлик билан:

– Ҳа, ўзингга эҳтиёт бўл! – дея огоҳлантирарди.

Жавобига бошимни аста ирғаб қўярдим-да, кейин эса пахталик кўрпачани бошимга тортиб олардим – мени томоша қилишларига тоб-тоқатим йўқ эди. Ўзимча фақат бир нарсага қойил қолардим: томоша ёққанда қандай! Одамлар азбаройи суюнганидан биз билан хушмуомалалик ила гаплаша бошлаганди!

Цирк томошалари дарҳақиқат қойилмақом бўлди. Мен оловдан хўроз пайдо бўлганини ёки тухумнинг пулга айланиб қолганини бирма-бир кўз ўнгимдан ўтказар эдим.

Мактаб дарвозасидан чиқаверишда бир нечта уй саф тортиб турарди. Уйлар ёнидан ўтиб бўлишимиз билан кўз олдимизда қишлоғимиз намоён бўлди. Атрофини тоғлар қуршаган, тун осмонида чўққилар элас-элас кўзга

чалиниб турган қишлоқ тун қўйнида уйкуга кетган эди. Ойдин ёғдусида ҳатто йўлдаги шағал доналарини ҳам фарқласа бўларди. Узоқдан ёғоч кўприк ён тўсинларининг устунчалари кўзга яққол ташланиб турарди, афтидан улар аллақачон қиров билан қопланган бўлиши керак. Кўприк остидан дарё ўтарди. Дарё тўғони олисдан кўрсичқон қазиб чиқариб ташлаган қора тупроқ уюмига ўхшаб кўринарди.

Ўйдим-чукурларни оҳиста айланиб ўтиб, ойим билан синглим шошмасдан аравани тортиб боришарди. Ойимнинг кулгили тарзда қискариб, оёқлари остида ўралашган соясига қараб-қараб қўярқанман, бир кўзим билан мактаб дарвозасидан бошлаб биздан ўн метрча орқада келаётган тўрт нафар ўғил боланинг шарпасини хавотир билан кузатиб келар эдим. Ўқтин-ўқтин уларнинг ғўнғир-ғўнғир бахслашиши қулоғимга чалиниб қоларди:

– Сен аввал бошла!

– Йўқ, сен бошла!

Мен бир неча бор индамай бурилиб қарадим. Тўртови ҳам сочини тақир қилиб олдирган бўлиб, мен билан тенгқур эди. Улардан қайси бири билан кўзимиз тўқнаш келса, у хижолатдан кўзини дарров ерга оларди, кейин бошқаларга қарай бошларди.

Ҳозир улар сўқинишни бошлаб юборишади деган хавотирда ғужанак бўлиб олдим.

Саёзланиб қолган дарё шилдираши келиб турган кўприкка етай деганда таъқибчилар биз томонга ташланишди ва аравамизни ўраб олишди. Ойим тўхтади. Мен ёнимда ўтирган укамнинг қўлини қисиб ушлаб олдим ва бутун вужудим таранглашди.

– Хола, келинг, биз тортамыз, – деди болалардан бири.

Ойим “раҳмат” деди-ю, аммо ёрдамдан бош тортди.

“Келинг энди, келинг энди” деганча улар аравани қўлга олишди-да, “пўшт, пўшт” деганча қувноқ ғилдирашиб кетишди. Арава шамолдай елиб кетди.

Укамнинг нақ ўтақаси ёрилаёзди. Синглим югуриб келди-да, юриб кетаётиб шатакка чиқиб олди.

Болалар, сизларни уйингизгача олиб бориб қўямиз, дейишди.

Бизларни кузатиб қўйиш уларга қаёқдан зарур бўлиб қолдйкин? Мен туш-муш кўрмаяпманми, мабодо?..

– Сени ухлатиб қўйганда оёғинг оғридими, йўқми? – сўради болалардан бири.

– Ҳечам! – жавоб бердим мен хиёл ғурурланиб.

– Мен сени ўлиб қолди деб ўйловдим.

– Мен ҳам. Ахир, кўзингни бир юмгунча қайта очмадинг.

– Мен, рости, кўрқиб кетдим. – Болалар бири олиб, бири қўйиб таассуротларини баён қилар эди. Тўртовлари ҳам учинчи синфда ўқир эди. Уларнинг исмлари Гэнта, Цунэ, Сёта ва Минэо эди.

– Менга қара, сен ростданам ҳеч нарсани билмай қолдингми? Агар сеҳр ҳали ҳам тугамаган бўлса, бизга ўтиб қолмайдими, ишқилиб? – орқага бурилиб, хавотирли оҳангда сўради олдинда кетаётган Гэнта. Ҳамма бараварига қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди.

Йўл муз боғлаб қолганди. Ғилдираклар остидан қотиб улгурган лой парчаларининг отилган овози қулоққа чалинарди. Ердан кўтарилган туман

аравани ўраб олган бўлса-да, мен ҳеч ҳам совуқни сезмаётгандим. Биз йўлдан бурилдик ва арава уйимизга олиб борадиган дўнгликдан ғизиллаб юриб кетди. Ойим тик турганча бизни кузатиб қўйганларга қайта-қайта раҳмат айтарди.

– Агар ростдан оёғинг оғриётган бўлса, эртага сен билан ўйнагани албатта келаман, – таклиф қилди Гэнта.

– Мен ҳам, – уни қувватлади Минэо.

Мен бош ирғадим, томоғимга бир нарса келиб тиқилди.

– Ма, ол, йўлдан топиб олдим. – Цунэ чўнтагидан битта ёнғоқ олиб, кўлимга тутқазди.

Сёта ҳам минг ямоқ шимининг чўнтагидан бир сиқим ёнғоқ олиб, менга узатди.

– Ҳозирча!

– Эртагача! – Шундай дея улар ойдинда ёришиб турган сўқмоқдан чопиб кетишди.

Айвонда туриб чопиб кетаётганларнинг ортидан қараганча синглим шодон деди:

– Акажон, циркка борганимиз яхши бўлди-а? Ана, сиз кўп ўртоқли бўлиб олдингиз.

Ёнғоқларни ёстиғим олдига териб, улардан тарқаётган хушбўй тоғ ҳидини симирар эканман, сира уйқум келмасди.

Ҳойнаҳой, Сёта ва Цунэ ёнғоқларни мактаб ортидаги қир этагида териб олишган, улар у ерга машғулотлар бошланишидан олдин боришган. Ҳолбуки, ёнғоқ мавсуми аллақачон ўтиб кетганди. Ёнғоқлар тўкилган япроқлар остида узоқ қолиб, пўстлоқлари қорайиб кетган, куздаги ёнғоқларга хос йилтиллашидан асар ҳам қолмаганди.

Айримлари ҳатто куртаклаб қолганди. Шунақалардан учтасини ажратиб қўйдим. Эрталаб уларни кўринарли жойга, деразам тагидан экиб қўйишларини илтимос қиламан. Менга дўстларим совға қилган ёнғоқлар, албатта, униб чиқади.

Кўзбойлоғич берган саволга мен нима деб жавоб берганимни ойимдан билиб олдим. Маълум бўлишича, ҳушдан кетиб ётганимда мен: “Менинг энг катта орзум – ДЎСТЛАР орттириш”, – деган эканман.

Гугурт чўпи учини ўткирлаб, дириллама ёнғоқчадан ғирғирак ясадим-да, учириб юбордим. Хона ғира-ширасида нафис ғириллаган овоз анчагача қулоғимга чалиниб турди.

Эртага уйимизга дўстларим келади!

Мен ётган кўйи ғирғирак овозига узоқ қулоқ тутдим.



# SHE'RIYAT MINTAQALARI

*Рафаэль АЛЬБЕРТИ*

(1902–1999)

## ШЕЪРИЙ ТАВСИЯЛАР

*Рус тилидан  
Яҳё ТОҒА  
таржимаси*

*Испаниянинг Ҳадис вилоятига қарашли Пуэрто-де-Санта-Мария шаҳарчасида туғилган. Диний мактабда савод чиқарган. 1917 йили оиласи Мадридга кўчиб ўтгандан сўнг Рафаэль тасвирий санъат билан ҳам шуғулланади. 1920 йилдан эътиборан шеърлар ёза бошлайди ва орадан беш йил ўтиб илк шеърий тўплами (“Қуруқликдаги денгизчи”) чоп этилади. Ушбу китоб ҳали кўлёмалигидаёқ Испаниянинг Миллий мукофотига сазовор бўлади. Рафаэль Альбертининг “Суюкли ёр” (1926), “Шаббўй шафақ” (1927), “Пишиқ ғиштқатор” (1929), “Фаришталар ҳақида” (1929), “Маслак ва макон” (1930) каби шеърий китоблари нашр этилган. Муаллиф қуйида эътиборингизга ҳавола этилаётган шеърларни аргентиналик шоир Хосе Эрнандеснинг эпик поэмаси – “Мартин Фьерро” китоби нашр этилиши муносабати билан ёзган.*

I

*Куйлай бошларман жўшиб,  
сизни олис сафарга  
бошлаб кетсин бу қўшиқ.*

V

*О, мен сизмаган чўллар,  
онгинг унут гирдоби  
сўзни ютмоқчи бўлар.*

II

*Кўҳна Рим фаввораларидан  
Аргентина даштларигача  
сиз бирга борарсиз у бирлан.*

VI

*Бироқ яна куй, ўт, ер,  
даштлар, от, бу қўшиқ, оҳ...  
юрагим ёрилай дер.*

III

*Лек, уммонда йўллар бор,  
йўлки – ҳаво, ҳаводан  
юрмоқмас, учмоқ даркор.*

VII

*Қораялоқ, бер куйлар!  
Гулдан соя сўрарман,  
соддадилдан туйгулар.*

IV

*Мана бир кун саҳарда  
ўз гитарам билан мен  
учиб кетдим шаҳарга.*

VIII

*Куйлай, жамланг диққатни,  
қўшигим ёлгон эмас,  
айни бир ҳақиқатдир.*

\* Манба: Альберти Р. Избранное. –М.: “Художественная литература”, 1977.

IX

*Ва лекин, қандай куйлай  
ўз йўлин айтиб ўтган  
зот ҳақида пайдар-пай?*

X

*Бойчечакни учирмоқ лозим  
шамол билан узоқ ёқларга.  
Бироқ бунга етмас овозим.*

XI

*Чечак шунга зор ахир.  
Бу шундай гулки, унга  
даштаримиз тор ахир.*

XII

*Ахир, менинг қўрқмасим  
тўқмоғу қўндоқларга  
кўксин тутиб турмас жим.*

XIII

*Азизим писанд этар  
на дорни, на қафасни.  
Оқибат, ўлиб кетар.*

XIV

*Ўққа учгай бир куни.  
Бироқ, бу гал ўлимдан  
оти қутқарди уни.*

XV

*Топгач қароқчиларни  
бадар ташлади кетди  
у лаънати лашиқарни.*

XVI

*Бўларди сўзни узсам,  
афсус, изидан боқиб  
бўғзима тўлди ғуссам.*

XVII

*Тун аро кезар сайёҳ,  
барча қувгинлар каби,  
кўкда юлдуз чекар оҳ.*

XVIII

*Куч кетиб бўгинидан  
у қутулмоқ истайди  
олчоқлар зугумидан.*

XIX

*У бадар кетар бундан.  
Чунки, насроний қавми  
меҳр кўрмас ҳиндудан.*

XX

*Қисмат қўшигин алҳол,  
у айтгандай тиг тутиб,  
айтмоқ биз учун маҳол.*

XXI

*Энди ҳам айтолмасман,  
у шўрлик беш йил чўлни  
айлаганини маскан.*

XXII

*Унинг кучи, чидами  
ҳақда айтсин ерга жо  
Крус отлиғ ҳамдами.*

XXIII

*Бевафо хотинидан,  
болаларидан айру...  
саботи шон қозонган.*

XXIV

*Оқил эди беадад.  
Мақол ва маталлардан  
олиб турган у мадад.*

XXV

*У шум Вискача ўрган  
мустаҳкам ришталарнинг  
пишиқ толалариндан...*

XXVI

*Минг бора узр бўлсин,  
бу қўшиқ қаҳрамонин  
айта олмадим исмин.*



## XXVII

*Лек, айтарман вақтида,  
қўшигим марди майдон  
Мартин Фьерро ҳақида.*

## XXVIII

*Айтдимми, билинг демак,  
ҳеч ким дайтда унингдек  
озод ҳамда ҳур эмас.*

## XXIX

*Минг бор бўлардим рози,  
шеъримга уйқаш бўлса  
шул қушларнинг овози.*

## XXX

*Қўшигим бўлди адо.  
Рим фаввораларига  
от чопар, инграр ҳаво.*

\* \* \*

*Денгиз. Ва яна денгиз.  
Денгиз. Ва фақат денгиз.*

*Ота, нега сиз мени  
шаҳарга олиб келдингиз?*

*Ота, нега сиз мени  
денгиздан юлиб келдингиз?*

*Тушимда бўғзим қадар  
қўтарилиб мавжлари  
қалбимни олиб қайтар.*

*Ота, нега сиз мени  
шаҳарга олиб келдингиз?*

\* \* \*

*Тушимга кирар қирғоқ  
доим бўм-бўш ва мудроқ.*

*Фақатгина, уфқда  
жуда олис кеманинг  
кўринар оқ елкани.*

\* \* \*

*Ўлик қуёш...*

*Лаънати денгиздан,  
тубсиз денгиздан  
тўлқинлар самога  
чиқариб қўйган...*

*Ўлик каравелла<sup>1</sup>...  
Устихонларга тўла...  
Ўлик денгиз...*

<sup>1</sup> Каравелла – испан ва португалларнинг ўрта асрлардаги уч ёки тўрт мачталиқ кемаси.

*Мовий қўрғон.  
Тўлқинлар.  
Африкадан меҳмон тўлқинлар.  
Улар келар, кетар...  
Ва яна келар.*

*Кимни олиб кетарсиз  
бизнинг ердан, тўлқинлар?  
Бу мовий кенгликлардан  
сиз билан қайтар кимлар?*

## ДЕНГИЗ

*Тушимнинг ҳаракатсиз  
бутоғига ўралган  
рангпар парда сингари  
тунлар сени кўрарман.*

*Кемалар рўмолини  
силкитиб кетар маъюс.  
Улар кетар, мен эса  
ухлаб ётибман ҳануз.*

## ЯРАДОР

*– Рўмолингни ҳадя қил,  
боғлаб олай ярамни.*

*– Қай бири сенга маъқул,  
қизилими, қорами?*

*– Майли, қайси бўлса ҳам,  
қара, қон менинг кўксим.  
Рўмолнинг ҳар бурчига  
қалбинг тикилган бўлсин!*

## ЛАЙЛАК АЛЛАСИ

*– Лайлак куйи кўп гализ,  
сал дагал ва ёқимсиз  
ухлаб бўлмас куйласа.  
– Бекорларни айтибсиз.*

*– Тепадан оқар бир сас,  
пала-партиш, тартибсиз.  
Бу алла илоҳиймас...  
– Бекорларни айтибсиз.*

## ТОШБАҚА УЧУН АЛЛА

*Шоду хуррам тошбақа,  
чекмайди гам тошбақа.*

*Абжирлик ила шўнғир,  
туси яшилу қўнғир.*

*У лол қолдириб бизни,  
паққос урар ялпизни.*

*Тосдаги бу дангаса  
жим қотар пича сузиб.*

*Пойгакда сув тўла тос,  
у шўнғиб кетар бехос.*

*У мўлтирар, биз эса  
қулармиз ичак узиб.*

## ЎЛИК БОЛАГА АЛЛА

*Ерлик денгизчидан мен,  
ўнтача қайиғим бор.*

*Гоҳ тўрда, гоҳ қармоқда  
яшармиз балиқ тутиб...*

*Хизмат қиларман текин,  
қўпам этмасман абгор.*

*Қара, ой оқармоқда  
бир сени интиқ кутиб.*

## УЛОҚЧА ҲАҚИДА АЛЛА

*Эчкимизнинг қордай оқ  
улоқчаси бордир, у  
сенинг йўлингга муштоқ.*

*Агар, сўрсанг бармогинг,  
сен билан ўйнамайди  
менинг қордай оппогим.*

## ҚОРА ГУЛ УЧУН АЛЛА

*Алла, қора тун гули,  
ухла роҳатга чўмиб.  
Япрогингни ёзмагил,  
олгил кўзингни юмиб.*

*Алла, чечагим, алла,  
ухлайвергил илоҳим,  
шафақнинг шиқ гулига  
айлангунингча токим.*

*Қора гул, ухла, гулим,  
очма бирорта гунча...  
Табиат сенга сўлим  
либос кийдирмагунча.*

\* \* \*

### **Мадрид.**

*Сен менинг ҳур гулим бўл,  
ҳур гулим бўлгил фақат.  
Сен менинг севгилим бўл,  
Севгилим бўлгил фақат.*

*Хотиним бўл.  
Йўқ.  
Ҳеч қачон.  
Ҳур гулим бўлгил фақат.*

\* \* \*

### **Сан-Рафазль Сьерро-де-Гвадаррама.**

*Сени ташлаб, азизим,  
мен кетиб қолсам агар,*

*Бир кун ўйноқи шамол  
гул сочар йўлларингга,*

*кетиб қолсам, сен мени  
соғиниб толсанг агар...*

*сўнгра мени бемалол  
топишарар қўлларингга.*



**Аранда-де-Дуэро.**

Тур, жоним, боқ дунёга  
чиққил тунги дарёга.  
Субҳидам салқинида,  
панжаралар ёнида  
қарогимда гардим бўл,  
дардим бўл,  
ҳамдардим бўлгил,

Йўлингга кўз тикарман,  
менинг бедард маликам.  
Интигу интизорман,  
кутмай қўйдим тонгни ҳам.

**Роа-де-Дуэро.**

Бизга очиқ дарё қучоги,  
фақат кўприк бошқа бу сафар.  
Унинг икки арки – қароги  
катта менинг кўзларим қадар.

Сен билан мен бирга улоққан  
богдагидай чоғимда,  
рухсорингга ҳайратда боққан  
чогдагидай чоғимда?!

Шубҳасиз,  
шубҳасиз, албатта,  
унинг икки арки – қароги катта.  
катта менинг кўзларим қадар.

**ИСНАҲОР МИНОРАСИ**

Минорада банди бўларман,  
бунда банди бўлиб қоларман.

“Ким шимолда ҳайқирар, пари?”  
“Дарёмиз тўлқинлари”.

(Барча дарча шамолга очиқ).

(Учта дарча шамолга очиқ).

“Жанубда ким инграмоқда, айт”.  
“Фақат шамол инграйди бу пайт”.

(Икки дарча шамолга очиқ).

“Ким у шарқда оғир тин олар?”  
“Бу туйнукда жасадинг қолар”.

(Битта дарча шамолга очиқ).

“Дўстим, зарбда йиглаётган ким?”  
“Тобутинг кўтарган мендирман балким?!”

Энди уни тан ололмасман,  
банди бўлиб ҳам қололмасман.

## Қўчқор НОРҚОБИЛ

### У ЕР ШАРИНИ КЎТАРИБ ЯШАДИ

*Шу йилнинг 1 апрель кuni машҳур рус шоири*

*Евгений Евтушенко вафот этди*

2001 йил. Ёз. Москвага кўнғироқ қилдим: Россия Федерацияси Ёзувчилар уюшмаси қабулхонасига. Гўшак ичидан жавоб қайтди:

– Эшитаман! – Рус қизининг жарангдоргина овози мени шошириб қўйди.

– Ассалому алайкум, яхши қиз! Менга ёрдамингиз керак. Тошкентдан телефон қиляпман. Қисқаси, мен бир шоирни изляпман. Сиз топиб бера оласиз, албатта, топиб берасиз деган умиддаман. Йўқ деманг.

Телефонда жимлик. Илинж билан шошиб-пишиб кўнглимдан кечган бошқа гапларни ҳам айтиб олдим – қизни кўрмасам ҳам мақтадим, яхши инсонга ўхшаяпсиз, мен сезиб турибман, агар яхши инсон бўлмаганингизда у ерда ўтирармидингиз, деб қўшиб ҳам қўйдим.

Қизнинг лолу хайронроқ турганлигини сезаяпман.

Қиз:

– Сизга ким керак ўзи?

Мен:

– Евтушенко керак.

Қиз:

– А-а? Евтушенко?! Евтушенко ҳозир Москвада эмас. У ҳозир Москвада яшамаяпти. У ҳозир Америкада.

Мен:

– Менга зарур эди-я.

Қиз:

– У ҳаммага зарур.

Мен:

– Энди нима қиламан?

Қиз:

– Тошкентдан кўнғироқ қиляпман, дедингизми?

Мен:

– Ҳа. Тошкентдан. Тошкент жуда гўзал, одамлари кўнгли каби бағрикенг шаҳар. Чиройли. Худо хоҳласа, Тошкентга келсангиз, биз Сизни ўзимиз кутиб оламиз. Бизникида меҳмон бўласиз. Бир келинг, – дейман алланечук музтарлик ила.

Қиз: (Анчагина сукунат.)

– Раҳмат Сизга. Худо хоҳласа, боришга тўғри келса кўришармиз.

\* Қўчқор Норқобил – шоир, ёзувчи ва драматург.

- Энди нима қилдим. Ҳеч иложи йўқмикан... уни топишнинг?  
– Сиз ҳам шоирмисиз? – деди котиба.  
– Шоирман-да. Шоир бўлмасам Евтушенкони бунчалар ўлиб-тирилиб  
изламасдим. У менинг яқин оғайним, – дейман ёлғондан ҳам тап тортмай.  
– Яхши. Мен Сизга унинг “дача”сидаги телефон рақамини бераман. Ўша  
ердагилар Сизга Евтушенкoning қўл телефонини беришади. “Дача”сининг  
телефон рақамини ёзиб олинг..  
Қиз шоирнинг Москва четидаги дала-боғи телефон рақамини беради.

\* \* \*

- Алло, ҳа! Бу – мен! Евтушенкоман!  
– Мен Тошкентдан телефон қиляяпман.  
– Хўш?!  
– Сиздан интервью олмакчиман.  
– Шу маҳалда-я, каллаи сахарлаб соат тўртда мени уйғотиб-а?  
– Э-ей, бизда кечқурун, мен ишдаман, – дейман довдираб.  
– Хўш, телефон-ку қилдинг, уйғотдинг ҳам. Нима демокчисан?  
Мен Вознесенский, Ҳамзатов, Ахмадулина, машхур актёр Вячеслав  
Тихонов билан сим орқали уюштирган суҳбатларимга калит бўлган гапни  
қўллайман:

- Сиз Ўзбекистонни яхши кўрасиз-а?  
Бир лаҳза жимлик.  
– Бўлмасам-чи? Албатта, Ўзбекистон мен учун энг қадрдон юрт. Менинг  
дўстларим кўп. Ўзбеклар буюк халқ. Маданияти, адабиёти юксак, тарихи  
буюк. Мен “ўзбек – успех” деганман. Ҳа, қандай уйқаш ибора: “Ўзбек –  
успех”. Бер саволларингни! Жавобини сенга ёзма равишда юбораман.

Соддалагимни кўринг:

- Жавобингиз тагига имзоингизни ҳам кўйинг, – деб юборибман. У  
пайтлар интернет, электрон почта, фейсбук ва ҳоказо дову дастаклар йўқ  
эди...

Евтушенко саволларимга жавобни факс орқали юборган ва жавоб тагига  
“Сен учун деб”, ҳазиллашиб катта қилиб ИМЗО ҳам тортган эди.

Ўша суҳбат “Ўзбекистон овози”нинг 2001 йилдаги июль сонидида чоп  
этилди. Жавобда шундай гаплар бор эди: “Мен Фарғона водийсида,  
Ўзбекистоннинг кўп жойларида бўлганман. Ўзбеклар пиширган ош  
таъми хануз оғзимда... Яна, ўзбек шоири, дўстим Омон Матжон менга  
ёнғоқ дарахтидан ишланган нақшинкор стол совға қилувди. Ўша стол  
Американинг энг баланд, осмонўпар биноларини ҳам кўтара олади. Бу стол  
ўзбекнинг иродаси каби мустаҳкам, ўзбекнинг қалби каби кучли, чунки  
ўзбекнинг қалби бутун дунёни кўтара олади. Чунки Сизнинг ота-бобонгиз  
илми ҳам Она-Заминни кўтара олган...


Шундай жуда ёқимли гапларни ёзувди Евтушенко.

У чин маънода Она-Ер шоир эди. Шоир бўлганда ҳам биринчи рақамли  
шоир эди. У сайёра дардини кўтариб яшаётган даҳо эди. Адабиёт одами  
қалби бутун ер юзини кўтариб туриши керак, деган ақида билан яшади.  
Ва Ер юзидида Евтушенко деган улуғ номни абадий лавҳига ўчмас ҳарфлар  
билан битди, Пушкин каби ўзига қўл етмас ҳайкал ўрнатди.

Кейинчалик ҳам Евгений Евтушенко билан сим орқали тез-тез боғланиб турдик. Интернет деган “тўполончи” дастёр чикқач, ҳатто бир-биримизни кўриб гаплашдик. Биринчи гал у: “Ёш бола экансан-ку! Худди юз ёшни уриб қўйгандай фикрлайсан-а?” деб кулган. “Нима қилай борим шу”, – деганман. Кейинги гал: “Сенинг уруш ҳақидаги кичик ҳикояларинг менга ёқди. Сени тушундим... Бекорга сени “Қария” демабман”, деб ҳазиллашди. Кейин урушнинг, ёвузликнинг чангини чиқариб ҳақоратлади-сўқинди...

Ўзбекистонда “Жаҳон адабиёти” журнали чоп этилаётгани, ўзининг шеърлари эълон қилинганини эшитиб қувонди. “Ўзбеклар мени унутмабди, ҳозирги авлод мени ҳам ўқияпти экан”, деб севинди. 2016 йилнинг декабрида “...агар мени чақирсанглар, борардим, эҳтимол, турмуш ўртоғимни ҳам олиб борардим...” деган маънода “Китоб дунёси” газетасига хат ҳам йўллади...

Ўлим одам танламайди. Ўлимдан кучли нарсани кўрмадик. Евтушенко жисман ўлимдан мағлуб, лекин руҳан ўлимдан ғолиб бўлиб кетди. Ғолиблиги шуки, у ўзининг номини, адабиёт умрини, адиблик, шоирлик умрини абадият бағрига топширди. Демак, у ғолиб. Унинг ҳар бир мисрасидан буюк Евтушенко бўй кўрсатиб тураверади.



## **Евгений ЕВТУШЕНКО**

(1932–2017)

*Рус тилидан  
Нодир ЖОНУЗОҚ  
таржимаси*

\* \* \*

*Сен севгида улкансан.*

*Дадил.*

*Мен чўчийман юрган йўлимда.*

*Ёмонлигим йўқдир сенга, бил,*

*Яхшилик-чи, келмас қўлимдан.*

*Сен гўёки*

*Бейўл, бесўқмоқ*

*Ўрмон аро бошлайсан мени,*

*Бизни чирмар чечаклар, бироқ*

*Мен билмасман улар номини.*

*Нима қилай, қандай? –*

*Билмам, эҳ,*

*Бор билганим беҳуда бу он.*

*Ҳоригансан.*

*“Кўтар”, дейсан, лек*

\* <http://rupoem.ru/evtushenko/all.aspx>

Қўлимдасан сен аллақачон!  
“Қара,  
осмон қандай мовий,  
пок!  
Тингла,  
қушлар сайроқи, майин.  
Анграймагин.  
Қани,  
элт тезроқ...”  
Лекин сени қайга элтайин?!

1953

\* \* \*

Яхшими бу ё ёмон,  
Бир кун бўлажак аён.  
Қийналиб кетаман лек  
Ёнингда қолсам бир он.

Орзуларингдан чўчиб,  
Хушёр боқаман: тайин  
Мендан кечмогинг учун  
Қандай чора топайин?

Қиласан кўп қўнгироқ,  
Мени сўрайсан бетин.  
Айтиб қўйганман, бироқ  
“У йўқ”, дер қўшини хотин.

Атай тикилган зангор  
Костюмин кийиб шул дам –  
Ҳузурингга шошар зор  
Балки Витка Силин ҳам.

Хат ёзасан дам-бадам,  
Дилга солиб таиивиш-ўй.  
Дейсан: “Сенсиз яшолмам  
Бир соат ҳам, билиб қўй.

Қалби ишқинг билан банд,  
Сени қаттиқ раишқ қилар.  
У тарихчи-аспирант,  
Ниманидир кашф қилар.

Ғалатсан, йўқми тилинг,  
Тоқатим бўлди-ку тоқ.  
Бил, майхўр Витка Силин  
Қўлимни сўрар муштоқ!”

Кўклам кўлмагин кечиб,  
Ошиқар ёмғир аро.  
Сен-чи, севмайсан ҳечам,  
Уни кутмайсан асло.

Борлигимда урар жўш  
Бахт, изтироб пайдар-пай.  
Сени нима қилай, хўш?  
Айт, ўзимни не қилай?!

“Эрмитаж” ичра бу пайт  
Рақам терасан толгин,  
Гарчи, биласан, лоқайд  
“Уйда йўқ” дерлар тагин...

1953

## ҲАСАД

Мен ҳасад қиламан.  
Бу – кўп эски сир,  
Ҳаммадан бекитиб келдим то шу дам.  
Биламан,  
бир бола яшар қайдадир,  
Мен ҳасад қиламан унга жуда ҳам.



Қойилман,  
    муштлашса қилмас муроса,  
 Ундай мард, чапани бўлолмаганман.  
 Кулгисига ҳасад қиламан роса,  
 Бола пайтим ундай кулолмаганман.  
 Афт-ангори доим шилинган, дайди,  
 Мен-чи,  
    хўб саришта бўлганман, бутун.  
 У мендай китобни варақламайди,  
 Ҳижжалаб ўқийди.  
    У мендан устун.  
 Ҳақ сўзни айтар у очиқ ва кескин,  
 Риёкор зулмни фош этар шахд-ла.  
 “Шартмас”, деб  
    қаламни қўйсам мен эзгин,  
 У “Шарт!” деб  
    қаламни олади шартта.  
 Тугунни ечмаса,  
    кесиб ташлар, бас,  
 Мен-чи, на ечаман  
    ва на кесаман.  
 У бир бор севдими,  
    Ишқидан кечмас,  
 Мен-чи, ҳам севаман,  
    ҳам воз кечаман.  
 Ҳасадим яшириб, жилмаяман ним,  
 Ўзни гўл кимсага ўхшатиб андак:  
 “Ахир, кимдир хато қилмоғи лозим,  
 Кимдир сал бошқача яшаши керак!”  
 Гарчи  
 “Ҳар кимга ўз тақдир йўли ёр”, –  
 деб таскин берсам-да ўзимга, бироқ  
 Биламан,  
    қайдадир бир болакай бор,  
 Ютуққа эришгай у мендан кўпроқ!

1955

## МЕҲР

Токай давом этар  
    бу ҳолат, ахир,  
 Бу қандай ҳамоқат,  
    бу қандай таҳқир?!

Ажаб,  
    урфга кирмиш қайда, қай фурсат:  
 “Тирикка – бефарқлик,  
    ўликка ҳурмат!”



Одамлар букчайиб гамдан,  
ичарлар,  
Одамлар изма-из сўзга чиқарлар,  
Тарихда қолар деб нутқ сўзлайдилар,  
Майитни куйдириб, сўнг бўзлайдилар.  
Не берди Маяковскийни ўлимга,  
Ким тўппонча тутди унинг қўлига?  
Гарчи алпқомату жўйшқин сас эди,  
Қатра меҳр берсак...  
балки кетмасди.

Одам тирик экан—  
қийнашар бот-бот,  
Меҳр —  
ўлим учунгина мукофот!

1955

### ШИВИРЛАРДИНГ...

Шивирладинг оҳиста, майин:  
“Хўш, кейин-чи?  
Хўш, ундан кейин?”

Ёзилганди тўшак, сен аммо  
Паришонҳол турардинг ҳамон...

Энди шаҳар кезасан мағрур,  
Бошингни тик тутганча масрур.

Лекин бари — беҳуда, бекор,  
Сен мен учун кечаги хуштор.

Тилла зулфинг — кибр тимсоли,  
Поиналаринг бигиз мисоли.

Ўша заиф, забун, ожиз жон,  
Зулфи каби ҳоли паришон.

Кўзларингда мазах, истехзо  
Ҳамда амр: чалкаштирма, о,

Гарчи бу кун ўзга ранг-рўйинг,  
Ва менга ҳам буюрар ўйинг:

Мен бошқаман, бошқа — сен суйган,  
Ҳам ёндириб, ҳам ўзи куйган...

Гўё сенмас ўзга бир аёл  
Ёнгинамда ётиб ноз-ла, лол

Сўраганди шивирлаб майин:  
“Хўш, кейин-чи?  
Хўш, ундан кейин?”

1957–1975

\* \* \*

Тушунмаса икки дил — даҳшат,  
Тушунмайин, бир-бирин қучса.  
Ва аксинча, галатдан-галат,  
Худди шундай даҳшатдир, даҳшат,  
Бир-бирини тўлиқ тушунса!

Бизни бирдай ўртар икки ҳол,  
Болаликдан маълум бу аъмол.  
Нозик қалбинг қилмасман ҳеч чок —  
Тушунмасдан таҳқирлаб, алҳол,  
Тушуниш-ла этмасман ҳалок...

1956

## ОДАМЛАР КУЛАРДИ...

Е. Ласкинага

Одамлар куларди девор ортида,  
 Мен эса боқардим деворга ночор –  
 Хувиллаган қалбни кучиб ўртада,  
 Касалманд қизчамни кўтаргандай зор.

Одамлар куларди девор ортида,  
 Улар гўё мени мазах қиларди.  
 Қоврилиб ёнардим алам ўтида,  
 Андиша қилмасдан, улар куларди.

Аслида, биламан, меҳмонлар сармаст  
 Рақс тушиб, ўйнашдан толиқиб гир-гир,  
 Менинг ё бошқанинг устидан эмас,  
 Шунчаки кулишар эди бегидир.

Одамлар куларди девор ортида,  
 Қонларин қизитар эди гулгун май.  
 Улар учар эди шодлик отида  
 Мену хаста дилим борлигин билмай.

Одамлар куларди... Мен ҳам кўп бора  
 Шундай қаҳ-қаҳ уриб, яйраб кулганман.  
 Деворнинг ортида қайси бечора  
 Сўнган чоғ, ачиниб бирров, кўнганман.

Ўйлагандир у ҳам, гам қувғиндиси,  
 Таслим бўлай деркан кулфатга охир,  
 Мени кулди дея устидан ҳиссиз,  
 Балки туюлганман қилгандай таҳқир.

Ҳа, шундай қурилмиш курраи замин,  
 Шундай давом этар қиёмат қадар:  
 Ким девор ортида қон ютар гамгин,  
 Биз эса кулгаймиз лоқайд, беҳабар.

Ҳа, шундай қурилмиш бу кўҳна олам,  
 Тоабд бузилмас азалий мезон:  
 Ким девор ортида кулар шод-хуррам,  
 Биз бунда тўлғониб ётсак, бағриқон.

Қалбингни авайла, сачрамасин доғ,  
 Гуссадан ўзингни йўқотиб қўйма.  
 Деворнинг ортида кимдир кулган чоғ  
 Сен уни хусумат, аламга йўйма!

Уйғун мувозанат – борлиқ одати,  
Ҳасад, бу – ўзингга жирканч ҳақорат.  
Ўзгаларнинг қулган бахту омади –  
Сенинг бахтсизлигинг учун каффорат!

Худодан сўрагин, охирги дамда  
Кўзларинг сўнаркан, беғам юмилсин:  
Деворнинг ортида қулсин одамлар,  
Қулсин, ай, барибир, одамлар қулсин!

1963

\* \* \*

Д.Г. га

Ярадор бўлганман ҳаётда кўп бор,  
Уйимга эмаклаб келганман зўрға.  
Фақат адоватмас бергувчи озор,  
Ҳаттоки гулбарг ҳам яралайди, ҳа.

Билмасдан, яралаб қўйганман мен ҳам,  
Ноўрин такаллуф қилганман-да гоҳ.  
Кимнингдир юраги яхлаган шу дам,  
Муз узра юргандай у ялангоёқ.

Нечун қадрдонлар, дўстларнинг гариб,  
Вайрон қалби аро сайр қиламан:  
Ўзим ҳам тез, огир жароҳатланиб,  
Ўзга дилларни ҳам осон тиламан?

1973





**Татьяна СНЕЖИНА**

(1972–1995)

## ОЛИС-ОЛИСЛАРГА ҚАРАР ИККИ КЎЗ

*Рус тилидан  
Хосият РУСТАМОВА  
таржимаси*

“Ҳар бир инсоннинг қадрли хотиралари, бу – болалик йиллари бўлса керак. Ота-она қўнидаги беғам, беташивиш кунлар... Оламни англашдаги беғубор қарашлар. Қанча истасанг ҳам бу бахтиёр кунлар ҳеч қачон ортга қайтмайди...”

Мен Украинада туғилганман. Ҳаёт ҳақидаги илк тасаввурларим беланчагим олдида радиоприёмник орқали бетиним янграган халқ куйларидан уйғонган. Тақдир мени иссиқ ўлкадан Камчатканинг совуқ ерларига олиб бориб ташлаганида, ҳатто ярим ойлик гўдак ҳам эмас эканман. Табиатнинг ибтидоий гўзаллиги ҳукмрон ерлар... Кулранг вулқонлар, қорли тепаликлар, боши-адоғи кўринмайдиган уммон... Узун қиш тунларида онамнинг мулойим кўллари сочларимни силар ва мен хира нур сочаётган чироқ ёруғида Шопен куйларини тинглардим.

Мен қадрли пианиномни қучиб улғайдим. Ҳозир шу буюмга қарасам, олис болалигим ёдимга тушади ва мен сўзларни айтолмай туриб, пианино клавишларини босишни қойиллатган болалигимни соғинаман...” деб ёзади рус адабиётининг истеъдодли шоирларидан бири Татьяна Снежина кундаликларида.

Татьяна Снежина 1972 йил 14 майда Украинанинг Ворошиловград шаҳрида шўро армиясининг катта лейтенанти Валерий Павлович Печёнкин оиласида дунёга келган. Қизалоқнинг онаси Татьяна Георгиевна, гарчи маҳаллий заводда оддий технолог бўлиб ишласа-да, шеърят, мусиқа ва халқ кўшиқларининг чинакам шайдоси эди.

Навқиронлигидаёқ бетакрор шоира, моҳир бастакор, лирик кўшиқлар муаллифи ва кўшиқчи бўлиб танилган Татьяна Снежина 1995 йил 21 августда фожиали тарзда – автоҳалокат туфайли вафот этган. Бор-йўғи йигирма уч йил умр кўрган шоиранинг шеърлари асосан муҳаббат, ўлим, ҳаёт хусусида. Уни таниган-билган ижодкорлар: “Татьяна ғоят истеъдодли эди. У ҳеч қачон ёзиш учун жой танламасди, фақат ёзарди... Илҳом ҳар доим Татьянанинг йўлдоши эди. Ҳамма жойда, ҳар ерда...” деб эслашади.

Таржимондан

\* Манба: Звезда моя / Татьяна Снежина. –М.: Эксмо, 2007.

## ОЛИСДА

Жуда соғиняпман, ёғсайди ёмгир.  
Кимдир билса эди... Ё Тангри таоло!  
Нақадар севаман Ватанни, ахир,  
Москва – мен учун энг қимматбаҳо!

Ҳар доим қуёш бор – елкамда ўйнар,  
У томон шошилсам ҳаловатим жам.  
Юраман Сольянка кўчаси бўйлаб –  
Ёмгир остида ҳам бўлмай хотиржам.

Тўғриси, ёқмайди Лондон тумани,  
У ерда сен билан келмагаймиз дуч.  
Менинг муҳаббатим – менинг Ватаним –  
Менинг ўз юртимда топар улкан куч.

Жуда соғиняпман ёмгир ёғишин,  
Мен яхши кўрганим – севганим ўша.  
Ижара уйимдан чиқариб бошим –  
Ёмгирли шаҳарни қилсам томоша.

## АЗОБ БЕРМАС

Азоб бермас менга эҳтимол,  
Тарс этказиб ёпсанг эшикни.  
Эшитарман енгил ва беҳол –  
Юракларинг айтган қўшиқни.

Ҳеч қаерда, балки ҳеч қачон,  
Кўз ёшимни тўкмасман аччиқ.  
Унутаман сени ўша он –  
Эсламайман – орамиз очиқ.

Балки асло бўлмайди қийин,  
Бормасам мен изингдан тушиб.  
Ўрганарман кун ўтган сайин –  
Ортиқ сенга қолмайди ҳушим.

Ўтди бари – нимаки бўлса,  
Ўзгартириб бўлмас бу ишни.  
Хайлингга келтирма сен ҳам –  
Бу эшикни тақиллатишни.

Қутиб яшаш жуда ҳам оғир,  
Айрилиққа тўла йўлларни.  
Майли, менинг кафтимга тўлдир,  
Музлаб кетган ўша қўлларни.

## КУТАРДИМ

Яна ёмгир ёғар эди...  
Юлдузлар учар узоқ.  
Дафтаримни тўлдириб мен  
Шеър ёзардим ялтироқ.

Келишингни кутар эдим,  
Артсанг деб кўз ёшимни.  
Дардим ичга ютар эдим,  
Ердан олмай бошимни.

Яна ёмгир ёғар эди,  
Ёмгир ёғар эди жим.  
Фақатгина сени менга,  
Кўп кўрмасин Худойим.

Керакмасман унга ҳеч қачон,  
Қизиқ эмас менга ҳам бу иш.  
Мен нимаки истаган бўлсам –  
Оқибати келтирган ташвиш.

Бахтиёрдир, балки у менсиз,  
Беҳудадир, балки бу калом.  
Йўлларидан қочиб мен, эсиз,  
Тунда олов билан қоламан.

Эҳтиёт қил ва қутқар, Тангрим,  
Эҳтиёт қил ва қутқар, омин!..

Тангрим, қутқар. Ва эҳтиёт эт,  
Ўша инсон мен учун азиз.  
Унинг билан бўлсам, гўдакдек  
Мен ўзимни сезмайман ёлғиз.

Сенинг ҳукминг, сенинг қудратинг,  
Паноҳингга илҳақман шу чоқ.  
Безатаман атиргулларни –  
Ҳеч кимда йўқ кўзлари мунчоқ.

Тангрим, қутқар. Ва эҳтиёт эт,  
Ўша инсон мен учун азиз.  
Унинг билан бўлсам, гўдакдек  
Мен ўзимни сезмайман ёлғиз.

Эҳтиёт қил ва қутқар, Тангрим,  
Эҳтиёт қил ва қутқар, омин!..

## ЖУМА КУНИ

Жума – ажойиб кун...  
Жума – бетакрор,  
Жума – қоп-қоронғи тунларга соя.  
Ахир, бу – улуг кун. Йўқ зарра зубор,  
Енгил уйғонаман. Еп-енгил зоят.  
Шу куни сени ҳам қутаман шўх-шан,  
Шу куни бўш келар... Автобус бўм-бўш.  
Бекиниб туради сенинг қиёфанг –  
Мисли капалакдай жўши ураман, жўш...  
Шу куни автобус учади елдек,  
Худди ток ургандек юрак урар тез.  
Ширин қарашларинг буткул олар эрк,  
Ҳатто эсимиздан чиқар исмимиз.  
О, яна яқинлаб қолар бекатинг,  
Тушасан. Бир ўзим қоламан. Э, воҳ!  
Ёнимдаги бўшлиқ – қолар суратинг –  
Эсимдан чиқмайди бу сўнги нигоҳ.  
Кейин жим кетасан. Лек мен сен эмас,  
Жума келишига бор яна ҳафта!  
Кейинги сафар мен топаман журъат,  
Сен билан тушаман мен ҳам бекатда.

## ОЛИС ЁШЛИҚДА

Ёп-ёруғ баландда  
Олис болалик,  
Асрарди онамнинг қўли  
шамолдан.  
Энг эзгу эртаклар –  
кўзлари юмуқ,  
Тушларимда қолган,  
Тушимда қолган.  
Сехрли эртаклар  
пуштиранг тусда,  
Ям-яшил ўт узра  
қанот ёзар от.  
Қайсидир ўлкада  
жуда олисда –  
Ўзини кўрсатиб  
турарди ҳаёт.  
Қаноти бор отни  
излайман ҳануз,  
Ҳаёлан учаман –  
билмай гам-ташвиш.

У ерда осмон соф –  
эмасдир ёвуз,  
Орзулар чексиздир.  
Мақсадлар таниш.  
О, қанча йил ўтди.  
Тугади эртак,  
Аммо тушларимда  
этмоқда давом.  
Эсимдан чиқмайди,  
онамнинг қўли –  
Ва қаноти бор от  
ҳамон меҳрибон.  
Сокин тун.  
Туш кўриб ухлайди қизим,  
Мушт қилиб тугилган  
қўллари юмишқ.  
Укам бор.  
Худдики мен каби юзи –  
Тушида шу отни  
Қидирар узоқ.

## ЎЛИМДАН СЎНГ...

Нақадар совуқ ер. Оқ, оппоқ мозор,  
Шундай ўламан, деб ўйлаганмидим?  
Йўл шилта. Учариб келар машина –  
Оҳ, шу пайт сирпаниб кетди оёғим.  
Нима бу, қаерга кетмоқда олиб,  
Тўхтатинг! Керакмас бундай мусиқа.  
Бас қилинг, юрагим бормоқда ёниб,  
Аза кўшиқлари туюлар сийқа.  
Наҳотки, бошимда ҳамма нутқ сўзлар,  
Ҳамдардми дўстларим, қариндош-уруғ?  
Кимнингдир нафратин яширар кўзлар –  
Кимнингдир севгиси қалбга санчар туг.  
Албатта, энди кеч. Бариси аён,  
Аксинча... ётибди энг сўнги сурат.  
Юзини ўгириб тескари томон –  
Оҳ, кимдир йиғлашга этади журъат,  
Тобутга мих урар кимдир... Тақа-тақ!  
Эшитилмай қўяр қушларнинг саси.  
Нега юрагимдан ўчиб борар завқ,  
Шуми ҳаёт билан ўлим ораси?  
Кимнингдир овози келди...  
жуда зид.  
Кимнингдир юлдузли онлари келди,  
эшитиб турибман.  
Ҳамма ёқ жимжит,  
Ҳовучлаб отишар юзимга ерни...



## ҚИСМАТГА

Мендан бунча бўлма дарғазаб,  
Қисмат, қара ўнгу сўлингга.  
Қўйиб юбор, турмагин ушлаб –  
Мени солиб қўйгин йўлимга.

Қиздирилган найза қўлимда,  
Юрагимни куйдирар бешашт.  
Эндиям зов чиқмас йўлимдан,  
Мумкин эмас бу ҳолда яшаш.

Ҳеч кимсага қилмагайман арз,  
Ҳеч кимсага қилмам шиқоят.  
Юрак оғриб, кўнглим кетса дарз –  
Сабр қилгум, ўқиғум оят.

Қоч, ортимдан-изимдан келма,  
Беролмайман ўзимга жавоб.  
Мен оловдан қўрқмайман сира,  
Куйганимни қилай эътироф.

Этиксиз ва қўлқоп, қамчисиз,  
Мен жангларга чиқаман пешвоз.  
Ортда турса изма-из –  
Ёпиқ жангга бераман овоз.

Етар энди! Кел, тин олайлик!  
Хавотирлар босилгунча то.  
Қўл силкиб тез хайрлашайлик,  
Бошқа йўлдан кетайлик танҳо.

Мендан бунча бўлма дарғазаб,  
Қисмат, қара ўнгу сўлингга.  
Қўйиб юбор, турмагин ушлаб –  
Мени солиб қўйгин йўлимга.

## МЕНИ ЧАҚИР...

Мени чақир... етиб келаман дарҳол,  
Сен менга кераксан – кераксан, ёлғиз.  
Сен менинг ягонам, умидим-иқбол –  
Мен сенинг ҳақингда ўйлайман ҳаргиз.

Азизим, сен менинг борар манзилим,  
Ягона йўлимсан – Тангри яратган.  
Мени тушунмасанг оҳ чекар дилим,  
Сен менга барибир қисматсан қайтган.

Гўё бораяпман уммонда чўкиб,  
Шунда ҳам ўйлайман сени кун узоқ.  
Гўёки хаёлим олгандай кўкни,  
Қалбимда йигилиб қолгандай сўроқ.

Сен менинг қалбимсан – ёруғ офтобим,  
Чақиргин ўзингга! Ва узатгин қўл.  
Кечиксанг – йиғлайман, ошархунобим,  
Тополмай қоламан юрагингга йўл.

Кўп нарса керакмас... сўрамайман йўқ,  
Фақат эсим қоламан – сени кўрганда.  
Титроққа тушаман – ургандай совуқ,  
Сени унуттишим – эсга келганда.

Йўлимизни очиб берсин юлдузлар,  
Чақирмасанг бугун... Боришимни кут.  
Бораман бўронлар, ёмғирлар узра –  
Уришиб қолсак ҳам тезгина унут.

Менга қалбингдаги оппоқ ранг муҳим,  
Сенга керак эмас... шошилган пайтинг.  
Ёлғиз қолганимда чақиргин ва эсим –  
Менга севишингни иширлаб айтгин!

Эшикни ёпаман жаҳл отида,  
Ортимдан янграйди “Тўхта!” деган сўз.  
Кипригим тиртирар кўнглим ортидан –  
Олис-олисларга қарар икки кўз.



*Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ*

## ЧЕХОВНИ АНГЛАШ

Атоқли рус адиби Антон Павлович Чехов тўғрисида кўп ва хўб ёзилган. Бор-йўғи қирк тўрт йил умр кўрган бу ёзувчининг ижоди, адабий мероси тадқиқотчи олимлар, адабиёт ихлосмандларини хануз ўзига мафтун этади; дунёнинг нуфузли театрлари ўз репертуарларини Чехов асарлари билан мунтазам бойитишади. Адибнинг шахсий ҳаёти эса фавқулодда содда, айна пайтда, худди шундай мураккаблиги, ҳайратомуз воқеалар, кутилмаган тасодифларга тўлалиги билан мухлисларини ҳайратга солади. Озод Шарафиддинов Лев Толстойнинг “Иқрорнома” асари хусусида ёзар экан, адибнинг: “Мен урушда одам ўлдирганман, ўлдирмоқ ниятида дуэлга чақирганман, тасарруфимдаги мужикларни қартага бой берганман, уларнинг меҳнати эвазига яшаганман, уларни қатл этганман, ёлғончилик, ўғирлик, ҳар хил рангдаги зинокорлик, ичкиликбозлик, зўравонлик, қотиллик... Мен қилмаган жиноят қолган эмас...” деган сўзларини ўқиган ўзбек китобхони: “Ё алҳазар! Шу ўзимиз билган, соясига салом бериб келган улуғ адибми? Роса бўлган экан-ку! Вой, соқолинг кўксингга тўкилгур-ей!” дея ёқа ушлайди”, деганидек, Антон Чехов ҳам ҳаётига қизиққанлар кўз ўнгида тамомила бошқа қиёфаларда намоён бўладика, ҳайратга тушмасликнинг иложи йўқ.

Одатда, бой-бадавлат, мол-мулкнинг ҳисоби йўқ одамлар очикқўл, меҳмондўст бўлишади, уйларига хос кишиларни, дўст-ёронни, турли мансаб эгаларини бетўхтов таклиф қилиб, қуюқ зиёфат беришади, совға-салом улашишади. Бундай саховатпешалик фақат байрамларда эмас, кўпинча ҳеч бир сабабсиз, бир қарашда шунчаки чиройли давра, мазмунли суҳбат, гап-гаштак учун ҳам ташкил этилади. Аммо бу дунёда ҳеч нарса сабабсиз, ўз-ўзидан содир бўлмайди. Бой-бадавлат одамлар бу даражага қандай эришганларини яхши билишади, турфа хил зиёфатлар, совға-салом, хайр-эҳсонга кетган сарф-харажатларини фойда, мўмай даромад ёки бирон-бир нафга айлантиришни аввалдан режалаб қўйишади. Бу борада уларни янглиштириш қийин. Чехов улардан фарқли ўларок, бадавлат, сармоядор одам бўлмаган. Аксинча, ёзувчи ҳақидаги хотираларда таъкидланишича, кибру ҳавога берилмаган оддий шифокор, имкони бўлди дегунча, топган-тутганини таниш-билишларига, атрофидаги кунда-шундаларга сарф қилиб юборадиган, шу ишидан қандайдир ҳаловат топадиган, балки ижодкор сифатида илҳомланадиган, завқ оладиган ғаройиб феъл-атвор эгаси эди. Бутун оилани боқиш зиммасида бўлган, бир кунлик егуликка сариқ чақаси қолмаган ҳолатларда ҳам тушқунликка тушмай, бу қисқа ҳаётда иложи борица кўпроқ роҳатланиб яшашни, одамларга завқ-

\* Аҳмаджон Мелибоев – ёзувчи, публицист.

шавқ улашишни тўхтатмаган. Топган-тутганини меҳмонлари, “офтобда бирга қатиқ ичган” дўстлари, янги-эски танишлари, танишларининг танишлари, истеъдодининг мухлису мухлислари ва мутлақо бегона, бетайин кишилар билан баҳам кўришни хуш кўрган.

Албатта, бу дунёда уйини меҳмонлар билан тўлдириб, шундан завқ оладиган одамлар оз эмас. Аммо Чехов домланинг меҳмонларидек ғаройиб “ансамбл”ни топиш, шундай давра тузиш қийин. Корней Чуковскийнинг ёзишича, улар: “...астроном Ольга Кундасова, мусиқачи Мариян Семашко, Лика Мизинова, Мусина-Пушкина (бошқа исми Дришка, “Чирилдок” дегани ҳам шу аёл), қандайдир Лесова билан Клара Мамуна, оиланинг яқин қариндошлари, кимлиги ва исмини билиб бўлмайдиган кундашунда кўноқлар...” Ҳар куни шу аҳвол. Баъзан бу ҳолат адибнинг жонига тегиб кетади: “Жумадан бери уйим тўла меҳмон, меҳмон, меҳмон. Бир сатр ҳам ёзганим йўқ...” дея ёзғиради у дўстларидан бирига йўллаган хатида. Аммо шу хатнинг ўзида, уйда Суворин, Шчепкина-Куперник, таганроглик Селиванова-Краузе, яна бир неча киши борлигига қарамай, яна Ольга Кундасовани, кейингисида Владимир Тихоновни, ундан кейин Лейкинани, Ясинскийни меҳмонга чақиради. Ўзининг уйига, вақтинча яшаб турган чоккина ижарахонага, дўстларининг уйига, дала-боғига ҳам тинимсиз меҳмон чақиради.

Яна қандай қилиб денг!

Архитектор Шехтелга йўлланган таклифномадан: “Келиб меҳмоним бўлмасангиз, илоҳим, кўчада кетаётганингизда иштонингизнинг боғичи ечилиб кетсин...” Водевиллар ёзиб юрадиган Билибинга йўлланган таклифномадан: “Сиз, яхшиси, уйланинг-да, келинбола билан бизнинг дала ҳовлимизга икки ҳафтага келинг. Ишончим комилки, яйраб дам оласиз, каллангиз бўлса янада тўпорилашади”. Беллетрист Шчегловга таклиф: “Мен сизни арқонга боғлаб бўлса-да, олиб келаман, шуни билиб кўйинг”. “Север” журнали муҳарририга: “Сизни суратимни босиб чиқариб, номимни машҳур қилганингиз учун иссиқхонамда етиштирилган беш боғ редиска билан мукофотлайман. Зудлик билан келиб, шу мукофотни тановул қилишингиз керак”. Таклиф қилинганлар, борди-ю келавермасалар, Чехов уларга дўқ-пўписа ҳам қилган: “Таклифимни ерда қолдирсангиз шундай жазога лойиқ бўласизки, унинг олдида дўзах азоблари ҳеч нима бўлмай қолади”, “Эришаётган муваффақиятларингиз сизга менинг хузуримга келишга халақит бераётгани учун ҳам сиздан нафратланаман”, “Агар у хоним уйимга келмаса, билиб кўйсин, тегирмонини ёкиб юбораман...”

Чеховнинг мактубларини ўқир экансиз, рус адабиётида дурдона асарлар яратган, бетакрор истеъдоди билан адабиёт оламини хануз ҳайратга солиб келаётган адибнинг кўпларга таниш бўлмаган, аммо ҳаётнинг ўзидай ғаройиб, тақдирнинг ўзидай турфа, гоҳо мантиқсиз ва, эҳтимолки, бу ёруғ оламдаги жамики нарсаларнинг ўткинчилиги, ҳеч нарсага арзимаслиги, айримлар бунини ҳали-хануз англаб етолмаётганлари, шундай бўлса-да, жамиятнинг маънавий-рухий ҳолати айна шу англамаслик билан уйғун эканлиги устидан нозик кинояга ўхшаб кетадиган китмир, айна пайтда зиддиятли характери сизни ўйлантириб қўяди. Антон Павлович ҳамини одамлар, таниш-билишлар, бир нафаслик улфатлар орасида, ғала-ғовур давраларда бўлишни хоҳлаган. Меҳмонлари обрў-этиборли, фикр-мулоҳазали, яхши суҳбатдош, бирор соҳада анча-мунча

шухрат қозонган кишилар, аммо улар орасида тепса тебранмас, ҳеч нимани ўйламайдиган, еб тўймас, ичиб бўкмас, ғам-ташвиш нималигини билмайдиган кишиларнинг ҳам борлиги, адибнинг уларга ҳам жиддий эътибори, суҳбатларини тинглаши кишини ажаблантиради. Балки шу ажабланишимизнинг ўзи ажабдир: адибнинг эътибори савдо дўконига кирган харидорнинг эътиборидан фарқ қилади-ку, ахир?!

Ўй-қарашлари, жамиятдаги мавқелари мутлақо бошқа-бошқа бўлган бу икки тоифа вакилларини бир дастурхон атрофига, бир даврага тўплаш, бир муаммо ёки мавзу атрофида баҳслашиш бежиз эмас, назаримда. Шундай давраларда кўп нарса ойдинлашади, фикрлилар фикрсизларга бир нималарни жон куйдириб, такрор-такрор тушунтирмақчи бўладилар, машҳур асарлардан, ноёб манбалардан иқтибослар келтирадилар, олдиларидаги таом совиб қолади. Фикрсизлар эса, санчкини тўғри ушлаган ҳолда (бу уларнинг энг катта ютуғи), таомларни бир чеккадан паққос туширишади, ҳеч балони тушунмаётганларини маҳорат билан яшириб (бу ҳам ютук), ўзларини баҳсни диққат билан тинглаётгандай қилиб кўрсатишади. Содда нотиклар бунини сезмай, жон куйдиришда давом этишади, эҳтиросларга берилишади, бу пайтда фикрсизлар дастурхонга яна қандай таом тортилиши ҳақида жиддий ўйлаётган бўлишади. Бундай ноёб ҳолат-манзарани яна қайдан топиш мумкин? Ҳеч жойдан! Аминманки, бошқа ҳеч нарса эмас, бу пайтда адиб бўлажак асарларининг машҳур қахрамонлари портретини чизаётган бўлади. Бу фикрни Бунин ажойиб тарзда тасдиқлайди: “Чехов образларни қаерлардан йиғиб-териб оларди? Кузатишлар ва киёсларни-чи? Ўзига хос тилини қандай яратди? У ўз ижод йўлини ҳеч кимга ишонмас ва кўрсатиб ўтирмасди. Айтишларича, ундан кўплаб ён дафтарлар қолган дейишади, эҳтимол, уларда бу сирга йўл очадиган калит топилар? Ёки бутунлай сирлигича қолиб кетар? Ким билади! Ҳар қандай шароитда бизга бу борада эҳтиёткорлик билан айтилган қочиримлар ва тахминлардан хулоса чиқариш имкони қолади”. Яна бир муҳим деталь: “Чехов олимлар, юк ташувчилар, тиланчилар, катта ер эгалари, адабиётчилар, хизматчилар, монахлар, кичик почта амалдори – ким бўлишидан қатъи назар, ҳамма билан бир хил муомалада сўзлашар, уларни қунт ва эътибор билан тингларди. Балки шу боис, унинг ҳикояларидаги олимлар ва дайдиларнинг қалбини яққол кўриб турасиз, сўзларига ишонасиз”.

“Сарлавҳасиз” деб номланган ҳикояда адибнинг жамиятда, одамлар онг-шуурида кечаётган эврилишларга муносабати яққол кўзга ташланади. Шаҳарлик осий бир банда ярим тунда йўлдан адашиб, овлоқ бир жойдаги, “атрофида ёввойи қуш ва йирткич ҳайвонлардан бошқа ҳеч нарса кўринмайдиган” монастрга келиб қолади. Бир хилдаги ҳаёт тарзи туфайли дарахтлар, гуллар, баҳор латофати, куз таровати бу ерга жойлашиб олган (эътибор беринг: “жойлашиб олган”) монахларни мутлақо қизиқтирмай кўйган, денгизнинг шовуллаши асабларини толиқтирадиган, қушларнинг сайраши ёқимсиз товушга айланган бу жойда шаҳарлик киши суҳбатдошларига қараб: “Бекор ўтирасизлар, монахлар, – дейди куюниб. – Еб-ичишдан бошқа нарсани билмайсизлар. Қиёматнинг ғамини шу хилда ейдими киши? Ўйлаб кўринглар: сизлар бу ерда тинчгина еб-ичиб, саодат ҳаёлида ўтирган чоғларда, яқин кишиларинг ҳалок бўлиб, жонлари дўзахга кетмоқда. Бир қаранглар-чи, шаҳарда нималар бўлмоқда...”

Нотаниш киши шаҳарда нималар бўлаётганини монахларга эринмай,

бирор жойини қолдирмай гапириб беради: шахарликлар на худодан, на шайтондан ва на ўлимдан кўрқадилар, бунинг ўрнига бузукчиликка берилишган, тинимсиз вино ичишади, маст-аласт бўлиб, художўй одамлар тилга олмайдиган ярамас сўзларни беҳаёлик билан айтадилар. Улар олдида яримьяланғоч, аммо ёш, узун сочли, дўндик, қоракўз, дўрдоқ лабли ҳаёсиз аёл туради. У вино ичади, қўшиқ куйлайди, рақсга тушади ва ким хоҳласа, ўшанга ўзини топширади...

Нотаниш киши шахар ҳақида шундай ҳикоя қилади, шундай нарсаларни айтиб берадики, у эртасига эрталаб тунаб қолган хужрасидан ташқарига чиқиб қараса, монастирда битта ҳам монах қолмабди. Ҳаммаси шахарга кетиб бўлибди. Нима иш қилиб қўйганини ўзи ҳам билмай қолган бу кимсанинг ва яна: “Уйқу истаги” ҳикояси қаҳрамони – эртадан-кечгача қўли-қўлига тегмайдиган етим қиз Варканинг, “Ёвуз ниятли киши” ҳикояси қаҳрамони – содда, аммо тўғри сўз Денис Григорьевнинг образи ҳаётнинг нақд ўзидан олингани боис, ўта жонли ва таъсирчан чиққан.

Хотираларда Чеховнинг эрта тонгдан қўлига гулқайчи олиб, ўйчан ҳолда боғдаги атиргулларни парваришлаши, юз очаётган ҳар ғунчага худди ёш она чакалоғига тикилгандай термилиши, ноёб гул кўчатларини етиштириб, дўст-қадронларига тарқатиши кўп бор айтилади. Жамиятдаги адолатсизлик, зўравонлик, одамлар табиатидаги кўрс-қўполлик, беҳаё ва ёлғончилик, ғирромлик, бировнинг ҳақидан кўркмаслик ҳақида ўйлаганида ўзини овутиш учун, балки шундай қилгандир? Ахир, ҳаёт ҳар жиҳатдан эзиб ташлаган, тинка-мадорини куритган омадсиз, чорасиз одамларнинг дард-ҳасратларини тинглаш, кўзларида ҳаёт чироғи сўниб бораётган беморларнинг оқимтир-кўкимтир тусга кираётган юзига тикилиш, яқинларига далда бериш осон дейсизми? Нима бўлганда ҳам, у бу номутаносибликлар олдида ўзини йўқотиб қўймагани, ортиқча хою-ҳавасларга берилмагани, тушқунликка тушмагани аниқ. Фақат шундай одамгина боши оғир кулфатлар гирдобида гувиллаб турганида ҳам ишонч ва озроқ юмор билан: “Уч юз йилдан сўнг ҳаёт нақадар гўзаллашади!” дея олади. Умид ва надоматнинг бу гўзал қовушиғи бундан уч минг йил аввал юзага келган “Калила ва Димна”да ҳам бор!

Чеховнинг ўқувчини ҳайратга соладиган ғайриоддий “қилиқ”лари фақат уйига меҳмон таклиф қилишдангина иборат эмас. К.Чуковский хотираларига қайтамик: “У дўстлари, яқинларига лақаб тўқишда устаси фаранглардан бўлган. Ғилай, Қийшиқбурун, Қораюз, Гриппи, Шўртумшук, Самовархоним... санаб саноғига ета олмайсан. Иван Шчегловга “Герцог”, Борис Суворинга “Барбарис”, мусиқачи Мариан Ромуальдовичга “Мармелад Фортепианович” деган номлар насиб қилган. Дўстлари ҳам бўш келмай, Антон Павловични “Стамеска”, “Антуан”, “Потёмкин”, “Адмирал Авелан” деб чақиришган”, Чеховнинг ўзига эса “Ҳабашюз граф”, “Аркадий Тарантулов”, “Дон Антонио”, “Академик Тото”, “Шиллер Шекспирович Гёте” лақаблари, турфа хил шумликлар, масхарабозлик, таниқли кишиларга тақлидан образга кириш, меҳмонларни кулдириш ёққан.

Владимир Короленко “Чеховнинг кўзларида беадоқ ҳозиржавоблик, хушчақчақлик мавжуд эди”, деб ёзади. Дарвоқе, Чехов Короленко билан танишар экан, ундан “Менинг кичик ҳикояларим қандай ёзилишини биласизми?” деб сўрайди ва янги танишининг жавобини ҳам кутмай, стол устида турган кулдонни қўлига олиб дейди: “Эртага “Кулдон” номли янги

ҳикоя ўқишни истайсизми?” Кейинроқ Чехов театр мавзусидан анча узоқ, драматургияга қўл урмаган бу ёзувчига: “Бирга ижод қиламиз. Драма ёзамиз. Тўрт пардадан иборат. Икки ҳафта ичида тугаллаймиз”, дейди қатъий тарзда. Билибин фамилияли ижодкорни тўсатдан ҳамкорликка чорлаб қолади: “Биргалашиб икки кўринишли водевил ёзмаймизми? Биринчи кўринишни сиз ёзинг, иккинчисини мен қоралайман. Қалам ҳақини тенг бўлишамиз”. Суворинни бўлса ғаройиб таклифи билан шошириб қўяди: “Биродар, биргалашиб бир-иккита ҳикоя ёзайлик. Сен бошлайсан, мен тугатаман...”

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Рус адабиётининг ноёб дурдоналарига айланган машҳур асарлар муаллифини масхарабоз, судья, прокурор, ўртақаш, бугунги ибора билан айтганда, уста “шоумен” киёфасида тасаввур эта оласизми? Давраларда турли шумликларни ўйлаб топадиган ҳозиржавоб улфат образида-чи? Тасаввур қилиш қийин, аммо хотираларда адиб ҳаётдан келтирилган кўпдан-кўп фактлар, Антон Павловичнинг ўз эътирофлари, айниқса, сон-саноксиз хатлари бу мураккабликни бирмунча осонлаштиради. Уларга мурожаат этамиз: “Ҳозиргина пойгадан келдим...”, “Зобитлар билан тўйиб овқатландим, мириқиб ичдим, ухладим...”, “Биз эркаклар гоҳо аёллар нима мақсадда яратилганини унутиб қўямиз-да...”, “Иккита опера қўшиқчиси билан тўйиб ичдим, яйраб қўшиқ куйладим”, “Бугун омадим келди: биттасини илинтирдим, момақаймоқнинг ўзи, бунақасини анчадан бери кўрмаган эдим”.

Чехов йирик асарлар устида ишлар экан, биров чалғиш мақсадида кутилмаган киёфага кириб, даврадошларини кулдириб, фикрини жамлаб олган, асарлари учун янги қахрамонлар қидирган, уларнинг антиқа киёфасини хаёлида гавдалантирган.

Қирқ тўрт йиллик умрида биргина рафиқасига неча минг дона мактуб ёзган, врач сифатида айрим кунлари юзлаб беморларни қабул қилган адиб кадрдонлари даврасида дарҳол масхарабозликни бошлаб юборар экан: “Бир гал “юзига қора бўёқ суриб, ўзини прокурорлардай тутиб, Левитаннинг устидан қоралов ҳукмини ўқишни бошласа, бошқа гал Бухоронинг зардўзи чопонини кийиб, бошига салла ўраб, ўзини омадёр бадавий қилиб кўрсатар эди. Бу ҳам майли, шаҳар миршабининг қўлига қоғозга ўралган тарвузни бериб, “Бомба, участкага олиб бор. Кўзингга қара, эҳтиёт бўл”, дейиш ёки ёш ёзувчи аёлни унинг каптарлари худди шундай малларанг мушуклар билан чатиштирилганига ишонтириш ҳамманинг ҳам қўлидан келмайди”. Чуковский ёзади: “Чеховнинг кулгили асарлари қанчадан-қанча дунёвий фалокатлардан, учта урушдан ва яна учта инқилобдан омон-эсон ўтди, ён-атрофимизда эса қанчадан-қанча салтанатлар таназзулга юз тутди, қанчадан-қанча дабдабали номлар унут бўлиб кетди, шуҳрат қозонган не-не китоблар ёддан кўтарилди. Адабий оқимлар, қоидалар ўзгарди, аммо Чеховнинг бир нафасда ёзилган кўплаб ҳикоялари ҳеч нима бўлмагандек яшаб келмоқда, эндиликда уларни набираларимиз ўқиб, худди оталари ва боболари каби хандон отиб кулмоқдалар. Бир вақтлар бу ҳикояларни ўқиб, бурнини жийирганлар ҳам бўлган, аммо улар рад этган нарсалар асл пўлат бўлиб чиқди...”

Хотиралар ва хатлар Чеховнинг янгидан-янги қирраларини намоён этади. Парижга қилган сафари чоғида, адибнинг бой-бадавлат танишларидан бири уни Францияда қолишга даъват этар экан, унга

кўп миқдорда пул бериб туриши мумкинлигини, рози бўлса, бу ишни ҳозирроқ қилишини айтади. Чехов рози бўлмайди. Ватанига қайтгач, ўша бой танишига мактуб ёзиб, Парижда қолишга рози бўлмагани сабабини: “Биродар, мен Парижда қолишни хоҳламаганим учун эмас, сиздан қарздор бўлиб қолишни истамаганим учун ҳам таклифингизни қабул қилмадим”, дея тушунтиради. Адибнинг қисқа ҳаёти ҳамиша ҳам тўқинчиликда кечмагани кўпчиликка аён. Аммо у ҳеч қачон яқин танишларидан, қариндошларидан, бадавлат дўстларидан пулсиз қолганида ҳам ёрдам сўрамаган, беришса олмаган. Аммо ўзи ҳар куни кимгадир қарз берган. Қарз сўраб келувчиларнинг охири кўринмаган, бировга юз сўм, бошқасига эллик сўм бераверган. “Кеча биттаси келиб, 100 сўм олиб кетди, биттаси мен билан хайрлашгани келган экан, 10 сўм бердим. Яна биттаси 100 сўм сўради, бердим. Бошқасига 100 сўм ваъда қилдим, яна бирига 50 сўм бермоқчиман”, “Шундайлари ҳам борки, бермагунингча серрайиб туришаверади”. “Битта яхши танишим мендан жумагача деб олти юз сўм олиб кетди. Қарз олувчилар жумагача деб олишади...” Ҳа, шундай бўлган, аммо бир эмас, бир неча жумалар, ойлар ўтса ҳам, пуллари қайтиб келмаган. Ўзи пулга муҳтож бўлиб қолганида дўстларига: “Мен сизлардан қарз сўрамаганим учун узр сўрайман”, дер экан қўлини кўксига қўйиб. Қарз олиш учун серрайиб тураверадиганлар, эҳтимол, адибга “Муштипар” ҳикоясини қоғозга туширишга илҳом беришгандир.

Хотинига ёзган хатидан: “Халатим йўқ, эскисини кимгадир совға қилганман, кимгалиги ёдимда эмас...” Дўсти Сидоринга ёзган хатидан: “Сиз мени пихини ёрган кредитчи деб ўйламанг, илтимос. Мендан олган ўша юз сўм пулни қўятулинг, бир гап бўлар, аслида сиздан мен қарздорман. Шу қарзимни узганимдан кейингина ўша юз сўмимни сўрашим мумкин. Ҳозирча тинчимни бузиб, қарздорлигимни эслатмай турганингиз маъқул”.

Чехов жаҳонгашта саёҳатчи ҳам бўлган. Ўттиз ёшида дунёнинг кўплаб мамлакатларини кезиб чиққан бўлса-да, чарчоғи ёзилмай туриб, кўрган-кечирганларини меҳмонларига айтиб улгурмаёқ, навбатдаги сафарга отланган. Шу ёшида Владивосток, Гонконг ва Шри-Ланка, Сингапур ва Ҳиндистон, Истанбул, Вена, Венеция, Рим ва Неаполни, Монте-Карло ва Парижни кўриб улгурган адибнинг саргузаштларини тинглаш дўстлари учун нақадар завқли бўлганини тасаввур қилиш қийин эмас. Қандайдир сеҳрли, кўзга кўринмас куч уни дунёнинг турли чеккалари, дарё ва океанлар, оғир ва олис жойларга чорлаб турган, тўрт девор орасида – хонада диванга ёнбошлаб, бу ёруғ оламни фақат бир нуқтадан туриб кузатадиган ёзувчиларни ёқтирмаган. Хатларидаги мана бу сатрларга эътибор беринг: “Кўнглим кенгликларни қўмсайди...”, “Пароходни, умуман, эркинликни хоҳлайман, шу қадар хоҳлайманки...”, “Агар бу йил палубани ҳидламасам, чорбоғимни ёмон кўриб кетаман...”, “Шахзодалар оролига, Константинополга, яна Сахалинга, Ҳиндистонга борсам қанийди...”, “Лукада июнгача яшасам бўлди, кейин Парижга, фаранг хонимлар ҳузурига ошиқаман”, “Аҳмоқмиз-да, Парижга бориб, кўргазмани томоша қилмаймиз. Шу юришимизда ҳеч нимани кўрмай ўлиб кетамиз...”, “Бу ерларнинг табиати ақлдан оздирадиган даражада аъло, мен бўлсам, сурат чизишни билмайдиган сўтакман”, “Ҳа, қишлоқда

роҳат-фароғат қилиб яшаса бўлади. Чўнтагимда ҳемири йўқ, аммо менинг фикримча, пули ошиб-тошиб кетган одам бой эмас, эрта баҳорда завқли ҳаёт кечириш имкониятига эга одам бой”, “Амур бўйлаб жуда кўп суздим, неча миллион манзараларни кўрдим, роҳатландим. Шунча бойлик, шунча манзарадан бахраманд бўлдимки, энди бемалол ўлаверсам ҳам бўлади”.

Замондошлари Чеховни “табиат куйчиси”, “табиий гўзаллик шайдоси” деб ҳам аташган. Дарҳақиқат, адиб асарларида тасвирланган ариқлар сувининг жилдираши, кушларнинг чуғури, капалаклар рақси, тоза ҳаво, ғунчаларнинг юз очиши, боғлар, гулзорлар таровати, қайинзорларнинг сирли шивири, машаққатли, аммо завқли йўллар, паромлар, палубанинг бошқа ҳеч жойда учрамайдиган хиди, ғаройиб ҳамроҳлар, уларнинг янада ғаройиб суҳбатлари ўқувчини ўзига ром этади. У бу манзараларни ўз кўзи билан кўрган, кузатган, улардан баҳра олган, онг-шуурига сингдирган. Умри қисқалигини билгандай, сафарни сафарга улаб яшаган. Бедаво дардга йўлиқиб, тўшакка миҳланиб қолганида олдига келган ёш ёзувчига: “Сизнинг ўрнингизда бўлганимда, Ҳиндистонга суриб қолган ва яна камида иккита факультетда ўқиган бўлардим...” дейишининг ўзи қандай ҳаётсеварлик! Адиб Қримда яшай бошлаганида, сувсиз, ташландик ерга ишлов бериб, ажойиб гулзор яратади. Гул уруғларини Таганрогдаги қариндошларига юбориб, уларни ҳам гул экишга, парваришlashга даъват этади, кўшниларига гул кўчатлари улашади.

Фақат шугина эмас, юқорида айтилганидек, Антон Павлович анча ёш бўлишига қарамай, оила ташвишларини зиммасига олади, ака-укалари, иккита синглиси ва отасини қайта тарбиялаш, тўғри йўлга солиш учун кўп ҳаракат қилади. Айниқса, танбал, боқибеғам Николайнинг тақдири уни ташвишлантиради. Унга хатлар ёзиб, ҳаётда йўл қўяётган хатоларини тушунтирмоқчи бўлади, аммо ҳаракатлари зое кетгач, 1886 йили ўлим тўшагида ётган акасига сўнгги, энг муҳим мактубини йўллайди. Чехов ҳақидаги хотираларда бу мактуб кўп бор келтирилади. Корней Чуковский ҳам айни шу хатга алоҳида эътибор беради. Чунки унда буюк адибнинг маънавий-ахлоқий дунёси, фалсафий қарашлари жуда равшан ифодаланган. Уни жузвий қисқартиришлар билан келтирамиз:

*“Сенинг ягона камчилигинг бор, у ҳам бўлса – ўта одобсизлигинг... Одоби одамлар, менинг фикримча, қуйидаги шартларга мос келишлари керак:*

1. Бундай одамлар инсон шахсини ҳурмат қиладилар, шу боисдан ҳам улар ҳамиша марҳаматли, юмшоқ, мулоийм ва келишимли бўладилар... Улар оддий болга ёки йўқолиб қолган қандайдир резина учун айюҳаннос солишмайди, бирор жойда ким биландир бирга яшашга тўғри келиб қолса, бунини миннат қилмайдилар, кета туриб: “Сиз билан яшаб бўлмайди”, демайдилар. Улар кимдир шовқин солса, совуқ забтига олса, кимдир гўштни куйдириб қўйса ёки таом аччиқ бўлиб қолса, уйларида бегона одамлар пайдо бўлса, бунга тоқат қилишади...

2. Улар фақатгина оч мушукларга раҳм қилмайди, балки оддий кўз билан кўриб бўлмайдиган нарсалар учун ҳам қалбан азоб чекадилар.

3. Улар бировнинг мулкани ҳурмат қилишади ва шу боисдан ҳам солиқ тўлашади.

4. Улар тўғрисиўз одамлар, ёлгондан худди оловдан кўрққандай кўрқишади. Энг оддий нарсалар хусусида ҳам ёлгон гапиришмайди. Ёлгон



– тингловчи учун бориб турган ҳақорат, ёлгончининг обрўсини эса бир пул қилади. Бундай одамлар ўзларини кўз-кўз қилишмайди, кўчада ҳам уйдагидек юришади, кичикларнинг кўзига чанг пуркашмайди, биров сўрамаса, ўзларича бир балоларни валдираб, маҳмадоналик қилишмайди. Бошқаларнинг қулоғи хурмати, кўпинча жим туришади.

5. Одобли одамлар бошқаларнинг раҳмини келтириш учун ўзларини афтодаҳол қилиб кўрсатишмайди, бошқаларнинг юрак торларига сўроқсиз қўл теккизишмайди. Бундай кишилар “Мени ҳеч ким тушунмайди”, деган гапни асло тилга олишмайди. “Жуда майдалашиб кетдим-да”, дейишмайди ҳам...

6. Одобли одамлар ҳар нарсага бош суқишмайди, машҳурлар билан танишиш илинжсида югуриб-елишмайди. Родзевичлар, Левенбергларга хос “Мен матбуотнинг вакилиман”, деган иборани истеҳзо билан қабул қилишади. Ҳақиқий истеҳдодлар сал пастроқда, одамлар орасида, кўзга ташланадиган жойлардан сал нарироқда ўтиришади. Ҳатто Крилов ҳам айтган: “Бўм-бўш бочка ичи тўласига нисбатан яхши овоз чиқаради”.

7. Бундай одамларда, агарки истеҳдод бўлса, уни, албатта, хурмат қилишади. Шу истеҳдодларини деб ҳаловатдан, аёллардан, винодан, майда-чуйда ишлардан воз кечишади... Истеҳдодлари билан гурурланишади. Мешчанлар билим юртининг назоратчилари, Скворцовнинг бетайин меҳмонлари билан ароқхўрлик қилиш улар учун ёт нарса... Бундай одамлар кўп нарсалардан ҳазар қилишади.

8. Одобли одамлар ўзларида эстетик туйғуларни тарбиялаб боришади. Кийим-бошларини ечмай ухлашмайди, сассиқ ҳаводан нафас олишмайди, тупикка тўлиб кетган полда юришмайди, керосинкада тайёрланган таомни истеҳмол қилишмайди. Жинсий эҳтиросларини жиловлаш ҳаракатида бўлишади. Фақат бўш вақтларида, бир сабаб бўлгандагина ичишади...”

Бу мактуб адиб ҳаёти ва ижодига оид эсдаликларнинг кўпида келтирилади. Муаллифларнинг фикри бир хил: ушбу мактубда баён қилинган маданий-ахлоқий меъёрларга биринчи бўлиб Чеховнинг ўзи риоя қилган, қисқа умри давомида кўп нарсалардан воз кечиб, шон-шухрат, қуруқ мактов, тилёғламалиқдан иборат ҳамду саноларга парво қилмай, адабиётшунослар юмор бобида уни Гоголдан кейинги ўринга кўтариб кўйишганига қарамай, 1888 йили Фанлар академияси уни Пушкин мукофотига муносиб кўрса ёки орадан икки йил ўтгач, шу ташкилот адибни академиянинг фахрий аъзоси қилиб сайласа ҳам, ҳаволанмай, худди ҳеч нима бўлмагандай, ҳаётни кузатиш, одамлар характерини ўрганиш, беморларни даволаш, муҳтожларга ёрдам қўлини чўзиш билан машғул бўлган, адибнинг кўп бор такрорлайдиган ибораси билан айтганда, ўзини ўзи “дрессировка” қилган, характерини тарбиялаган. Ижодкор зиёли учун камтарлик, самимийлик, айникса, ростгўйлик ноёб истеҳдод каби муҳимдир, балки ундан-да муҳимроқдир. Адабиёт ҳаётни бутун борлиғи, иссиқ-совуғи, паст-баландликлари, танти-нотантиликлари билан, қандай бўлса, шундайлигича тасвирлаши керак. Шу боисдан ҳам у АДАБИЁТ деб аталади. Адабиётнинг вазифаси ҳақиқатни софлиги ва тўлалигича, ўзига ва фақат ўзига ўхшатиб тасвирлашдир.

Чехов мана шу мангу ҳақиқатни чуқур англаган ва ўзи кашф этган ахлоқий қоидаларга ҳар қандай ҳолатда ҳам қатъият билан амал



қилган. Мисол, у Сахалин оролига бирор кишининг кўмаги ёки бирор ташкилотнинг йўлланмаси билан эмас, ўз хохишига кўра борган, ўзича йўлга тушиб, изғиринли қор-совуқда кийим-боши шалаббо бўлган, тиззасигача лой кечган, нотаниш генерал билан “қўлбола” уйлардан бирига киришганида, генералга қуруқ кийим-бош, кўрпа-тўшак беришганида, ўзи эса жикқа ҳўл кийими билан, яна денг, ерда ётиб, тонг отишини кутганида ҳам димоғдорлик қилмаган, “Мен фалончиман, ахир”, дейиш хаёлига келмаган.

Чехов ёш ижодкорларга: “Иложи борича кўп ёзинг, ёзганларингиз кўнгилдагидек чиқмаса, бундан ташвишга тушманг, аксинча, ёзишда давом этинг, тўхтаманг, вақти-соати келиб, ҳаммаси яхши бўлади. Мухими, ёшлигингиз ва шижоатингизни беҳуда юмушларга сарфламанг. Маҳоратингизни ошириш учун жиддий ишланг. Қаранг, ҳар ҳолда ёмон ёзаётганингиз йўқ, ўқиса бўлади, аммо сўз бойлигингиз кам, тилингиз ғализ. Тилингизни бойитиб боринг. Бунинг учун ҳар куни ёзиш керак”, дея маслаҳат берар экан. Ўзи бўлса асарлари тилини бойитиш учун ёшлардан кўра кўпроқ ишлар, изланар, дўстлари, суҳбатдошлари, кутилмаган ҳамроҳларининг сўзлари, ичкилик авжига чиққанда тилга қалқиб чиқадиган ажабтовур иборалардан, шунингдек, луғатлар, каталоглар, илмий ишлар, муқаддас китоблардан фойдаланишдан тўхтамас экан. “Поездда учинчи класс вағонида кўпроқ юринг, у ерда кўплаб кизиқарли воқеаларнинг гувоҳи бўласиз, умрингизда эшитмаган нарсаларни эшитасиз”, дер экан маслаҳат сўраганларга. Ҳафталаб, ойлаб, ташқарига чиқмай асар ёзадиган, ёзувчиларни хушламай, “Бундайларнинг қўлёзмаларидан эшик ва деразалари ёпиқ зах хонанинг хиди келади, ўқисанг, кўнглинг айнийди”, дея таассуф билдирар экан. Бир куни олдига келган ҳаваскор ёзувчининг салмоқли қўлёзмасини мажбуран ўқиб, “Биродар, шунча нарсани уйда, хира чирокда қандай қоғозга туширдингиз-а, дунёда Петербургдан ташқарида ҳам шаҳарлар, дарёлар, мовий ўтлоқлар, пивохоналар борлиги, у ерларда ҳам одамлар яшаши, уйланиши, ажрашиши, тўйларда тўс-тўполон кўтариши, гулдай хотини, болалари бўла туриб, упа-элик сурмаса, юзи буришиқ ошқовоқдай кўринадиган қирчанғиларга илакишиб қолиши ҳам мумкинлигидан хабарингиз борми ўзи?” деб киноя қилган экан.

Антон Павловичнинг Сахалин сафари узоқ вақт мобайнида тадқиқотчилар ўртасида турлича баҳс-мунозараларга сабаб бўлгани аниқ. Бу хусусда 1960 йили Москвада чоп этилган “А.П.Чехов замондошлари хотирасида” тўпламига кирган мақолаларда кўп фикрлар айтилган. Гап шундаки, бундай оғир, машаққатли сафарга отланишга ҳамма ҳам журъат қилмасди. Чехов ҳеч кимга ҳеч нима демай, деярли тайёргарликсиз йўлга тушади. У пайтлари темир йўл қаёқда дейсиз, отда, аравада, пароходда, қайиқда, буғули чанғиларда, яна бир нималарда минг азоб билан йўл босади, аъзойи бадани қақшаб оғрийди, сувсиз, овқатсиз қолиб кетади, жомадони қайиқдан сувга ағанайди, ўзи неча бор ўлимдан қолади. Аммо ниятидан қайтмайди. Баъзилар унинг бу қарорини жамият ҳаётидан чекиниш, ижодий суствлашиш, тушуниб бўлмайдиган мавҳум бир узлат деб баҳолашади. Буренин “Истеъдодли ёзувчи йўқотган илҳомини топиш учун Сибирга жўнади, қоялар аро сарсон-саргардон кезди, аммо ҳеч нарса топа олмай, орқасига қайтди. Алқисса, илҳом қидириб узоққа бориш шарт

эмас”, деган маънода кинояли шеър ёзади. Бошқа бир киши бу сафарни “шон-шухрат чўккисига интилиш” деб тушунади.

Аслида ҳам шундаймиди? Йўқ, бундай эмасди. Бу саволга аниқ жавобни адибнинг синглиси Мария Павловнанинг хотираларидан топиш мумкин. “Акамни Сахалинга сургун қилинган одамлар азоб-укубат чекишмоқда, касалликдан нобуд бўлишмоқда, деган хабарлар жиддий ташвишга солди”. Шу биргина жумладан англашилмоқдаки, Антон Павлович шифокор сифатида маҳбуслар тақдирига бефарқ қарашни касбига нисбатан хиёнат деб тушунади, адиб сифатида жаннатдай яшнатиб кўйган боғида тинчгина умргузаронлик қилишни ўзига эп кўрмайди. Бу ташвишли ҳолатни билиб туриб, сургундаги муҳтожларга ёрдам бериш ўрнига, куруқ сафсатабозликдан нарига ўтмаётган шоир ва ёзувчилардан нафратланиб кетади. Иккинчидан, бу пайтда адибнинг ўзида ҳам баъзи ички саволлар пайдо бўла бошлаган эди: “Ёзувчи ким учун ва нима учун ёзади? Жамият одамлар тақдирига нега бу қадар бефарқ? Ишонч ва ишончсизлик, вафо ва хиёнат, камтарлик ва такаббурлик, меҳнатсеварлик ва текинхўрлик, донолик ва нодонлик нега ёнма-ён яшайди, бу манфур занжирни узиш, ўзгартириш мумкин эмасми?” “Қилаётган ишларим ҳеч нарсага арзимаслигини ўйлаб, ўзимдан ўзим қониқмай қолдим. Ҳиссиётларим вақтни беҳуда ўтказаятганимни айтиб турибди”, деб ёзади у хатларидан бирида. Бошқасида ўқиймиз: “Йўқ, биз зарур нарсалар тўғрисида ёзолмаяпмиз...” “Туяни шамол учирса, эчкини осмонда кўр”, дейишади. Чеховдай адиб ёзолмаётган бўлса, унда... Бу саволларга “Олтинчи палата”дан жавоб топиш мумкин. “Ақлли одамлар ва уларнинг суҳбати тез-тез тушимга кириб туради, – дейди асар қаҳрамонларидан бири врач Андрей Ефимич почта мудирини Михаил Аверьяновичга. – Отам мени хўб ўқитди-ю, лекин 60-йиллардаги оқим таъсири остида доктор бўлишга мажбур қилди. Агар ўша вақтларда унинг сўзига кулоқ солмаганимда, ҳозир фикр ўчоғининг худди марказида бўлардим, деб ўйлайман... Албатта, ақл ҳам абадий эмас, ўткинчи-ку, лекин сиз менинг нима учун унга мойиллигимни биласиз. Ҳаёт – аламли бир дом. Фикрловчи инсон улғайиб, ақли камолга етганда, беихтиёр ўзини қутулишнинг иложи бўлмаган бир домга илингандай ҳис қилади. Ҳақиқатан, унинг ихтиёридан ташқари, қандайдир тасодифлар орқасида йўқдан бор бўлиб, оламга келади. Нега? У нега мавжудлигининг маъносини ва мақсадини билишни истайди – унга айтилмайди ёки ақл бовар қилмайдиган сўзларни айтишади; тақиллатади, унга эшик очмайдилар, ўлим ҳам унинг ихтиёридан ташқари келади. Мана, турмадаги кишилар, умумий бахтсизлик туфайли бир жойга тўпланганларидан анча енгил тортгандай бўладилар, ҳаётда ҳам таҳлил ва умумий хулоса чиқаришга мойил одамлар бир ерга йиғилишиб, эркин ва шарафли ғояларини ўртоқлашиш билан вақт ўтказганларида ҳалиги дом сезилмайди. Бу жиҳатдан ақл ҳеч қиёссиз ҳузур-ҳаловатдир...”

Бу сўзларни айтаётган одам – беморларни даволовчи врач, аммо “кўриниши қўпол, дағал, дехқонларга ўхшайди, юзи, соқоли, ясси сочи, мустаҳкам ҳамда беўхшов жуссаси катта йўллардаги баднафс ва ўжар давангирдек майхоначини эслатади... Бўйнига кичикроқ шиш чиққан, ўша шиш оҳорланган қаттиқ ёқа тақишга халакит беради, шу сабабдан доим читданми, оқ сурупданми юмшоққина кўйлак кийиб юради.

Умуман докторчасига кийинмайди. Битта костюмини ўн йиллаб эгнидан туширмайди... битта костюмда касал ҳам қарайди, овқат ҳам ейди, меҳмонга ҳам бораверади, лекин бу пишиқлигидан эмас, уст-бошига бутунлай аҳамият бермаслигидан”.

Адиб ҳикоялари қаҳрамонларининг ҳар бири феъл-атвор жиҳатидан бир-бирини асло такрорламайди. Аммо улар, юкорида айтилганидек, умумий бахтсизлик ё умумий омадсизлик, беғамлик боис, бир жойга – бир жамиятга йиғилиб, бир даврда яшаётган ва бир хил муаммолар гирдобида қолган тақдирдошларга ўхшаб кетади. “Ротшильднинг скрипкаси” ҳикоясидаги ортиқча чиқим бўлмаслиги учун хотинига чой ичирмайдиган тобутсоз Яков, “Таниш эркак”даги оғримаётган, аммо ковак тишини қўлидаги узуги баҳосига суғуртирган Настасия Канавкина, “Аммамнинг бузоғи”даги иш берувчи ўзини шафқатсиз даражада таҳқирласа, иш ҳақининг ярмидан кўпини турли важлар билан ушлаб қолса ҳам қуллук қилиб турадиган хокисор Юлия Васильевна, “Ҳамён”даги саёҳатга чиққан уч актёр – буларнинг бари ўзаро тақдирдошлар, бир-бирини тўлдирувчи образлар десак, хато бўлмас. Дарвоқе, “Ҳамён” ҳикояси ўқувчига Шарқнинг ўзига хос нозикликларини эслатадики, “Чехов беҳудага Бухороча зардўзи чопон кийиб юрмаган бўлса керак”, деган фикр ўтади кўнгилдан.

Чехов адабиётни ҳафта-ўн кунда даромад келтирадиган томорқага, зотдор соғин сигирга айлантириб олган, аслида эса, ёзганлари бир пулга қиммат, истеъдодсиз кишилар кўпайиб бораётганидан ранжийди. Жан Жак Руссо 1750 йили нашр этилган асарида шундай ёзади: “Агар илм-фан ва санъат ютуқлари ҳақиқий бахтимизни юксалтирмас экан, агар улар ахлоқимиз, покиза дилимизга зиён етказар экан, у ҳолда соддадил ёзувчилар тўдаси ҳақида нималар дейишимиз мумкин?.. Илм-маърифат кўрғонларини андишасизлик билан бузиб, бу муқаддас даргоҳга нолайиқ тарбиясизлар учун йўл очиб берган кўчирмачилар ҳақида-чи? Адабиётда узокқа бора олмайдиганлар бу муқаддас даргоҳ остонасидан қувилсалар ва бошқа бирор фойдали ишга жалб қилинсалар маъқул эмасми?! Шундай қилинса, умр бўйи шунчаки қофиябозлик билан шуғулланиб юрган шоир, мутахассислиги ўртамиёна бўлган одамдан маҳоратли мато тўқувчи чиқиши мумкин эди-ку?!” Рус файласуфи Николай Бердяев (1974–1948) нинг фикрича, одамларнинг кўпчилиги воқеликнинг чин моҳияти билан эмас, балки нарсаларнинг ташқи жиҳати билан яшайди, фақат бир усткурмани кўради, одамларни уларнинг ташқи кўриниши, ташқи белгиларига қараб баҳолайди. Чунончи, рус зиёлиларининг кўпчилиги, гарчи улар ўзларини фикр ва зиё тарқатувчилар деб билишса-да, айни шундай – фикр мудроқлиги, беғамлик, мияга ўрнашиб қолган юзакилик билан муроса қилиш тарзида яшашади. Ёзувчи Шукур Холмирзаев ўтган асрнинг 90-йиллари бошларида “Адабиёт ўладими?” деган саволни ўртага ташлади, кўпчилик: “Ҳа, мафкура адабиёти ўлади, аммо чинакам бадиий адабиёт яшаб қолади”, деб жавоб берди. Орадан йигирма йил ўтгач, рус танқидчиси Александр Титов “Адабиёт кераксиз бўлиб қоладими?” деган савол билан чиқиб, унга ўзи жавоб қайтарди: “Ўзини ўраб турган маданий муҳит номақбул ва номатлуб бўлишига қарамай, чеккага суриб чиқарилган ҳозирги адабиёт ўз ҳолича на жамият, на маданиятнинг бошқа соҳаларига дахлсиз ҳолда яшамокда. Бироқ, оғир хасталигига қарамасдан, адабиёт

нафас олмоқда, уни ўлмоқда дейишга тил бормайди” (“Жаҳон адабиёти”, 2010 йил, 12-сон, 146-бет).

Ўз вақтида Гоголь ва Толстой ҳам бу саволларга жавоб беришган. Чехов ҳеч кимга ҳеч нима демайди, секингина “кетдим” дейди-да, камтарин юки билан йўлга тушади. Тадқиқотчилар Чеховнинг бир ўзи ўта қийин шароитда бажарган бу ишни бирор расмий ташкилотнинг меҳнат жамоаси бир неча ой ичида аранг бажариши мумкинлигини айтишади. Бу – улуғ адибнинг адабиёт ва жамият муносабатларидаги мавҳумликка нисбатан исёни эмасмикан?!

Чехов инсон ғурурини, ички маданиятни ва айниқса, тарбиялилиқни юқори баҳолаган. Тарбия воситасида ҳатто қон сурадиган ярамас иллатларни ҳам тузатса бўлади, деб ҳисоблаган. Ғурурсиз ёзувчиларни жини суймаган. Бир мисол. Виктор Буренин “Новое время” газетасида Ясинскийни истеъдодсизликда айблаб, пўстагини қоқади. Ясинский бўлса, худди ҳеч нима бўлмагандай, газета билан ҳамкорликни давом эттираверади. Бундан Чеховнинг жаҳли чиқади, “Ясинский “Новое время” билан ижодий ҳамкорликни давом эттириб, ўзининг башарасига ўзи туфлади, – деб ёзади у. – Бутун дунёда ҳали ҳеч бир мушук сичқонни Буренин Ясинскийнинг устидан кулганидек мазах қилмаган эди... Унинг ўрнида мен бўлганимда, бурнимни “Новое время” дагина эмас, “Малая итальянская” да (газета жойлашган кўчада) ҳам кўрсатмаган бўлар эдим”. Адибнинг принципиал фикри: “Бизнинг жаноб актёрларимизда ҳамма нарса бор, фақат тарбиялилиқ етишмайди”, бошқа бир фикри: “Бир нималарни тўкиб, дастурхонни ифлос қилмайдиган кишини эмас, бу ишни бошқа бирор қилса, уни кўрмасликка оладиган кишини тарбияли дейиш мумкин”.

Вақт ўтиб боради. Одамлар ўзгаради, бадий тафаккур ҳосилаларига талаб ва уларни идрок этиш мезонлари такомиллашади. Бинобарин, ёзувчи ёки шоирларнинг мероси шу шиддат ва талаб натижасида сараланади. Бу – инкор этиб бўлмайдиган аёвсиз қонуният. Бироқ шундай мерослар борки, улар йиллар, асрлар синовиға дош бериш билан бирга, вақт ўтгани сари фикрий, ижтимоий салмоғи, кадр-қиммати ошиб бораверади, тағмаёнолари очилиб, янги-янги ихлосмандларни ўзига оҳанрабодай тортади. Рус адабиётининг кўплаб намуналари XIX асрдан XX, сўнг XXI асрга бус-бутун ўтди, ўзбек адабиёти ҳам, ҳарқалай, янги мингйилликка куруқ қўл билан келгани йўқ.

Чеховга келсак, унинг мероси яшашда, ўз вазифасини адо этишда давом этмоқда. Ҳикоялари ўқилмоқда. Драматик асарлари дунё театрлари сахналарини “Олчазор”, “Уч опа-сингил” бўлиб безамоқда, шу асарлар туфайли не-не режиссёрлар, актёрларнинг қозони қайнаб турибди. Умрида кўлига китоб ушламаганлар ҳам буқаламунни билишади, дунёда олтинчи рақамли палатаси бўлмаган бирорта касалхонани топиш қийин. Бу палаталар тобора гавжумлашиб бораётир. Чунки Чехов яшамоқда. Унинг қирқ тўрт ёшга яна қирқ тўрт марта кириши эҳтимолдан холи эмас.



*Расул ҲАМЗАТОВ:*

## “БИЗ ҲАҚИҚАТДАН ЮЗ БУРМАСЛИГИМИЗ КЕРАК”

*Рус тилидан  
Асрор МЎМИН  
таржимаси*

*Атоқли авар шоири Расул Ҳамзатов (1923–2003) асарлари ўзбек ўқувчиларига яхши таниш. Расул оғанинг нафақат фалсафий шеърляти, айни чоғда қизгин ижтимоий фаоляти ҳам эътиборга моликдир. Унинг тил, миллат, табиат, анъана ва қадриятлар ҳақидаги публицистик чиқишлари доимо баҳс-мунозара уйғотган. Қуйида 2002 йил август ойида дастлабки сони чиққан “Доғистон” журнали муҳаррири Мурод Аҳмедовнинг адибдан олган интервьюси эътиборингизга ҳавола этилмоқда. Мамлакатимизда маърифат тарғиботи кучайган, китобхонликни ривожлантиришга қаратилган кенг миқёсли ислохотлар давом этаётган бугунги кунда Расул Ҳамзатовнинг вафотидан бир йил аввал адабиёт ва уни ривожлантириш, таржимачилик, танқидчилик каби долзарб масалалар теғрасида билдирган қимматли фикр-мулоҳазалари ўзига хос муҳим аҳамият касб этади.*

– Расул Ҳамзатович, адабиётнинг тарбиявий аҳамияти ва унинг тафаккурни бойитиши ҳақидаги гаплар мамлакатимиз китобхон бўлган даврда жуда ўринли эди. Бугун кўпчилик мактаб ўқувчилари ҳам таниқли ёзувчилардан кўра хонандаларнинг турмуш тарзини яхшироқ билишади. Ҳозирги кунда адабиётнинг вазифаси қандай, ҳар томондан ёпирилаётган “оммавий маданият”га вазминқадам ёзувчиларимиз нималарни қарши кўйишлари мумкин?

– Ҳар доим адабиётга инсоншунослик сифати берилган. Мен ҳам бу баҳога тўлиқ кўшиламан. Лекин ҳозирги кунда адабиёт инсоншунослик билан чегараланмасдан, инсонпарвар ҳам бўлиши лозим. Ҳозир адабиёт инсонлар билан эмас, ўзи алоҳида қадам ташляпти. Кўпчилик ёзувчилар ҳаётдан, унинг мавжуд муаммоларидан ажралиб қолишган. Ахир, ҳақиқий адабиёт ўйлаб топилмайди, ҳаётда рўй бераётган воқеаларни акс эттиради.

Агар кимё ёки физикага оид илмий ишни ўқиётган бўлсак, бизга муаллифнинг келиб чиқиши унчалик муҳим эмас. Муаллифи ҳам илмий ишига юрти ва тилининг ўзига хослигини жо этишига ҳожат йўқ. Аммо адабий асар муаллифи ижод маҳсулига ўз юрти, халки ва тилининг руҳини сингдириши, шу билан бирга фақат ўз ватанига тааллуқли муаммоларни

биринчи навбатда қаламга олиши даркор. Шундагина бу асар халққа яқин ва тушунарли бўлади. Шоир ижобий маънода миллатчи бўлиши керак, агар унинг шеърларида ёнидан оқиб ўтаётган жилғанинг шовуллаши, онасининг алласи ва тилининг жозибаси жарангламаса – барча ёзганлари беҳуда. Есенин жонажон Рязанининг кенгликларини, майсазорларини, оқ қайинларини куйлагани учун бутун Россиянинг, жумлаи жаҳоннинг севимли шоирига айланди. Мен Есенин ижодига кечроқ мурожаат қилдим. Энди эса, ундан ажрала олмайман.

Ёзувчининг жонли сўзи ҳар доим керак. Ўзим ҳам кейинги пайтларда жамиятимизда шеърятни тушунувчилар камайиб бормоқда, деб ўйлай бошлагандим. Шукурки, янглишган эканман. Яқинда бир қанча шеърят кечаларида иштирок этдим, одамларга шеърый ифодалар яқинлигини, шеърларни тушуниб, берилиб тинглаётганини кўрдим. Кўпчилик зиёлилар менинг ва бошқа шоирларнинг шеърларини ёддан ўқишиб, лол қолдиришди. Тушундимки, улар учун ёзишим керак.

**– Бир неча йил илгари ўша вақтдаги цензура адабиётнинг ривожланишига тўсқинлик қилганини айтиш урф эди. Шу ҳақда фикрларингизни билдирсангиз.**

– Мен ҳар доим назорат бўлиши керак деб ҳисоблайман. Албатта, ўша пайтдагидай майиб-мажруҳ шаклда эмас. Лекин соғлом назорат барибир зарур. У бадий шакл ва тимсолларга аралашмаслиги керак.

Эсланг, XIX асрда Россияда адабиёт устидан кучли назорат ўрнатилганди. Лекин бу аср инсониятга қандай адабиёт дурдоналарини инъом этди. Назорат қайсидир маънода ёзувчини ҳаётдаги оғриқли масалаларни топишга ва улар ҳақида ҳаққоний – шубҳа қолдирмайдиган тарзда маҳорат билан бадий асар ёзишга ундайди. Шубҳасиз, назоратнинг назоратдан фарқи бор. Агар назоратчи етарли билимга эга бўлиб, яхшини ёмондан ажрата олса, бунда ҳаммаси ўзингга боғлиқ. Агар асарлар мафкуравий ёки бирон шароитни ҳисобга олиб чоп этилса, бундан ёмони йўқ. Ҳозир бизда назорат йўқ деймиз. Келинг, ўзимизни ўзимиз алдамайлик. Назорат бўлган, бор ва бўлади. Ҳозир ҳеч ким марказий матбуотда шўро даҳоларига бағишланган шеърини эълон қилдирмайди. Ҳолбуки, илгари бу одатий ҳолат эди. Назорат адабиётни чиқиндилар билан тўлдиришга уринадиган ёзиш касалига мубтало бўлганлардан ҳимоя қилади. Бугун шундай вазифани астойдил бажарадиган назоратга эҳтиёж жуда кучли. Кўчада яланғоч юриш мумкин бўлмаганидай, тўғри келган нарсани чоп этиш ҳам ақлдан эмас. Жамиятнинг қонун-қоидалари бўлганидай, адабиётнинг ҳам ўз мезонлари бор.

Менинг назаримда, адабиёт ривожини бевосита назоратга ҳам боғлиқ. Агар ўтган даврда қаттиқ назорат бўлмаганида, унга қарши курашда истъдоди очилган Солженицин бўлмасмиди? Агар адабиёт иссиқхона шароитида ривожланганида, таниқли шоир ва ёзувчиларимиз, эҳтимол, машҳур асарларини ёзмасмиди? Ҳозирги кунда ижод аҳли учун ҳеч қандай назорат, мафкуравий чегара қўйилмаган, нега унда бебаҳо адабий асарлар яратилмади, нега мамлакат миқёсида воқеага айланган роман, қисса, шеър ёзилмади? Ҳатто эски мадҳиямизга қайтишимизга тўғри келди, муаллифидан матндаги сўзларини янгилаб бериш сўралди. Чунки кейинги ўн йилликда мадҳия бўлишга арзийдиган шеър яратилмади.

– Доғистон Россиядаги Ёзувчилар уюшмасини сақлаб қолган республикалардан бири ҳисобланади. Ҳар нарсага шубҳа билан қаровчилар орасида ўзи шундай ташкилот керакми, деган иддаолар юрибди. Уларга қандай жавоб берган бўлардингиз?

– Ҳатто улар шу даражага боришдики, Ёзувчилар уюшмасини амалдорлар ташкилоти деб аташмоқда. Бу билан улар мени ва таниқли ёзувчи ҳамда шоирлар – Магомед Аҳмедов, Шайитхоним Алишева, Жамидин, Марина Аҳмедова, Сугури Увайсовни адабиёт амалдорлари қаторига кўшиб кўйишди. Бундай курук тухматлар билан Доғистон адабиёти учун ҳеч нарса қилмаган, лекин ўзгаларни асоссиз ёмонлаш орқали сохта обрў топмоқчи бўлганлар шуғулланишмоқда. Ҳар бир жамиятнинг ўз ташкилотлари бор. Халқ бирлашиб давлат бўлган, ишчи-хизматчилар касаба уюшмасига бирлашган. Шундай бирлаштирувчи ташкилот ёзувчиларга ҳам керак.



Ёзувчилар уюшмаси бошқачароқ шаклда Америка, Европа, Осиё давлатларида ҳам бор. Ёзувчилар уюшмасига ихтиёрий равишда аъзо бўлинади.

Албатта, мен Ёзувчилар уюшмаси ўтмишимизнинг қора кунларида бажарган вазифасини – ўзгача фикрлайдиган одамларни қоралашни, шеър, китоб ва ҳатто айрим шоирларнинг бутун ижодини ўқишни тақиқлашини қайтадан бажаришини ҳеч қачон истамайман. Афсуски, баъзан Ёзувчилар уюшмасидан тинчлантириш ва бўйсундириш учун фойдаланмоқчи бўлишади. Ҳолбуки, уюшманинг асосий вазифаси тамомила бошқа. Яъни Ёзувчилар уюшмаси – ёзувчилар учрашиб, бир-бири билан фикр алмашадиган, янги асарларини муҳокама қиладиган, келажак режалари ҳақида маслаҳатлашадиган жой. Шундай ташкилотсиз ёзувчилар ўзларининг

ижтимоий масалаларини ечиши қийин кечади. Ҳар нарсага гумонсираб қарайдиганларга келсак, Доғистон Ёзувчилар уюшмаси юқоридагиларнинг хоҳишига кўра сақланиб қолди, деб хато ўйлашади. Уюшма адабиётимизга садоқат билан хизмат қиладиган ёзувчилар хоҳиш-иродаси туфайли фаолиятини давом эттираяпти. Демак, уларга шундай ташкилот керак.

Доғистон адабиётини турли ўйинларга тортмоқчи бўлаётганлар Ёзувчилар уюшмасини нишонга олишяпти. Тўғри, бир вақтлар Ёзувчилар уюшмасисиз ҳам Пушкин ва Лермонтов, Толстой ва Достоевский баракали ижод қилишган. Аммо бугун бошқа давр. Ёзувчилар уюшмаси биринчи навбатда ўз ҳаётларини адабиёт билан боғлаган ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш учун керак. Шунингдек, умрини адабиётимиз ривожига бағишлаган кекса ёзувчиларимизга ҳам ёрдам кўрсатишимиз зарур. Мана шундай долзарб вазифалар билан Ёзувчилар уюшмаси шуғулланмоқда. Бизга шундай ташкилот керакми деб иддао қиладиганларга жавобим шу. Шахсан менга ҳам адабиёт билан шуғулланмайдиган кўплаб вазирлик



ва қўмиталар борлиги ёқмайди, лекин уларга қарши бирон эътироз билдирмайман, чунки уларнинг вазифалари бошқа.

– Кейинги йилларда китоб дўконлари адабий танқид талабларига жавоб бермайдиган “китоб” деб аталган маҳсулотларга тўлиб-тошиб кетди, уларнинг катта қисмини ҳеч ким сотиб олмайди. Бу китоб маҳсулотлари муаллифнинг шахсий ҳисобидан ёки нимага пул берганидан бехабар ҳомийлар ҳисобидан чоп этилган. Бундай адабий касаллик нега пайдо бўлди ва уни даволаш мумкинми?

– Адабий касаллик – табиий ҳолат. Чунки адабиёт – тирик организм. Аммо Доғистонимизда ёзиш касалига чалиниш юқумли тус олди. Бугун ҳамма, тўғрироғи, эринмаган одам борки, ёзаяпти, улар бу ишни ҳаддидан ошириб бажаришяпти. Натижада адабиётимизда майиб-мажруҳ ёзма нарсалар пайдо бўлаяпти. Илгари бундай ҳолатни тасаввур қила олмасдик. Шеъргина эмас, дoston ёзиш ҳам осон жанрга айланди. Уларнинг кўпчилиги амалдор ёки банк бошлиқларига бағишланади. Афсуски, кўплаб ёш шоирлар шу йўлдан боришмоқда. Қофияланган сўзлардаги лаганбардорлик оддий ҳолга айланиб қолди. Кейинги йилларда пайдо бўлган мана шундай нарсаларни жамлаган палапартиш ёзма маҳсулотлар китобхонлар дидига ҳам таъсир қилмоқда.

Ҳақиқий адабиёт ҳар қандай вазиятда бундай муваққат ёзма нарсалардан устун туради. Юртимизда ажойиб ёзувчи ва шоирлар авлоди етишиб чикди: Бадави Рамазонов, Нуриддин Юсупов, Алиризо Саидов, Мусо Магомедов, Сулаймон Рабаданов, Умарҳожӣ Шахтаманов. Яхши сўз ҳамиша қадрланади. Шоирлари вафот этишганига қарамай шеърлари ўқилмоқда, уларга куй басталанаяпти.

– Шу ўринда сўрамоқчи эдим: бугунги ва эртанги Доғистон миллий адабиёти тўғрисида қандай фикрдасиз?

– Доғистон адабиёти мустақил равишда ривожланган бўлса ҳам, унга рус адабиёти сезиларли таъсир этди ва бунинг аҳамиятига менсимасдан қараш мумкин эмас. Хабарингиз бор, ўтган асрнинг 90-йилларида адабиётшунослар араб тилидаги Доғистон адабиёти ва Туркияда яшовчи доғистонликлар адабиёти таъсирини ҳаддан зиёд улуғлашга ҳаракат қилишди. Аммо шароитга мос фикр билдираман деб, ҳақиқатга зид бориб бўлмайди. Тўғри, бу адабиётларда ҳам кизикарлилири бор, лекин Доғистон адабиёти ривожига рус адабиёти улкан таъсир кўрсатганини исботлашнинг ҳожати йўқ.

Энди келажаги ҳақида гапирадиган бўлсам, бу адабиёт уфқида янги ёзувчилар пайдо бўлишига боғлиқ. Истеъдод ҳар доим кутилмаганда туғилади. Ҳеч ким олдиндан Батирай, Маҳмуд, Ҳамзат Цадаса дунёга келишини айтиб беролмас эди. Ёзувчилар уюшмаси шеър ёзишни ўргатмайди ва ҳеч кимни шоир қилиб тарбияламайди, фақат истеъдодларга ёрдам беради. Ҳақиқий шоир ташқи шароит қандай бўлишидан қатъи назар, ўз виждони ва истеъдоди амри билан яшайди.

Бугун Доғистон адабиётида янги асарлар ёзилаётгани мени хурсанд қилаяпти. Илгари адабиётимизда ёзма нарсалар чоп этилаётганди, энди эса асарлар яратилаяпти. Чунончи, лезгин шоири Арбен Кардаш ажойиб дoston ёзди, кўмиқ шоири Бадриддин Магомедовнинг дostonи ҳам адабиётшунослар томонидан юқори баҳоланди, авар шоири Магомед Гамзаев ёрқин тимсолларга бой шеърларини чоп эттирди, Доғистон халқ

ёзувчиси Магомед Расулнинг янги қиссаси ҳам катта қизиқиш уйғотди.

Афсуски, ёзувчилар кўп вақтини ўз ижтимоий масалаларини ҳал этишга сарфляпти. Ижод маҳсуллари моддий жиҳатдан етарлича қадрланмагани учун улар радио ёки тахририятда ишлашга мажбур бўлишяпти. Бундан адабиёт фойда кўради, деб бўлмайди. Илгари тилнинг ҳаракатлантирувчи кучи ёзувчилар эди. Энди бу вазифани журналистлар бажаряпти. Бундай бўлиши тўғри эмас.

**– Ҳозирги кунимизни оғир ва мураккаб давр дейиш одат тусига кирган, лекин, тарихнинг гувоҳлик беришича, ҳеч қачон осон давр бўлмаган. Шу боис сиздан сўрамоқчи эдим: кейинчалик тақдиримиздан, қилмишимиздан нолиб юрмаслигимиз учун бугун ҳаётимизда, адабиётимизда қайси нарсалардан бутунлай воз кечишимиз керак?**

– Аввало, биз ҳақиқатдан юз бурмаслигимиз керак. Чунки ўзимизни ва бошқаларни алдамоқчи бўлганимиз учун бошимиздан кўплаб кулфатларни кечирганмиз. Бизда ҳанузгача катта гапириш, мақтанчоқлик, бирон иш ва кишига ёлғондакам юқори баҳо бериш учрайди. Ҳаётимизга, адабиётимизга учарлар, сохтапурушлар, амалпарастлар ёпирилиб киришди. Бундай ҳол юз беришидан ўз вақтида Эффенди Капиев жуда ташвишланар эди. Адабиётга самимий, нафис ва қудратли овозлар керак.

Ҳозирги кунда ҳамма жойда, шу жумладан, адабиётда ҳам битта ақидага риоя қилинади: баликсиз сувда қисқичбақа ҳам балиқ ўрнига ўтаверади. Бундай ёндашув бизни қаноатлантирмаслиги керак. Талаб мезонларини юқори кўтаришимиз лозим. Бугун талабни ҳаддан зиёд пасайтириб, бўшаштириб юбордик. Чунки бу ҳолатда адабиётни қандай баҳолай оламиз? Катта мезон билан қарасак – кичик адабиёт, ўртача мезон билан қарасак – ўртача адабиёт, кичик мезон билан қарасак – катта адабиёт. Бугун бир неча қофиядош мисра ёзган ўзини шоир санайди, кейин юпқагина тахлам чоп эттиради ва тан олишимизни сўрайди. Таъбир жоиз бўлса, адабиётимиз ихтиёрида қитъалараро учадиган ракетаалар йўқ, фақат ўрта ва яқин масофаларга етадиган ракетаалар қолди. Кўплаб шоир ва ёзувчилар баландликни забт этиш ҳақида ўйлашади, лекин асарларининг теранлигига эътибор қаратишмайди. Бу билан ўзимиз адабиётимизни обрўсизлантираяпмиз. Айрим олифталар шўро тузуми давридаги адабиётни ўчириб ташлашни исташади. Ҳолбуки, бу даврда улкан адабиёт юзага келди. Агар биз ўқувчиларимизга Бунин ва Набоковни қайтариб берган бўлсак, бу адабиётимиздан Симонов ва Шолоховни чиқариб ташлаш керак дегани эмас.

**– Миллий адабиётимизнинг ривожланиши уларнинг бадиий таржимаси муаммоларига бевосита боғлиқ. Бу йўналиш келажакда қайси йўлдан юриши керак деб ўйлайсиз?**

– Биз биринчи навбатда ўтган йилларда шаклланган таржима мактабимиз анъаналарини давом эттиришимиз керак. Биласиз, кўплаб маҳоратли таржимонлар Доғистон шоирларининг шеърларини рус тилига ўгиришиб, кенг ўқувчилар оммасига таништиришган эди. Доғистоннинг ёзувчи ва шоирлари ҳам бир-бирларининг асарларини ўз она тилига таржима қилишарди. Ўзим ҳам жаҳон адабиёти намуналарини авар тилига ўгирганман. Пушкин ва Лермонтовнинг бетакрор шеърлари, Есениннинг “Анна Снегина” достони шулар жумласидандир. Таржима – жуда ажойиб жанр. Афсуски, Яков Козловский, Наум Гребнев каби фидойи таржимонлар

бизни тарк этишди. Бугунги кунда санокли ижодкорларгина таржима билан шуғулланишмоқда. Адабиётга кириб келаётган ёшлар таржима мактабимиз анъаналарини ўрганишлари керак. Ахир, таржима ижоднинг алоҳида тури бўлиб, таржимоннинг ҳам, муаллифнинг ҳам янги истеъдоди кирраларини кашф қилади. Чунки битта шеър турли тилларда турлича оҳанг таратади, улар бир-бирини тўлдиради ва бойитади.


– **Бугунги Доғистон адабий танқиди ҳақида қандай фикрдасиз?**

– Илгари адабиётимиз юқорироқ турган вақтида адабий танқидчилар кўпчилик эди. Ҳатто муваффақиятли ёзилган асарлардан ҳам малакали танқидчиларимиз айрим камчиликларни топишарди. Бугунги кунда адабиётни сохтакорлик эгаллаган вақтда танқидчилар ҳам камайиб кетди. Гўё сохтакорлик адабиёт устидан ғалаба қозонгандай таассурот қолдиради. Албатта, бизда ҳозир ҳам етарли адабиётшунос ва танқидчиларимиз бор. Улар ўзларининг ижодий ишларини тақдим этиб туришибди. Лекин таҳлилий ва танқидий адабий мақолалар етарли даражада эмас. Наҳотки доғистонлик ёзувчилар шу даражада истеъдодли бўлиб кетишганки, уларнинг қалин жилдли китобларида бирор камчилик бўлмаса? Ёзувчиларнинг адабий танқидсиз яшаши осон, лекин адабиётга бу нарса оғир таъсир қилади. Шубҳасиз, танқид аччиқ дори-дармонга ўхшайди. Баъзан дори қанча аччиқ бўлса, шунча яхши таъсир қилади. Буни унутмаслигимиз керак.

– **Сиз Доғистон халқ шоирисиз. Бу унвон сиз учун қандай аҳамиятга эга? Умуман, унвон-мукофотларга муносабатингиз қандай?**

– Бу юксак унвон мен учун жуда азиз. Унвон берилганида шунга муносибманми, деб хижолат бўлганман, лекин бу менга олдиндан билдирилган ишонч эканлигини, бу юксак ишончни бир умр оқлашим ва унга лойиқ бўлишим кераклигини ҳис қилганман. Аммо кейинги вақтдаги айрим салбий ҳолатлар унвон ва мукофотларга муносабатимни ўзгартирди. Чунки ҳозирги кунда ёзувчиларнинг мақсади асар ёзиш эмас, унвон олиш бўлиб қолди. Аҳвол шу даражага етдики, ёзувчилар ўзларини унвонга тавсия этадиган, бошқаларнинг бу мукофотга нолайиқлигини, ўзи эса адабиётда шундай баландликка эришганини таъкидлайдиган бўлишди. Республикамизда 18 нафар халқ шоири ва ёзувчиси бор. Бу қолган шоир ёки ёзувчилар халққа алоқаси йўқ дегани эмас-ку. Адабиётни спортга айлантириб бўлмайди. Ёзувчилар унвон ва мукофотга интилган сари адабиётдан узоқлашиб бормоқда. Рус ёзувчиси Михаил Пришвин ҳеч қандай унвон ва мукофотсиз вафот этди, лекин унинг адабиётга қўшган ҳиссаси заррача камайиб қолгани йўқ. Подшонинг фармони билан Пушкинга Россия халқ шоири унвони берилишини ҳатто тасаввур ҳам қила олмаймиз. Лекин Пушкин халқ шоири эди ва шундай бўлиб қолади.





*Андрей ТАРКОВСКИЙ:*

### “СОҒЛОМ ТАФАККУРГА ИШОНАМИЗ”

*Рус тилидан  
Шоҳрух АБДУРАСУЛОВ  
таржимаси*

Атоқли рус кинорежиссёри Андрей Тарковский ижоди ХХ аср жаҳон кинематографияси тарихида муҳим ўрин тутди. Унинг фалсафий мушоҳадага бой, инсон руҳияти нозик бўёқлар ила тасвирланган “Қотиллар” (1956), “Ивановнинг болалиғи” (1962), “Мен йигирма ёшдаман” (1965), “Андрей Рублёв” (1966), “Сергей Лазо” (1967), “Миндан бир имконият” (1968), “Солярис” (1972), “Кўзгу” (1974), “Сталкер” (1979), “Эҳтиёт бўлинг, илонлар” (1979) каби фильмлари мухлис мутахассислар орасида қизгин мунозаралар кўзгаган.

Андрей Тарковский 1932 йил Россиянинг Иванов вилоятига қарашли Завражье қишлоғида таваллуд топган. Тақдир Тарковскийни доимо буюк инсонларга йўлиқтирди: у мактабда бўлажак шоир Андрей Вознесенский билан бирга ўқиди, кинога бўлган чексиз муҳаббати боис Москва Олий кинематография институтига ҳужжат топшириб, талаба бўлди, машҳур театр ва кино режиссёри Михаил Ромм курсида сабоқ олди. Андрейнинг илк бор курс иши сифатида суратга олган “Қотиллар” (Э.Хемингуэй ҳикояси асосида) қисқа метражли фильми устози томонидан юқори баҳоланади.

Тарковский фильмларида инсон ва жамият ўртасидаги муносабатлар таҳлили устуворлик қилади, бунинг учун у “муаллифлик кинеси”ни танлади ва шуурида кечаётган ўй-хаёллар, турфа ҳиссиётларни умумлаштириб, кинотасмаларга кўчирди. Унинг бадиий дунёқараши, режиссёрлик кредосининг шаклланишига Луис Бунюэль, Ингмар Бергман, Федерико Феллини, Акира Курогава каби таниқли кинорежиссёрлар ижоди жиддий таъсир кўрсатди. Андрей аста-секин ўз ижодий феноменини намойиш этиб, юқорида саналган қатор картиналарни яратади, аммо унинг фильмлари аксарият ҳолларда таъқиб ёки тазйиққа, ҳеч бўлмаганда танқидга учради. Айниқса, 1974 йили суратга олинган фалсафий-поэтик мазмундаги “Кўзгу” фильми анъанавий сюжет шаклларида бутунлай холи бўлиб, айрим эпизодлари тоталитар тузумга қарши исён билан суғорилган эди. Фильм собиқ Совет Иттифоқи кинематография идораси ва Кино уюшмасининг қўшма мажлисида обдан муҳокама қилиниб, “тушунарсиз, оммабоп бўлмаган ва мутлақо муваффақиятсиз киноасар” деб топилди. Шунга қарамай фильм чекланган доирада сотувга чиқарилади ва режиссёрнинг жамиятга нисбатан норозилигини яширин тарзда ифодалади.

Андрей Тарковский кинодраматург сифатида бир неча фильмларининг сценарийсини ўзи ёзди. Шулар қаторида машҳур ўзбек кинорежиссёри Шухрат

Аббосовнинг “Тошкент – нон шаҳри”(1968) фильми сценарийсига ҳаммуаллиф бўлди (Андрей Кончаловский ва Александр Неверов билан бирга).

Тарковский 1986 йил Парижда вафот этади ва шаҳардаги рус қабристонига дафн этилади. Режиссёр доимо жаҳон адабиётининг мумтоз намуналарини экранлаштиришни орзу қиларди, хусусан, У.Шекспирнинг “Ҳамлет”, Н.Гончаровнинг “Обломов”, Л.Толстойнинг “Иван Ильичнинг ўлими”, Ф.Достоевскийнинг “Телба”, М.Горькийнинг “Клим Самгин ҳаёти”, Ҳерманн Хессенинг “Чўл бўриси”, Рудольф Штейнернинг “Бешинчи Инжил”, Томас Маннинг “Сирли тоғ”, “Иосиф ва унинг акалари”, “Доктор Фауст” асарларини фильм қилиш истагида бўлган. Афсуски, бу лойиҳаларни амалга оширишга ижодкорнинг умри етмади.

Шу йилнинг апрель ойида буюк кинорежиссёр таваллудига 85 йил тўлди. Қуйида эътиборингизга унинг Москва давлат техника университети талабалари билан бўлган суҳбати ҳавола этилмоқда.

– Андрей Арсеньевич, сизнинг “Сталкер”<sup>1</sup> фильмингиз ака-ука Стругацкийларнинг машхур “Қирғоқдаги сайр” қиссаси мотивлари асосида суратга олинган. Экрانشтириш учун айнан шу асарни танлаганингизнинг боиси нима?

– Менга қиссанинг сўнгги боби фильмбоп кўринди, бу кино яратишнинг ажойиб, таъбир жоиз бўлса, классик имконияти эди, қолаверса, воқеалар ягона макон, ҳаракат ва вақтни талаб қиларди.

– **Фильм сюжети қисса сюжетидан қай жиҳатлари билан фарқланди? Адабий асарни бор жозибаси, таровати билан экранга кўчириб бўлмаслиги ростми?**

– Назаримда саволингизни қуйидагича тушунсам бўлади: қисса фильмга айланмай туриб, ўз ҳолича экранлаштиришга қанчалик мақбул эди? Мен ишонч билан айтаманки, асар кино бўлмаса ҳам етарли қуввату бадииятга эга эди ва шундай бўлиб қолади ҳам.

Юқорида айтилганидек, фильм қисса мотивларига таяниб суратга олинди. Ўйлашимча, ҳар қандай фильмнинг моҳияти шундаки, у бирор адабий асарнинг қайтариғи ёки иллюстрацияси эмас, балки шунинг негизида яратилган мутлақо янги асардир. Кино – мустақил санъат, бинобарин, китобда баён этилган воқеа-ҳодисаларни экранда ҳам худди аслидагидек такрорлашнинг ҳожати йўқ, фикрловчи инсон учун бу кизиқ эмас. “Сталкер” фильмини тасвирга олишдан аввал жамоамиз ўз олдига янги бадиий асар кашф этишни мақсад қилиб қўйди, табиийки, бунинг учун янги ижодий жараён юз бермоғи лозим эди.

– **Фильм қаҳрамони Стругацкий асарининг қаҳрамонига деярли ўхшамайди...**

– Тўғри пайқабсиз. Аслида ўзимиз ҳам шундай бўлиши учун ҳаракат қилдик.

– **Очиғини айтаман, хафа бўлмайсиз. “Солярис” фильмингизни кўришга тоқатим етмай, кинотеатрдан чиқиб кетдим. Нима демокчисиз, ўзи, хайронман! “Сталкер”ни ҳазм қилиш бундан ҳам қийин...**

– Мутлақо ҳақсиз! Лекин, нокамтарлик бўлса-да, огоҳлантириб қўяй, кимки шу фильмларни ханузгача кўрмаган бўлса, кўп нарса ютқазибди. Афсуски, жуда кам тоифа мухлислар экранда ифодаланаётган турфа

<sup>1</sup> Сталкер – кўпчиликка маълум бўлмаган, сирли, қаровсиз жойларни ўрганувчи, тадқиқ этувчи инсон. Сталкерлар одатда бир неча кишиларни ортидан эргаштириб, нотаниш худудларга олиб боради.

деталларнинг мағзини чақиб, ўй-хаёлини азоблайди ёки тасаввурини ишга солади... Кундалик ҳаётда муаммолар қалашиб ётганида, ортиқча бошоғрикнинг кимга кераги бор? Шундай бўлгач, “Солярис”га ўхшаш ребуснамо фильмлар кимнингдир тавсиясига кўра, ўшандаям мудроқ босиб, “бармоқлар ораси”да кўрилади. Бироқ рамз-мажоз бу – мавҳумот дегани эмас, демак, фильм муаллифи томошабинни қизиқтираётган саволларга жавоб бериши зарур. Бу бизнинг томошабин олдидаги профессионал мажбуриятимиз.

– **Унда марҳамат қилиб айтинг-чи, фильмдаги кучук ниманинг рамзи?**

– *(Кулади)*. Агар кадрда кучук кўринган бўлса, у албатта ниманингдир тимсоли бўлиши шартми? Ё бу аудиторияда бирор нарсани ўз ҳолича қабул қилолмайдиган мухлислар ўтирибдими? Мен тушунмаяпман, бу “мураккаб образ”дан ким шунчалик таъсирланди? *(Кулади)*. Табиатан қувноқлигим, ҳазилкашлигим бор, лекин ҳозир ростини айтаман, “Сталкер”даги кучук, бу – бор-йўғи оддий кучук. Тамом-вассалом!

– **Ҳар сафар янги фильмнингиз экранга чиққач, унинг теграсида баҳс-мунозара авж олади, анчагина одам савол оғушида қолади. Баъзан “Режиссёр томошабиндан баланд туриши керак” қабалидаги фикрларни эшитиб қоламиз, балки картиналарингиз мураккаблигининг сири шундандир?**

– Саволингизга бир мисол билан жавоб бераман. Тасаввур қилинг, мен бир қурилишга бориб, ғишт тераётган устанинг атрофида айланиб, қандай ишлаётганини оз-моз кузатаман, сўнг “ақл ўргатиш”га ўтаман: “Биласизми дўстим, сиз умуман нотўғри ишляпсиз. Қоришмани мана бу ерга қуйинг, ғиштни эса анави ёқдан тахлайсиз, ҳа, айтгандек, иш вақти бошқачароқ кийиниб олсангиз дуруст бўларди”. Нима деб ўйлайсиз, у қандай жавоб қайтаради? *(Залда қулги)*. Тўппа-тўғри. Унинг жавоби сиз ўйлагандек бўлади ва у тамомила ҳақ. Асли кўлидаги ғишт билан бошимга туширмаганига раҳмат айтсам арзийди. *(Залда яна қулги)*. Қурувчи ўз иши ва меҳнатини ҳурмат қилади, худди шу каби мен ҳам ўз касбимни “бегона”ларга “хафа қилдириб” қўймайман.

Фильмларим ҳар қанча рамзларга бой бўлмасин, мен доимо режиссёр сифатида фикрларимни аниқ-тиниқ ифодалашга ҳаракат қилганман, уларни яширмайман ёки қандайдир даражада “шифрлаб” қўймайман. “Тарковский жаноблари кинони тушунмай, хуноб бўлаётганларни кўрса, ўзини “етгинчи осмонда юргандек” сезади”, деб ўйласангиз, қаттиқ адашасиз. Камина кинотеатрда ўтириб, томошабинларнинг “Кўзгу” ёки “Сталкер”дан қай тахлит чиқиб кетаётганини кузатаман, албатта, бу ҳолатни кўриш ёқимсиз, лекин хавотирга тушмайман. Ишонаман, вақти келиб бу фильмлар ўз аудиториясига эга бўлади ва ўшанда зални ҳеч ким тарк этмайди.

– **Фильмларингиз барчага бирдек тушунарли бўлишини хоҳлайсизми?**

– Назаримда ҳар бир режиссёр фильм бошлашидан аввал ўз ижод маҳсули наинки тушунарли бўлиши, балки кимнингдир ҳаёт фаолиятида асқотиши, бир умр томошабин шуурига муҳрланишини истайди. Бироқ санъат асарини ҳамма бирдек фахмлаб, бирдек қабул қилиши мутлақо имконсиз ҳодиса ва шундай бўлганида, чинакам санъатнинг кадри писта

бахосидан баланд бўлмасди... Айтайлик, барча китобхонлар Толстой ёки Достоевский асарларидан бир хил таассурот олди, қарашлари, ҳаяжону завқи бир-бирига ўхшаш, ҳеч кимнинг тасаввурида ўз Аннаси ёки княз Мишкини йўқ! Унда бу адибларни бирор кимса бошига кўтармаган, ёстикдек-ёстикдек китобларини ютоқиб ўқимаган бўларди.

Баъзан мендан кинони тушуниш инсоннинг маълумотига боғлиқми деб сўрашади. Шунда мен айтаманки, кино инсоннинг зиёлилиги ёки ўқимишлилик даражасига эмас, унинг қалбига таъсир этади, ботини кучли шахсни тарбиялайди. Ҳис-ҳаяжонга бой, тўлқиндек чайқалувчи, безовта қалб эса тўртинчи синфни аранг тугатган оддий одамда ҳам бўлиши мумкин, аксинча манамен деган дорилфунунларни тамомлаган олий маълумотли инсон руҳан қашшоқ бўлиши ҳеч гап эмас.

Бир сафар “Кўзгу” фильмимни “таъби нозик” зиёлилар йиғилган, жиддий бир даврада муҳокама қилдик. Аллақачон қош қорайган бўлса-да, баҳс-мунозараларнинг охири кўринмайди, ҳар ким ўз “мен”ини исботлашга муккасидан кетган, “эгардан тушиш” йўқ. Шунда хоналарни то-залаб юрган фаррош аёл бизнинг ўтиришимизни кўриб, жаҳли чикди: “Баҳсни тўхтатинглар! – деди у зарда билан. – Кеч бўлди, уй-уйингизга тарқалинг, ҳали сиз ўтирган жойни ҳам йиғиштиришим керак. Нега бунча талашиб-тортишасизлар? Фильмда ҳаммаси аён, ҳаммаси тушунарли бўлса? Оббў, эринмаган бандалар-эй...” Биз “сўқирлар” кулгидан базўр тийилиб, фаррошни саволга тутдик: “Хўп, яхши, ҳаммаси тушунарли бўлса, бизга ҳам ёрдам берсангиз, фильм нима ҳақида, ўзи?” У бамайлихотир жавоб қайтарди: “Бир инсон ҳаётидаги қабихликларни ёдга олади, кимгаки озор берган бўлса, ҳаммасини эслаб, виждони қийналади, азоб чекади, ўлимидан аввал тушунадик, анча-мунча одамдан кечирим сўраши лозим... Афсуски, ҳаёт шами липиллаб турибди, қазоси яқин, у нима қиларини билмай, руҳий исканжада қолган. Шу холос!..” Мен ҳозир унинг фикрини ўз сўзларим билан ифодалаяпман, аслида у ўта самимий, ажойиб оҳангда гапирган эди! Кейинчалик бу фильм ҳақида киношуносларнинг ўзимизда ва хорижда чикқан кўплаб тақризларини ўқидим, лекин беиштибоҳ айтаман, фильм ғоясини ўша фаррошчалик содда ва аниқ таърифлаб берувчи бирор “донишманд”ни учратмадим ва яқин-ора учратишим ҳам даргумон...

Буларни эслашдан мурад шуки, фақат тақдир синовлари, машаққатларида тобланган инсонгина “мураккаб санъат”ни тушунишга қодир. Санъатдан таъсирланиш, роҳатланиш нафақат инсоннинг ҳаётий билиму тажрибаси, балки руҳий тайёргарлиги, дарду изтиробининг миқёсига ҳам боғлиқ, юраги бедор кимса бадиият завқини бошқалардан кўра чуқурроқ ҳис этади.

Буюк Гёте айтмоқчи, яхши китоб ўқиш худди уни ёзишдек мураккаб вазифа. Табиийки, “бўм-бўш” юрак билан мутолаа ҳузурини туйиб бўлмайди, кинода ҳам шундай. Мен санъат асари яратиш ва ундан таъсирланиш жараёнини чинакам мўъжиза деб биламан, иккала ҳодисани бир-биридан ажратмайман.

Адабиёт, лирика ва мусика жуда юксак санъатлар, улар инсонни руҳан парвозга чорлайди. Моцарт, Бах, Гендель... буларнинг ижоди, шахсиятини билмаймиз, тушунмаймиз ҳам. Ёки Толстой, Достоевский, Чеховларнинг даҳолигига иқрор бўлсак-да, буюклик сирини идрок этолмаймиз,

тафаккуримиз ожизлиги эса ўзимизнинг айбимиз. Бироқ мен кинодан чиқаётиб, “Ҳа... ниманидир тушунмадим, демак, ўзим айбдорман”, – дея “акли қосир”лигидан ёзғириб, таъна қилаётган бирор томошабинни кўрмадим. Йўқ, бундай бўлмайди ҳам! Кинонинг шарти бошқача: кадрда недир муҳамлик, изоҳталаб вазият бўлса, билингки, айб – киноижодкорларнинг ўзида.

Кўпчилик кинога кўнгил ёзиш, кундалик муаммоларини унутиш учун келади, бироқ баъзан томошабин икки соату қирқ минут давомида кино кўрса-да, бирор қизиқарли ё кўнгилочар лавҳага гувоҳ бўлмайди, оқибатда асаби бузилиб, дилтанг бўлиб уйига қайтади. Ҳа, кино шундай “кутилмаган” санъат.

**– Сиз кинотеатрда қандай томошабинларни кўришни хоҳлайсиз? Умуман, “идеал томошабин” деган тушунча борми, ўзи?**

– Бу жуда оддий, айтиш чоғда чуқур мулоҳазали савол ва у менга берилаётганидан хурсандман. Мен томошабинларни кинога фақат дам олиш ёки ўйин-кулги қилиш учун эмас, балки унинг санъат сифатидаги асл моҳияти, вазифасини англаган ҳолда келишларини истайман. Сўнг бирор фильмни муҳокама қилиб, зарур бўлса, ҳукм чиқариши ёинки санъат ҳақидаги қарашларидан келиб чиқиб, режиссёрни кўллаб-қувватлаши ёки инкор этишларини хоҳлайман, мана бу – ҳақиқий томошабинга хос сифатлар. Шунингдек, мен одамлар буюк асарлар асосида ишланган фильмларни кўриб, китоблардан йироқлашиб бораётганига афсусланиши ва яна чексиз ҳаяжону тараддуд ила мутолаага қайтишларини орзу қиламан.



Кино – буюк санъат, қолаверса, йирик саноат ҳам. Биргина Ҳиндистонда йилига 500 дан ортиқ фильм ишлаб чиқарилади, бутун дунёда бу кўрсаткич қанчани ташкил қиларкан? Афсуски, росмана санъатга дахлдор фильмларни санайман десангиз, бармоқлар ҳам кўплик қилади.

Кино ишлаб чиқаришнинг шундай турики, унда сарфланган ҳар қандай харажатни қоплаш ва мўмайгина даромад орттириш мумкин, энг муҳими бу тижоратга бош қўшганларнинг бирортаси фойдасиз қолмайди. Назаримда, кинематографиянинг қисман фожиаси ҳам шунда. Бу санъатнинг ягона турики, унда аввало ижодий режа-ю мезонлар аниқ ҳисоб-китоблар асносида келишиб олинади, сўнг лойиҳа амалга оширилади. Ўтган вақт мобайнида бу тамойил заррача ўзгармади.

Мен кинонинг санъат сифатида туғилиб, то саноатга айланиш жараёнини ўзимча шундай тадрижда тасаввур қиламан: кино дастлаб катта-кичик ярмаркаларда, мўъжазгина қути мисол дунёга келди, ўтган-кетган харидорлар шу қутичага чойчақа ташлаб, “жонли манзара”ларни томоша



қиларди. Сўнг ўша манзаралар ўзгарди, “кути”лар ҳам кенгайди – улар эндиликда минглаб инсонларни бағрига сиғдира олади (*кинотеатрлар назарда тутилмоқда – тарж.*), пировардида, кино катта даромад келтирувчи улкан корхонага айланди...

Яна саволингизга қайтсам: ҳақиқий томошабин кино – инсоннинг ўзини англашига ёрдам берувчи, ҳиссиётларини уйғотувчи, шунингдек, Арасту ёзганидек, руҳан тозариш – катарсисга олиб келувчи санъат эканини тушунмоғи даркор. Айнан катарсис орқали инсон қалбида эзгулик, гўзаллик куртак ёзади ва у ботинимизда неки яхши фазилат бўлса, барчасини кашф этади. Санъатнинг асл вазифаси ҳам шу.

– **Хусусий киностудиялар ҳақидаги мулоҳазаларингизни билмоқчи эдим. Яқинда режиссёрлардан бири ўзининг ранг-баранг сюжети саргузаштларга бой фильми ҳақида гапира туриб, афсуски, киноасарнинг томошабинга берувчи маънавий қиммати ниҳоятда оз эканини яширмади.**

– Биз кинода ишлайдиган барча ижодкорлар – оддий чироқчидан тортиб фильм директориғача суратга олаётган картинамиз санъат асарига айланишини хоҳлаймиз. Лекин дурдона асар яратишни аввалдан режалаштириб бўлмайди. Мен юқорида айтдим, кино – йирик саноат. Шубҳасиз, киночилар хусусий корхона сифатида фильмлари моддий тушум келтириши ва бир вақтнинг ўзида абадиятга дахлдор санъат намунаси бўлишини истайди. Аммо бундай ҳолат камдан-кам кузатилади.

– **Ўз ижодингизга ўзганинг нигоҳи билан қарай оласизми?**

– Биз режиссёрлар турли фильмлар яратамиз, лекин уларга ўзимиз объектив баҳо беролмаймиз. Мана ҳозир сиз мендан ижодимга “бегона” нигоҳ билан қарашимни сўраяпсиз. Бу шундай мураккаб жараёнки, худди бир инсоннинг аъзосини бошқа бировга жарроҳлик йўли билан кўчириб ўтказишга ўхшайди. Шу боис сиздан сўраган бўлардим, фильмларимга фақат шахсий кўзқарашингиз билан ёндашинг.

– **Сир бўлмаса, неча ёшдасиз?**

– Мана бу ростданам кутилмаган савол бўлди. Бу шунчалик муҳимми?.. 47 ёшдаман.

– **“Андрей Рублёв” фильмингиз ҳам мухлислар орасида мавҳум кайфият уйғотди. Агар умумлаштирсак, картинанинг асосий мавзуси нима?**

– “Андрей Рублёв” устида жуда кўп ишладим, фильмнинг тақдири мураккаб кечди... Картинадан кўзланган бош мақсадни бир неча омиллар билан изоҳлаш мумкин. Биринчидан, бу рассом ва халқ ўртасидаги муносабатда намоён бўлади. Иккинчидан, бу фильм давр, тарихий шароит ва рассом муштарақлигини ифодалайди. Учинчидан эса, инсон ҳаётида шахсият ва тажрибанинг нечоғлик алоқадорлигини тавсифлаб беради. Шу маънода, бу ёруғ оламда ҳар бир инсон муайян тажрибалари, махсус хулосаларига таяниб яшайди, рассомларда эса айни ҳолат бошқачароқ кечади: уларда тажриба теварак дунё, атроф-жавонибни синчковлик билан кузатиш ёки кимнингдир таъсири орқали шаклланади. Мўйқалам соҳиблари бир умр юксак ғоялар, идеалларига садоқат билан яшаши, шу йўлда тинимсиз изланиши, керак бўлса, бирор ҳодисани қайта-қайта кашф қилишдан чекинмаслиги зарур, эртамикечми, вақти келиб унинг ҳаётий тутумлари, қарашлари устози тажри-



баларига мувофиқ келса (худди фильмдаги Андрей Рублёв ва Сергей Радонежский каби), нур устига нур бўлади. Мана сизга фильмнинг қисқача учта асосий мавзуси.

– Афтидан, сиз илмий-техникавий инқилоб (ИТИ) масалаларига ҳам қизиқар экансиз. Қолаверса, илмий-фантастик йўналишда ҳам сермахсул ижод қилаётган кам сонли режиссёрлардан бирисиз.

– Адашяпсиз! Биринчидан, бу жанрда фильм ишлаётган режиссёрлар кўп. Қолаверса, “Солярис”га нисбат бериб, мени ҳам илмий-фантастик кинога алоқадор деб ҳисоблаяпсиз. Агар “Сталкер”ни диққат билан кўрганингизда, бундай хулосага келмаган бўлардингиз ва умид қиламанки, сизда фильмларимнинг илмий-фантастик кино экани ҳақида тасаввур уйғонмасди. “Солярис” ҳақида гапирадиган бўлсак, бу фильмнинг асосий камчилиги шундаки, унда жанрнинг ҳар қандай доирасидан четга чиқилган, шу боис картинанинг қай йўналишга мансублиги ҳақида узил-кесил хулоса чиқариш қийин.

Илмий-техникавий инқилобга келсак, айтишим мумкинки, мазкур тушунча мавжуд экан, у билан ҳисоблашишга мажбурмиз. Бир қарашда ҳаммаси жойида, ҳаммаси рисоладагидек давом этяпти. Аммо!.. Фикримча, техник таракқиёт инсониятнинг руҳий олами билан уйғунликда ривожланиши лозим. Афсуски, одам боласининг маънавий, ахлоқий камолоти ҳамиша ҳам фан-техника ютуқларига мувофиқ келавермайди. Мисол ахтариб узокқа бориш шарт эмас: инсон ўз қўли билан буюк восита – атом энергиясини яратди ва дарҳол уни синовдан ўтказди. Қаерда? Хиросима ва Нагасакида. Натижа қанчалик аянчли бўлганини гапиришим шарт эмас, шусиз ҳам бу бутун башарнинг оғриғи. Лекин барибир биз инсоннинг соғлом тафаккурига ишонамиз. Вақти келиб у албатта ботиний олами ва шафқатсиз техника ўртасида глобал зиддият мавжудлигини тушуниб етади.

– Ҳаётда, ижодда ўз “мен”им бор, деб ҳисоблайсизми?

– Ҳа, қандайдир даражада бор. Бироқ бу тушунчага жудаям муте эмасман, муҳими, тақдиримдан миннатдорман ва суратга олаётган фильмларимдан завқланаман.

*“Кино” (Вильнюс) журналининг  
1981 йил 10-сонидан олинди.*



*Моҳинур АҲМАДЖОНОВА*

## **“МАРИЯ СТЮАРТ” – МОЗИЙДАН СЎЗЛОВЧИ ФОЖИА**

Улуғ немис драматурги Иоганн Кристоф Фон Фридрих Шиллер (1759–1805) ёшлигиданоқ Шекспир, Руссо, Лессинг каби буюк ижодкорларнинг асарларидан бахраманд бўлиб улғаяди. Хусусан, Шекспир ижодидан драматургиянинг қатъий мезонларига риоя қилишни ўрганган бўлса, Лессингнинг “Эмилия Голотти”, Гётенинг “Гёц фон Берлихинген” асарлари бўлажак адибнинг ижодий феномени шаклланишига туртки берди.

Шиллернинг машҳур пьесаси “Мария Стюарт” тарихий мавзуда ёзилган. Маълумки, кўпчилик асарларда айнан тарих эмас, балки муаллифнинг ижодий ёндашуви, тўқима қаҳрамонлари биринчи ўринга чиқади, оқибатда кўплаб чалкашликлар юз бериб, ўқувчида тарихий шахсларга нисбатан нотўғри қарашлар шаклланади. Мана шундай камчиликларга йўл қўймаслик учун Шиллер “Мария Стюарт” асари устида узоқ ишлайди ва мозийдан ҳикоя қилувчи беш пардали шеърини фожиа яратади.

Асарнинг биринчи пардасини драматург 1799 йилнинг 24 июлида ёзиб тугатган. Шиллер фожиага сўнгги нуқтани қўйгач, орадан беш кун ўтиб, яъни 1800 йил 14 июнда Веймар театрида “Мария Стюарт”нинг премьераси бўлиб ўтади, ярим йилдан сўнг пьеса Берлин театри саҳнасида намоён этилади.

Асар мавзуси кенг қамровли бўлгани сабаб, у ҳақида турли-туман қарашлар пайдо бўлган. Бунинг исботи сифатида “Мария Стюарт”га бағишланган кўплаб мақолаларни мисол келтириш мумкин. Жумладан, рус театршуноси О.А.Смолян “Шиллер асарларининг Россиядаги биринчи таржимаси ва талқини” мақоласида шундай ёзади: “Мария Стюарт” саҳналаштирилишидан аввал ҳам рус халқи орасида машҳур эди. Асар илк бор 1812 йили Петербург театрида саҳналаштирилиб, Вольтер ва Расин пьесаларидан ҳам кўпроқ шухрат қозонади. Шундан сўнг “Санкт-Петербург янгиликлари” газетасида “Нахотки “Қароқчилар”, “Макр ва муҳаббат” ҳамда “Мария Стюарт” Расин ва Вольтер трагедияларидан яхши бўлса?” сарлавҳали мақола чоп этилади. Шишкова “Мария Стюарт” асарини таржима қилганидан сўнг Шиллер рус китобхонларининг сеvimли ёзувчисига айланади”.

Яна бир йирик санъатшунос А.Л.Штейн эса “Шиллер ва Малий театр” мақоласида Шиллернинг “Қароқчилар”, “Макр ва муҳаббат” ва “Мария

\* Моҳинур Аҳмаджонова – Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти талабаси.

Стюарт” асарларининг Малий театр сахнасидаги талқинлари ҳақида сўз юритади. “1886 йилнинг 14 февраль куни Малий театрида буюк актриса Мария Ермолованинг бенефисиди Шиллернинг “Мария Стюарт”и намоиш этилди. Спектакль катта муваффақиятга эришди, айниқса, Мария Стюарт роли, унинг Елизавета билан учрашув сахнаси Ермолова истеъдодининг энг юксак чўққиларидан бирига айланди. Шунингдек, Малий театрида Мария ролини Ермолова, Елизаветани – Федотова, Мортимерни – Южин, Лейстерни – Ленский, Паулетни – Гориев ижро этди. “Мария Стюарт”да жамланган бу жамоа чинакам ансамбль эди”, – дейилади мақолада.

Н.К.Орловскаянинг “Фридрих Шиллер рус сахнасида” мақоласида келтирилган фикрлар ҳам аҳамиятга молик: “1891 йил Форкатти томонидан ўғирилган “Мария Стюарт” муваффақиятсиз таржима бўлди. Форкатти таржимаси асосида сахналаштирилган спектакль рус драматик театрида намоиш этилди, аммо премьерани кутилган натижани бермади. Танқидчилар актёрлар Шиллерга хос характери очиб беролмади, деб баҳоладилар”.

Тифлисидаги театр муҳитини 1891 йил Ермолованинг бенефиси ўзгартирди. Шу бенефисда “Мария Стюарт” ҳам намоиш қилинди. “Тифлис хабарлари” газетаси Ермолованинг спектаклдаги ижросига бағишлаб шеър эълон қилди.

Россия халқ артисти И.Н.Бромлей “Бизга Шиллер керак” мақоласида “Мария Стюарт” ҳақида шундай ёзади: “Мен янги театрнинг камтарин жамоасига қироличалар Елизавета ва Марияга бағишланган спектакль орқали қайтиб келдим. Актриса сифатида Мария Стюартнинг аввало аёллик жиҳатини тасвирладим, у ҳукмронликни севувчи ва сиёсий жиҳатдан кўркмас қахрамон эди”.

Маҳоратли актриса В.А.Будрейко “Менинг Мария Стюарт роли устидаги изланишларим”<sup>1</sup> номли мақоласида 1938 йил Ленинграднинг янги театрида сахналаштирилган “Мария Стюарт” спектаклида яратган образи ҳақидаги таассуротларини ўртоқлашади: “Мен 1934 йил Ленинградга қайтиб, янги театрга ишга кирдим ва 1937 йил Мария ролини қўлга киритдим. Бу кутилмаганда содир бўлди. Тўғри, менда бирмунча профессионал тажриба бор эди, шу сабаб роль устида ҳам мустақил ишлай олардим. Ушанда шуни англадимки, Мария Стюартни ижро этишни фақатгина бир авлод вакиллари эмас, балки ҳеч қачон бу ролни ўйнаб кўрмаган актрисалар ҳам орзу қиларкан. Яна шуни билардимки, Ермолова бу ролни қойилмақом қилиб ижро этган. Энди мен ҳаммасини бир чеккага суриб, фақат ва фақат ўз устимда ишлашим зарур!

Сўнг шотланд қироличаси Мария Стюарт ҳақида материаллар тўплаганимда, кўрдимки, тарихчиларнинг қарашлари бир-бириникидан кескин фарқ қилади. Уларнинг бир қисми Мариюни бегуноҳ қурбон деб билса, бошқалари инглиз қироличаси Елизаветани маҳв этишда айблайди.

Секин-аста қахрамонининг характери ни кашф қила бошладим. Режиссёр Бромлей бизни янги спектаклнинг экспозицияси билан таништирди, барча актёрлар ўзларига юклатилган образни масъулият билан ижро этишди. Яқунда “Мария Стюарт” спектакли катта муваффақиятга эришди, рус маданият ҳаётида муҳим воқеага айланди”.

<sup>1</sup> Будрейко В.А. Моя работа над ролью Мария Стюарт. –М., 1965.

Фожиада XVI асрда яшаган ва бир-бирига қариндош бўлган икки диний мазҳабга мансуб сулолалар ўртасидаги зиддият ёрқин бўёқлар билан тасвирланади. Асар бош қаҳрамонлари – Мария ва Елизавета XVI асрда яшаб ҳукмронлик қилган стюартлар ва тюдорлар хонадонининг вакиллари бўлиб, мамлакат тарихида ўзига хос рутбага эга шахслар ҳисобланади. Елизавета тюдорлар орасида биринчи бўлиб протестантлик мазҳабини қабул қилган ҳукмдор. Протестантлик – насронийлик динининг католик ва проваслав мазҳабидан кейин, Германияда немис илоҳиётшуноси Мартин Лютер томонидан асос солинган лютерчилик таълимоти негизида вужудга келган. Елизаветага қадар унинг отаси Генрих VIII ҳам, опаси Мария Тюдор ҳам католик мазҳабига эътиқод қилишган. Онасининг қиролга хиёнат қилиши Елизавета тақдирини хавф остида қолдиради. Генрих VIII уни расман тан олмайди, боз устига саройдан ҳам узоклаштиради. Шу сабабли Елизаветанинг тахтга ўтиришида кўплаб муаммолар юзага келади. Унинг сулоласи мазҳабидан кечиб, протестантликни қабул қилиши, шусиз ҳам мураккаб вазиятни янада чигаллаштиради ва Англия тахтига кўз тиккан Мария Стюартга қарши кураш руҳини кучайтиради.



Фожиа марказида турувчи қаҳрамон – Мария Стюарт шотланд қироличаси, Англиядаги стюартлар сулоласининг вакили Яков IV (1488–1513)нинг набираси. Кардинал Шарл де Гиз француз католик черкови етакчиси бўлиб, Мария де Гизнинг акаси эди. Тахт учун кураш бошланган қалтис вазиятда Франциядан паноҳ излаган Мария де Гиз кизи Марияни 1548 йил француз қироли Генрих II ва Екатерина Медичига топширади. Мария шу ерда улғаяди. Келишувга асосан Мария бўлажак қирол Франциск Валуага турмушга чиқиши керак эди.

1558 йил Мария ва Франциск турмуш курадилар. 1559 йил Генрих II вафот этгач, Франциск тахтга ўтиради ва Мария Франция қироличасига айланади. 1560 йил Франциск вафот этади, Медичи Марияни Шотландияга қайтиб кетишга мажбур қилади. 1565 йил Генрих Дарнлига турмушга чиқади ва 1566 йил Шотландия тахти вориси Иаков VI дунёга келади. 1567 йил Дарнлига суиқасд қилинади.

Мария 1568 йил ўзига қарши исён кўтарган зодагонлардан қочиб Елизаветанинг олдига келади. Бироқ Елизаветанинг ёнига паноҳ излаб борган Мария Фотерингей қалъасида тутқун қилинади. Орадан ўн тўққиз йил ўтгач, 1587 йил Мария сохта хужжатлар асосида, қиролича Елизаветанинг жонига қасд қилишда айбланиб қатл этилади.

“Мария Стюарт” трагедияси 1968 йил Туроб Тўла томонидан ўзбек тилига таржима қилинади. Шоир русча ўғирмалар орасидан Т.Н.Вильмонтнинг таржимасини танлайди. Лекин фожиа ўзбек сахнасида Шиллернинг “Макр ва муҳаббат” ва “Қароқчилар” асарларичалик муваффақият қозона олмади. Спектакль 1969 йил 22 майда белорус режиссёри М.Спивак ва атоқли ўзбек санъаткори А.Турдиев томонидан

сахналаштирилган. Спектаклда Мария Стюарт ролини Яйра Абдуллаева, Елизаветани – Эркили Маликбоева, Лестер ролини эса Ёқуб Аҳмедов ижро этган. Спектаклда ўрта асрларга хос ғиштин қаср декорацияси устида рассом Георгий Брим изланишлар олиб боради. Спектаклнинг илиқ кутиб олинмаганига асосий сабаб, тахт учун қондошларнинг бири-бирини қатл этиши ўзбек томошабини шуурига сингмади. Театршунослар фикрича, М.Спивак бор эътиборни Елизавета даври фожиаларига урғу беришга қаратгани, барча саъй-ҳаракатларни фақат ташқи воситаларни излашга сарфлагани ва янглиш ечимларга йўл кўйгани боис спектакль муваффақиятсизликка учрайди.

Фридрих Шиллер Елизаветанинг оғир болалик йиллари ва Мариянинг беғам-беташвиш ўтган шодон ҳаётини таққослар экан, ўқувчи ва томошабинни икки хил ҳаёт манзарасини кузатишга чорлайди.

Мария Стюарт ўзлигини йўқотмаган, ўтмиш хатолари учун виждони қийналаётган аёл. Бунга пьесада унинг тилидан янгроччи қуйидаги сўзлар мисол бўлади:

*Асти кетмаяпти кўзимдан, Анна,  
Қонига беланган эрим Дарнли.*

*Билардим барини, аралашмадим,  
Ҳалокатга тортдим эркалаб туриб.*

Мария табиатан ҳукмдор эмас. Бу, айниқса, Елизавета билан бўлган учрашув сахнасида кўзга ташланади. Мария қолган умрини оддий аёл сифатида ўтказишга рози эканини таъкидлаб, рақибасига ёлворади:

*Худо хайрингизни берсин, воз кечдим  
Бутун тожи тахтдан. Энди менга, леги,  
Керакмас ҳашамлар.  
Мақсадингизга –  
Етдингиз. Энди мен Мариямасман,  
Соясиман фақат. Опа, бас энди,  
Айтинг нима учун келганингизни.*

Мария ҳаётни, тирикликни севади. Шу боис яшаш, озодликка чиқишдан умидини узмай, шундай хитоб қилади:

*Айтинг, айта қолинг, ҳамма эшитсин:  
“Мария, озодсиз. Татиб кўрдингиз  
Ҳукмимни етарли. Мана кўринг энди  
Муруватимни ҳам, ҳимматимни ҳам!”  
Айтинг, озодлигим, бу қолган умрим  
Сизнинг менга эзгу тухфангиз бўлсин.  
Битта сўз: “Саловат ўтган гапларга!”  
Орзиқиб кутаман, қулогим сизда.*

Мария католик мазҳабига эътиқод кўйган шахс. Қатл олдидан Мелвилдан роҳиб вазифасини ўташини сўрайди:

*Мен ҳозир мангулик эшигидаман.  
Чақира олмадим бирон-бир роҳиб  
Ўзим мазҳабимдан. Мана кетмоқдаман  
Шундай, Тангри билан ярашмай туриб.  
Сиз менга роҳибсиз, айтса ҳам,  
Сиз тангри элчиси, тинчлик келтирган  
Кета туриб сизга тавба қиламан,  
Сиздан эшитаман афву сўзини.*

Англия қироличаси Елизавета табиатан ҳукмдор. Биз буни отаси томонидан ҳатто тан олинмай туриб, ҳокимият тепасига келиши ва шундай оғир вазиятда ҳам тахтни эгаллаб турганида кўрамиз. Елизавета ҳокимиятга ўч. Буни ҳаётининг ўн тўққиз йилини тутқунликда ўтказган Мариянинг куйидаги монологи орқали билиш мумкин:

*Нимадан бошласам, қандай бошласам?  
Қандай ранжитмасдан юмшата олсам –  
Кўнглингизни, леди?.. Ўзни оқлаш учун  
Қоралашим керак сизни ноилож.  
Яхши қилмадингиз менга нисбатан.  
Ўз хоҳишим билан келувдим сизга,  
Сиз эса, асира қилдингиз мени.*

Елизавета ҳам ўз мазҳабининг ашаддий ҳимоячиси. Буни у Марияга куйидагича изҳор қилади:

*Хўш, номус, қондошлик нима деган сўз?  
Мазҳабингизда-ку бунинг ҳаммаси:  
Шоҳларни ўлдириш, хоинлик, фириб,  
Зўрлик қўл келади фақат бу ишда.  
Ҳеч қандай омонлик, раият бўлмас  
Илон насли билан менинг орамда.*

Бу гаплари билан Елизавета Мариянинг тоғаси, католикларда энг катта диний лавозим эгаси кардинал де Гизнинг Варфоламей тунида протестантларни аёвсиз қирганини эслатиб, католик мазҳабининг шафқатсиз ва иккиюзламачилигини исботлашга уринади. Бу орқали, албатта, ўзи эътикод қўйган протестантлик мазҳабини улуғлайди. “Илон насли” деб Елизавета фақат стюартларни эмас, балки барча католикларни назарда тутди.

Елизавета характерида аксарият ҳукмдорларга хос иккиюзламачилик бор. Елизавета Мариянинг илтижоли мактубини ўқиб туриб, кенгашга йиғилганлар олдида сохта кўз ёш билан шундай дейди:

*Қандай савдолар бор одам бошида!  
Болалигиданоқ бу қиролича,  
Бу қадимий тахтга ўтирди ҳамки,  
Уч тоғ бирлигидан узмади умид,*

*Нақадар бузилиб кетган атвори,  
Лекин мактубида йўриги бошқа.  
Кечиринг, жаноблар, кўнглим эзилади,  
Қон бўлиб кетади юрагим менинг,  
Бебақолигидан бу кенг оламнинг.*

Бу гаплари билан ўзини Марияга раҳми келгандек кўрсатади, айёрона тарзда унинг хатоларини ҳам қистириб ўтишни унутмайди. Характеридаги иккиюзламачилик, айниқса, асар якунида яққол намоён бўлади. Мариюни қатл этиш ҳақидаги ҳужжатга қўл қўйиб, Девисонга узатаркан, унинг: “Бир оғиз, аниқроқ қилиб айт менга, не қилишим керак бу қоғоз билан?” – деган саволига “Ҳаммаси айтилган, мени қийнаманг”, – дея жавоб қайтаради. Қатл фармони Берлига етказилиб, Мария қатл қилинганида эса Девисонга:

*Бу қандай итоатсизлик?  
Мен сизга Берлига беринг, дедимми?*


*Бу қанақа қилиқ! Менинг сўзларимни  
Бошқача нотўғри изоҳлаб, уни  
Қонли фожиасига йўйиб юбормоқ?..  
Кимга керак бўлди ҳукми  
Шундай зудлик билан сўрамай-нетмай,  
Бажариб юбориш?..  
Аммо ҳукми олий  
Тўғри эди. Бунга шубҳа йўқ сира.  
Лекин фойдаланмоқ лозим эди  
Кўнгилчанлигимиздан, шафқатимиздан.  
Йўқотинг кўзимдан бу фирибгарни!  
Сизни суд қиламиз, ҳуқуқингизни  
Қилганингиз учун суистеъмол*

– дея Талбот олдида ўзини оқлаб, топшириғини бажарган Девисонни барча ишда айбдор санаб, вазиятдан чиқиб кетади.

Фридрих Шиллер “Мария Стюарт” фожиасида тарихий ва бадий ҳақиқат уйғунлигини моҳирона тасвирлайди, асар мутолаасидан сўнг Мариюнинг аёллик хусусиятлари, хато ва хулосалари ўқувчи шуурига сингади, мозий билан боғлиқ мавҳумликлар юзага келмайди. Шиллер асар қаҳрамонларининг ҳеч бирини кўкларга кўтармади, камчиликларини хаспўшламади, аксинча, тарихий қаҳрамонларнинг асл шахсиятини гавдалантиришга ҳаракат қилди ва бунинг уддасидан чиқди. Шу боис “Мария Стюарт” фожиаси жаҳон драматургиясининг мумтоз намуналаридан бирига айланди ва ҳамон дунё театрлари сахнасидан тушмай келаётир.







## ДИЛЛАРНИ БОҒЛАГАН “АРҒИМЧОҚ”

Машҳур француз рассоми, график ва ҳайкалтарош, импрессионизм оқимининг ёрқин намояндаларидан бири Пьер Огюст Ренуар 1841 йил Франциянинг Лимож шаҳрида туғилган. Ренуар ижоди серкирралиги билан ажралиб туради. Мусаввир XIX асрнинг 50-йилларида чинни, парда, елпиғичларга расм (гул) ишлаш билан шуғулланган. 1862–1864 йилларда нафис санъат мактабида ўқиган, шу даврда К. Моне, А. Сислей, Ф. Базиль каби рассомлар билан танишган. Унинг дастлабки асарлари яралишига Г. Курбе, Э. Манелар ижоди сезиларли таъсир кўрсатган.

XIX асрнинг 60–70-йилларида пленэр (очиқ табиат қўйнида расм чизиш)да ижод қилишга ўтган Ренуар инсон шаклини ўзгарувчан нур, ҳаво муҳитида тасвирлайди. Бу унинг “Сенада чўмилиш” (1869), “Ложа” (1874) асарларида яққол кўринади. Табиат билан уйғун муҳит, инсонлар муносабати, ҳаётий вазиятлар рассомни ўзига тортади. Ижодкор байрамона ҳаёт тарзи – бал, ракс, сайрдаги жўшқин ва кувноқ ҳаётни ўз асарларида акс эттиради. Айниқса, аёллар образи Ренуар ижодида алоҳида ўрин тутаяди, рассомнинг бу туркум асарларида нозик хилқат вакиллари бетакрор рангларда тасвирланади. “Тушлиқдан сўнг”, “Соябонлар”, “Ж. Самори портрети” каби асарлари бунинг ёрқин мисолидир. Ренуар ҳаёт оқимидан ажратиб олинган, вақтнинг гўзал лаҳзаларини ифодаловчи асарлар яратиб, импрессионизм оқимининг асосчиларидан бирига айланган, монохром (бир рангда расм чизиш) рангтасвирда ажойиб колорист сифатида танилди (“Қора кийимдаги қизлар”).

Журналимизнинг 1-бетида акс этган “Арғимчоқ” картинаси рассомнинг муваффақиятли изланишларидан бўлиб, у 1876 йилда яратилган. Ренуар асарни 1877 йил импрессионистларнинг учинчи кўргазмасида кенг жамоатчиликка намоиш этади. Шу йили картина Франция маршали ва рассом Гюстав Кайботт коллекциясидан жой олади, унинг вафотидан сўнг полотно 1894 йил Люксембург боғидаги музейга топширилади. 1929 йил картина машҳур Лувр музейи рангтасвир экспонатлари қаторидан ўрин олади. 1947 йилда эса “Арғимчоқ” Же-де-Пом галереясида намоишга қўйилади. Мазкур санъат асари 1986 йилдан то ҳозиргача Париждаги д’Орсе музейи коллекциясида сақланмоқда. Картинанинг ўлчами 92х73 см, роми билан биргаликда 111х 92 см.

Полотнода гўзал ёш хоним арғимчоқда ўтирибди, йиқилиб тушмаслик учун қўллари билан унинг арқонини ушлаб олган. У кўк капалакнусха бантлари бор оқ кўйлақда тасвирланган, орқа билан ўгирилган эркак аёл-

нинг юзига қараб турибди. Афтидан, улар суҳбатлашишмоқда. Ёш эркак кўк пиджак ва сомонранг шляпа кийган, уларнинг ортида ниҳоятда нафис бўёқлар билан сайр қилаётган жуфтликлар тасвирланган. Картинанинг чап қисмида бошқа бир эркак дарахтдан бошини чиқариб қараб турибди, у билан бирга сарғиш сочли кичкина қизалоқни ҳам кўриш мумкин. Завқ оғушида хаёлга чўмган мафтункор аёл арғимчоқ учмоқда, унинг болаларча беғубор нигоҳи асарга ўзгача жозиба бағишлаган. Кўриниб турибдики, картина сюжети жудда содда. Асардаги ёш хоним ёнидаги эркак билан ниманидир баҳслашмоқда, кичкина қизалоқ ва дарахт ортида турган одам суҳбатнинг қандай яқунланишини кутмоқда.

Бир қарашда, Ренуар полотнога ёрқин ранглари беришга қизгангандек кўринади. Картина кўк, яшил ва оқ бўёқларда ишланган, дарахт шохлари орасидан тушаётган куюш нури асарни бирмунча жонлантиради. Нур қахрамонларнинг қиёфаси, уст-бошида акс этган. Рассом “Мулен де Галетдаги бал” картинасида япроқларга тушаётган нур орқали тасвир яратиш эффектидан фойдаланган бўлиб, “Арғимчоқ” асарида ҳам шу анъанани давом эттирган. Картина Ренуарнинг боғдаги устахонасида ишланган. Асардаги натурада тасвирланган аёл кўриниши жиҳатидан “Мулен де Галетдаги бал” асари персонажи Маргарита Легранни ёдга солади. Рассом Маргарита билан 1875 йилда танишади ва аёл 1879 йилда чечак касалидан вафот этади. Маргарита Легран рассомнинг қатор асарлари учун натура вазифасини бажарган. “Арғимчоқ” ва “Мулен де Галетдаги бал” асарлари бир вақт оралиғида яратилгани сабабли иккала картинани кўплаб муштарак жиҳатлар бирлаштириб туради, уларнинг табиати, ранги ва техник хусусиятлари деярли бир хил.

“Арғимчоқ” – Ренуарнинг индивидуал дастхатини кўрсатувчи ажойиб картина. Сюжет чизиклари, композиция тузилиши, штрихларнинг ўзига хослиги ва албатта, ёруғлик товланиши, дарахт шохлари орасидан ерга тушаётган куюш нурининг турли шакллар ҳосил қилиши каби топилмалар – Ренуар услубининг бетакрор чизгиларидир.

Шунингдек, журнализмнинг орқа муқовасида акс этган рус рассоми Леонид Пастернак ижодига мансуб “Л.Н.Толстой оиласи билан” картинасида улуғ адибнинг кундалик ҳаёти маҳорат билан тасвирланган бўлса, мусаввир Василий Кандинский “Яшил бўёқ фалсафаси” асарида шакллар ўйини орқали ажиб уйғунликни ҳосил қилган. Асосан пейзаж жанрида ижод қилган америкалик рассом Томас Мораннинг “Денгиздаги уфқ” картинасида бир-бирига туташиб кетган денгиз ва шафақ тасвири реалистик бўёқларда ифодасини топади, ички муқовадан жой олган француз рассоми Жан-Франсуа Милленинг “Баҳор” суратида эса табиат гўзаллиги, таровати шоирона эҳтирос ила қоғозга кўчган. Мазкур картиналарнинг барчаси жаҳон тасвирий санъатининг эътиборли намуналаридан бўлиб, уларда рассом тасавури ва хаёлоти чексизлигини ҳис қилиш мумкин.

*Гулираъно ОРИФЖОНОВА*

## УЛАР ҲАМ ШУ ОЙДА ТУҒИЛГАНЛАР...

### 1 АПРЕЛЬ

**1868–1918 йиллар.** Эдмон РОСТАН, неоромантизм йўналишида ижод қилган таниқли француз шоири, ёзувчи, драматург. “Бургут боласи”, “Шантеклер”, “Сирано де Бержерак”, “Романтиклар”, “Дон Жуаннинг сўнгги туни” сингари драматик асарлари, “Муסיкий қасида”, “Марсельезалар парвози” каби шеърлари машхур. Унинг жаҳон сахналарини забт этган “Сирано де Бержерак” комедияси журнализмнинг кейинги сонларида эълон қилинади.

### 3 АПРЕЛЬ

**1920–1994 йиллар.** Юрий НАГИБИН, таниқли рус адиби, журналист, сценарийнавис. “Катта юрак”, “Днепрдаги ҳарбийлар”, “Икки бор туғилиш”, “Тиниқ ҳовузлар”, “Ҳовлилар, кўчалар ва бутун дунё” сингари насрий асарлари, “Қиз ва акс садо”, “Мени кут, Анна”, “Дерсу Узала”, “Афсона шундай бошланади” киносценарийлари билан шуҳрат қозонган.

**1924–2004 йиллар.** Марлон БРАНДО, америкалик машхур кино ва телевидение актёри, кинорежиссёр, сиёсий арбоб. У “Портда” ва “Чўқинтирган ота” фильмлари учун икки марта “Оскар” ва “Олтин глобус” мукофотларига сазовор бўлган. “Орзулар трамвайи”, “Юлий Цезарь”, “Парижнинг сўнгги тангоси”, “Қабиҳ америкаликлар” ва бошқа фильмларда турли қаҳрамонларни ижро этган.

### 4 АПРЕЛЬ

**1758–1823 йиллар.** Пьер Поль ПРИЮДОН, француз рассоми, классицизм даври тасвирий санъатининг ёрқин вакили. Мусаввир асосан портрет жанрида самарали ижод қилган. “Сен-Жюст”, “Антони хоним фарзандлари билан”, “Бонапарт тантанаси”, “Юпитерга илтижо қилаётган Диана”, “Жарр хоним” каби асарлари жаҳон рангтасвир санъатининг ноёб намуналари ҳисобланади. Ҳозирда Прюдон картиналари Лувр, Эрмитаж ва Лион нафис санъат музейларида сақланади.

### 5 АПРЕЛЬ

**1942–2006 йиллар.** Ҳабиб САЪДУЛЛА (Ҳабибулла САЪДУЛЛАЕВ), таниқли ўзбек шоири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими (1992), Ўзбекистон халқ шоири (1999), “Эл-юрт ҳурмати” ордени соҳиби (2003). Дастлабки шеърӣ тўплами – “Океандан шабада” (Усмон Темур билан ҳамкорликда, 1969). Шундан кейин “Баҳор билан суҳбат”, “Мулоқот”, “Яна остонангда”, “Рамазон муножоти” каби китоблари чоп этилган. Шоир

драматургияда ҳам қалам тебратган бўлиб, “Юсуф ва Зулайхо”, “Меҳр қуёши” драмалари, “Раҳмат, ифвогар” комедияси саҳналаштирилган.

### 9 АПРЕЛЬ

**1821–1867 йиллар. Шарль БОДЛЕР**, буюк француз шоири, адабий танқидчи, таржимон, жаҳон авангард шеърятининг етук намояндаси. Бодлер дунё адабиётида энг кўп мунозарага сабаб бўлган ижодкорлардан бири. Унинг 1857 йили нашрдан чиққан “Ёвузлик чечаклари” номли шеъррий тўплами жамиятдаги азалий тушунчаларни рад этиши билан ўқувчини фикрлашга ундайди. Шоирнинг “Яланғоч юрак”, “Кўнгил жаннати”, “Насрдаги шеърлар”, “Париж ҳасрати” тўпламлари, “Альбатрос”, “Икарга арз”, “Инсон ва денгиз” ва бошқа шеърлари машхур.

### 15 АПРЕЛЬ

**1914–2000 йиллар. Зиё САМАДИЙ**, атоқли уйғур адиби, давлат ва жамоат арбоби, Қозоғистон халқ ёзувчиси (1986). Уйғур Мухтор Республикаси маданият ишлари вазири, Ёзувчилар уюшмаси раиси сифатида фаолият кўрсатган. Шеърлари илк бор 1934 йил “Или газети”да босилган. “Мойимхон”, “Йиллар сири” (тўрт китобдан иборат), “Ғани ботир”, “Аҳмад афанди” тарихий романлари, “Қонли доғ”, “Хитой зиндонларида”, “Лошмон”, “Зулмга завол” драмаларида уйғур халқининг миллий озодлик кураши тасвирланади.

### 17 АПРЕЛЬ

**1403–1474 йиллар. Али ҚУШЧИ**, “ўз даврининг Батлимуси” деб таърифланган улуғ олим, математик ва астроном, буюк аллома Мирзо Улуғбекнинг яқин дўсти ва шогирди. Али Қушчининг “Рисола фи-л-ҳисоб” (“Ҳисоб ҳақида рисола”), “Рисолаи қусур” (“Қасрлар рисоласи”), “Шарҳи “Зижи Улуғбек” (“Улуғбек “Зиж”ига шарҳ”) ва бошқа асарлари машхур.

### 18 АПРЕЛЬ

**1917–2001 йиллар. Георгий ВИЦИН**, таниқли рус театр ва кино актёри, Халқ артисти (1990). Кинорежиссёр Леонид Гайдай фильмларидаги машхур учлик (Юрий Никулин, Евгений Моргунов, Георгий Вичин) орқали кенг жамоатчиликка моҳир комик актёр сифатида танилган. Театр саҳнасидаги Воличка (“Соф виждонли одамлар”), Поднебеско (“Бахт”), Абдурахмон (“Ғалати кимса”), Молоканов (“Ўзингга кумир яратма”) каби образлари ҳамда “Иван Грозний”, “Салом, Москва”, “Захирадаги ўйинчи”, “Бальзаминовнинг уйланиши”, “Кавказ асираси ёки Шурикнинг янги саргузаштлари”, “Тугуртга кетиб”, “Ёқимтой ёлғончи” фильмларидаги роллари билан томошабинлар қалбидан чуқур жой олган.

### 22 АПРЕЛЬ

**1912–2010 йиллар. Малик ҚАЮМОВ**, ўзбек кино санъатининг атоқли намояндаси, кинорежиссёр, кинооператор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган

санъат арбоби (1946), Ўзбекистон халқ артисти (1967), “Эл-юрт хурмати” ордени соҳиби (1999). У 200 дан ортиқ хужжатли ва илмий-оммабоп фильмлар муаллифи. “Тошкент тўқимачилик комбинати”, “Она диёр”, “Тўрт дарвозали шаҳар”, “Ўзбекистонимизга келинг”, “Фарҳод чироклари”, “13 қалдирғоч”, “Самарқанд ҳамиша мен билан”, “Шарқда шундай шаҳар бор” (ёки “Тошкент билан учрашув”) каби фильмлари машҳур.

### 23 АПРЕЛЬ

**1564–1616 йиллар. Уильям ШЕКСПИР**, улуғ инглиз шоири ва драматурги, Уйғониш даврининг йирик сиймоларидан бири. Шекспир ижоди давомида 38 пьеса, 154 сонет, 4 поэма ва 3 эпитафия яратган. Унинг “Қийиқ кизнинг куйилиши”, “Вероналик икки йигит”, “Ричард III”, “Отелло”, “Макбет”, “Ромео ва Жульетта”, “Ҳамлет”, “Қирол Лир”, “Антоний ва Клеопатра”, “Бўрон”, “Афиналик Тимон” каби драматик асарлари ҳамон дунё сахналарини безаб келмоқда. Буюк драматург асарларини ўзбек тилига Чўлпон, Ғафур Ғулом, Мақсуд Шайхзода, Жамол Камол сингари адиблар таржима қилган.

### 27 АПРЕЛЬ

**1926–2005 йиллар. Абдуқодир ҲАЙИТМЕТОВ**, таниқли ўзбек навойшунос олими. “Алишер Навойнинг адабий-танқидий қарашлари”, “Навой лирикаси”, “Навойнинг ижодий методи”, “Шарқ адабиётининг ижодий методи тарихи”, “Навой даҳоси”, “Ҳаётбахш чашма”, “Навой-хонлик суҳбатлари” каби асарлари адабиётшунослигимизнинг ривожига хизмат қилган.

**1927–1999 йиллар. Евгений МОРГУНОВ**, машҳур рус кино ва театр актёри, кинорежиссёр, Халқ артисти (1978). Унинг содда ва самимий юморга бой ижролари томошабинлар меҳрини қозонган. “214 рақамли одам”, “Алвон елканлар”, “Пёс Барбос ва ғалати кросс”, “Йўқотилган вақт ҳақида эртақ”, “Уч бақалоқ”, “Ы” операцияси ва Шурикнинг бошқа саргузаштлари”, “Денгиз ҳикоялари”, “Шунчаки даҳшат” каби фильмларда турли образларни гавдалантирган. Режиссёр сифатида “Қазақлар йиғлаганда” фильмини суратга олган.

### 28 АПРЕЛЬ

**1926–2016 йиллар. Ҳарпер ЛИ**, таниқли инглиз адибаси, “Масхарабознинг ўлими” романи билан оламшумул шуҳратга эришган. Ушбу асар биринчи бор 1960 йил нашрдан чиқади ва китобхонлар орасида кўлма-кўл ўқилиб, ҳақиқий бестселлерга айланади. Орадан бир йил ўтиб роман “Пулитцер” мукофотига сазовор бўлади. 1999 йил АҚШда чиқадиган “Кутубхона” журналининг талқинига кўра, “Масхарабознинг ўлими” – “сўнгги юз йилликдаги энг яхши Америка романи” деб топилади.

*Шоҳрух АБДУРАСУЛОВ  
тайёрлади.*

●● Творчество великого немецкого поэта и философа Иоганна Вольфганга Гёте сыграло большую роль в развитии мировой литературы. В рубрике “Меридианы поэзии” вниманию читателей представлен поэтический цикл “Последнее творчество”, где отчетливо проявляется философский гений поэта. Данные стихотворения пестрят краткими, лаконичными, но при этом остроумными мыслями и философскими рассуждениями поэта.

●● Народный поэт, Герой Узбекистана Эркин Вахидов обрел всенародную славу не только своей философско-лирической поэзией, исследованиями смысловых аспектов узбекского языка, он также был примером для подражания как личность. Эссе известного переводчика и литературного критика Ибрагима Гафурова “Пора расставания” - это воспоминания об одной из последних встреч с поэтом. Отмечая проницательность Эркина Вахидова, автор пишет: “Поэт действительно был одарен блестящим умом. И за этим умом стояло благонравие. Разум, сотканный из нитей благонравия, писал, излагал, читал лишь благие речи...”

●● Именитый японский ученый Хисао Коматцу долгие годы посвятил изучению истории Туркестана, в том числе деятельности джадидов. Им издан ряд книг на данную тему. В ходе беседы с профессором Бахадыром Каримовым, Коматцу делится воспоминаниями об этих исследованиях, отмечая при этом, что выучил узбекский язык самостоятельно. Статья японского ученого “Трое джадидов и изменившийся мир”, представленная в рубрике “Литературоведение. Философия”, посвящена деятельности Исмаилбея Гаспринского, Абдурашида Ибрагимова и Абдурауфа Фитрата.

●● Русская поэтесса Татьяна Снежина обрела популярность как несравненная поэтесса, композитор, автор и исполнитель лирических песен, будучи совсем юной. Увы, она ушла из жизни очень рано, ей было всего двадцать три года. Но стихотворения, которые Татьяна успела оставить после себя, свидетельство ее яркого таланта. В рубрике “Меридианы поэзии” вы можете ознакомиться с подборкой образцов душевной лирики Снежиной.

●● Знаменитый русский писатель Антон Чехов частенько устраивал званые обеды и ужины. Удивительно, что в доме писателя собиралась весьма разношерстная публика, люди, совершенно отличающиеся как по чинам и положению, так и по вкусам и интересам. Чего же добивался Чехов? Автор статьи “Понять Чехова” известный узбекский публицист Ахмаджон Мелибаев поясняет это обстоятельство следующим образом: “Люди мыслящие лезут из кожи вон, чтобы донести какую-либо идею до тех, кто не понимает, приводят цитаты из популярных произведений, ценных источников. При этом, блюдо перед ними успеваеет остыть. Не понимающие же, напротив, искусно пользуясь вилкой, соблюдая все правила этикета (хвала им и честь за это), съедают все дочиста, и умело скрывая свою бестолковость (что тоже есть большое достижение), всем видом показывают “глубокую заинтересованность” в умной дискуссии”. Читайте в рубрике “Эссе”.

●● The great German poet and philosopher Johann Wolfgang Goethe wrote many works to develop the world literature. A collection of his poems named “The Last Works” presented in “Meridians of Poetry” rubric shows the philosophical genius of its author. These poems full of short, but original thoughts and philosophical ideas will be interesting to our readers.

●● The Hero of Uzbekistan, the People’s Poet Erkin Vohidov is well-known by his philosophical-lyric poems and by comprehensive research articles about Uzbek language. His notable personality is also a great example to follow. Well-known translator and literary critic Ibrohim Gafurov shares his impressions about one of the last meetings with E.Vohidov in his essay named “The Time of Wrench”. In particular, he describes the poet’s sharp wit: “The poet really had a great INTELLECT. A gist of the INTELLECT was knit of BREEDING threads. The INTELLECT knit of breeding threads said, wrote and read only KIND WORDS...”

●● A popular Japanese scientist Hisao Komatsu has been researching a history of Turkistan, especially, jadids activity for many years and he wrote several books about it. He refers about his research work and says that he independently learned Uzbek in conversation with professor Bahodir Karimov. The scientist writes about Ismoilbey Gasprinskiy, Abdurashid Ibrohim and Abdurauf Fitrat’s activity in his “Three Jadids and Changed World” article published in “Literary Criticism. Philosophy” rubric.

●● The Russian poetess Tatiana Snejina in her youth already became famous as a gifted poetess, skillful composer, an author of lyric songs and singer. Unfortunately she died after a tragedy in twenty three. Her poems were written by great talent. You can read her poems in “Meridians of Poetry” rubric.

●● Great Russian writer Anton Chekhov always invited rich and poor, famous and common men to banquets in his home. Why did he invite different people? Famous Uzbek publicist Ahmadjon Meliboyev in his essay named “Discovering Chekhov” presented in “Essay” rubric tries to explain it: “Wise men try to explain something to fools again and again, quote from popular books, ancient sources and meals in their plates get cold. Fools taking fork accurately (it is a great success for them) eat all meals and concealing that they understand nothing (it is a success too) shows false interest to conversation”.

# **Жаҳон** АДАБИЁТИ

*2017 йил апрель сони*

Навбатчи муҳаррир: Ш.АБДУРАСУЛОВ  
Техник муҳаррир: О.СОБИР ўғли  
Мусахҳих: Д.АЛИЕВА  
Компьютерда саҳифаловчи: М.АЛИЕВА

ИНДЕКС 828, 829

2007 йилда №0252 рақами билан лицензия олинган.  
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган, №189.  
Уч босма табоқ ҳажмгача бўлган қўлёзмалар қайтарилмайди.  
“Жаҳон адабиёти” журналида эълон қилинган асарларни кўчириб босишда  
ва қайта нашр этишда таҳририятнинг ёзма розилиги олинishi шарт.

**Таҳририят манзили:**

100011, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.  
Телефонлар: (0371) 244-41-60, 244-41-61, 244-41-62.  
Сайт: [www.jahonadabiyoti.uz](http://www.jahonadabiyoti.uz)  
E-mail: [jahonadabiyoti@list.ru](mailto:jahonadabiyoti@list.ru)

Босишга рухсат этилди 15.05.2017 й. Бичими 70x108 <sup>1</sup>/<sub>16</sub>. Офсет қоғози.  
Офсет босма. Шартли босма табоқ 18,2. Нашриёт босма табоғи 20,0.  
Адади 3820 нусха. 4598 рақамли буюртма. Баҳоси шартнома асосида.  
“Жаҳон адабиёти” журнали компьютер марказида териблиб, “Sharq” НМАКда чоп этилди.

**Босмаҳона манзили:**

100000, Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41.

© **Жаҳон адабиёти, 2017 й.**